

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

# Зикр аҳлидан сўранг



1



ШАЙХ МУҲАММАД СОДИҚ,  
МУҲАММАД ЮСУФ

**Зикр  
аҳлидан  
сўранг**

**I**

**ҚИСМ**

«HILOL-NASHR»  
ТОШКЕНТ — 2013

УЎК 297  
КБК 86.38  
М-81



قَالَ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ:  
﴿فَسْأَلُوا أَهْلَ الذِّكْرِ إِنْ كُنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ﴾

*Аллоҳ азза ва жалла марҳамат қилади:*  
**«Агар билмасангиз, зикр аҳлидан сўранг».**  
*(Наҳл сураси, 43-оят)*

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: «شَفَاءُ الْعِيِّ السُّؤَالُ».  
رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

*Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:*  
**«Билимсизликнинг шифоси саволдир».**  
*(Абу Довуд ривоят қилган)*

#### **Шиоримиз:**

Аҳли сунна ва жамоа мазҳаби асосида пок ақийда ва мусаффо Исломга интилиш, Қуръон ва суннатни ўрганиб амал қилиш, исломий маърифат таратиш, салафи солиҳ — улуғ мужтаҳидларга эргашиш, кенгбағирлик ва биродарлик руҳини тарқатиш.

Диний саводсизликни тугатиш, ихтилоф ва фирқачиликка барҳам бериш, мутаассиблик ва бидъат-хурофотларни йўқотиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Дин ишлари қўмитасининг 1568-рақамли тавсияси ила чоп этилди.

**М-81 Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф**  
Зикр аҳлидан сўранг. I қисм — Т.: «Hilol-Nashr» 2013. — 400 б.

ISBN 978-9943-9045-7-6

УЎК 297  
КБК 86.38

© Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф  
© «HILOL-NASHR» нашриёти, 2013.

## ИККИНЧИ НАШР МУҚАДДИМАСИ

### БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Алийму Хобийр Аллоҳ таолонинг инояти ила бундан роппа-роса олти йил аввал «Зикр аҳлидан сўранг» ойномасининг илк сонини нашр этишга муваффақ бўлган эдик.

Валий ва Ҳамийд У зотга беҳад, беадад шукурлар бўлсинким, бугунги кунда ушбу мўъжазгина ойномамизнинг 100-сонини ҳам китобхонлар қўлига етиб борди. Шу вақтгача бир ярим мингга яқин турли саволларга имкон қадар жавоб бериб келдик. Аммо китобчамизнинг ҳажми чекланган бўлганлиги сабабли, ҳамма саволларга ҳам батафсил жавоб беришнинг имкони бўлмай, кўпгина саволларнинг жавоби қисқароқ бўлиб қолганлиги ҳам сир эмас.

Ушбу савол-жавоблар катгароқ китобда жамланишини сўраган китобхонларимизнинг талаб ва истакларни ҳисобга олган ҳолда «Зикр аҳлидан сўранг» ойномамизни йирикроқ тўплам сифатида қайта нашр этишга киришдик. Бунда, албатта, аввалги китобчаларимиздан фарқли бир қанча жиҳатлар бўлишини ҳам мулоҳаза қилдик. Масалан, аввалги китобчалар ён чўнтақда олиб юришга мўлжалланганлиги сабабли, оят ва ҳадисларнинг арабий матнини илова қилмаган эдик. Эндиги тўпламимизда эса оят ва ҳадисларнинг матнини тўлиқ келтириб, уларнинг шарҳига ҳам етарлича ўрин ажратилди.

Аввалги китобчалар долзарб саволларга тезкор жавоблар тарзида бўлганлиги учун, уларни маълум бобларга саралашнинг имкони йўқ эди. Мазкур тўпламда эса саволларни фикҳий масалалар бўйича турли бобларга ажратиб, умумлаштириб бердик. Албатта, бунда бир масала бўйича саволларнинг такрорланиб келишининг олдини олиш ҳам

мумкин бўлди. Қолаверса, китобхонларнинг ўзларини қизиқтирган мавзуларни топишлари ҳам осонлашди.

Китобхонлардан келган саволларни иложи борича таҳрир қилмасдан ҳавола этиш фикримиз аввалги китобчаларимизда умумий ҳолатни англаб олишимизга ёрдам берган эди. Маълум бўлишича, кўпгина китобхонларимизнинг дийний, дунёвий ва ҳаттоки имловий саводлари ҳам ҳавас қиларли даражада эмас экан. Баъзан савол матнидан аниқ бир маънони англаб олиш қийин бўлган ҳолатлар ҳам учраб қоларди. Бошловчи намозхон ҳам билиши шарт бўлган жўнгина саволларни қайта-қайта сўрайвериш оддий ҳолга айланиб қолди. Баъзан эса, ғаразли мақсадларда берилган саволлар ҳам келиб турарди.

Ушбу савол-жавобларнинг иложи борича давомий, барча учун хайрли ва фойдали ҳамда холис бўлишини кўзлаб, эндиги тўпلامимизда саволларимизни маъно ва имло нуқтаи назаридан иложи борича яхшилаб таҳрир этишга ҳаракат қилдик. Бунда ушбу саволлар орқали ҳам китобхонларимизнинг умумий саводларини оширишни, хусусан, савол бериш одобини ўргатишни бош мақсад қилиб белгиладик.

Турли сабабларга кўра аввалги китобчаларимизда қисқароқ жавоб берилган саволларга мазкур тўпلامда кенгроқ, иложи борича батафсил жавоб беришга ҳаракат қилдик.

Айни пайтда, маълум бир мавзудаги такрорий саволларни умумлаштириб, ўша мавзуга оид асосий далил-ҳужжатларни келтирган ҳолда, атрофлича жавоб беришни маъқул кўрдик. Ушбу мавзу бўйича берилиши мумкин бўлган яна бошқа саволларни ҳисобга олиб, баъзи жавобларга анчагина кенг ўрин ажратдик.

Мазкур тўпلامнинг давомий бўлишини эътиборга олиб, унга «Хулоса» қисмини ҳавола этмадик.

Аммо зийрак китобхонларимиз савол-жавоблардан ўзлари учун маълум бир хулосалар чиқа-

риб, шаръий масалаларда ўта хушёр бўлиш лозимлигини англаб етадилар, деган умидимиз бор.

Китобхонлар орасида турли тушунмовчиликлар ва ихтилофлар чиқмаслиги учун яна бир бор таъкидлаб айтамикки, ушбу тўпламдаги саволларга биз ўз фикримиздан келиб чиқиб эмас, балки шаръий масдарларга суянган ҳолда жавоб бериб, аниқ бир масала юзасидан шариатнинг ҳукмини илмимиз етган даражада баён этдик. Шу маънода аввалги китобчаларимиздаги баъзи савол-жавобларни қисқартириб, баъзиларини тўлатишга ва яна баъзиларига бир оз аниқлик киритишга ҳам тўғри келди. Шунинг учун, ушбу тўплам асосий манбаъ деб қаралиши лозимлигини алоҳида таъкидлаймиз.

Комилик ёлғиз Аллоҳ таолога хосдир. Бизга фақат жузъий илм берилган, холос. Бинобарин, қайсидир саволнинг жавоби ноқисроқ бўлиб қолган бўлса ёхуд маълум бир масала юзасидан мазкур тўпламдагидан кучлироқ далил мавжуд бўлса-ю, у бизга етиб келмаган бўлса, китобхонлардан узр сўраймиз. Аммо ушбу тўпламдаги барча жавоблар аниқ далил-ҳужжатга асосланганлигига кафолат берамиз. Зеро, булар биз билган ва амал қилаётган шаръий ҳукмлардир.

Аллоҳим, ё Зал-Жалаали вал Икром, ё Роббал олабийн!

Тавфиқ ва ҳидоят берувчи фақат Ўзингдирсан! Ишимизда бир нуқсон ёки камчилик бўлса, ожиз бандангни Ўзинг афв қил! Ушбу китобимиз шаръий ҳукмлар борасидаги ишончли бир манбаъ бўлиб, дийнимиз ривожи учун хизмат қилишини насийб эт! Барчаларимизни Ислому шариатида собитқадам қил! Шаръий ҳукмларни холис қабул қилиш ва уларга ихлос ила амал этишга барчаларимизни бирдек муяссар айла! Турли ихтилофлар ва фитналардан бизларни Ўз паноҳингда асра!

Алҳамдулиллаҳи Роббил олабийн!  
Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф.

## БИРИНЧИ НАШР МУҚАДДИМАСИ

### БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Бандаларига илм берган ва билмаганларини сўраб ўрганишга амр қилган Аллоҳ таолога У зотнинг жалоли ва азаматига лойиқ ҳамду санолар бўлсин!

Умнатларига таълим берган ва билимсизликнинг давоси савол эканлигини баён қилган Набийимиз Муҳаммад Мустафога саловоту дурдлар бўлсин!

Дийний таълим олишда мусулмонларга ўрнак бўлган ва илмилардан савол сўрашга дастлаб амал қилган саҳобалардан Аллоҳ таолонинг Ўзи рози бўлсин!

Ислом уммати аъзоларининг саволларига жавоб бериб, дунёни фатволарга тўлдирган уламоларимизга Аллоҳ таолонинг раҳмати бўлсин!

Азиз ва муҳтарам ўқувчиларимиз! Ҳаммага маълумки, сиз билан биз бандаларнинг кундалик ҳаётимизда дийнимиз ҳукмларини билишга ҳожатимиз тушиб туради. Албатта, ҳар бир киши ҳам бу саволларга тўғри жавоб топа олмайди. Ўзича иш тутса, билмасдан гуноҳга қўл уриб қўйиши ҳеч гап эмас. Саволга ечим топмаса, яна бўлмайди. Нима қилмоқ керак?

Албатта, нима қилмоқ кераклигини Аллоҳ таолонинг Ўзи кўрсатиб берган. У зот Қуръони Каримнинг «Наҳл» сурасида:

**«Агар билмасангиз, зикр аҳлидан сўранг»,** деган (43-оят).

Бу ояти каримадаги «зикр аҳли»дан мурод илм аҳлидир. Айни оятнинг ҳукмига биноан, ўзига воқеъ бўлган дийний масалани ечишга илми етарли бўлмаган одам биладиганлардан сўраши вожибдир. Чунки шариат ҳукмига амал қилиш вожиб. Вожибга олиб борувчи нарса ҳам вожиб. Яъни вожибга амал қилиш учун уни билиш

вожиб. Билиш учун эса сўраш лозим. Мазкур саволларга тўғри ечим топишда халқ оммасига дийний уламолар ёрдам берадилар. Ҳар бир мусулмон шахснинг олим даражасига етиши талаб қилинмайди, бунинг имкони ҳам йўқ.

Бу ҳақда имом Фаззолий ўзларининг Усулул фикҳ илмига оид «Мустасфо» номли китобларида шундай ёзганлар:

«Омига уламолардан сўраш вожибдир. Чунки омининг аҳкомларни бажаришга мукаллаф эканлигига ижмоъ собитдир. Ундан илмий ижтиҳод қилишни талаб қилиш амримаҳолдир. Ундан бу иш талаб қилинса, экин-тикин ва наслу насаб тугайди. Касбу ҳунар барбод бўлади. Мазкур иш амримаҳол бўлса, уламолардан сўраш ва уларга эргашиш вожиб бўлади».

Имом Нававий «Ал-Мажмуъ» номли китобида куйидагиларни келтиради:

«Кимга бирор ҳодиса ориз бўлса, унинг ҳукмини билиши вожиб бўлади. Яъни унга ўша нарса ҳақида фатво сўраш вожиб бўлади. Агар ўз юртида фатво сўрайдиган одамни топмаса, узоққа сафар қилиб бўлса ҳам, фатво берадиган одамни топиши вожиб бўлади. Салафлардан кўп кишилар биргина масала учун неча-неча кеча-кундузлар сафар қилганлар».

## ФАТВО

Араб тилида «фатво» сўзи қийин саволга жавоб бериш маъносини англатади.

Шаръий истилоҳда эса сўраган кишига далил асосида шаръий ҳукми баён қилиб беришга «фатво» дейилади.

Биринчи фатво берувчи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бўлганлар. Ул зотдан кейин олим саҳобалар, тобеъинлар, табаъа тобеъинлар ва мужтаҳид уламолар бўлдилар. Бу иш ҳозиргача давом этиб келмоқда.

Мусулмонлар ҳаётида пайдо бўладиган саволлар бўйича фатво бериб туришнинг таъминланиши фарзи кифоядир. Яъни фатво бериб туришга етарли уламолар бўлиши лозим ва лобуддир.

Фатво Аллоҳ таолонинг ҳукмларини баён қилиш бўлганлиги учун, ўта масъулиятли иш ҳисобланади. Бу иш ҳалол-ҳаром, савоб-гуноҳ, жаннат-дўзах орасидаги ишдир. Шунинг учун, бу ишда ниҳоятда эҳтиёт бўлиш лозим.

### ФАТВО–ЖАВОБГАРЛИК

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам имом Доримий ривоят қилган ҳадисда:

«Фатвога журъатли бўлганларингиз дўзахга журъатли бўлганингиздир», деганлар.

Яъни билиб-билмай, охири нима бўлишидан кўрқмасдан, ҳавойи журъат қилиб фатво бераверадиган одам бу ишининг оқибатида дўзахга киришга журъат қилган бўлади.

Дастлабки мусулмонлар авлоди фатвонинг жавобгарлигини чуқур англаб етганликлари туфайли, ўзларидан илмироқ одам бор жойда жим туришни лозим билганлар.

Имом Нававийнинг «Ал-Мажмуъ» номли китобида Абдурроҳман ибн Абу Лайлодан қуйидагилар ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир юз йигирма ансорий саҳобаларининг ҳар биридан масала сўралганида «Ана ундан сўра», «Ана ундан сўра» деб, яна аввалгисига қайтиб келганини кўрдим».

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳуда илмининг барча тури етарлича бор эди. У киши Аллоҳ таолонинг Китобини ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини жуда яхши билар эдилар. Шу билан бирга, билмаган нарсаларини дарҳол тан олар ва ўз жойида «билмайман» дейиш билан фахрланар эдилар.

Бир куни одамлардан бири келиб, Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан савол сўради. У киши: «Билмайман», деб жавоб бердилар. Сўровчи орқасига қайтиб кетди. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу дарҳол қўлларини бир-бирига ишқаб, хурсанд бўлган ҳолларида:

«Абдуллоҳ ибн Умардан у билмайдиган нарса сўралган эди, «Билмайман», деди!» — деб айтдилар.

Ибн Абдул Барр «Жомиъул илм» китобида Мужоҳид розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан сулбдан бўлганларнинг мероси ҳақида сўралди. Бас, у: «Билмайман», — деди.

«Унга жавоб беришдан сени нима тўсади?» — дедилар.

«Ибн Умардан билмаган нарсаси сўралган эди, у: «Билмайман», деб жавоб берди», — деди Ибн Умар».

Ибн Абдул Барр «Жомиъул илм» китобида Уқба ибн Муслимдан ривоят қилади:

«Ибн Умарга ўттиз тўрт ой ҳамсуҳбат бўлдим. Ундан савол сўралганда кўпинча «Билмайман» дер эди-да, сўнгра менга қараб:

«Анавилар нимани исташини билдингми? Улар бизнинг елкамизни жаҳаннамга кўприк қилишмоқчи», — дер эди».

Ибн Саъд Нофеъ розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Бир одам Ибн Умардан масала сўради. У киши бошини эгиб, жавоб бермай, жим қолди. Одамлар, сўровни эшитмади шекилли, деб ўйлашди. Ҳалиги одам унга:

«Аллоҳ сенга раҳим қилсин, сўровимни эшитмадингми?» — деди.

«Эшитдим. Аммо сизлар сўраган нарсангиз ҳақида Аллоҳ бизни сўроққа тутмайди деб ўйлайсизлар, шекилли. Аллоҳ сени раҳим қилсин, бизни тек қўйиб тур. Масалангни фаҳмлаб олайлик.

Агар бизда унга жавоб бўлса, берамиз, бўлмаса, билмаслигимизни айтамиз», — деди».

Суфён ва Саҳнундан ривоят қилинади:

«Одамларнинг фатвога журъатлироғи энг илм-сизидир. Олим киши фатво бериш ҳайбатидан қўрқиб туради. Агар ҳукм Қуръон ва Суннатда ҳамда Ижмоъда равшан келган бўлса, уни айтишга журъат қилади. Аммо ҳукм ҳақида турли гаплар айтилган ёки махфийроқ бўлса, яхшилаб, чуқур ўрганади ва равшан бўлмаган нарсани айтмайди».

Имом Молиқдан гоҳида эликта масала сўралганида, бирортасига ҳам жавоб бермаган пайтлари бўлган. У киши:

«Жавоб берувчи ундан олдин ўзини жаннатга ва дўзахга солиб кўрсин, халос бўлишга кўзи етса, жавоб берсин», — дер эдилар.

Шу тарзда «Билмайман» дейиш — илмнинг ярми» деган исломий қоида пайдо бўлди.

## ИЛМСИЗ ФАТВО БЕРИШ ОҚИБАТИ

Илмсиз фатво беришнинг оқибати вой эканлигини ҳамма яхши англаб етиши зарур. Бу ҳақда бир неча ҳадиси шарифлар ҳам келган.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, Аллоҳ илмни одамлардан бир суғуриш ила суғуриб олмайди. Лекин илмни уламоларнинг (жонини) қабз қилиш ила чангаллаб олади. Токи олим қолмаганда, одамлар жоҳил бошлиқлар тутадилар. Бас, ўшалардан сўралади. Улар эса илмсиз равишда фатво берадилар. Шу билан, ўзлари ҳам залолатга кетадилар, ўзгаларни ҳам залолатга кетказадилар», — дедилар».

Бухорий, Муслим ва Термизий ривоят қилганлар.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кимга илмсиз равишда фатво берилса, бунинг гуноҳи унга фатво берган кимсага бўлади. Кимки тўғрилик бошқа тарафда эканлигини билиб туриб ўз биродарига бошқа ишни кўрсатса, батаҳқиқ, унга хиёнат қилган бўлади», — дедилар».

Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилганлар.

Жобир розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Бир сафарга чиққан эдик. Биздан бир кишига тош тегиб, бошини ёриб қўйди. Сўнгра ўша одам эҳтилом бўлиб қолиб, ўз шерикларидан:

«Менга таяммумга рухсат топасизларми?» — деди.

«Сен сувни ишлатишга қодир бўлиб турганингда биз сенга рухсат топа олмаймиз», — дейишди.

Бас, у ғусл қилди ва ўлиб қолди. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келганимизда, у зотга бу ҳақда хабар берилди. Бас, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Уни қатл қилишибди. Аллоҳ уларни қатл қилсин! Агар билмасалар, сўрасалар бўлмасмиди?! Албатта, билимсизликнинг шифоси саволдир. Унга фақатгина таяммум қилмоғи, жароҳатга латта боғламоғи, сўнгра унинг устидан масҳ тортмоғи ва баданининг қолганини ювмоғи кифоя қилар эди», — дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

## **ФАТВО КИМДАН СЎРАЛАДИ?**

Албатта, дийний ҳукмларни сўрамоқчи бўлган одам ҳар қандай кишидан сўрайвермайди. Дийний масалаларни кимдан сўрашнинг ҳам тартиб ва қоидалари бор.

Аввало фатво илми, тақволи ва адолатли кишидан сўралади. Бу ҳақда машҳур ҳанафий фақих Ибн Обидийн ўзининг донғи кетган «Раддул Мухтор» номли китобида:

«Иттифоқ қилинганки, фатво аҳли илмининг ичида ижтиҳод ва адолат билан танилган ва одамлар уни улуғлаб, фатво сўраб турган кишидан сўралади. Агар ижтиҳод ва адолатдан бирортаси бўлмаса ҳам, фатво сўралмайди», деган.

Кези келганда, фатво берувчи учун Ислом умматининг мужтаҳид уламолари томонидан қўйилган шартларни қисқача ўрганиб чиқишимиз фойдадан холий бўлмас.

Фатво берувчида қуйидаги сифатлар бўлиши шарт:

1. Муҳлис, тақводор мусулмон бўлиши.
2. Ақлли бўлиши.
3. Балоғатга етган бўлиши.
4. Адолатли бўлиши.

Яъни шариат кўрсатмаларидан чиқмайдиган бўлиши. Чунки фатво Аллоҳ таолонинг ҳукми ҳақида хабар беришдан иборат. Фосиқнинг хабари дийн соҳасида қабул эмас.

5. Ижтиҳод.

Имом Шофеъий бу ҳақда қуйидагиларни айтганлар:

«Фақатгина қуйидагиларни ўзида жамлаган кишигина Аллоҳнинг дийнида фатво бериши мумкин: Аллоҳнинг Китобини, унинг носихи ва мансуҳини, муҳками ва муташобихини, таъвийли ва танзийлини, маккийсини ва маданийсини яхши билган бўлиши ва ундан нима ирода қилинганини ҳам билиши керак. Сўнгра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини чуқур ўзлаштирган бўлиши керак. Ҳадисдан ҳам Қуръондан билган нарсаларни билмоғи лозим. Араб тилини ва шеърийатини яхши билмоғи керак. У нарсаларни инсоф ила ишлатиши шарт. Турли диёр уламоларининг ихтилофларини ҳам англаб етган бўлиши лозим. Шу билан бирга, ўткир зеҳнли бўлмоғи ҳам керак.

Ана шундагина гапириши ва ҳалол ҳамда ҳаромдан фатво бериши мумкин. Бўлмаса, жим турсин».

## ФАТВО СЎРАШ ОДОБЛАРИ

Фатво берувчи олим ундан савол сўраган кишига нисбатан муршид ва устоз мақомида бўлади. Шунинг учун, фатво сўровчи у билан бўлаган муомаласида одобли бўлмоғи, уни илми учун улуғламоғи ва эҳтиром қилмоғи лозим.

Ғам-ғуссада бўлган, аччиқланиб ёки қалби машғул бўлиб турган олимдан фатво сўраш одобдан эмас.

Олимдан савол сўраган пайтда унинг далили сўралмайди. Жуда сўраш лозим бўлса, бошқа мажлисда ёки фатвони қабул қилиб олгандан бир оз ўтиб сўраса, жоиз.

Фатво сўровчи учун қуйидагилар макруҳдир:

1. Кўп савол сўраш.
2. Дийнда фойдаси йўқ нарсаларни сўраш.
3. Воқеъликда йўқ нарсани сўраш.
4. Қийин масалаларни сўраш.
5. Таъаббудий масалаларнинг ҳикматини сўраш («Бомдод намози нима учун икки ракъат?», «Нимага икки марта сажда қилинади?» кабилар).
6. Саволда ҳаддан ташқари чуқур кетиш.
7. Бошқалардан устун келиш учун қайсарлик ила сўраш.
8. Бир олимдан сўрагандан кейин бошқасидан яна ўша саволни сўраш.
9. Енгил фатво берадиган одамни излаб топиб, сўраш.

Агар илмда ва адолатда бир хил олимлар бир нечта бўлсалар, сўровчи ўзи хоҳлаганига мурожаат қилиши мумкин. Аммо баъзи уламолар: «Уларнинг энг афзалидан сўраган маъқул», деганлар.

## ДИЁРИМИЗДАГИ АҲВОЛ

Барча мусулмон халқлар қатори бизнинг халқимиз ҳам қадимдан мазкур фармони илоҳийга амал қилиб, дийнда билмай қолган масалаларини

ўз уламоларидан сўраб келди. Уламолар эса, ўз навбатида, бу соҳада ихлос билан хизмат қилдилар. Юртимиз фақиҳларининг фатво бобида таълиф қилган китобларидан Ислоом оламида ҳозирги кунимизгача унумли фойдаланиб келинмоқда.

Аммо минг афсуслар бўлсинки, собиқ шўролар тузуми вақтида бошқа кўплаб яхшиликлар қатори дийний илмлар, жумладан, фатво соҳаси ҳам мусийбатга учради. Мусулмон халқимиз фатво сўрай олмай қолди. Фатво бериш қобилиятига эга бўлган уламоларни топиш қийин ҳолга айланди. Фарзи кифоя адо этилмай қолди.

Ҳаққ таолога чексиз ҳамду санолар бўлсинки, худосизлик империяси қулаганидан сўнг дийнимизга қайтиш жараёнида фатво ишлари ҳам жонлана бошлади. Ҳозирга келиб бу ишда анча силжиш борлиги кузатишмоқда. Ўз дийнини ўрганаётган халқимиз уламоларга турли саволлар билан мурожаат қилмоқда ва уламоларимиз қўлларидан келганича уларнинг талабларини қондирмоқдалар.

## ЯНГИ РЕЖА

Жумладан, камина ходимингизга ҳам шахсий мулоқотларда, маросимларда, масжидларда, радио, мактуб ва интернет орқали турли саволлар бериб турилибди. Уларга Аллоҳ таоло билдирганича жавоб бериб келмоқдамиз. Адолат юзасидан айтиб ўтишимиз лозимки, мактубларга жавоб ёзишнинг уддасидан чиқиш қийин бўлмоқда.

Тажриба халқ оммасини қизиқтираётган саволларга бир ёки бир неча марта жавоб беришнинг ўзи кифоя қилмаслигини кўрсатди. Қайси восита билан жавоб берилса, у фақатгина ўша воситадан фойдаланувчиларнинг бир қисмигагина етиб борар экан. Бир оздан сўнг худди ўша саволни яна бошқа шахс такрорлайверади. Натижада масала кўпчилик учун ечилмай тураверади, тушунмовчилик ва ихтилоф давом этаверади.

Ана шу ноқулайликни бир оз бўлса-да камай-тириш, саволларга жавоб самарасини ошириш ва хизматни яхшилаш мақсадида маслаҳатлашиб, ҳар ойда савол-жавоблардан иборат кичикроқ бир китобча чиқариб туришни маъқул деб топдик. Бунда долзарб саволларнинг жавоби кечикиб кетмаслиги ҳам кўзда тутилди.

Сўнгги пайтларда турли сабабларга кўра, одамлар орасида, хусусан, баъзи нашр қилинган китобларда асоссиз ва ҳужжатсиз равишда ойлار ва алоҳида кунлар ҳақида ҳар хил гаплар тарқалиб кетди. Кишиларимиз уларнинг қайси бирига ишонишларини ва улардаги қайси гапларга амал қилишларини билмай, қийинчилик ва ҳайронликка тушиб қолмоқдалар. Ҳар ойда чиқадиган китобчамиз эса ўша ойлар ва улардаги кунлар ёки кечалар ҳақидаги дийний маълумотларни ўз вақтида ватандошларимизга етказишда ҳам хизмат қилади, деган умиддамиз.

Қадимдан одамлар орасида «Икки ҳайитнинг орасида никоҳ жоиз эмасмиш», «Сафар ойида тўй қилиб бўлмасмиш» каби бидъат тушунчалар ҳам тарқалиб қолган. Иншоаллоҳ, ҳар ойда чиқадиган китобча шунга ўхшаш тушунмовчиликларнинг барҳам топишида ҳам ёрдам беради, деган умиддамиз.

Яхши ният билан бошлаётган китобчамизга «Зикр аҳлидан сўранг» деган номни ихтиёр қилдик. Бунда Аллоҳ таолонинг «Агар билмасангиз, зикр аҳлидан сўранг» оятининг баракасидан умидворлик бор.

Сиз азизлардан келган саволларни иложи борида таҳрир қилмасдан ҳавола этишни маслаҳат қилдик. Бизнинг фикримизча, ҳолатни тўғри баҳолашда саволлар ҳам ўзига хос омил бўлади. Биз саволларни турига қараб саралаш имконига эга бўлмаганимиз учун, уларни бирин-кетин келтиришни ва жавоб беришни маъқул кўрдик.

Саволларга жавоб излашда исломий илм доираларида шуҳрат қозонган қадимги китоблар-

дан «Фатаваи Оламгирия», «Фатаваи Қозихон», «Радул Мухтор», «Ҳидоя» ва унинг шарҳлари, «Бадоиъус-Саноиъ фий тартибиш-Шароиъ», «Ал-Баҳрур-Роиқ», «Ал-Фатҳул Қодийр», «Мажмаъул анҳур шарҳи мултақол абҳур», «Ал-Ихтиёр», «Ал-Лубоб фий шарҳил китоб», имом Муҳаммаднинг «Зоҳирур-ривоя» китоблари ва бошқалардан фойдаланишни лозим кўрдик.

Шунингдек, янги китоблардан «Эълоус-Сунан», «Ал-Фикҳул Исламийю ва адиллатуху», «Ал-Фикҳул Ҳанафийю фий савбиҳил жадийд», Ислому Фикҳи Академиясининг кўп жилдлик нашрлари, «Ал-Муназзаматул Исламийяту фил Улумит-Тиббийяту» ташкилотининг кўп жилдлик нашрлари, машҳур олимларнинг замонавий фатво мажмуалари, ўзимизнинг китобларимиз ва бошқа манбаълардан фойдаланишга қарор қилдик.

Ушбу камтарона изланишимизда Аллоҳ таолонинг Ўзи мададкор бўлсин! Ўзининг ҳаққ йўлидан адаштирмасин! Ният қилиб турган ушбу ишимизнинг яхши амалларимиз тарозисида юк босишини насийб этсин! Камчилик ва хатолари бўлса, Ўзи кечирсин! Бу амалнинг ҳаммамиз учун фойдали бўлишини таъминласин! Аллоҳ таолонинг Ўзи ҳидоят қилувчи ва муваффақият ато этувчидир!

*Шайх Муҳаммад Соғиқ  
Муҳаммад Юсуф*

# بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

## АҚОИД КИТОБИ

### 1-БОБ. ИСЛОМ, ИЙМОН, ҒАЙБ ОЛАМИ (МЕТАФИЗИКА) ҲАМДА ҚАЗО-ҚАДАР

#### «ДОББАТУЛ АРЗ» ҲАҚИДА

#### 1-САВОЛ

*«Намл» сурасининг 82-оятига айтилган — ердан чиқадиган ҳайвон ҳақида бир оз маълумот берсангиз.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Саволда зикр қилинган ҳайвон «Доббатул арз» деб аталади.

Қиёматнинг энг катта аломатларидан бири бўлган «Добба» — жонивор ҳақида «Намл» сурасида бир оят бор. Аллоҳ таоло:

❖ وَإِذَا وَقَعَ الْقَوْلُ عَلَيْهِمْ أَخْرَجْنَا لَهُمْ دَابَّةً مِّنَ الْأَرْضِ تُكَلِّمُهُمْ أَنَّ النَّاسَ كَانُوا بِآيَاتِنَا لَا يُوقِنُونَ

**«Қачонки, уларнинг бошига сўз(ланган азоб) тушганида, Биз улар учун ердан бир добба — жонивор чиқарамиз. У уларга, албатта, одамлар Бизнинг оятларимизга ишонмайдиган бўлганларини айтиб беради» (82-оят), деган.**

Бу ҳодиса Қиёматнинг аломатларидан биридир. Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада кофирлар бошига ваъда қилинган сўз — Қиёмат азоби тушиши чоғида ердан бир ҳайвон чиқариши ҳақида хабар бермоқда. Демак, бу ишнинг бўлиши муқаррарлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Саҳиҳ ҳадиси шарифларда бу ҳайвон ҳам Қиёматнинг аломатларидан бири эканлиги, «тавба

қилса, фойда бермайдиган вақт»да чиқиши ҳақида хабарлар келган.

Ҳофиз ибн Касир:

«Бу жонивор охирги замонда, одамлар фасодга берилганда, Аллоҳнинг амрини тарк қилганларида ва ҳаққ дийнни ўзгартирганларида чиқади», деганлар.

عَنْ حُدَيْفَةَ بْنِ أَسِيدِ الْغِفَارِيِّ قَالَ: أَشْرَفَ عَلَيْنَا رَسُولُ اللَّهِ ﷺ مِنْ غُرْفَةٍ وَنَحْنُ نَتَذَاكُرُ السَّاعَةَ فَقَالَ: «لَا تَقُومُ السَّاعَةُ حَتَّى تَرَوْنَ عَشْرَ آيَاتٍ...» رَوَاهُ أَحْمَدُ.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Ҳузайфа ибн Усайд ал-Гифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда ҳам Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ўнта белгини кўрмагунингизча, Қиёмат қоим бўлмайди», деб туриб, ердан жонивор чиқишини ҳам айтганлар.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو قَالَ: حَفِظْتُ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ حَدِيثًا لَمْ أَنْسَهُ بَعْدُ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: «إِنَّ أَوَّلَ الْآيَاتِ خُرُوجًا طُلُوعُ الشَّمْسِ مِنْ مَغْرِبِهَا وَخُرُوجِ الدَّابَّةِ عَلَى النَّاسِ ضُحَى وَأَيُّهُمَا مَا كَانَتْ قَبْلَ صَاحِبَتِهَا فَالْأُخْرَى عَلَى إِثْرِهَا قَرِيبًا». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтадилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир ҳадис ёд олиб, ҳеч ёдимдан чиқармадим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитганман: «Қиёматнинг

**биринчи аломатларидан қуёшнинг мағрибдан чиқиши ва одамларга добба – жониворнинг чиқишидир, буниси чошгоҳ пайтида бўлади. Қайси бири олдин чиқса, кейингиси дарров шеригининг орқасидан чиқади».**

Шу билан бирга, муҳаққик тафсирчи уламоларимиз ушбу жонивор ҳақида кераксиз ва асоссиз гаплар кўпайиб кетганини, улар тафсир китобларимизга ҳам кириб қолганини, ишончли манбаъларга суянмаган гаплар бўлгани учун, уларга эътибор бермаслик лозимлигини таъкидлайдилар.

Қуръони Каримда ва саҳиҳ ҳадисларда келган хабарлар билан кифояланиш энг яхши иш. Қолгани эса фақат Аллоҳ таоло биладиган ғайб илмидир.

**«Қачонки, уларнинг бошига сўз(ланган азоб) тушганида, Биз улар учун ердан бир добба – жонивор чиқарамиз».**

Бу «жонивор» оятда «добба» деб айтилган. «Добба» «ер юзида» аста юрувчи деганидир. Қорни билан судралиб юрадими, икки, тўрт ёки сонсиз-саноқсиз оёқлари билан юрадими, фарқи йўқ. Дийний адабиётимизда ҳам бу жонивор «доббатул арз» номи билан машҳур бўлган.

Демак, Қиёмат яқинлашганда ўша жонивор чиқади ва:

**«У уларга, албатта, одамлар Бизнинг оятларимизга ишонмайдиган бўлганларини айтиб берадир».**

«Доббатул арз»ни одамларга гапиртиришдан мақсад уларнинг илоҳий оятларга иймон келтирмайдиган бўлганликларини билдириш экан.

Қандай қилиб айтишини Аллоҳ таолонинг Ўзи биледи. Добба имо-ишора билан тушунтирадими, ҳамма инсонлар тушунадиган тилда гапирадими ёки инсонлар унинг тилини тушунадиган бўлиб қоладиларми, биров бу ҳақда ҳеч нарса билмайди.  
**Валлоҳу аълам.**

## ШАЙТОН ҲАҚИДА

### 2-САВОЛ

Ассалому алайкум, шайх Ҳазратлари, қилаётган хайрли ишларингизни Аллоҳ баракали ва давомли қилсин. Саволимнинг биринчиси шуки, Қуръонни ўқиб бир савол пайдо бўлди ва унинг жавоби мени ўйлантириб келмоқда. Балки бу Аллоҳ таъолонинг ҳикмати олийси билан биз бангалардан яширилгандир, балки жавоби шу ернинг ўзига бордир. Илтимос, шу ҳақида маълумот берсангиз. Шайтон алайҳилаъна ўз кибру ҳавоси туфайли Аллоҳнинг ғазабига учраб жаннатдан қувилди. Одам Ато ва Момо Ҳавво эса жаннатда бахтли ҳаёт кечирarmoқда эди. Аммо уларнинг аниқ душманлари бўлган шайтон (унга Аллоҳнинг лаънати бўлсин) уларни Аллоҳ ҳаром қилган дарахт мевасини татиб кўришга ундади ва ниятига эришди. Ҳурматли шайх ҳазратлари, бу ерда менга тушунарсиз бўлиб турган жойи жаннатдан қувилган шайтоннинг жаннатдаги Одам алайҳиссалом ва у зотнинг аёлларини адаштириши, яъники, у қандай қилиб жаннатда пайдо бўлиб қолди?

Ҳорут ва Морут фаришталарми ёки шайтонларданми?

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Жуда қадим даврлардан бошлаб, «Ўша жаннат қаерда эди, қандай эди?» каби саволлар ва уларга жавоблар ғоят кўп бўлган. Бунга талай умр, заковат, вақт ва бошқа имкониятлар зое этилган. Бугун ҳам бу масалаларда «ёқа бўғишаман» деганлар хоҳлаганча топилади. Аммо улар бу илоҳий сирнинг сўнгига ета олмайдилар. Фаразан етсалар ҳам, бундан нима фойда? Агар ўша жаннатнинг қаерда эканини, унда шайтон алайҳилаъна қай ҳолда Одам Ато билан Момо Ҳаввога қутқу солганини айнан билиш мусулмонларга манфаатли бўлганида, Аллоҳ таолонинг Ўзи бундан огоҳ этар

ёхуд излаб топишга амр қилар эди. Аллоҳ таоло бундай қилмади. Демак, уни топишга уринишнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ.

Шундай бўлса ҳам, «ўша жаннат охиратдаги жаннат эмас, бошқа бир боғ» деган гаплар ҳам борлигини айтиб ўтишимиз лозим. Арабчада боғни «жаннат» дейилади.

## ҲОРУТ ВА МОРУТ ҲАҚИДА

Қуръони Каримда шундай марҳамат этилади:

وَمَا أُنزِلَ عَلَى الْمَلَائِكَةِ بِبَابِلَ هَرُوتَ وَمَرْوَتَ

**«Ва Бобилда Ҳорут ва Морут номли икки фариштага тушган нарсага эргашдилар» («Бақара» сураси, 102-оят).**

Ҳорут ва Морут кимлиги тўғрисида тафсирчилар турли фикрларни айтганлар. Лекин бу фикрларнинг ҳаммаси ҳам ишончли манбаъга асосланмаганлигини уламоларимиз алоҳида таъкидлаганлар. Шунинг учун, оятдаги ибораларнинг таркибидан, «Бу икки исм эгалари фаришта бўлган» деб айтганларнинг фикри қувватлироқ чиққан. Аллоҳ таоло инсонларни хоҳлаган усулда, хоҳлаган воситалар ила синаб кўради, бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ.

Маълумки, Аллоҳ таоло Сулаймон алайҳиссаломга ҳам Набийлик, ҳам подшоликни берган эди. Шу билан бирга, у кишига бутун ҳайвонларнинг тилини ўргатиб, жинларни хизматларида ҳозир у нозир қилиб қўйган эди. Бу илоҳий мўъжизалар у кишининг Набий эканликларини тасдиқлаш учун берилган эди. Мазкур мўъжизалар ҳақидаги оятлар бошқа жойларда келган, ўрни билан алоҳида ўрганилади. Ҳозир мавзуъга алоқадор томони шулки, Аллоҳ таоло Сулаймон алайҳиссаломга берган мазкур мўъжизаларни кўриб одамлардан баъзилари иймонга келди, иймонлиларнинг

иймонлари мустаҳкамланди. Аммо кофирлар, душманлар ва шайтонлар: «Сулаймон сеҳргар, у ўз сеҳрининг кучи билан турли ҳайвонлар ила муносабатда бўлмоқда, жинларни ишлатмоқда», деган гапларни тарқатишди. Бундай миш-мишни тарқатишда яҳудийлар қавми, айниқса, жонбозлик кўрсатган эди. Шунда Аллоҳ таоло Набийларга берган мўъжизалар билан сеҳрнинг фарқини амалий суратда кўрсатиш учун Бобилга Ҳорут ва Морутни юборди. Улар хоҳлаганларга сеҳр ўргатиш билан вазийфаланган эдилар. Аммо сеҳр ўргангани келганларга аввал:

وَمَا يُعَلِّمَانِ مِنْ أَحَدٍ حَتَّى يَقُولَا إِنَّمَا نَحْنُ فِتْنَةٌ فَلَا تَكْفُرْ<sup>ط</sup>

«Биз фитна – синов учунмиз, кофир бўлмагин», демасдан олдин ҳеч кимга ўргатмасдилар» («Бақара» сураси, 102-оят).

Яъни, «Биз фитна учун, одамларни синаш учун юборилганмиз, сеҳрни ўрганган кофир бўлади, сен ҳам уни ўрганиб кофир бўлма», деган маънода огоҳлантиришар эди. Келган одам бу гаплардан кейин қайтиб кетса — кетди, кетмаса, кофир бўлишини билиб туриб ҳам «ўрганавераман» деса, ўргатишар эди. Мана шунинг ўзидан Набийлик мўъжизаси билан сеҳр ўртасидаги энг катта фарқ намоён бўлади. Набийлик мўъжизаси илоҳий неъмат бўлиб, фақат Аллоҳ таоло томонидан берилади. Сеҳр эса, ўргатувчидан ўрганса бўладиган, ёмонликка ишлатиладиган бир нарсадир. Шундай қилиб, мўъжиза нима-ю, сеҳр нима эканлиги кишиларга амалда кўрсатилган экан. *Валлоҳу аълам.*

### ҚИЁМАТ ҲАҚҚЛИГИГА АҚЛИЙ ДАЛИЛ



*Ассалому алайкум! Охиратга иймон учун ақлий далиллар борми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Қиёмат кунининг борлигига келтириладиган далиллар иккига бўлинади.

1. Нақлий далиллар (бошқаларнинг хабари).

2. Ақлий далиллар.

Нақлий далилларга кўра қисқа қилиб айтганда, инсоният тарихидаги барча дийнлар иттифоқ қилишганки, инсон ўлгандан сўнг қайта тирилади ва бу дунёда қилган ишларининг ҳисоб-китоби бўлади.

Ақлий далилларга келсак, барча-барча одамлар — қадимгилар ҳам, ҳозиргилар ҳам, саҳродагилар ҳам, шаҳардагилар ҳам, ҳатто энг чекка жойларда яшайдиганлар ҳам, илмилар ҳам, илмсизлар ҳам ўзида илҳомга ўхшаш бир махфий сезги борлигини билади. Бу сезги айтадики, бу дунёдаги ҳаётдан сўнг яна бошқа ҳаёт бўлади. Унда ҳозирги ҳаётда топилмаган адолат ҳақийқатга айланади, ҳар бир инсон ўзининг қилган ишига яраша мукофот ёки жазо олади.

Норман Билл исмли олим бу борада шундай дейди: «Кишида «Ўлгандан сўнг, яна ҳаёт бўлади» деган сезгининг борлиги Қиёмат кунининг ҳаққлигига энг кучли далиллардан биридир.

Аллоҳ таоло инсонни бирор нарсага қониқтирмақчи бўлса, ўша фикрни унинг қалбига солиб қўяди. Одамларда абадий ҳаётга интилиш (агар у дунёда бўлса ҳам) кенг тарқалган сезгидир. Бунга енгилтаклик билан қараб бўлмайди. Биз интилаётган ва чин қалбдан ҳис қилаётган бу нарса бирор ишончли асоснинг акси бўлиши турган гап.

Бундай улкан ҳақийқатларга материалистик йўл билан, моддий далиллар билан ишониб бўлмайди. Балки ақийда, илҳом ва руҳий сезгилар йўли билан ишонилади. Илҳом ҳақийқатни илмий фаҳмлашда муҳим омилдир».

Аллоҳ инсонни ақлли қилиб, баркамол ва кўпгина нарсаларга тайёр қилиб, коинот сирларини очишга қодир қилиб яратди.

Шундай олий мартабага эга бўлган инсоннинг бошқа ақлсиз, идроксиз, истеъдодсиз ҳайвонлар каби ҳолга тушиб қолиши тўғри эмас. Балки тўғри йўл шуки, инсон бу дунёдаги ҳаётдан сўнг яна қайта тирилиб, ўз амаларининг самарасидан баҳраманда бўлиши керак.

Агар Аллоҳ таоло инсонга турли қобилиятларни бериб қўйиб, сўнгра бепарво ташлаб қўйса, бу иш беҳикмат бўлиб, адолатдан ҳам узоқ бўлар эди.

Доктор Эдуард Кейсел «борлиқ азалийдир» дейилишини рад этиб шундай дейди: «Илм очиқ-ойдин кўрсатиб турибдики, бу борлиқ азалий бўлиши мумкин эмас. Биз доимо иссиқ жисмдан совуқ жисмга ҳарорат ўтиб туришини яхши биламиз. Бунинг акси, яъни совуқ жисмлардан иссиқ жисмларга ҳарорат қайтиб ўтиши асло мумкин эмас. Шунинг ўзи кўрсатиб турибдики, бу борлиқда барча жисмлардаги ҳароратларнинг тенглашиши учун ҳаракат бор. Агар шундай бўлмаса, кимёвий ва табиий ўзгаришлар бўлиши мумкин эмас.

Модомики, кимёвий ва табиий ўзгаришлар давом этиб турган экан, ишонч билан айтиш мумкинки, бу борлиқ азалий эмасдир. Агар азалий бўлганда эди, ундаги энергиялар қачонлардир тутаб, ҳаётдан асар ҳам қолмаган бўлур эди. Шундай қилиб, илм борлиқнинг бошланиши бор эканлигини исбот қилади. Бу эса, Аллоҳнинг борлигига далилдир. Чунки ҳар бир янги пайдо бўлган нарса ўзини-ўзи ярата олмайди. Балки уни қандайдир ташқи куч вужудга келтирган ва ҳаракатлантирган бўлиши керак. Бу куч Аллоҳдир».

Қуръонга назар солсак, у борлиқнинг бошланиши борлигини, борлиқ Аллоҳнинг яратган нарсаси эканлигини баён қилади. «Анкабут» сурасида:

أَوَلَمْ يَرَوْا كَيْفَ بَدَأَ اللَّهُ الْخَلْقَ ثُمَّ يُعِيدُهُ ۚ إِنَّ  
ذَلِكَ عَلَى اللَّهِ يَسِيرٌ

«Аллоҳ махлуқни аввал-бошдан қандай яратишини, сўнгра уни яна қайтаришини кўрмайдиларми?!» деган оят бор (19-оят).


Шу билан бирга, Қуръон борлиқнинг ниҳояси борлигини ҳам баён қилади. Бу, Қиёмат куни бўлиб, у кунда энергиялар тутаб, қуёшнинг нури ҳам қолмайди.

Аллоҳ таоло «Таквир» сурасида:

إِذَا الشَّمْسُ كُوِّرَتْ ﴿١﴾ وَإِذَا النُّجُومُ انْكَدَرَتْ ﴿٢﴾

«Вақтики, қуёшни буклаб, ўралса. Ва, вақтики, юдузлар узилиб тушиб, сочилиб кетса» (1-, 2-оятлар), деган. *Валлоҳу аълам.*

#### ДЎЗАҲДА АБАДИЙ ҚОЛИШ МАСАЛАСИ



*Ассалому алайкум! Калима келтирган мусулмон одам бу дунёда гуноҳлар қилиб ўтса (масалан, кўпчилик зино, ичкиликбозлик ва кичик гуноҳлар қилиб ўтишади), аммо Аллоҳга иймон келтирган ва охиратга ишонган бўлса, абадий дўзахда қолиши мумкинми ёки қилган гуноҳларига дўзахда жазо олиб, сўнг барибир жаннатга ўтадимиз? Илтимос, шу ҳақда аниқроқ тушунтириб беринг. Раҳмат!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Дўзахда абадий қолиш мўмин-мусулмонлардан бошқалар учундир. Мўмин-мусулмонлардан гуноҳкор бўлганлари қилган гуноҳига яраша дўзахда қолганидан кейин жаннатга чиқариладилар.

Бу ҳақда «Ақийдатут-Таҳовия»да қуйидагилар айтилган:

«Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматларидан бўлган гуноҳи кабийра аҳллари, агар муваҳҳид — тавҳидга ишонган ҳолда ўлсалар, гарчи тавба қилувчи бўлмасалар ҳам, Аллоҳга У зотни таниган ҳолларида рўбару бўлганларидан ке-

йин, дўзахда бардавом қолмаслар. Улар Аллоҳнинг хоҳиши ва ҳукмидадирлар. Агар хоҳласа, уларни мағфират қилади ва Ўз фазли ила афв этади.

Аллоҳ таоло Ўз китобида:

إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ، وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ

«Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтирилишини кечирмас. Ундан бошқа гуноҳни, кимни хоҳласа, кечирадир» («Нисо» сураси, 48-оят), деган. Агар хоҳласа, уларни Ўз адли ила азоблайди. Сўнгра уларни Ўз раҳмати, аҳли тоатнинг шафоати ила у ердан чиқаради. Кейин эса жаннатига юборади. Бу, Аллоҳ таоло Ўз аҳли маърифатини дўст тутгани учундир. Уларни икки дунёда Ўзини инкор қилувчилар, Унинг ҳидоятдан ноумид бўлганлар ва дўстлигига сазовор бўлмаганларга ўхшатмагани учундир. Аллоҳим, эй Ислому ва Унинг аҳли дўсти, бизни Исломда собит қил, токи сенга у билан рўбарў бўлайлик». *Валлоҳу аълам.*

## ЎЗГА САЙЁРАЛИКЛАР

### 5-САВОЛ

Бугунги кунда «ўзга сайёраликлар» деган гапни кўп эшитамиз, сиздан шу ҳақда сўрамоқчи эдик. Ўзга сайёраликлар ҳақийқатда ҳам борми? Исломуга кўра, уларни Аллоҳ таоло одамлардан аввал яратганми? Яна, олимлар: «Мисрдаги эҳромларни одамлар қуришмаган», дейишади. Унда, ўзга сайёраликларнинг мавжудлиги ҳақийқатга яқинлашади. Агар чиндан ҳам ўзга сайёраликлар бўлса, улар Қиёматда инсонлар билан бирга тириладиларми?

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Ўзга сайёраликлар ҳақидаги гап-сўзлар яқинда чиқди. Турли тахминлардан иборат бўлган бу гаплар илмий асосга эга бўлмаган, ҳужжат-далили йўқ гаплар сирасидан ҳисобланади. Бизнинг дий-

ний таълимотимизда ҳам ўзга сайёраларда одамлар бор ёки йўқлиги ва Аллоҳ уларни яратган ёки яратмаганлиги ҳақида аниқ бир оят, ҳадис ёки ҳужжат-далил йўқ. Баъзи бир оятларда «осмонлару ердаги шахслар» деган маъно бор. Баъзи бир уламолар: «Ўзга сайёраларда ҳам одамлар бўлиши мумкин», дейишган. Лекин аниқ ҳужжат йўқ. Шунинг учун иймон-эътиқод масалаларида бу нарса кўрилмаган. Уламоларимиз ҳам бу нарсаларни муолажа қилишмаган.

Мисрдаги эҳромларни ҳам одамлар қурмаган, деганлари заиф ва асоссиз гап. Балки уларни қурган шахслар ҳақида аниқ ҳужжат-далиллар бор. Шунинг учун, бу фикр ўзга сайёраликларнинг борлигини ҳақийқатга яқинлаштира олмайди. Ўзга сайёраликлар ҳақида турли хаёлларга бориб, вақтни, заковатни бекорга сарф қилишдан кўра, дийну диёнатни ва яхшилиқни ўрганишга сарфласак, яхши бўларди. *Валлоҳу аълам.*

### «АЛ-МИЙСОҚ» ҲАҚИДА

#### 6-САВОЛ

*Мусулмончиликда қуйидагича савол-жавоблар бор:*

- *Мусулмонмисан?*
- *Алҳамдулиллаҳ, мусулмонман!*
- *Гумоним бор?*
- *Менга гувоҳим бор!*
- *Айт-чи гувоҳингни?*
- *Лаа илааҳа иллаллоҳу, Муҳаммадур Расулulloҳ!*
- *Қачондан бери мусулмонсан?*
- *Ал-мийсоқдан бери. . . ва ҳоказо.*

*Илтимос, шу мавзуга доир тўлиқроқ маълумот берсангиз.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

«Ал-мийсоқ» — «аҳднома» деганидир. Аллоҳ таоло қадимда Бани Одамдан ал-мийсоқ — аҳду

паймон олган, ўша ал-мийсоқ — аҳду паймонга асосан, барча одамлар Аллоҳни Робб деб билиб, Унга ширк келтирмай, фақат тавҳид асосида яшашлари лозимдир.

Аллоҳ таоло Қуръонда:

وَإِذْ أَخَذَ رَبُّكَ مِنْ بَنِي آدَمَ مِنْ ظُهُورِهِمْ ذُرِّيَّتَهُمْ  
وَأَشْهَدَهُمْ عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ أَلَسْتُ بِرَبِّكُمْ قَالُوا بَلَىٰ شَهِدْنَا أَن  
تَقُولُوا يَوْمَ الْقِيَامَةِ إِنَّا كُنَّا عَنْ هَذَا غَافِلِينَ ﴿١٧٢﴾

«Роббинг Бани Одамнинг умуртқа поғонасидан, Қиёмат куни «Бундан рофил эдик» демасликларингиз учун, зурриётларини олиб, ўзларига ўзларини гувоҳ қилиб: «Роббингиз эмасманми?» деганида, «Худди шундай! Гувоҳ бўлдик!» деганларини эсла» («Аъроф» сураси, 172-оят), деган.

Бу ояти каримада ғаройиб бир ҳолат таъриф этилмоқда. Аллоҳ таоло Ўзига маълум бўлган бир пайтда, Қиёмат давригача дунёга келадиган барча одамларни оталарининг сулбидан уруғлик ҳолатларида чиқариб олган ва ўша уруғликларга:

«Роббингиз эмасманми?!» деб савол берган.

Бу саволни беришдан биринчи мақсад уларни ўзларига гувоҳ қилиш бўлса; иккинчи мақсад Қиёмат куни «Бундан рофил эдик» демасликлари учундир. Мазкур илоҳий саволга ҳамма зурриётлар:

«Худди шундай», яъни: албатта, Сен Роббимизсан, «гувоҳ бўлдик», деб жавоб беришган. Шунга биноан инсон уруғлик пайтида, яъни, она қорнига ўтганда ва инсон бўлиб яралганда Аллоҳнинг Робб эканлигини эътироф этгувчи табиат соҳиби бўлади. Яъни, Аллоҳ таоло уни шу ҳолда яратади. Қисқаси, одам боласи онадан Аллоҳ таолонинг тавҳидини — ягоналигини тан оладиган соф табиат билан дунёга келади. Чунки унинг ўзи уруғлик ҳолидаёқ Аллоҳ таолога ал-мий-

соқ — аҳду паймон бериб қўйган. Инсоннинг ушбу ал-мийсоққа — аҳду паймонга содиқ қолиши ёки хиёнат қилиши кейинги омилларга боғлиқ.

Имом Бухорий, имом Муслим ва бошқа ҳадис илми имомлари Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Набийимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ ﷺ: كُلُّ مَوْلُودٍ يُوَلَّدُ عَلَى الْفِطْرَةِ فَأَبَوَاهُ يُهَوِّدَانِهِ أَوْ يُنَصِّرَانِهِ أَوْ يُمَجِّسَانِهِ...

**«Ҳар бир гўдак соф табиат ила туғилади. Бас, ота-онаси уни ё яҳудий, ё насроний, ё мажусий қилади»,** деганлар. Яъни, тарбия қилишда шундай йўл тутадилар.

Демак, Аллоҳ таоло инсон табиатини тавҳидга мос равишда бунёд этган. Қай бир инсон ўзининг азалий соф табиатини асраб қола олган бўлса, мўмин-мусулмон бўлади. Кимки ўз табиатини соф ҳолда сақлай олмаган бўлса, кофир, мушрик, худосизга айланади. Чунки аслида, кофирлик, мушриклик ва худосизлик инсон табиатига терс нарсалардандир.

Аллоҳ таоло ушбу мийсоқни ва гувоҳликни Бани Одам зурриётидан талаб қилишининг асосий сабабларидан бири, аввал айтиб ўтганимиздек, Қиёмат куни «Биз бундан гофил эдик» демасликлари учундир. Қиёмат куни ҳақийқатда ҳам мазкур даъвони қилмасликлари ҳақидаги ҳақийқатни имом Аҳмад ибн Ханбал ва бошқа имомлар Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифдан англаб оламиз.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: يَقُولُ اللَّهُ تَعَالَى لِأَهْلِ النَّارِ عَذَابًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ: لَوْ أَنَّ لَكَ مَا فِي الْأَرْضِ مِنْ شَيْءٍ أَكُنْتَ تَفْتَدِي بِهِ فَيَقُولُ نَعَمْ، فَيَقُولُ أَرَدْتُ

مِنْكَ أَهْوَنَ مِنْ هَذَا وَأَنْتَ فِي صُلْبِ آدَمَ أَنْ لَا تُشْرِكَ بِي شَيْئًا فَأَبَيْتَ إِلَّا أَنْ تُشْرِكَ بِي. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таоло Қиёмат кунда азоби энг энгил бўлган дўзах аҳлига: «Айт-чи, агар ер юзидаги ҳамма нарса сеники бўлса, қутулиш учун тўловга берармидинг?» – дейди. У: «Ҳа», – дейди. Аллоҳ: «Мен сендан бундан кўра осон нарсани хоҳлаган эдим. Одамнинг сулбида турганинга менга ҳеч бир нарсани ширк келтирмаслигинга аҳду паймон олган эдим. Сен эса, фақат ширк келтиришни хоҳладинг», дейди», – дедилар. Валлоҳу аълам.

7-САВОЛ

Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари! Бошлаган ишингизнинг давомли бўлишини тилаб, сизга саволарим бор эди.

Ваҳий келтирувчи фариштанing исми ҳақида. Баъзилар (яъни, кўпчилик) Жаброил дейишади, Баъзилар Жибрил ёки Жиброил дейишади, қай бири тўғри?

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Араб тилида, хусусан дийний матнларда, сиз келтирган уч хил кўриниш ҳам бор. Яқинда тилшунос олимлар билан маслаҳатлашиб, бизда «Жаброил» шаклини ишлатишга келишдик.

ЖИСМОНИЙ КАМЧИЛИК БЎЛСА...

8-САВОЛ

Ҳаётда жисмоний камчиликларга эга бўлган кишилар кўп. Масалан, кимнингдир қўли, кимнингдир эса икки оёғи йўқ. Бошқасининг кўзлари кўрмайди. Охиратда бундай кишиларнинг савол-жавоби қандай бўлади?

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Жисмоний камчилик айб эмас. Қолаверса, Аллоҳ таоло ҳар бир инсонга тоқатидан ташқари нарсани таклиф қилмаган. Ҳар бир бандага имкони бор нарсани бажаришни таклиф қилади. Мисол учун, биров Аллоҳнинг иродаси билан соқов, уни «Нимага Қуръон ўқимадинг?» деб Аллоҳ таоло сўроқ қилмайди. Чунки, соқовлиги учун ўқий олмаган. Кўзи ожиз одам кўзи ожизлиги туфайли баъзи ишларни қила олмайдиган бўлса, уларга ҳам сўроқ-савол бўлмайди. Лекин уларга бу дунёнинг ўзида ҳам энгилик берилади. Нуқсони туфайли Аллоҳ таолонинг амрини қила олмаса, кучи етганича бажаради. Қолгани афв бўлади. Охиратда ҳам ҳисоб-китоб шунга қараб бўлади.

Шунинг учун, шариатда жисмоний нуқсонлар эътиборга олиниб, ибодатлар энгилаштирилган. Ҳатто ёши ўтиб қолиши билан содир бўладиган ожизликлар ҳам эътиборга олинган. Масалан, намоз ўқишдаги қиём, яъни тик туриш фарз амаллардан. Лекин кучи етмай қолган кишиларнинг ўтириб ўқишига, ўтириб ўқишга қурби етмаганларнинг ёнбошлаб ўқишига, унга ҳам имкони бўлмаганларнинг чалқанча ётиб ўқишига рухсат бор. Аллоҳ Одилдир. Унинг адолати мутлақдир. Иншоаллоҳ, бирор кишига айбидан ташқари заррача азоб ҳам, савол-жавоб ҳам бўлмайди. **Валлоҳу аълам.**

## 2-БОБ. БОШҚА АҚИЙДАВИЙ МАСАЛАЛАР

### ИНСОННИ ЯРАТИШДАН МАҚСАД

#### 9-САВОЛ

*Маълумки, фаришталар Аллоҳ таоло тарафидан Одам Атодан илгари яратилганлар ва улар доимо Аллоҳ таолони ҳамд этиб, ибодатга бўлганлар. Шундай шароитда инсонни яратишдан мақсад нима эди?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Бу – аввал ҳам кўп такрорланган савол. Фаришталарнинг ўзлари ҳам Одамни яратиш ҳақидаги хабарни эшитганларидан кейин Аллоҳ таолога:

قَالُوا أَتَجْعَلُ فِيهَا مَنْ يُفْسِدُ فِيهَا وَيَسْفِكُ الدِّمَاءَ  
وَنَحْنُ نُسَبِّحُ بِحَمْدِكَ وَنُقَدِّسُ لَكَ

«Улар: «Унда фасод қиладиган, қон тўкадиган кимсани қилмоқчимисан? Ва ҳолбуки, биз Сенга тасбеҳ, ҳамд айтиб ва Сени улуғлаб турибмиз», дедилар» («Бақара» сураси, 30-оят), деган маънолардаги гапни айтишган. Албатта фаришталарни яратиб қўйиб, орқасидан Одамни яратишнинг улкан ва буюк ҳикмати бор. Буни Қуръони Карим оятларидан ва Набийимиз солаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидан тушуниб оламиз.

Аллоҳ таоло инсонни яратиш ила ўзига хос бир зотни яратиб, ана шу зот орқали ўзига бўлган иймоннинг синовлардан ўтган ҳолда ер юзида қарор топишини ирода қилган.

Агар ўзимизиймонкелтирганмавжуднарсаларни бир мулоҳаза қилиб кўрадиган бўлсак, улардан бир тури, ушбу саволда келганидек, фаришталар бўлиб, улар Одамдан илгари яратилганлар ҳамда доимий равишда Аллоҳга тасбеҳ, ҳамд айтиб, ибодат қилиб, Уни улуғлаб турадилар. Шу билан бирга, фаришталарнинг хусусияти шуки, улар ўзларига

буюрилган ишларни бўйин товламай қилишга мослаб яратилган зотлардир. Фаришталарда нафс, фақш, иштаҳа ва шунга ўхшаган инсонлардаги ҳолатлар йўқ. Улар нуроний нарсалар бўлиб, инсон ҳожати тушадиган, шаҳвати тортадиган, ҳавойи нафси истайдиган хоҳиш ва истаклардан холий қилиб яратилган.

Бу дунёда мавжуд нарсалардан иккинчиси ҳайвонот оламидир. Биз уларда аввалги зикр этилган нарсадан мутлақо акс ҳолатни кўраемиз. Ҳайвонларда тана, жон ва ҳаёт бор. Лекин улар фақат қорин тўйғазиш, шаҳват қондириш, ўзининг нафси орқасидан юриш табиати ила яратилган махлуқотлардир. Уларда бундан бошқа ҳолатларни мулоҳаза қилиб бўлмайди. Ана шу ўзига мослаб яратилган шароитдан чиқа олмаган ҳолда яшаб борадилар.

Аллоҳ таоло инсонни ҳам яратди. Инсонга фаришталарда ҳам, ҳайвонот оламида ҳам мавжуд хусусиятларни жойлади. Инсон ҳайвон каби жинсга, ҳавойи нафсга эгаллиги шаҳват қондиришга мойиллиги ва шунга ўхшаш бир қанча истаклари билан қўшиб яратилган. Шу билан бирга, ҳайвондан фарқли ўлароқ, инсонга ақл бериб, ваҳий юбориб ва таълимотларини нозил қилган. Инсон фаришта каби дунёнинг ҳаваси ва лаззатларидан холий бўлиб яшашга мосланмаган. Ва ҳайвонлар каби фақат қорин тўйғазиш, нафсни қондиришга ҳам мосланиб қолмаган. Икки тарафга ҳам қобилияти бор шаклда яратилган. Ва ўзидаги ҳавасларни ва жисмоний талабларни енгиб, Аллоҳ таолонинг айтганини қилиб боришлиги, Аллоҳ таолонинг амрига доим бўйсунуши ва бу амрнинг йўлида учрайдиган тўсиқларни енгиб бориши маъноси бор. Ана шу маъно ила ер юзида Аллоҳ таолога бўлган иймон, амрига бўлган итоат ва ибодатда собит бўлиши кўзланган. Ҳамда инсон Аллоҳ таолонинг ер юзидаги ўринбосари қилиб қўйилган.

Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло Одамни яратётганида фаришталарга:

وَإِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَلٰٓئِكَةِ اِنِّيْ جَاعِلٌ فِي الْاَرْضِ خَلِيْفَةً

«Эсла, вақтики Роббинг фаришталарга: «Мен ер юзида халийфа қилмоқчиман», деди» («Бақара» сураси, 30-оят), деган. Бас, шундай экан, Аллоҳнинг ўринбосари бўлган инсон Аллоҳ таолонинг амрида доим қоим туриши ҳамда Аллоҳ таолонинг иродаси ер юзида собит бўлиши, Унга бўлган иймон ер юзида қарор топиши учун интилиши ва Унинг амрини юрғазиши керак бўлган.

Шундай экан, одам ўзидаги ҳайвоний хусусиятларни жиловлаб, малакий хусусиятларни устун қилса, иймон, ибодат, хусни хулқ ва яхши амаллар билан ўтадиган бўлса, фаришталардан юқори даражага эришади. Фаришталарнинг шаҳвоний истакларни енгишга эҳтиёжлари йўқ. Чунки улар табиатан шаҳвоний истакларсиз, ибодатга мойил қилиб яратилганлар.

Аксинча, ақли, дийний таълимотлари бўлатуриб, бу таълимот ва ақл талабларига жавоб қилмасдан, ҳайвон каби фақат емоқ-ичмоқ, жисмининг талабларини қондирмоқ орқасидан кетса, Аллоҳ таолони унутиб, иймон келтирмаса, ҳайвондан ҳам паст даражага тушиб қолиши бор.

Демак, фаришталар У зотнинг ҳамдини айтиб туришса ҳам, Аллоҳ таолонинг Одам деб аталмиш инсон зотини яратишидан мақсади — ер юзида Роббул оламийннинг ўринбосари бўлиши, Аллоҳ таолога иймон қарор топиши каби буюк бир маъноларнинг тарқалиши ҳикматидандир. Аллоҳ таоло ҳаммамизга иймонда, ибодатда, амали солиҳда бўлишликни насийб этсин. *Валлоҳу аълам.*

## 10-САВОЛ

*Инсонларга нисбатан «улуғ, буюк» каби сифатловчи сўзлар ишлатилаётганини эшитиб қоламиз. Бундай сифатлар фақат Аллоҳ таоло учун хос эмасми?*

### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Аллоҳ таолонинг сифатлари Ўзига хос. Бошқа ҳеч бир зот Роббул олабийннинг сифати билан сифатланиши мумкин эмас. Бундай сифатлар ҳаммага маълум ва машҳур. Шу билан бирга, яна шундай сифатлар борки, уларни Аллоҳ таолога ҳам, бандаларга ҳам ишлатса бўлади. Мисол учун «Роҳман» сифати Аллоҳ таолонинг Ўзига хос эканлигини ва бошқа ҳеч бир зотга нисбатан ишлатиш мумкин эмаслигини барча уламоларимиз таъкидлаганлар. «Роҳийм» сифатини эса Аллоҳ таолога ҳам, бандаларга ҳам ишлатиш мумкинлиги айтилган.

Энди «улуғ, буюк» деган сўзларнинг бандаларга нисбатан ишлатилишини жудаям қоидага мувофиқ дея олмаймиз. Лекин ишлатилган пайтда ҳам Аллоҳ таолога нисбатан ишлатилган маъно кўзда тутилмаслиги лозим. Балки бу маънолар инсонлар орасидаги сифатлар доирасидан четга чиқа олмайди, деган маънодагина айтишимиз мумкин. *Валлоҳу аълам.*

### **11-САВОЛ**

*Одам алайҳиссалом манъ этилган мевани еганлари учун жаннатдан қувилганликлари маълумдир. Мени қизиқтирган нарса шуки, ўша мевани истеъмол қилмасликнинг муҳимлиги нимада эди?*

### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Аллоҳ таоло Одам Ато ва Момо Ҳаввони жаннатга киритиб:

وَكَلَّا مِنْهَا رَعْدًا حَيْثُ شِئْتُمَا وَلَا تَقْرَبَا هَذِهِ الشَّجَرَةَ

«Унда нимани хоҳласаларингиз, енглар, ош бўлсин ва мана бу дарахтга яқин келманглар» («Бақара» сураси, 35-оят), деб манъ қилиши муҳим бир маънони касб этган. Яъни одам учун бу дунёда изн берилган нарсалар жуда кўп. Лекин

шуларнинг ичида баъзи бир манъ қилинган нарса ҳам бор. Одам Ато кирган мазкур жаннатда ҳамма меваларни ейиш мумкин-у, аммо биргина дарахтнинг мевасини ейиш мумкин эмас. Бу — манъ қилиш, наҳй қилиш, қайтариш маъносидаги ҳукм эди. Бу — муҳим бир ҳукм бўлиб, инсоннинг иродасини синаш, Аллоҳ таолонинг қайтарган нарсасидан қайтиш малакасини орттириш учун Аллоҳ таоло тарафидан жорий қилингандир. Ҳамма нарсага рухсат бўлаверса ва ҳамма нарса «қил» деган маънодаги буйруққа асосан бўлса, бир тарафлама бўлиб қолади. Балки «қилма» деган наҳй — қайтариққа ҳам кўниш, нафсни жиловлаш, нафси иштаҳа отиб турган нарсадан Аллоҳ таолонинг «қайт» деган қайтариғини эсга олиб қайтиш инсон учун жуда муҳим бир нарсадир. Ана шунинг муҳимлиги Аллоҳ таоло тарафидан қилинган бир синов эканлигини, бу Одам Атога ҳам, у зотнинг зурриётлари бўлган сиз билан биз бандаларга ҳам муҳим эканлигини ҳамда Аллоҳ таоло рухсат берган нарсалар билан биргалиқда манъ қилинган нарсалардан ҳам ўзимизни тийиб туриш зарурати бор эканлигини тушуниб, идрок этишимиз лозим. **Валлоҳу аълам.**

## 12-САВОЛ

*Ўзи ибодатга бўлмаган одам бошқаларни Исломга даъват этиши, амру маъруф ва наҳйу мункар қилиши мумкинми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Албатта, даъват иши жуда нозик нарса. Бу даъватни ҳар ким ҳам қилаверишига рухсат йўқ. Айниқса, ҳозирги саволда келганидай, ўзи ибодатни адо этмай туриб бошқа бировларни Исломга, ибодатга, тақвога даъват қилиши мутлақо мумкин эмас. Зеро, ўзи амал қилмай туриб бошқаларга амру маъруф қилишининг фойдаси ҳам бўлмайди.

*Аллоҳ таоло Қуръони Каримда:*

﴿ أَتَأْمُرُونَ النَّاسَ بِالْبِرِّ وَتَنْسَوْنَ أَنْفُسَكُمْ وَأَنْتُمْ  
تَتْلُونَ الْكِتَابَ ﴾

«Одамларни яхшиликка чорлаб туриб, ўзингизни унутасизми? Ҳолбуки, китобни тиловат қиялпсиз-ку» («Бақара» сураси, 44-оят), деб ўтган умматлардан илмига амал қилмаганларига ана шундай хитоб қилинган.

Шунинг учун, бу борада эҳтиёт бўлиш лозим. Ўзи ибодатда йўқ кишининг даъват қилиши бегойда бўлишини билиш керак. Шу билан бирга, бошқаларни даъват қилиб ўзи амал қилмаганлик ҳам катта бир гуноҳ ҳисобланади.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримга:

﴿ لِمَ تَقُولُونَ مَا لَا تَفْعَلُونَ ﴾

«Нима учун қилмаган нарсанингизни гапирасиз?» («Софф» сураси, 2-оят), деган.

Қиёмат кунида бунга қаттиқ азоб бўлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Меърожга чиққанларидаги ҳадисда ривоят қилишларича, баъзи бир одамларнинг лаблари ўтдан бўлган қайчилар билан қийилаётганлиги кўрилади. Шунда «Булар кимлар?» деб сўраганларида, «У дунёда амру маъруф ва наҳйи мункар қилиб, ўзлари амал қилмаган одамлар», дейилади.

Шу билан бирга, дийний сўзларни гапириб, даъват қилиш, албатта, ўша нарсани билган, илмини эгаллаган, устозлардан рухсат олган ва бу борада ҳамма нарсаларни жойига қўйиб, қойиллатган одамларнинг ишидир. Мана бу саволда келганидай, амалсиз одамларнинг даъват қилишлари эса ишни бузишдан бошқа нарса бўлмайди.  
**Валлоҳу аълам.**

## ДАЪВАТ ЕТМАГАН КИШИЛАР ҲАҚИДА

### 13-САВОЛ

*Бутун умри давомида Исломдан бошқа дийнга мансуб бўлиб яшаб ўтганлар жуда кўп. Ислом дийни ҳаққ дийн ва охираат дийни эканлигини билмай ўлиб кетганлар ҳам кўп. Шу каби инсонларга Қиёмат куни қандай ҳукм чиқарилади?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Қисқача қилиб айтадиган бўлсак, Ислом даъвати етмаган, Исломдан беҳабар қолган кишилар аҳли фитрат бўладилар. «Аҳли фитрат» дегани, бир Набийдан кейинги даврда ҳали янги бир Набий келмай туриб беҳабар қолган кишилардир. Мана шундай кишиларга Қиёмат куни ҳеч қандай ҳисоб-китоб бўлмайди. Чунки уларга даъват етмаган. Даъват етмагандан кейин, ўзича топиб, Исломга юриши талаб қилинмайди. Демак, Ислом тўғрисида ҳеч нарса билмай кетдимиз, уни Қиёмат кунида «Нимага Исломга кирмадинг, нимага Қуръонни ўқимадинг?» деган маънода сўроққа тутилмайди. Чунки улар бу нарсалардан мутлақо беҳабар. Уларнинг Қиёматдаги ҳолати тўғрисида уламоларнинг ҳар хил фикрлари ҳам бор. Шулардан баъзисиди: уларга азоб ёки мукофот ҳам берилмайди, балки тупроққа айланиб, қоришиб кетадилар, деган маънолар ҳам бор. *Валлоҳу аълам.*

### 14-САВОЛ

*Ассалому алайкум, ҳурматли Шайх Муҳаммад Содиқ. Соғлигингиз яхшими? Сизни муборақ Рамазон ойи билан муборақбод этамиз. Сизга ва аҳли оилангизга Аллоҳдан соғлиқ ва ҳидоят тилаб қоламиз.*

*Сизнинг матбуот, радио, телевидение орқали берган фатволарингизни жон-дилдан эши-*

тамиз, ўқиймиз ва амал қиламиз. Бундан ташқари, китобларингизни ўқиб, маънавий озуқа оляпмиз. Шундан келиб чиқиб, бизларга бир қанча саволлар туғилиб қолди. Ҳурматли Шайх, сиздан илтимосимиз шуки, шу саволларга аниқ ва қисқа фатво ёзиб юборсангиз.

1. Савол: «Аллоҳ таоло замон ва макондан ташқарида» деган гапга қандай қарайсиз?

2. Савол: «Аллоҳ таоло Ломаконда, олти тарафдан пок» деганини тушунтирсангиз?

3. Савол: Отамиз Одам алайҳиссалом билан онамиз Ҳаввога: «Жаннатдан ерга тушинглар», дейилган. Ўша жаннат охиратдаги мўминлар кирадиган жаннатми ёки ер юзига борми?

4. Савол: Нуҳ алайҳиссалом тўфонларидаги сув бутун ер юзини босганми ёки фақат одамлар яшаган жойними?

#### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

1. Жавоб: Бу каби — ақийдага оид гаплар бир кишининг гапи билан белгиланмайди. Аҳли сунна ва жамоа мазҳаби «Аллоҳ таоло замон ва маконни яратган зот бўлгани учун, бу икки нарса билан чегараланиб қолмайди, У зот мазкур нарсалардан юқори зотдир» деган эътиқоддадир.

2. Жавоб: Бу ҳам юқоридаги гапнинг бир бўлаги. Аллоҳ маконга муҳтож бўлса, Аллоҳлиги қолмас эди, дейди Аҳли сунна ва жамоа мазҳаби. У зот ўнг, чап, олд, орқа, паст ва баланд каби тарафларга ҳам муҳтож эмасдир.

3. Жавоб: Бу тўғрисида уламолар турли фикрларни айтганлар. Кўпчилик уламолар: «Одам Ато ва Момо Ҳаввонинг жаннати охиратда кирадиган жаннат эмас», деганлар.

4. Жавоб: Нуҳ алайҳиссалом даврларидаги тўфонда ер юзининг одамлар яшайдиган жойини сув босган, деган уламолар кўпчиликни ташкил қилади.

## 15-САВОЛ

«Аллоҳ учун яхши кўрмоқ» ёки «Аллоҳ учун ёмон кўрмоқ» сўзларини қандай тушуниш керак?

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Бу сўзларнинг маъноси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларининг биридан кўчириб олинган. «Аллоҳ учун яхши кўрмоқ» дегани мусулмон киши Аллоҳ таолога иймон келтиргани, Унга ибодат қилгани, Унинг айтганида юргани ва Унинг қайтарганидан қайтгани учун ўзининг яна бир дийндош биродарини яхши кўрмоғидир. «Аллоҳ учун ёмон кўрмоқ» эса, Аллоҳ таолога иймони йўқ, Унинг ибодатида юрмаган, Унинг айтганини қилмай, қайтарганидан қайтмагани учун ёмон кўриш маъносида бўлади. *Валлоҳу аълам.*

## 16-САВОЛ

*Ассалому алайкум, ҳурматли Шайх жаноблари! Мени кўпдан бери қийнаётган бир саволга тўлиқроқ жавоб олишни жуда-жуда истардим. Кўп китоб ўқийман, чунки дийнда янглишиб қолишдан кўрқаман. Лекин баъзи китобларда, хусусан, тасаввуфга оид адабиётларда шариятга зид фикрларни кўриб, ақлим етмай, бошим қотиб, гаранг бўлиб юраман. Чунки ўша гапларни инкор қилай десам, бундай китобларни ёзган ёки ўшандай гаплари ривоят қилинган кимсалар дийнда маълум бир мақомга эришган, ҳаттоки авлиё сифатида улуғланган шахслар бўлади. Уларнинг гапини инкор қилишга журъатим ҳам, билимим ҳам етмайди. Аммо инкор қилмай десам, баъзи гаплари шариятга, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига мутлақо тескари гаплар бўлади. Масалан, Аллоҳдан бошқа ҳеч кимни севмаслик, уйланмай, оила қурмай ўтиш, зоҳидлик — таркидунёчилик қилиш ҳақидаги гаплар. Илти-*

мос, бу масалаларни менга тушунтириб беринг. Нима, чиндан ҳам ота-онани, аёлларни ёки фарзандларни севиш мумкин эмасми? Аллоҳга етишаман деган одам уйланмай, таркидунё қилиб ўтиши керакми? Ўзи, «Аллоҳга етишиш» деган гапни қандай тушуниш керак? Фақат шариатга мувофиқ яшаб, уйланиб, бола-чақа қилиб Аллоҳга етишиш мумкин эмасми? Дийнда адашиб қолмаслик учун нима қилиш керак? Саволларимга батафсил жавоб беришингизни ўзиниб сўрайман.

### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Саволингиз учун сизга раҳмат. Билсангиз, бу савол дийннинг ўзак масаласи ҳисобланади. Чунки муҳаббатсиз қалбда ҳеч қачон комил иймон ҳам бўлмайди. Кимнидир ёки ниманидир қаттиқ севган, ўша севганига чин юракдан боғланган, фидойиларча сева олган инсонгина иймон нелигини англай олади. Ахир иймон ҳам Аллоҳ таолони барчадан афзал яккаю ягона илоҳ сифатида севмоқ ва бутун борлиги ила фақат Унга боғланмоқ, Унинг йўлида ҳар қандай фидойиликка тайёр турмоқ эмасми!

Демакки, Аллоҳга муҳаббат, аслини олганда, Ҳаққ таолони танимоқ ва У зот тақдир қилган қазою қадарга рози бўлмоқдир. «Муҳаббат» сўзининг истилоҳий маъноси ҳам шунга далолат қилади. Гарчи умумий маънода бу сўз севгини, яхши кўришни англатса ҳам, аслида, «муҳаббат» сўзи араб тилида жуда кўп маъноларда қўлланилади. Масалан, «ёқтирмоқ», «афзал билмоқ», «қадрламоқ», «хоҳламоқ», «кўнгил қўймоқ», «суймоқ», «мойил бўлмоқ», «меҳри тушмоқ», «истамоқ», «талпинмоқ» ва шу каби кўплаб маънолар «муҳаббат» сўзи орқали ифодаланаверади.

Аммо бу маъноларни бирлаштириб турувчи умумий бир маъно ҳам борки, бу ҳақда уламоларимиз атрофлича баҳс юритганлар. Хусусан, Роғиб ал-Асфаҳоний ва Абдул Бақо ал-

Кафавийнинг таърифлари бу сўзнинг Қуръони Каримда келган маъноларига мослиги билан диққатга сазовор.

Роғиб ал-Асфаҳонийнинг таърифига кўра: «Муҳаббат нафснинг ўзи яхши деб билган ва гумон қилган нарсага мойил бўлишидир. Бири табиий бўлиб, у инсонда ҳам, ҳайвонда ҳам ва ҳатто баъзан жонсиз нарсада ҳам бўлади. Бошқаси ихтиёрий бўлиб, у фақат инсонга хос бўлади».

Абдул Бақо ал-Кафавийнинг таърифига кўра: «Муҳаббат ҳаддан ошган розилиқдир. У икки қисмдан иборат.

Биринчиси ҳар бир мукаллафда бўлади. У иймонда лозим ва лобуд нарсадир. Унинг ҳақийқати Аллоҳ таолодан келган нарсани, ҳукмига ва тақдирига бўйсунган ҳолда, ҳеч қандай эътирозсиз қабул қилишдир.

Иккинчиси фақатгина мақомот эгаларида бўлади. Унинг ҳақийқати қазо қилинган нарсадан қалбнинг қувонч ва сурурга тўлиши ва розилигидир».

Демак, муҳаббат бирор нарсага мойиллик ва ўзи мойил бўлган нарса ёки кимсани бошқа ҳамма нарсалардан афзал деб билиш ҳамда ўша кимса ёхуд нарсани қандай бўлса шундайлигича қабул қилиш, яъни, унинг барча ҳолатларига тўлиқ рози бўлиш, унга боғлиқ ҳис-туйғулардан қалбнинг сурурга, қувончга тўлишидир.

Шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, муҳаббатларнинг энг ҳақийқиси, энг аввали бутун борлиқда яккаю ягона бўлган, ҳар қандай айбу нуқсонлардан пок, ҳар жиҳатдан мукамал, азалий ва абадий, барча гўзал сифатларнинг ҳақийқий соҳиби бўлмиш Аллоҳ азза ва жаллага боғлиқ муҳаббат саналади. Уламоларимизнинг Аллоҳ таолога ва Унинг Расулига муҳаббат қилмоқ фарз эканига ижмоъ қилганлари ҳам бежиз эмас.

Ҳаттоки ҳали онги тўлиқ ривожланмаган ёш болалар ҳам ўзларига кулиб қараган, эркалатган,

ширинликлар берган кимсаларга меҳр қўядилар, уларни бошқалардан афзал деб биладилар ва севадилар.

Бас, шундай экан, вояга етиб, эс-хушини таниган ҳар бир инсоннинг ўзини йўқдан бор этиб яратган, турли хил неъматларни беминнат бериб қўйган Зотни ҳаммадан афзал билиб севмоғи табиий бир ҳол, албатта. Аслида, иймоннинг ўзи ҳам шу. Яъни яратганни таниш ва Унга ишониш, Унинг сифатлари фақат Ўзига хос эканини ақл ила англаш ва шунинг учун ҳам Унга қалбдан меҳр қўйиш, барчадан ҳар жиҳатдан афзал ягона, тенги йўқ Зот сифатида севиш. Ҳа, иймоннинг асли, ўзаги Аллоҳ таолога бўлган муҳаббат туйғусидан иборат. Аниқроғи, иймон — Аллоҳ таолони севиш, демакдир. Мусулмон бўлиш эса, ўз севгилисининг — Аллоҳ таолонинг барча амрларига чин дилдан рози бўлиш, демакдир.

Бу ўринда «севги» ёхуд «муҳаббат» деганда онгга, ақлга асосланган мойилликни тушуниш лозим. Яъни онги, идроки, ақли даражасида Аллоҳ таолони таниш ва ўз ихтиёри ила Унга мойил бўлиш.

Демакки, муҳаббат қандайдир мавҳум бир туйғу эмас. Аксинча, у инсон ҳаётини бошқариб турувчи, унга маълум бир маъно, мазмун бахш этувчи танлаш имкониятининг моддий, амалий ифодасидир.

Инсонда ҳамиша танлаш имконияти бор. Унинг инсонлик моҳияти ҳам ўша танлаш имкониятидан қай даражада тўғри фойдалана олишида намоён бўлади.

Аллоҳ таоло борлиқдаги барча нарсаларни зидди ила яратган. Кун ва тун, муҳаббат ва нафрат, сахийлик ва бахиллик, яхши ва ёмон, оқ ва қора, тўғри ва эгри, бой ва камбағал, иссиқ ва совуқ, тақводорлик ва осийлик каби моддий ва маънавий тушунчаларнинг бари ўз зиддига эга. Бироқ буларнинг ҳаммаси, аслида, бири иккинчисини тақозо

қиладиган тушунчалардир. Кун бўлмаса, тунни; оқ бўлмаса, қорани; яхши бўлмаса, ёмонни; тўғри бўлмаса, эгрини; иссиқ бўлмаса, совуқни; тақводорлик бўлмаса, осийликни ва муҳаббат бўлмаса, нафратни идрок қилиш мутлақо иложсиздир.

Аммо, инсонда ақл ва тафаккур бўлмаса, бу тушунчаларни ўз-ўзидан фарқлай олмасди. Шунинг учун, меҳрибон Роббимиз бизга ақл, фаҳму фаросат ато этиб, ёмондан яхшини, қорадан оқни, эгрідан тўғрини ажрата олишга лаёқатли қилиб қўйган.

Шу билан бирга, инсон табиатини – фитратини доимо яхшиликка, эзгуликка мойил бўладиган қилиб яратган. Шунинг учун ҳам, инсон табиатан барча яхши, эзгу нарсаларни севади ва қадрлайди. Яъни, эгрига нисбатан тўғрини, ёмонга нисбатан яхшини, қўполликка нисбатан нафосатни, бахилликка нисбатан сахийликни, хунукликка нисбатан гўзалликни, осийликка нисбатан тақводорликни афзал деб билади ва ҳамиша эзгуликка интилиб яшайди.

Инсоннинг эзгуликка, яхшиликка, гўзалликка, нафосатга, покликка, тақводорликка ва умуман, хайрли амалларга бўлган ана шу фитратий (табиий, туғма) мойиллиги араб тилида «хабба» ( «حَبَّة» ) – севмоқ, яхши кўрмоқ, хоҳламоқ, тиламоқ, орзу қилмоқ, мойиллик ҳис этмоқ, афзал кўрмоқ, рағбат билдирмоқ...) сўзи орқали ифодаланади. Ўзбек тилида бу сўзнинг «муҳаббат» шакли қабул қилинган бўлиб, у «севги», «ишқ», «боғланиш», «мойиллик» ва «меҳр» маъноларида қўлланади. «Меҳр» сўзи форс тилидан қабул қилинган бўлиб, у ҳам севги ва мойилликни англатади. Соф туркий сўз ҳисобланган «севги» сўзи ҳам, аслида, мойилликни билдиради. «Девону луғотит-турк»да бу сўзнинг «севилди» шаклига «мойил бўлди» деб изоҳ берилган. Ўз ўрнидан оққан, қийшайган (яъни, бир тарафга мойил бўлган) ҳар бир нарсага нисбатан ҳам «севилди» (яъни, мойил бўлди) дейилиши таъкидланган.

Демак, «ҳабба», «муҳаббат», «меҳр», «севги» сўзларининг маъноси айнан бир хилдир ва аввалроқ таъкидлаб ўтганимиздек, умумий маънода бир нарсага ёки кимсага бўлган мойилликни, ўша тарафга оғишни англатади. Ана шу мойиллик табиий(онгсиз) ва ихтиёрий(онгли) бўлишини юқорида таъкидлаб ўтгандик.

Инсоннинг, ҳайвоннинг ёки ўсимликнинг ёруғликка ва иссиқликка бўлган мойиллиги табиий бўлиб, бунда онгнинг, ихтиёрнинг, танлаш имкониятининг ўрни деярли билинмайди. Чунки инсон ҳам, ҳайвон ҳам, ўсимлик ҳам табиий равишда ёруғликка ва иссиқликка интилади. Буларнинг ёруғликни ва иссиқликни севишлари, яъни уларга мойиллиги ҳеч ғайритабиий туюлмайд.

Аммо, инсоннинг юзлаб одамлар ичидан фақат биттасига мойил бўлиши, уни ўзига дўст деб билиши ва меҳр қўйиши маълум даражада фитратига(соф табиатига) боғлиқ бўлса-да, асосан, ўз ихтиёридаги ишдир. Агар шундай бўлмаганда, турли адашувлар, янглишишлар, хиёнатга учрашлар бўлмас эди. Ҳамма фақат тўғри йўлдаги яхши одамлар, садоқатли кимсалар билан дўст тутинар эди. Лекин ҳаётда одамлар ҳар доим ҳам соф табиатлари талабига юравермайдилар. Аксинча, ҳаётий тажрибалари, шахсий қизиқишлари, ҳавойи нафслари асосида турли одамларни, баъзан ўзларига мутлақо нолайиқ бўлган кимсаларни ҳам дўст тутаверадилар. Ҳолбуки, Аллоҳ таоло дуч келган одамни, хусусан, золимларни дўст тутмаслик ҳақида огоҳлантирган:

«Зулм қилганларга мойил бўлманглар. Яна, сизни дўзах олови тутмасин...» («Ҳуд» сураси, 113-оят).

Демак, инсоннинг кимгадир мойил бўлиши, кимнидир севиши, ўзига дўст билиши ўз ихтиёридаги ишдир.

Инсон соф табиатига ва ақлига суянса, фақат яхши одамларга, эзгу ниятдаги кимсаларга, тўғри

йўлдаги покиза инсонларга меҳр қўяди, дўстлашадди, севади, улардек бўлишга интилади.

Аксинча, ақлига ва соф табиатига таянмай, ҳавойи нафсига қулоқ тутса, нотўғри йўлдаги бузук табиатли кимсаларнинг савлатига, давлатига ёки жимжимадор гап-сўзларига янглиш меҳр қўйиб, тўғри йўлдан адашиши турган гап.

Аллоҳ таоло шунинг учун ҳам «зулм қилганларга мойил бўлманг...» деб қалб ишида ҳам, муҳаббат борасида ҳам ақлга ва соф табиатга, яъни покиза қалбга таяниш лозимлигини таъкидлаган. Айни пайтда: «Албатта, У зот золимларни севмас» («Шууро» сураси, 40-оят), «Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас» («Тавба» сураси, 19-оят), дея марҳамат қилган.

«Зулм» сўзининг ўзак маъноси бир нарсани ўз ўрнидан бошқа жойга қўйишни англатади. Қуръони Каримда бу сўз кўпроқ «куфр» маъносида келган. Аммо, Аллоҳ таоло: «Албатта, куфр келтирганлар ва зулм қилганларни Аллоҳ зинҳор мағфират қилмас ва йўлга ҳидоят ҳам қилмас», дея куфрдан бошқа ҳолатлар ҳам зулм бўлиши мумкинлигини билдирган.

Умумий маънода куфр, ширк ва гуноҳ ишлар, шариат кўрсатмаларидан чиқиш ҳам, ўзга кишиларга нисбатан адолатсизлик қилиш ҳам, ҳавойи нафсига берилиш, беҳуда нарсаларга молпул сарфлаш, вақтни зое ўтказиш, ўзига нолайиқ кимсалар билан, хусусан, дийнига зарар етказиши мумкин бўлган одамлар билан улфат бўлиш, фосиклик, бузғунчилик, фоҳишаллик, ўз ожиз ақлига таяниб тугёнга кетиш, гуноҳи учун тавба қилмаслик, кибру ҳаво, манманлик, ихтилофларга берилиш, тажовузкорлик, исроф, ноўрин шубҳа, макру ҳийла, ёлғон, рухсат берилган ишларда ҳаддан ошиш ёки ибодатларда камчиликка йўл қўйиш ва ношукрлик ҳам зулм ҳисобланади. Яъни, ҳар қандай адолатсизлик, ҳар қандай нотўғри иш — у ўзига нисбатан бўлса ҳам, ўзгаларга нисбатан бўлса ҳам — «зулм» деб аталади.

Ҳеч бир инсон ўзини золим деб билмайди. Айниқса, ҳеч кимга ёмонлик қилмаётган одамга «Сен золимсан» десангиз, камида, хафа бўлиши турган гап.

Аммо, биз юқорида санаб ўтган барча ҳолатларни Аллоҳ таолонинг Ўзи Қуръони Каримда «зулм» деб атаган.

Зулмларнинг энг каттаси эса, Аллоҳ таоло яратган соф табиатига хиёнат қилиш, яъни ҳидоятга юрмасликдир.

Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай деб марҳамат қилади:

**«Бас, сен ҳаққа мойил бўлиб, дийнга юз тут. Бу фитрат Аллоҳ одамларни яратган асл табиатдир»** («Рум» сураси, 30-оят).

Қуръони Каримда баён этилишича, «ал-Мийсоқ» куни Аллоҳ таоло Қиёматгача дунёга келадиган барча одамларнинг уруғликларини оталарининг сулбидан чиқариб олган ва уруғликларга: **«Роббингиз эмасманми?!»** – дея савол берган. Мазкур илоҳий саволга ҳамма зурриётлар: **«Худди шундай»**, яъни: албатта, Сен Роббимизсан, **«гувоҳ бўлдик»**, дея жавоб беришган.

«Роббинг Бани Одамнинг умуртқа поғонасидан, Қиёмат куни «Бундан ғофил эдик» демасликларингиз учун, зурриётларини олиб, ўзларига ўзларини гувоҳ қилиб: **«Роббингиз эмасманми?»** – деганида, **«Худди шундай, гувоҳ бўлдик!»** – деганларини эсла» («Аъроф» сураси, 172-оят).

Демак, Аллоҳ таоло инсон табиатини тавҳидга мос равишда бунёд этган. Қай бир инсон ўзининг азалий соф табиатини асраб қола олса, мўмин-мусулмон бўлади, яъни ақлини таниши билан Роббини ҳам таний бошлайди. Аллоҳ таолони таниш ва унга иймон келтириш эса У зот яратган барча махлуқотларни тўғри баҳолай олишга ёрдам беради. Фақат Аллоҳ таолони таниган, Унга иймон келтирган инсонгина ҳаётнинг моҳиятини тўғри англайди, яхши ва ёмон, эзгулик ва ёвузлик,

муҳаббат ва нафрат, ҳидоят ва зулм каби тушунчаларни ҳам олий даражада фарқлай олади.

Чунки биз кўриб турган дунёни Роббимиз Ҳаққ таоло яратган. Бас, шундай экан, Аллоҳ таолони танимасдан ва Унга иймон келтирмасдан туриб бу дунёни, ундаги яхши-ёмон барча махлуқотларни, ўзимизни, туйғуларимизни, муҳаббатимизни тўғри идрок қилиш мутлақо иложсиздир. Аллоҳ таолони танимаган инсон зулматда қолган кўр кабидир. Шунинг учун ҳам Қуръони Каримнинг уч юздан ошиқ оятида зулм, зулмат ва залолат ҳақида гап боради.

Аллоҳ таолога иймон келтирмаган, яъни, Уни ўзига лозим тутмаган, Унга кўнгли мойил бўлмаган, Уни севмаган инсон, зулматда қолган кўр каби, ўзига, соф табиатига нолайиқ бўлган нарсаларга ёки кимсаларга мойил бўлиб, ўзига-ўзи зулм қилади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳеч кимга ёмонлик қилмаган одам ҳам, агар Аллоҳ таолога иймон келтирмаган бўлса, ўзининг соф табиатига, «ал-Мийсоқ» кундаги аҳдига хиёнат қилган золим бўлади. Бундай кимсалар ҳақида Аллоҳ таоло шундай деб марҳамат қилади: «Бас, Аллоҳ уларга зулм қилмас эди. Лекин улар ўзларига зулм қилар эдилар» («Тавба» сураси, 70-оят). Ва яна: «Албатта, Аллоҳ одамларга ҳеч зулм қилмас, ва лекин одамлар ўзларига зулм қилурлар» («Юнус» сураси, 44-оят).

Инсон ўзига-ўзи зулм қилмаслиги, зулматда, залолатда қолмаслиги учун соф табиатига қулоқ тутиб, «ал-Мийсоқ» кундаги ваъдасига амал қилиб ҳидоятга юз тутиши, Аллоҳ таолога иймон келтириши, Уни бандасини залолатдан қутқарувчи нур соҳиби сифатида севиши лозим.

Ислом уммати Аллоҳ таолога ва Унинг Расулига муҳаббат қилмоқ фарз эканига ижмоъ қилган.

Бу ҳақда Қуръони Каримда ҳам алоҳида оятлар мавжуд ҳамда ушбу оятлар маъносига ҳамоҳанг кўплаб ҳадислар ҳам ворид бўлган. Масалан,

«Моида» сурасида Аллоҳ таоло шундай деб таъкидлайди:

**«Эй, иймон келтирганлар! Сизлардан ким дийнидан қайтса, Аллоҳ, албатта, Ўзи севадиган ва улар ҳам Аллоҳни севадиган қавмни келтирур. Улар мўминларга хокисор, кофирларга қаттиққўл, Аллоҳнинг йўлида жидду жаҳд қилурлар ва маломатчининг маломатидан қўрқмаслар. Бу, Аллоҳнинг фазли бўлиб, хоҳлаган одамига берадир. Аллоҳ фазли-карами кенг ва билувчи зотдир» (54-оят).**

Демак, Аллоҳ таоло Ўз дийнининг ер юзида барқарор бўлишига восита қилган бандалари алоҳида сифатларга эгадир.

Биринчиси — ўзаро муҳаббат. Яъни Аллоҳ таоло уларни севади, улар ҳам Аллоҳ таолони севадилар.

Бу ўзаро муҳаббат энг катта ва қувватли боғланишдир. Аллоҳнинг дийнига хизмат қилувчиларга, ўша дийнда мустаҳкам турувчиларга Аллоҳнинг муҳаббати бўлар экан. Дунёда ўзини билган инсон учун бундан улкан бахт йўқ.

Ожиз бир инсоннинг муҳаббатига сазовор бўлган шахс ўзини қанчалар бахтли ҳис этади. Биз сўз юритаётган муҳаббат эса, ҳамма бандаларнинг Робби, бутун оламларнинг, барча махлуқотларнинг Холиқи, икки дунёнинг Молики, уларга жон ато қилган, нозу неъмат берган, Қиёмат куни ҳисоб-китоб қиладиган Зотнинг муҳаббати!

Аллоҳнинг маҳбуби бўлишдан юқори бахт йўқ. Шу билан бирга, бу муҳаббатга эришишнинг фақат бир йўли бор — мусулмон бўлиш, ихлосли мусулмон бўлиш.

Аллоҳнинг севгисини қозонган бандаларнинг ўзлари ҳам Аллоҳни севадилар. Демак, севги-муҳаббат икки тарафламадир. Аллоҳни севиш қандай улкан бахт! Бу севги дунёдаги ҳамма севгилардан устун турадиган севги бўлиб, у жо бўлган қалбда бошқа севгилар ҳам соғлом бўлади.

Аллоҳни севгувчи одам доимо ўз маҳбуби розилиги учун ҳаракат қилади. Ўзида шундай севги пайдо қила олган одам дунёни ҳам бошқача кўради. Дунёдаги ҳамма нарсани ўз қадр-қиммати билан танийди. Фақат мусулмон инсонгина бундай севгига соҳиб бўла олади.

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида:

**«Иймон келтирганларнинг Аллоҳга муҳаббатлари қаттиқдир» (165-оят), деган.**

Ҳақийқий иймонли инсонлар бор муҳаббатларини, ишончу эътиқодларини Аллоҳ таолонинг Ўзига қаратганлар ва бу муҳаббатлари жуда ҳам кучлидир.

Аллоҳ таоло «Оли Имрон» сурасида:

**«Сен: «Агар Аллоҳга муҳаббат қилсангиз, бас, менга эргашинг – Аллоҳ сизга муҳаббат қиладир ва сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қиладир», деб айт» (31-оят), деган.**

Аллоҳга муҳаббат, иймон қуруқ гаплар эмас. У, одамлар орасида ўзининг иймони, Аллоҳга муҳаббати борлигини айтиши билан собит бўладиган нарса ҳам эмас. Аллоҳга ҳақийқий муҳаббат, ҳақийқий иймон тилда айтиладиган гап ёки баъзи расм-русумларни адо этишдан иборат иш ҳам эмас. Аслида, у Аллоҳга ва Унинг Расулига тўлиқ бўйсунушдан иборат.

**«Агар Аллоҳга муҳаббат қилсангиз, бас, менга эргашинг».**

Ким қалбида Аллоҳ таолога муҳаббат борлигини даъво қилса, бу даъвосининг тўғри ёки нотўғрилигига ҳукм унинг Набий алайҳиссаломга эргашшига қараб чиқарилади. Агар у Набий алайҳиссаломга тўғри эргашса, даъвоси тўғри. Эргашмаса, тўғри эмас. Расулуллоҳ алайҳиссаломга вассаломга эргашшиш ҳар бир бандага битмас-туганмас бахтсаодат келтиради. Бу нарса оятда қуйидагича баён қилинмоқда:

**«Аллоҳ сизга муҳаббат қиладир ва сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қиладир».**

Мўмин банда учун Аллоҳ таолонинг муҳаббатидан ҳам яхшироқ бахт-саодат борми?! Бунинг устига, унинг гуноҳларини ҳам мағфират қилиб турса!

Худди шу каби маънолар кўплаб ҳадисларда ҳам баён этилган. Улардан баъзиларини қуйида кўриб чиқамиз.

*Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан:**

**«Қиёмат қачон, ё Расулаллоҳ?»** – деб сўради.

**«Сен унга нима тайёрладинг?»** – дедилар.

**«Мен унга кўп намоз, рўза ва садақа тайёрлаганим йўқ. Лекин Аллоҳга ва Унинг Расулига муҳаббат қиламан»,** – деди.

**«Сен ўзинг муҳаббат қилганлар билан биргасан»,** – дедилар».

*Бошқа бир ривоятда:*

**«Биз ҳам шундайми?»** – дедик.

**«Ҳа»,** – дедилар.

**Ўша куни қаттиқ хурсанд бўлдик»**ни зиёда қилган».

*Икки Шайх ва Термизий ривоят қилишган.*

Демак, Аллоҳ таолога ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббат улў нарса. Ушбу муҳаббат бу дунёда Аллоҳ таолога ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилишга ва у дунёда жаннатга етаклайди. Жаннатда бўлганида ҳам, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бўлади.

*Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Уч нарса борки, улар кимда бўлса, Иймон ҳаловатини топади: Аллоҳ ва Унинг Расули унинг учун икковларидан ўзга ҳамма нарсадан маҳбуб бўлмоқлари, бир кишига фақат Аллоҳ учунгина муҳаббат қилмоғи ва куфрга қайтишни худди оловга ташланишни ёмон кўргандек ёмон кўриши»,** – дедилар».

Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.

Ушбу ҳадисда Исламнинг энг асл тушунчаларидан бири бўлган комил иймон ҳаловатини қайси йўл билан топиш мумкин экани баён қилинмоқда. Чунки иймон ҳаловатини топиш оддий ҳол эмас.

«Ҳаловат» сўзи «ҳолва» сўзидан олинган бўлиб, «ширинлик» маъносини англатади. Асли моддий маънода ишлатиладиган ушбу сўз бу ерда истиора ила маънавий маънода келмоқда.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам сўз бошида:

**«Уч нарса борки, улар кимда бўлса, Иймон ҳаловатини топади»,** деб эшитувчини қизиқтириб оладилар. Иймон ҳаловати ҳаммани қизиқтирадиган нарса. «Қандай қилиб иймон ҳаловатини топса бўлар экан?» деб ҳамма ҳам қизиқади. Иймон ҳаловатини уч нарса билан топиш мумкинлигини эълон қилиш эса, ҳамманинг эътиборини ўзига тортиши турган гап.

**«Аллоҳ ва Унинг Расули унинг учун икковларидан ўзга ҳамма нарсадан маҳбуб бўлмоқлари».**

Комил иймонга эга бўламан, иймон ҳаловатини топаман, деган одам Аллоҳ таолони ва Унинг элчиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳаммадан кўп севмоғи лозим. Зотан, бусиз иймон бўлиши ҳам мумкин эмас.

Чунки, биз Аллоҳ таолони У зотнинг элчилари, хусусан, охирги элчиси, хотамул анбиё Муҳаммад алайҳиссалом орқали таниймиз. Ўзимиз шахсан Аллоҳ таолони кўрмаган бўлсак ҳам, одамзоднинг энг афзали, карамли ахлоқлар соҳиби, энг ишончли бир зот — Расулulloҳ Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хабарлари орқали, у кишига нозил қилинган илоҳий калом — Қуръони Карим орқали Аллоҳ таолони таниймиз, У зотнинг сифатларини ўрганамиз ва бутун борлиқдаги яккаю ягона илоҳ эканини идрок қиламиз.

Қолаверса, Аллоҳ таолонинг энг сеvimли бандаси, ҳабиби бўлмиш Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламни севиб ва у кишига тўлиқ эргашибгина Аллоҳ таолога бўлган севгимизни, иймонимизни тасдиқлашимиз мумкин.

Айнан шунинг учун ҳам Аллоҳ таолога ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббат бир-биридан айри тасаввур қилинмайди.

Хўш, Аллоҳ ва Унинг Расулини севиш нима билан бўлади? Бу борадаги муҳаббатни қандай тушунмоқ керак? Уламоларимизнинг бу саволга берган жавобларидаги иборалари турлича бўлса ҳам, маъноси бирдир.

У ҳам бўлса, Аллоҳга муҳаббат унинг буюрганини қилиб, қайтарганидан қайтишдир. Аллоҳ таоло яхши кўрган нарсани яхши кўриб, Аллоҳ таоло ёмон кўрган нарсани ёмон кўришдир.

Шунингдек, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга муҳаббат ҳам у зотнинг шариатлари ва суннатларини лозим тутмоқдан иборат.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّىٰ أَكُونَ أَحَبَّ إِلَيْهِ مِنْ وَلَدِهِ وَوَالِدِهِ وَالنَّاسِ أَجْمَعِينَ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالنَّسَائِيُّ.

*Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Сиздан бирортангиз, то мен унга ота-онасидан, боласидан ва одамларнинг ҳаммасидан маҳбуброқ бўлмагунимча, мўмин бўла олмайди» – дедилар».**

*Икки Шайх ва Насаий ривоят қилишган.*

Ушбу ҳадисда Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «**мўмин бўла олмайди**» деганларидан мурод, комил иймонли мўмин бўла олмайди, деганларидир. Чунки бу ерда гап эътиқод

ҳақида эмас, майл ҳақида кетмоқда. Агар эътиқод бўйича қарайдиган бўлсак, бирор киши нафақат ота-она ёки болани, балки Расулуллоҳдан бошқа бирор шахсни афзал кўрса, кофир бўлиши турган гап. Ушбу ҳадисдаги муҳаббатдан мурод ота-она ёки болага бўладиган меҳр-шафқат ҳам эмас, бошқа инсонга бўладиган ишқ ҳам эмас. Балки, иймон-эътиқод маъносида маҳбубга нисбатан фидокорлик ва ҳар бир нарсани қурбон қилишга тайёр туриш ҳамда муҳбубнинг амрини бажариб, унинг розилигини топишга уринишдир.

Демак, мўмин банда учун Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу масалада ўз ота-онасидан ҳам, боласидан ҳам, бошқа барча одамлардан ҳам устун туришлари керак.

Уламоларимиздан Абу Зинод кишилар орасидаги ўзаро муҳаббатни учга бўладилар:

1. Улуғлаш ва таъзим муҳаббати, асосан, ота-онага бўлади.
2. Раҳим-шафқат муҳаббати, асосан, фарзандларга бўлади.
3. Ўзаро гўзал хислатларни қадрлаш муҳаббати, ўзга одамларга нисбатан бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳадисларида ўзларига нисбатан муҳаббатнинг уч тури ҳаммага бўлган муҳаббатдан устун бўлгандагина инсоннинг иймони комил бўлишини қайд қилмоқдалар. Бу муҳаббат у зотнинг тириклик пайтларида шахсларига нисбатан бўлса, энди ҳам шахсларига, ҳам дийнларига, ҳам суннатларига нисбатан бўлиши керак.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ هِشَامٍ قَالَ: كُنَّا مَعَ النَّبِيِّ ﷺ وَهُوَ آخِذٌ  
بِيَدِ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ فَقَالَ لَهُ عُمَرُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ لَأَنْتَ  
أَحَبُّ إِلَيَّ مِنْ كُلِّ شَيْءٍ إِلَّا مِنْ نَفْسِي. فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: لَا  
وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ حَتَّى أَكُونَ أَحَبَّ إِلَيْكَ مِنْ نَفْسِكَ، فَقَالَ

لَهُ عُمْرٌ: فَإِنَّهُ الْآنَ وَاللَّهِ لَأَنْتَ أَحَبُّ إِلَيَّ مِنْ نَفْسِي فَقَالَ  
النَّبِيُّ ﷺ: الْآنَ يَا عُمْرُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَحْمَدُ.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу ушбу ҳадиси шарифни эшитганлари замони унга амал қилишларини билдирмоқчи бўлдилар:

*Абдуллоҳ ибн Ҳишомдан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга эдик. Ул зот Умар ибн Хаттобнинг қўлларини тутиб турган эдилар. Бас, Умар у зотга:**

**«Ё Расулаллоҳ, сиз мен учун ўзимдан бошқа ҳаммадан кўра маҳбуброқсиз», – деди.**

**Шунда Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Ундоқ бўлса, бўлмапти. Нафсим кўлида бўлган Зот ила қасамки, Ўзингдан кўра ҳам маҳбуброқ бўлиши керак», – дедилар.**

**Ҳазрати Умар дарҳол:**

**«Аллоҳга қасамки, ўзимдан кўра ҳам», – дедилар.**

**Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Ана энди бўлди, эй Умар», – дедилар».**

*Бухорий ва Аҳмад ривоят қилишган.*

Умуман, инсоннинг Аллоҳ таолога ва Муҳаммад алайҳиссаломга боғлиқ севгисини шартли равишда уч хил кўринишда таърифлаш мумкин:

**1. Аллоҳни севиш.** Яъни Аллоҳ таолонинг барча амрларини севиб бажариш, қайтарган нарсаларидан қатъий қайтиш, ҳар доим тақвони лозим тутиш ҳамда Унинг элчиси ва ҳабиби бўлмиш Муҳаммад алайҳиссаломга шубҳасиз ишониб, дийнда у кишига эргашиш, у кишини ўзига йўлбошчи, дўст, валий деб билиш, инсониятнинг энг афзали сифатида севиш ва қадрлаш.

**2. Аллоҳ учун севиш.** Яъни Аллоҳ таоло Қуръони Каримда мақтаган сифатларга эга инсонларни, Аллоҳ таоло учун суюкли бўлган солиҳ

бандаларини севиш, улардек бўлишга интилиш. Ва, албатта, энг аввало Муҳаммад алайҳиссаломни севиш.

**3. Аллоҳнинг махлуқларини севиш.** Яъни бутун борлиқни, ундаги жамийки мавжудотларни улар ҳам ўзи каби махлуқ бўлганлари учун севиш, иймон, ақл ва қалб кўзи билан борлиққа теранроқ назар солиш, мушоҳада қилиш, ҳар бир махлуқда Аллоҳ таолонинг қудратини, яратувчанлигини кўра олиш, махлуқларини ўрганиш орқали Холиқни янада яхшироқ таниш ва кучлироқ севиш. Ва бу севгида ҳам бизга устозлик қилувчи зот Мураббийимиз Муҳаммад Мустафо соллалоҳу алайҳи васалламдир.

*Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган узун ҳадисда, жумлаган, қуйидаги дуо бор:*

**«Сўра! Аллоҳим, албатта, мен Сендан яхшиликларни қилишни, ёмонликларни тарк этишни, мискинларга муҳаббат қилишни, мени мағфират қилишингни ва менга раҳим қилишингни, қачон бир қавмни фитнага учратишни ирода қилсанг, мени фитнага учрамаган ҳолимда вафот эттиришингни сўрайман. Мен Сендан муҳаббатингни, Сенга муҳаббат қиладиганларнинг муҳаббатини ва Сенинг муҳаббатингга яқинлаштирадиган амалнинг муҳаббатини сўрайман», деб айт», – деди»**

*Термизий ва Ҳоким ривоят қилишган.*

Бу дуода биз ўрганаётган Аллоҳнинг муҳаббати мавзуйига оид икки жумла бор.

**«Сендан муҳаббатингни сўрайман».**

Аллоҳнинг муҳаббати мўмин-мусулмон кишининг энг олий ғоясидир. Мўмин қалба фақат Аллоҳнинг муҳаббати бўлиши керак. Аниқроғи, иймон-эътиқод борасида Аллоҳ таолонинг муҳаббатидан бошқа нарсанинг муҳаббатига қалбида жой қолмаган кишигина бир мақомга эришган бўлади. Бундоқ мақомга эришиш учун доимо Аллоҳ таолонинг Ўзидан ёрдам сўраш керак.

**«Сенинг муҳаббатингга яқинлаштирадиган амалнинг муҳаббатини сўрайман».**

Демак, амал билан одам Аллоҳнинг муҳаббатига яқинлашар экан. Амални қилиш учун эса, унга муҳаббат қилиш керак экан. Ўша амалнинг муҳаббатини ҳам доимо Аллоҳ таолонинг Ўзидан сўраб туриш лозим экан.

*Абдуллоҳ ибн Язийд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дуоларида:**

**«Аллоҳим! Мени муҳаббатинг ила ва муҳаббати Сенинг даргоҳингда менга манфаат берадиган шахснинг муҳаббати ила ризқлантиргин.**

**Аллоҳим! Менга муҳаббатини ризқ қилиб берган нарсангни Ўзинг муҳаббат қилган нарсада мен учун қувват қилгин.**

**Аллоҳим! Мен муҳаббат қилган нарсалардан мендан четда қилганларингни менга Ўзинг муҳаббат қилган нарсаларда қувват қилгин», — дер эдилар».**

*Термизий ривоят қилган.*

*Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Албатта, мукофотнинг катталиги балонинг катталигига қараб бўлади. Албатта, Аллоҳ таоло қачон бир қавмга муҳаббат қилса, бало ила синаб кўради. Ким рози бўлса, унга ризолик бўлади. Ким ғазаб қилса, унга ғазаб бўлади», — дедилар».**

*Термизий ривоят қилган.*

Аллоҳ таолонинг бир қавмга муҳаббат қилишининг кетидан синов келиши ҳам бор. Ўша синовдан муваффақият билан ўтиш лозим.

Аллоҳ таолонинг ҳукмига рози бўлиб, сабр қилган бандадан Аллоҳ таоло рози бўлади. Кимки Аллоҳ таолонинг ҳукмига рози бўлмай, ўзига етган балодан ғазаби чиқса, ўша бандага Аллоҳ таолонинг ғазаби бўлади.

Шунинг учун, мўмин банда ўзига етган ҳар бир кўнгилсизликни Аллоҳ таоло томонидан синов деб билиб сабр қилса, Аллоҳ таолонинг ҳукмига рози бўлса, албатта, Аллоҳ таоло ҳам ундан рози бўлади.

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Аллоҳ таоло: «Ким менинг валийимга душманлик қилса, батаҳқиқ, Мен унга уруш эълон қилурман.**

**Бандам Менга Мен унга фарз қилган нарсаларим ила яқинлашгани каби Менга маҳбуб нарса ила яқинлаша олмас.**

**Бандам Менга нафллари ила яқинлашишида бардавом бўлса, Мен унга муҳаббат қилурман.**

**Қачон Мен унга муҳаббат қилсам, унинг эшитадиган қулоғи, кўрадиган кўзи, ушлайдиган қўли ва юрадиган оёғи бўлурман.**

**Агар Мендан сўраса, албатта, унга берурман. Агар у Мендан паноҳ тиласа, Мен уни Ўз паноҳимга олурман.**

**Ҳеч бир нарсада мўминнинг жони ҳақида иккиланганимдек иккиланган эмасман. У, ўлимни ёқтирмайди. Мен эса унга ёмонлик қилишни истамайман», деди», – дедилар».**

*Бухорий ва Аҳмад ривоят қилишган.*

Бу ҳадиси шарифда нозик масалалар нозик иборалар ила баён қилинган. Шунинг учун, унинг зоҳирий маъносига учмасдан, уламоларимиз узоқ изланишлар оқибатида эришган нозик натижаларни ҳушёрлик билан ўзлаштиришимиз лозим.

Аллоҳ таолога алоҳида яқин бўлиш шарафига муяссар бўлган саодатманд зотлар қандай тарзда Аллоҳ таолога яқинлик ҳосил қилганларининг баёни ҳадиси шарифнинг давомида келади.

**«Бандам Менга Мен унга фарз қилган нарсаларим ила яқинлашгани каби Менга маҳбуб нарса ила яқинлаша олмас».**

Демак, Аллоҳ таолога яқин бўлиш учун банда, аввало, ўзига фарз қилинган нарсаларни ўринлатиб адо этадиган бўлиши керак. Фарз амалларни бекам-кўст адо қилган банда Аллоҳ таолога яқинлик касб қилган бўлар экан. Фарз амалларни қилмай туриб, Аллоҳ таолога яқин бўлиш ҳақида ўйлаб ўтириш ҳам мумкин эмас экан.

Фарз амалларни тўлиқ адо этиб, Аллоҳ таолога яқинлик ҳосил қилган бандалар яна ҳам яқинроқ бўлиш имконига эга эканлар. Бунинг учун улар нафл ибодатлар билан машғул бўлмоқлари лозим.

**«Бандам менга нафллар ила яқинлашишида бардавом бўлса, Мен унга муҳаббат қилурман».**

Агар банда фарзларни тўлиқ адо қилганидан кейин нафлларни бардавом бажариб турса, маълум даражага етганида Аллоҳ таолонинг муҳаббатига сазовор бўлар экан.

**«Қачон Мен унга муҳаббат қилсам, унинг эшитадиган қулоғи, кўрадиган кўзи, ушлайдиган қўли ва юрадиган оёғи бўлурман».**

Бу жумлада келган Аллоҳ таолонинг «Унинг эшитадиган қулоғи бўламан» дегани банданинг фақат Аллоҳ таолони рози қиладиган нарсаларни эшитадиган, бошқа нарсаларни эшитмайдиган ҳолга етиб қолишини билдиради. Бу ерда зинҳор зоҳирий маънони хаёлга келтирмаслик керак.

Шунингдек, «кўрадиган кўзи» деганда банда Аллоҳ таолони рози қиладиган нарсадан бошқа нарсани кўришдан ўзини тортадиган, «ушлайдиган қўли» деганда банда фақат Аллоҳ таолони рози қиладиган нарсаларни ушлайдиган бўлишини ва «юрадиган оёғи» деганда банда фақатгина Аллоҳ таолони рози қиладиган ишларга юрадиган ҳолга етишишини тушунмоқ керак.

Демак, банда фарзларни адо этиш ила Аллоҳ таолога яқин бўлади. Нафл ибодатларни кўп қилиш ила Аллоҳ таолонинг муҳаббатига сазовор бўлади. Сўнгра фақат Аллоҳ таолони рози қиладиган

нарсаларни эшитадиган, кўрадиган, ушлайдиган ва Аллоҳ таолони рози қиладиган жойларга юрадиган ҳолга эришади. Бу ҳол унинг учун алоҳида бир мақомга эришиш имконини беради. У ҳолда нималар бўлишини Аллоҳ таолонинг қуйидаги сўзларидан билиб оламиз:

**«Агар Мендан сўраса, албатта, унга берурман. Агар у Мендан паноҳ тиласа, Мен уни Ўз паноҳимга олурман».**

Қисқа қилиб айтиладиган бўлса, бу ҳолда банд да дуоси тўхтовсиз қабул бўладиган шарафга ноил бўлади. Валийларнинг ҳоли шундай.

Энди, ота-онани ва қизларни севиш масаласига келсак, бундай муҳаббат шаръий жиҳатдан жоиз, аммо уни Аллоҳ таоло ва Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламга бўлган севги билан қиёслаб бўлмайди. Айни пайтда, бир қалба бу турфа севгилар жамъ бўлмайди, дейиш ҳам фақат иймон, эътиқод, ихлос маъносигагина тўғри. Негаки, иймон, эътиқод, ихлос маъносида фақат Аллоҳ таолога ва Унинг ҳабиби, Расули бўлмиш Муҳаммад алайҳиссаломга дилни боғлаш, улардан бошқа ҳамма-ҳаммадан кўнгилни узиш, икковларининг севгисидан бошқа ҳеч бир муҳаббатга қалбида жой қолмаслиги ҳақийқий иймоннинг белгисидир. Бу дегани, Аллоҳ азза ва жаллани яккаю ягона Илоҳ деб билиш, танҳо Ўзи Яратувчи, ризқ берувчи ва ҳожатларни раво қилувчи дея эътироф этиш, барча ҳолатларида фақат Аллоҳ таолога юзланиш, фақат Унгагина ибодат (қуллик, сифиниш, таъзийм қилиш, шукр келтириш, муножот) қилиш, дунё ва охират саодати ёлғиз Унгагина боғлиқ эканини англаш ҳамда жамийки орзу-истакларини, ҳожатларини фақатгина Ундан сўраш демақдир; Аллоҳ таоло севган кимсаларни ва амаларни севмоқ ҳамда У зот ёмон кўрган кимса ва амалларни ёмон кўрмоқ, буйруқларини севиб бажармоқ, манъ этганларидан қатъий қайтмоқлиқ демақдир; бандалик мақомидан мамнун бўлмоқ ва бу йўлда У зотнинг

элчиси бўлмиш Муҳаммад алайҳиссаломни ўзига раҳбар, устоз, имом сифатида қадрламоқ, севмоқ, эргашмоқ ва итоат этмоқ, демақдир.

Ҳа, иймон-эътиқод маъносида бундан бошқа ҳар қандай севги ботилдир, пучдир, беҳудадир, залолатдир.

Аммо бу гаплар ота-онага, фарзандларга ва аёлларга бўлган севгининг ботиллигини, ҳаромлигини англамайди. Аксинча, ота-онани, фарзандларни ва жуфти ҳалолани севиш, уларга меҳру мурувват кўрсатиш, қадрлаш, оилавий ҳақларини адо этиш шариатнинг талаби сифатида ҳар бир мўмин-мусулмонга фарзу вожиб амаллардан саналади.

Ўзини билмаган, дийнда ҳаддан ошган баъзи кимсалар даъво қилаётганидек, дунёвий севгиларимиз асло беҳуда эмас. Бу севги, бу муҳаббат Аллоҳ азза ва жалланинг бизга берган улуғ инъомидир. Бу ҳақда У зот субҳанаҳу ва таоло шундай деб марҳамат қилади: «Ва сизларга сокинлик топишингиз учун ўзингиздан жуфтлар яратганлиги ва ораларингизда севги ва марҳаматни солиб қўйгани (ҳам) Унинг оят-белгиларидандир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавмлар учун оят-белгилар бордир» («Рум» сураси, 21-оят).

Тафаккур қилсак, ақлимизни бир оз ишлатсак, Қуръони Карим оятлари маъносини чуқурроқ мушоҳада этсак, Аллоҳ таоло инсонни фақат меҳнат-машаққат учун яратмаганлигини англаб етамиз. Ҳа, Аллоҳ таоло инсонни фақат ибодатга ёки маийшатга буюрмаган. Аксинча, иймон келтирган, Ҳаққ таолони таниган ҳар бир мўмин-мусулмон ўзига берилган моддий ва маънавий ҳамда жисмоний имкониятлардан фойдаланган ҳолда У зотнинг розилиги йўлида жидду жаҳд қилиши ва айни пайтда бу дунёда ҳам Аллоҳ таоло унга ато қилган неъматлардан юз ўтирмаслиги лозим. Чунки У зот азза ва жалла айнан шундай йўлнинг тўғрилигини, жоизлигини алоҳида

таъкидлаб бундай деб марҳамат қилган: «Ва Аллоҳ сенга берган нарса билан охиратни излагин, бу дунёдаги насийбангни ҳам унутма» («Қосос» сураси, 77-оят).

Шу маънода яна бир оз тафаккур қилсак, ота-она, жуфти ҳалол, бола-чақа каби неъматлар ҳам, уларга бўлган муҳаббатимиз ҳам Аллоҳ таолонинг бизга берган улур инъомлари эканини англаб етамиз. Юқорида мисол келтирилган ояти каримада Аллоҳ таолонинг Ўзи инсонларни жуфт-жуфт қилиб яратиб қўйганлиги ҳамда ораларига севги ва марҳаматни солиб қўйганлиги таъкидланган эди. Қуйидаги ояти каримада ҳам шу маъно янада кенг-роқ баён этилган: «Аллоҳ сизларга ўзларингиздан жуфт (ҳалол)лар қилди ва сизларга жуфтларингиздан болалар ва набиралар қилди ҳамда сизларга пок ризқлар берди» («Наҳл» сураси, 72-оят).

Афсуски, унча-мунча илми бор баъзи кимсалар ҳам бу дунёнинг «беш кунлик» эканини, демакки, ундаги барча нарсалар, турли муносабатлар, туйғулар, хусусан, севги-муҳаббат ҳам ўткинчи эканлигини таъкидлаб чарчашмайди. Хўш, бу дунё чиндан ҳам «беш кунлик»ми ва ундаги барча нарса ва туйғулар, хусусан, севги-муҳаббатларимиз ўткинчимиз?

Бандалик ҳақийқатини идрок қилган кимса учун бу дунё абадий ҳаётнинг дебочаси, абадийлик йўлидаги бир босқич, абадий ҳаётга тайёргарлик кўриш имкони ва фақат шу маънодагина «беш кунлик» ўткинчи дунёдир. Аммо бу «беш кунлик» дунё айна чоғда абадийлик соҳилига элтувчи кўприқдир.

Абадий ҳаётнинг, аниқроғи, жаннатдаги ҳаётнинг таърифи ва тавсифи Қуръони Каримда ва ҳадиси шарифларда баён этилган. Ана ўша ҳаётга мос келувчи ҳар бир нарса бу «беш кунлик» дунёда ҳам қадрлидир, қадрлашга арзигулиқдир. Хусусан, муҳаббат туйғуси.

Инсон кимнидир севибгина ҳаёт ҳақийқатига етиша олади. Кимнидир севмаган кимса на ҳаётнинг, на ўз умрининг қадрига етади.

Кимнидир севмаган инсон ҳаётнинг моҳиятини ҳам, бандаликнинг ҳақийқатини ҳам идрок қила олмайди. Ва бу бечора кимса учун ушбу дунё чиндан ҳам ўткинчи, чиндан ҳам «беш кунлик»дир.

Абадий ҳаётнинг, яъни жаннатдаги ҳаётнинг ва унда Аллоҳ таолонинг Ўзи солиҳ бандалари учун тайёрлаб қўйган неъматларнинг таърифида У зот азза ва жалла бундай деб марҳамат қилади:

«Улар учун эшиклари очиқ адн жаннатлари бордир.

У ерда ёнбошлаган ҳолларида ундаги кўплаб мевалар ва шароблардан чақирарлар.

Уларнинг ҳузурида кўзларини (номахрамдан) тийган тенгдош (хур)лар бордир.

Бу сизга ҳисоб куни учун ваъда этилган нарсалардир.

Албатта, бу бизнинг (берадиган) ризқимиздир. Унинг ҳеч туташи йўқдир» («Сод» сураси, 50–54-оятлар).

Булар ҳам ва қуйидаги оятларда таърифланган неъматлар ҳам Аллоҳ таолонинг ихлосли бандаларига аталгандир:

«Магар Аллоҳнинг ихлосли бандалари...

Ана ўшаларга, ўзларига маълум ризқ бордир.

Мева-чевалар бордир. Улар икром қилинган ҳолларида...

Наъийм жаннатларида...

Сўрилар устида бир-бирларига қараган ҳолларида бўлурлар.

Уларга оқар чашмадан қадаҳлар айлантириб турилур.

Оппоқ, ичгувчига лаззатбахшдир.

Унда ҳеч бир зарар йўқдир ва ундан сархуш ҳам бўлмаслар.

Одиларида кўзларини (бегоналардан) тийгувчи шаҳло кўзликлар бордир.

Улар худди асраб қўйилган тухумга ўхшарлар» («Соффаат» сураси, 40 – 49-оятлар).

Ушбу бахтли бандаларининг асосий сифатларини эса Аллоҳ таоло бундай деб таърифлайди:

«Оятларимизга иймон келтирганлар ва мусулмон бўлганлар» («Зухруф» сураси, 69-оят).

Ва уларга хитобан шундай деб марҳамат қилади:

«Жаннатга киринглар, сизлар ва жуфтларингиз шод бўлурсизлар» («Зухруф» сураси, 70-оят).

Фақат бугина эмас. Аҳли жаннат нафақат ўз жуфти ҳалоллари билан, балки фарзандлари билан ҳам топишиб, ушбу роҳат-фароғат ичида мангу яшайдилар. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай деб марҳамат қилади:

«Ўзлари иймон келтириб, зурриётлари уларга иймон билан эргашганларнинг зурриётини уларга қўшдик ва уларнинг амалларидан ҳеч нарсани камайтирмадик. Ҳар бир киши ўз касби гаровидир» («Тур» сураси, 21-оят).

Демак, бахтиёр бандалар жаннатда ўз яқинлари, севганлари билан бирга бўлар эканлар. Фақат, шарти шуки, ўша яқинлари — жуфти ҳалоллари ва фарзандлари Аллоҳ таолонинг оятларига иймон келтириб, мусулмон бўлиб яшаб ўтишлари керак.

Аллоҳ таолонинг Ўз оятларига иймон келтириш ҳақида таъкидлаб айтиши бежиз эмас. Аслида, барча адашишлар, янглишишлар Аллоҳ таолонинг оятларига қатъий иймон келтирмасликдан, ўз ожиз ақлига таяниб беҳуда мушоҳадаларга берилишдан ёки ўта тақводорлик қиламан деб, дийнда чуқур кетиб қулувга тушиб қолишдан келиб чиқади.

Аҳлу аёлга, фарзандларга бўлган муҳаббатни ножоиз деювчилар ўз фикрларига оят ва ҳадислардан далил топа олмай, Исломдан аввал ўтган умматлардан, аввалги Набийлардан ривоятлар келтирадилар. Ҳолбуки, биз мусулмонлар учун барча-барча нарсани, хусусан, севги, муҳаббатни ҳам аввалги умматлардан эмас, айнан Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўрганиш лозим ва лобуддир. Ҳаттоки, аввалги Набий ва Расулларнинг ҳам Қуръони Каримда ва ҳадиси шарифларда баён этилмаган сўз ва амалларига ёхуд феълларига эргашиш биздан талаб этилмаган.

Қуръони Карим нозил бўлишидан илгари яшаб ўтган умматларнинг ҳамда аввалги Набий ва Расулларнинг бизга ўрнак ва ибрат бўладиган жиҳатлари Аллоҳ таолонинг охирги Китобида ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида батафсил баён этилган. Фақат ана шу маълумотлардангина фойдаланишимиз, ўрнак ва ибрат олишимиз мумкин.

Акс ҳолда, ўзимиз билмаган, сезмаган ҳолда, ҳаттоки яхши ният билан ҳам, ёмон бидъат пайдо қилиб қўйишимиз мумкин, Аллоҳ асрасин.

«Одамнинг одамга бўлган муҳаббати ўткинчидир» деган фикрни баъзан катта уламолардан ҳам эшитиб қоламиз. Асло бундай эмас. Агар кимса бирор кишини ўз нафси учунгина севса, дарҳақийқат, бу севги ўткинчи ва беқарор бўлиши тайин. Аммо бировни Аллоҳ таоло учун яхши кўрилса, бу севги фақат бу дунёда эмас, охирада ҳам, жаннатда ҳам бардавом бўлмай, иншоаллоҳ. Юқорида келтирилган ояти карималар бунинг ёрқин далилидир.

Инсон бир кишини ўз нафси учун севади ёки Аллоҳ учун севади.

«Ўз нафси учун севиш» дегани шуки, фарзанд, дўст ва аёл (ёки эркак) сизга моддий, маънавий ва жисмоний манфаат берганлиги учун уларни севасиз. Сиз учун энг аввало улардан етадиган ана шу манфаат, фойда муҳим бўлади. Бири — авлодингизнинг давомчиси ҳамда кексайганингизда сизга тиргак бўлувчи фарзанд, иккинчиси — яхши ёмон кунларингизда овирингизни енгил қилувчи ҳамдарду ҳамфикр бўлган дўстингиз, учинчиси — табиий эҳтиёжларингизни қондирувчи жуфти ҳалолнингиз.

Ўз нафси учунгина севишнинг ёмонлиги шундаки, мабодо фарзандингиз ёки жуфти ҳалолингизнинг дунёқарашлари сизникидан бошқача бўлса, улар иймону эътиқоддан бебаҳра, Исломиё таълим-тарбиядан йироқ бўлсалар, умрингиз ранжу машаққат билан ўтганидан ташқари, дийнингизга ҳам офат етиб қолиши мумкин. Бошқа тарафдан эса, севганларингиз, яқинларингиз сизга дийндош бўлсалар-у, аммо сиз ўзингиз уларнинг ибодатларига, тақволарига бефарқ бўлсангиз, улардан сизга етаётган манфаатларга рози бўлсангиз-у, оқибатлари учун қайғурмасангиз, демак, сиз уларни фақатгина ўз нафсингиз учун яхши кўрган бўласиз.

Кўрамизки, ҳар икки ҳолатда ҳам ўз нафси учун севиш ҳақийқий севги, ҳақийқий муҳаббат бўла олмайди.

Ҳолбуки, Аллоҳ таоло бизларни ўз севганларимизга нисбатан бефарқ бўлмасликка буюрган. Бу ҳақда У зот азза ва жалла шундай деб марҳамат қилади:

**«Эй, иймон келтирганлар! Ўзингизни ва аҳли аёлингизни ёқилғиси одамлару тошдан бўлган ўтдан сақланг!»** («Таҳрим» сураси, 6-оят).

Уларни ўтдан сақлаш эса дийнларида ёрдам бериш, тўғри йўлга бошлаш, тақвога ўргатиш ва ўзаро муносабатларни Исломиё асосга қуриш билан бўлади. Яъни айнан шу фарзанд, дўст ва жуфти ҳалоли Аллоҳ учун севиш билан бўлади. Ана шу севгини дунё ва охират учун ҳам фойдали ҳақийқий севги дейилади. Бундай севги асло ўткинчи бўлмайди. Аксинча, айнан шундай севги бу дунёда дийнингизга, қалбингизга, руҳингизга қувват бўлиб, ҳаётингиз завқли ва сурурли ўтишига ёрдам беради. Айни пайтда, охиратда ҳам мана шу севганларингиз билан бирга бўласиз, иншоаллоҳ. Зеро, сиз уларни аввало мўмин-мусулмон бўлганлари учун, Аллоҳ таолонинг итоатида юриб, Расулнинг (соллаллоҳу алайҳи

васаллам) суннатига эргашганлари учун, сизга дийндош бўлганлари учун севасиз. Иймонларидан, тақволаридан қувонасиз, ибодатларида камчилик бўлса, тузатишга ёрдам берасиз. Чунки юқорида эслатиб ўтганимиздек, яқинларингиз ҳам Аллоҳ таолонинг сизга берган неъматидир. Ҳақийқий мўмин-мусулмон эса, барча неъматларга доимо шуқр келтириши лозим. Аллоҳ таоло бизни айнан шунга буюриб қўйган:

**«Ва агар Унга ибодат қиладиган бўлсангиз, Аллоҳнинг неъматига шуқр қилинг» («Наҳл» су-раси, 114-оят).**

Шуқр келтириш, умумий маънода, исломий ҳаёт кечириш билан бўлади, ўзига берилган ҳар бир неъматни қадрлаш ва тўғри тасарруф қилиш билан бўлади, ўша неъматларнинг ҳақларини адо қилиш билан бўлади.

Севги-муҳаббат борасида ҳам тўғри йўлни танлаш, Аллоҳ таоло қалбимизга ато қилган сеvgи-марҳаматни ардоқлаш, сеvgимизни, сеvgанларимизни қадрлаш ўша неъматга шуқр келтиришлик ҳисобланади. Демакки, яқинларимизга, ота-оналаримизга, жуфти ҳалолларимизга, фарзандларимизга бўлган сеvgи нафақат жоиз, балки лозиму лобуддир.

Аммо, қалбимиздаги ўша туйғу чиндан ҳам Аллоҳ таолонинг инъомими ёки Шайтони лаъиннинг васвасаларими эканини аниқлаб олишимиз лозим.

Бу йўлда асосий мезон, тошу тарози дийну диёнатимиз, иймону эътиқодимиздир. Яъни қалбимизга муҳаббати тушган кимса Аллоҳ таолонинг йўлида юришга мойил шахс бўлса, Аллоҳ таоло бизга инъом этиб, дийнимизга ёрдам берган бўлади. Аксинча, кўнглимиз мойил бўлган шахс Аллоҳ таолога осий, дийнсиз ёки бутпараст бўлса, улуф синовга учраган бўламиз. Шайтони лаъиннинг васвасаси бизга ғолиб келиб, ўша дийнсиз ёки бутпараст кимсага янада қаттиқроқ

муҳаббат қўйсақ, синовдан ўтолмай, нафс қурбонига айланишимиз мумкин, Аллоҳ асрасин.

Айнан шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло Қуръони Каримда такрор ва такрор аҳлу аёл ва фарзандлар фитнага сабаб бўлиши мумкинлигидан огоҳлантирган.

وَأَعْلَمُوا أَنَّمَا آمَوَلِكُمْ وَأَوْلَادُكُمْ فِتْنَةٌ وَأَنَّ اللَّهَ عِنْدَهُ أَجْرٌ عَظِيمٌ ﴿٢٨﴾

«Ва билингки, молларингиз ва фарзандларингиз фитнадан ўзга нарса эмас ва, албатта, Аллоҳнинг ҳузурда улуғ ажр бордир» («Анфол» сураси, 28-оят).

يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تُلْهِكُمْ ءَمْوَالُكُمْ وَلَا ءَوْلَادُكُمْ عَن ذِكْرِ اللَّهِ وَمَن يَفْعَلْ ذَٰلِكَ فَأُوْلَٰئِكَ هُمُ الْخَٰسِرُونَ ﴿٩﴾

«Эй, иймон келтирганлар! Молларингиз ва болаларингиз сизни Аллоҳнинг зикридан чалвитмасин. Ким шундай қилса, бас, ана ўшалар ютқазганлардир» («Мунофиқун» сураси, 9-оят).

Қуйидаги ояти карима эса янада шиддатли огоҳлантириш билан бошланади:

يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِن مِّنْ ءَرْوٰجِكُمْ وَأَوْلَادِكُمْ عُدُوْلَآلِكُمْ فَاحْذَرُوهُمْ

«Эй, иймон келтирганлар! Албатта, жуфти ҳалолларингиздан ва болаларингиздан сизга душман бор, бас, улардан ҳазир бўлинг!» («Тағобун» сураси, 14-оят).

Бир томондан Аллоҳ таолонинг Ўзи инсонни жуфт қилиб яратиб қўйганини ва ораларига севгимарҳаматни солиб қўйганини таъкидлаб турса-ю, иккинчи томондан «Жуфту ҳалолларингиздан ва

болаларингиздан сизга душман бор, бас, улардан ҳазир бўлинг!» дея огоҳлантириб қўйса, буни қандай тушуниш керак?!

Аммо, ажабланишга ҳожат йўқ. Ахир, Қуръони Карим — улуғ Аллоҳнинг сўзи. Бас, бунда бир-бирига зид гаплар бўлиши мумкин эмас. Аллоҳ таоло бир томондан неъмат бериб, иккинчи томондан ўша неъматини манъ этиши асло ақлга ва мантиққа тўғри келмайди. Афсуски, Аллоҳ таолонинг мутлақ адолат қилувчи эканини, Унинг ва каломининг ҳар қандай айбу нуқсонлардан поклигини етарлича мушоҳада қилмаган баъзи бир кимсалар ҳалиги ояти карималарни нотўғри талқин қилиб, «Демак, Ҳаққа етишаман деган одам оила қурмай, бола-чақа қилмай ўтиши керак экан» дея хулоса чиқарадилар. Кўп таассуфлар бўлсинким, бундай фикрлар ўзларини энг тўғри йўлда ҳисобловчи аҳли тарийқатларнинг, тасаввуф машойихларининг баъзи китобларига ҳам кириб қолган.

Агар уларнинг оила қурмай, фақат Аллоҳ таолонинг севгиси билан яшаб ўтиш ҳақидаги гаплари тўғри деб қаралса, биз юқорида мисол келтирган оятлар, яъни жаннатда инсон жуфти ҳалоли ва фарзандлари билан бирга бўлиши ҳақидаги ояти карималар маъносини шарҳлаш мутлақо иложсиз бўлиб қоларди. Ҳолбуки, биз билган барча тафсирларда бу ояти карималар шарҳида инсон жаннатда чиндан ҳам ўз севганлари, хусусан, жуфти ҳалоли ва фарзандлари билан бирга бўлиши айtilган. Ақл ва мантиқ ҳам инсоннинг бахти бутун бўлиши учун шу нарсаларнинг зарурлигини тасдиқлайди.

Аммо юқоридаги қаттиқ огоҳлантиришлар инсонга берилган барча неъматларнинг бу дунёда улуғ бир синов вазийфасини ўташи юзасидандир. Буни қуйидаги ояти карима маъносидан ҳам билиб олиш мумкин:

إِنَّمَا أَمْوَالُكُمْ وَأَوْلَادُكُمْ فِتْنَةٌ وَاللَّهُ عِنْدَهُ أَجْرٌ عَظِيمٌ ﴿١٥﴾

**«Албатта, мол-мулкларингиз ва фарзандларингиз синовдан бошқа нарса эмас. Ва Аллоҳнинг ҳузурида улуғ ажр бор» («Тағобун» сураси, 15-оят).**

Демак, ўзимиз севган барча инсонлар, хусусан, оила аъзоларимиз билан бўлган муносабатларимиз дийнимиз кўрсатмаларига мувофиқ, яъни исломий асосда бўлса, ҳар қандай ҳолатда ҳам Аллоҳ таолонинг амрини, Расулининг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) суннатини ўз хоҳиш-истакларимиздан, кўнгили майлидан устун қўя олсак, жуфти ҳалолларимизга, фарзандларимизга ёки яна бошқа кимса ва нарсаларга бўлган муҳаббатимиз бизга бу дунёда ҳам, охирада ҳам фақат фойда келтиради, асло зарари тегмайди. Яъни, уларни «душман», «фитна», «синов» деб аташ уларнинг розилиги учун дийнга, шариатга хилоф иш қилиб қўйишдан огоҳлантириш учундир.

Аёлга ёки фарзандларга бўлган муҳаббатдан қочишга ундовчи кимсалар тарийқатда муболағага кетувчилардир. Улар тасаввуфни шариатдан юқори алоҳида бир босқич, бандаликнинг олий мақоми дея васф қиладилар. Аслида эса, шариатнинг ўзи тарийқатдир. Ҳа, Ислом шариати Муҳаммад алайҳиссаломнинг тарийқатларидир. Яна ҳам аниқроғи, Муҳаммад алайҳиссаломнинг тарийқатлари – йўллари Ислом шариатидир. Яъни ҳар бир соҳада, ҳаттоки ибодатлар маъносида ҳам васатий бир ҳаёт тарзини тарғиб қилувчи йўлдир.

Бу тарийқатда инсондан имконидан ортиқ ҳеч нарса талаб қилинмайди. Ҳаттоки имкони даражасида ҳам буюрилганидан ортиқ меҳнат, машаққат, зўриқиб ибодат қилиш талаб этилмайди. Айнан шунинг учун ҳам ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари буюрилганидан ортиқ ибодат қилишларига, нафл намозларни ҳаддан ортиқ кўп ва узоқ ўқишларига қарамай, умматларини бунга буюрмаганлар. Аксинча, ортиқча зоҳидликдан, роҳбонийликдан қайтарганлар. Уйланмай ўтишга, тунлари ухламай намоз ўқиб чиқишга, муттасил рўза тутишга аҳд

қилган кимсаларга насийҳат қилиб, ҳар бир ишда ўртача йўл тутишни буюрганлар.

Муҳаббат борасида ҳам бизга ўрнак бўладиган зот Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламдилар. У кишининг Аллоҳ таолога энг маҳбуб банда эканлари ва Аллоҳ таолони барча инсонлардан кўра яхши билишлари ҳеч бир кимсада шубҳа уйғотмаса керак. Ўзини билган бирор-бир одам «Мен Аллоҳ таолони Расулуллоҳдан ҳам яхши биламан, ҳеч ким, ҳатто Расулуллоҳ ҳам Аллоҳ таолони менчалик севмайди» деб даъво қилмаса керак. Ҳолбуки, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам умматларини, ўз аёлларини, фарзанду набираларини севганлари исбот талаб қилмайдиган ҳақийқатдир. У кишининг бу дунёвий севгилари юзлаб ҳадисларида баён этилган. Масалан:

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: حُبَّبَ إِلَيَّ مِنَ الدُّنْيَا  
النِّسَاءَ وَالطَّيِّبَ وَجُعِلَ قُرَّةُ عَيْنِي فِي الصَّلَاةِ. رَوَاهُ النَّسَائِيُّ  
وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ.

*Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Менга дунёда аёллар, хушбўй нарсалар маҳбуб қилинди. Кўзимнинг қорачиги намозда қилинди», – дедилар».**

*Насайй, Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилишган.*

عَنْ مُعَاذِ بْنِ جَبَلٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ أَخَذَ بِيَدِهِ  
وَقَالَ: يَا مُعَاذُ إِنِّي وَاللَّهِ لِأُحِبُّكَ أَوْصِيكَ يَا مُعَاذُ لَا تَدْعَنَّ  
فِي ذُبُرِ كُلِّ صَلَاةٍ تَقُولُ اللَّهُمَّ أَعْنِي عَلَى ذِكْرِكَ وَشُكْرِكَ  
وَحُسْنِ عِبَادَتِكَ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ.

*Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишининг қўлларидан ушлаб:

«Эй Муоз, Аллоҳга қасамки, албатта, мен сени яхши кўрурман. Эй Муоз, мен сенга ҳар бир намоздан кейин «Аллоҳумма аъинний ала зикрика ва шукрика ва ҳусни ибадатика» демоқлигингни тарк қилмасликни тавсия қилман», – дедилар».

*Абу Довуд ва Насаий ривоят қилишган.*

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مُعْفَلٍ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: اللَّهُ اللَّهُ فِي أَصْحَابِي اللَّهُ اللَّهُ فِي أَصْحَابِي لَا تَتَّخِذُوهُمْ غَرَضًا بَعْدِي فَمَنْ أَحَبَّهُمْ فَبِحُبِّي أَحَبَّهُمْ وَمَنْ أَبْغَضَهُمْ فَبِئْغِضِي أَبْغَضَهُمْ وَمَنْ آذَاهُمْ فَقَدْ آذَانِي وَمَنْ آذَانِي فَقَدْ آذَى اللَّهَ وَمَنْ آذَى اللَّهَ يُوشِكُ أَنْ يَأْخُذَهُ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

*Абдуллоҳ ибн Муғоффал розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Саҳобаларим ҳақида Аллоҳдан қўрқинглар! Аллоҳдан қўрқинглар! Саҳобаларим ҳақида Аллоҳдан қўрқинглар! Аллоҳдан қўрқинглар! Мендан кейин уларни мўлжал қилиб олманглар. Бас, ким уларга муҳаббат қилса, унга мен ўз муҳаббатим ила муҳаббат қилурман. Ким уларни ёмон кўрса, уни мен ўз ёмон кўришим ила ёмон кўрурман. Ким уларга озор берса, менга озор берган бўлади. Ким менга озор берса, Аллоҳга озор берган бўлади. Ким Аллоҳга озор берса, У зот уни тутишига оз қолади», – дедилар».

*Термизий ривоят қилган.*

عَنِ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ أَبْصَرَ حَسَنًا وَحُسَيْنًا فَقَالَ: اللَّهُمَّ إِنِّي أَحْبَبُهُمَا فَأَحِبَّهُمَا. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Баро розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Ҳасан ва Ҳусайнни кўриб қолдилар. Бас, у зот:

«Эй Аллоҳим, мен иккисига муҳаббат қилурман. Сен ҳам иккисига муҳаббат қилгин!» – дедилар».

Термизий ривоят қилган.

عَنْ عَمْرِو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ اسْتَعْمَلَنِي عَلَى جَيْشِ ذَاتِ السَّلَاسِلِ فَأَتَيْتُهُ فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَيُّ النَّاسِ أَحَبُّ إِلَيْكَ؟ قَالَ: عَائِشَةُ فَقُلْتُ: مِنَ الرِّجَالِ فَقَالَ: أَبُوهَا قُلْتُ: ثُمَّ مَنْ؟ قَالَ: عُمَرُ فَعَدَّ رَجُلًا فَسَكَتُ مَخَافَةَ أَنْ يَجْعَلَنِي فِي آخِرِهِمْ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالبُخَارِيُّ.

Амр ибн Осс розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам мени Зотус Салосил аскарига бошлиқ қилдилар. Қайтиб келганимда:

«Ё Расулаллоҳ, одамларнинг қайсиниси сиз учун энг маҳбубдир?» – дедим.

«Оиша», – дедилар.

«Эркаклардан-чи?» – дедим.

«Унинг отаси», – дедилар.

«Сўнгра ким?» – дедим.

«Умар», – дедилар ва бир неча одамларни санадилар. Бас, мени охирларида қилиб қўймасинлар деб, сукут сақладим».

Термизий ва Бухорий ривоят қилишган.

Энди қандай қилиб баъзи мутасаввифлар Аллоҳдан бошқани севган одамни жоҳилликда айблайдилар.

Қолаверса, Аллоҳ таолонинг Ўзи бизга Расулаллоҳни, иймонли кимсаларни, илмни зотларни, тақводорларни, ота-онамизни (ва ҳоказо) севиш-

га, дўст тутишга ва уларга яхшилик қилишга буюриб қўйибди-ку!

Масалан:

قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ  
ذُنُوبَكُمْ وَاللَّهُ غَفُورٌ رَحِيمٌ ﴿٣١﴾

«Сен: «Агар Аллоҳга муҳаббат қилсангиз, бас, менга эргашинг – Аллоҳ сизга муҳаббат қилади ва сизларнинг гуноҳларингизни мағфират қилади», деб айт» («Оли Имрон» сураси, 31-оят);

وَأَصْبِرْ نَفْسَكَ مَعَ الَّذِينَ يَدْعُونَ رَبَّهُمْ بِالْغَدَاةِ  
وَالْعِشِيِّ يُرِيدُونَ وَجْهَهُ، وَلَا تَعْدُ عَيْنَاكَ عَنْهُمْ تُرِيدُ زِينَةَ  
الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَلَا تُطِعْ مَنْ أَغْفَلْنَا قَلْبَهُ، عَن ذِكْرِنَا وَاتَّبَعَ هَوَاهُ  
وَكَانَ أَمْرَهُ فُرُطًا ﴿٢٨﴾

«Ўзингни эртаю кеч Роббиларига дуо қилиб, Унинг юзини ирода қилувчилар ила сабр этиб тут. Ҳаёти дунё зийнатини хоҳлаб, улардан икки кўзингни бурма. Қалбини Ўз зикримиздан вофил қилиб қўйганларимизга ва ҳавойи нафсига эргашиб иши издан чиққанларга итоат қилма» («Каҳф» сураси, 28-оят);

﴿٢٨﴾ وَأَعْبُدُوا اللَّهَ وَلَا تُشْرِكُوا بِهِ، شَيْئًا وَبِالْوَالِدَيْنِ  
إِحْسَانًا وَبِذِي الْقُرْبَىٰ وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسْكِينِ وَالْجَارِ ذِي  
الْقُرْبَىٰ وَالْجَارِ الْجُنُبِ وَالصَّاحِبِ بِالْجَنبِ وَابْنِ  
السَّبِيلِ وَمَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ مَنْ كَانَ  
مُخْتَالًا فَخُورًا ﴿٣٦﴾

«Ва Аллоҳга ибодат қилинглар ва Унга ҳеч нарсани ширк келтирманглар. Ота-онага, қариндошларга, етимларга, мискинларга, яқин қўшниларга, ён қўшниларга, ёнбошдаги соҳибларга, кўчада қолганларга ва қўлингизда мулк бўлганларга яхшилик қилинглар. Албатта, Аллоҳ ўзини юқори тутувчи ва одамлар устидан фахр қилувчиларни хуш кўрмас» («Нисо» сураси, 36-оят);

وَأَحْسِنَ كَمَا أَحْسَنَ اللَّهُ إِلَيْكَ

«Аллоҳ сенга яхшилик қилганидек, сен ҳам яхшилик қил» («Қосос» сураси, 77-оят);

وَالَّذِينَ تَبَوَّءُوا الدَّارَ وَالْإِيمَانَ مِنْ قَبْلِهِمْ يُحِبُّونَ مَنْ هَاجَرَ إِلَيْهِمْ وَلَا يَجِدُونَ فِي صُدُورِهِمْ حَاجَةً مِمَّا أُوتُوا وَيُؤْثِرُونَ عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ وَلَوْ كَانَ بِهِمْ خَصَاصَةٌ وَمَنْ يُوقِ شُحَّ نَفْسِهِ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ

«У (муҳожир)лардан аввал бу жойда яшаган ва иймонга (ихлос қилганлар). Ўзларига ҳижрат қилиб келганларни севадирлар ва у (муҳожир)ларга берилган нарсаларга қалбларида ҳасад қилмаслар. Ва гар ўзларининг ҳожатлари бўлса ҳам, (уларни) ўзларидан устун қўярлар. Ким ўз нафсининг бахиллигидан сақланса, ундоқ кишилар, ҳа, ўшалар ютувчилардир» («Ҳашр» сураси, 9-оят);

الْأَخِلَاءُ يَوْمَئِذٍ بَعْضُهُمْ لِبَعْضٍ عَدُوٌّ إِلَّا الْمُتَّقِينَ

«Ўша кунда тақводорлардан бошқа дўстлар бир-бирларига душмандир» («Зухруф» сураси, 67-оят).

(Бу оятнинг маъноси тақводорларни севиш ва дўст тутиш лозимлигини англатади.)

❖ وَقَضَىٰ رَبُّكَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا ۗ إِنَّمَا يُبَلِّغُنَّ عِنْدَكَ الْكِبَرَ أَحَدُهُمَا أَوْ كِلَاهُمَا فَلَا تَقُلْ لَهُمَا أُفٍّ وَلَا نَهْرُهُمَا وَقُلْ لَهُمَا قَوْلًا كَرِيمًا ﴿٢٣﴾  
 وَأَخْفِضْ لَهُمَا جَنَاحَ الذُّلِّ مِنَ الرَّحْمَةِ وَقُلْ رَبِّ ارْحَمْهُمَا كَمَا رَبَّيَانِي صَغِيرًا ﴿٢٤﴾

«Роббинг фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онага яхшилик қилишингни амр этди. Агар ҳузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, бас, уларга «уфф» дема, уларга озор берма ва уларга яхши сўз айт!

Икковларига меҳрибонлик ила хокисорлик қанотингни пастрат ва: «Роббим, алар мени кичикликда тарбия қилганларидек, уларга раҳим қилгин», деб айт» («Исро» сураси, 23-, 24-оятлар);

وَالْمُؤْمِنُونَ وَالْمُؤْمِنَاتُ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ يَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَيُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَيُؤْتُونَ الزَّكَاةَ وَيُطِيعُونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ ۗ أُولَٰئِكَ سَيَرْحَمُهُمُ اللَّهُ ۗ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ حَكِيمٌ ﴿٧١﴾

«Мўмин эркаклар ва мўмина аёллар бир-бирларига дўстдирлар. Улар яхшиликка буюрарлар, ёмонликдан қайтарарлар, намозни тўқис адо этарлар, закотни берарлар ҳамда Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қиларлар. Ана ўшаларга Аллоҳ тезда раҳим қилур. Албатта, Аллоҳ волиб ва ҳикматли зотдир» («Тавба» сураси, 71-оят).

Аллоҳ таоло бутун оламини муҳаббат асо-сида ва муҳаббатга йўғрилган ҳолда яратган. Мутасаввифлар бу гапнинг тасдиғи сифатида қу-

йидаги ривоятни ҳадиси қудсий дея талқин қилишади: «Эй, одам фарзанди, албатта, мен бир махфий кон эдим, бас, ўзимни ошкор этиб танилай деб ирода қилдим ва халқни яратдим».

Аммо кўпгина муҳаддислар бу ҳадиснинг асли йўқ эканини таъкидлашган. Ҳолбуки, ушбу ривоятни далил қилмаган тақдирда ҳам, Қуръони Каримнинг ўзида шу маънони тасдиқ қилувчи кўплаб оятлар мавжуд.

Бу ҳақдаги гаплар жуда узун ва ғоят чуқур маъноли бўлгани боис, кўпчиликка тушунарли бўлиши учун, фикримизни соддароқ ва мухтасар баён этишга ҳаракат қиламиз.

Фақат Аллоҳ таологина мангу барҳаёт, азалий ва абадий мавжуд илоҳдир. Қолган барча нарсалар Унинг ижод маҳсули, яратганлари, яъни халқ қилганларидир.

Жонлию жонсиз барча нарсаларни У зот азза ва жалла айнан муҳаббат ила яратганига далил шуки, Аллоҳ таоло Ўзига маҳбуб бандаларининг сифатларини баён этувчи кўплаб ояти карималарини Расули Муҳаммад алайҳиссаломга нозил қилиб, бу оятларни умматларига етказишни буюрган. Аммо биз Қуръони Карим Аллоҳ таолонинг азалий каломи сифатида ҳали олам ва ундаги махлуқотлар яратилмасидан илгари ҳам мавжуд бўлганига иймон келтирамиз. Яъни Ўзи яратажак олам ва ундаги махлуқотларнинг барча-барча ҳолатлари Аллоҳ таолога азалдан маълум бўлган. Чунки У шомил илми ила аввалги ва охириги, бўлган ва бўладиган, зоҳир ва ботин нарсаларнинг барчасини билувчи Алийм ҳамда бандаларининг барча ҳолатларига гувоҳ бўлиб турувчи, ҳамма нарсани қамраб олувчи Муҳайминдир.

Ана энди қуйидаги ояти карималарни диққат билан ўқиб кўринг:

إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ التَّوَّابِينَ وَيُحِبُّ الْمُتَطَهِّرِينَ

**«Албатта, Аллоҳ тақво қилувчиларни севади ва покланувчиларни севади» («Бақара» сураси, 222-оят);**

﴿٧٦﴾ فَإِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُتَّقِينَ

**«Бас, Аллоҳ тақводорларни хуш кўради» («Оли Имрон» сураси, 76-оят);**

﴿١٩٥﴾ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ

**«Аллоҳ эҳсон қилувчиларни хуш кўради» («Бақара» сураси, 195-оят);**

﴿١٤٦﴾ وَاللَّهُ يُحِبُّ الصَّابِرِينَ

**«Аллоҳ сабрлиларни севади» («Оли Имрон» сураси, 146-оят);**

﴿١٣﴾ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ

**«Албатта, Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севади» («Моида» сураси, 13-оят);**

﴿٨﴾ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُقْسِطِينَ

**«Албатта, Аллоҳ адолат қилувчиларни хуш кўради» («Мумтаҳана» сураси, 8-оят);**

﴿١٤٨﴾ وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ

**«Аллоҳ гўзал амал қилувчиларни севади» («Оли Имрон» сураси, 148-оят) ва ҳоказо.**

Шунингдек, Аллоҳ таоло Ўзи яратадиган бандалари орасида осийлари, итоатсизлари ва ҳаддидан ошувчилари бўлишини ҳам азалдан биларди. Улардан баъзилари адашиб-улоқиб юрса, баъзилари инсофга келиб, тақво йўлини лозим тутишларини ҳам биларди. Ўшандай бандаларига хи-

тобан айтилган қуйидаги ояти каримани ҳам еру осмон яралишидан эллик минг йил аввал Лавҳул Махфузга битиб қўйган эди:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَحْرِمُوا طَيِّبَاتِ مَا أَحَلَّ اللَّهُ لَكُمْ وَلَا تَسْتَدْوِئُوا بِاللَّهِ لَا يَحِبُّ الْمُعْتَدِينَ

«Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳ сизга ҳалол қилган пок нарсаларни ҳаром қилмангиз. Ҳаддингиздан ошманг. Албатта, Аллоҳ ҳаддидан ошувчиларни севмас» («Mouga» сураси, 87-оят).

Ҳукм чиқариш, жумладан, нима ҳалол-у, нима ҳаромлигининг ҳукмини чиқариш ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзигагина хосдир. Аллоҳ таоло ҳалол деган нарсани ким ҳаром деса ёки У зот азза ва жалла ҳаром деган нарсани ким ҳалол деса, албатта, кофир бўлади. Ундай одам Аллоҳ таолонинг илоҳлик сифатига — шариат ҳукмларини чиқариш сифатига шерик бўлишга уринган бўлади. Шунингдек, бирор-бир кишининг ўзи учун ҳам шариатга зид қандайдир ҳукми чиқариб, ўзича буни «дийндорлик сифатини зиёда қилишга уриниш» деб ўйлаши ҳам нотўғридир. Бундай иш дийнда ғулув — ҳаддан ошиш ҳисобланади.

Сизнинг бошингизни қотирган, савол беришга ундаган нарса ҳам айнан мана шундай гапларнинг баъзи китобларда тарғиб қилинишидир. Сиз уларга эътибор берманг. Шариатнинг ҳукмлари қатъий. Чунки, шариатнинг Эгаси бандасининг аралашувига, ҳатто унинг ибодату тақвосига мутлақо ҳожати бўлмаган Роббул оламиндир.

«Аллоҳга етишиш» дегани холис ибодат ила Унинг розилигига эришиш, У зот азза ва жалла буюрганидай яшаш, У зотга маҳбуб сифатлар ила сифатланиш, гўзал ахлоқли бўлиш демақдир.

Айнан шариатга мувофиқ яшаб, уйланиб, бола-чақа қилиб, уларни ислом дийни талаблари асосида тарбиялаб, ҳақларини адо қилиб, севиб-

севилибгина Аллоҳ таолонинг розилигига эришиш мумкин. Аслида, бундан бошқача йўлларнинг ўзи бидъатдир.

Имом ибн Жарир Тобароний қуйидагиларни ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни ўтириб одамларга ваъз-насийҳат қилдилар, аммо ортиқча қўрқитмадилар. Сўнгра туриб кетдилар. Шунда у кишининг саҳобаларидан баъзилари: «Агар янги бир иш қилмасак, нима деган одам бўламиз. Насоролар ўзларига бир қанча нарсаларни ҳаром қилишган, биз ҳам ҳаром қилайлик», — дейишди. Баъзилари ўзига гўшт ейишни ҳаром қилди, баъзилари соннинг юқори қисмини емоқни ҳаром қилди. Бошқалари кундузи овқат емоқни, яна бошқалари аёлларни ўзларига ҳаром қилди. Бу гап Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етиб борганда: «Аёлларни, таомни ва уйқуни ўзига ҳаром қилганларга нима бўлди?! Огоҳ бўлинглар, мен ухлайман ҳам, бедор ҳам бўламан, рўза ҳам тугаман, озим очиқ ҳам бўлади. Аёлларни никоҳимга ҳам оламан. Ким мендан ўзини тортса, у мендан эмас», — дедилар. Шунда Аллоҳ:

«Эй, иймон келтирганлар! Аллоҳ сизга ҳалол қилган пок нарсаларни ҳаром қилмангиз. Ҳаддингиздан ошманг» оятини нозил қилди».

Аллоҳ таоло буюрганидан кам ишни қилиш нуқсон ва гуноҳ бўлганидек, Унинг белгилаб берганидан ортиқча қилишга уриниш ҳам тажовузкорлик ва гуноҳ ҳисобланади.

Шу қоидага кўра, Аллоҳ таоло ҳалол қилиб қўйган нарсани ўзига ҳаром қилиб, ўзини ўша нарсадан тийиш билан гўё Аллоҳга қурбат ҳосил қилишга уриниш ҳам гуноҳдир. Чунки ҳалол ва ҳаром қилишликнинг ягона соҳиби Аллоҳ таолодир, бошқа эмас.

Имом Бухорий ва имом Муслим Анас розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади. Уч кишидан иборат бир гуруҳ Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жуфти ҳалолларининг уйларига у зоти шарифнинг ибодатлари ҳақида сўраб келдилар. Бу ҳақда хабар берилганда, уларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ибодатлари оз кўринди ва: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қаёқдалар-у, биз қаёқдамиз, у кишининг олдингию кейинги гуноҳлари мағфират қилинган», — дедилар.

Битталари:

«Мен энди доимо кечаси билан намоз ўқиб чиқаман», — деди.

Иккинчиси:

«Мен доимо рўза тутаман, оғзим очиқ юрмайман», — деди.

Учинчиси эса:

«Мен аёллардан четда бўламан, ҳеч уйланмайман», — деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг олдига келиб:

«Сизлар шу-шу гапларни айтдингизми? Аммо, Аллоҳга қасамки, ичингизда Аллоҳдан энг кўп қўрқувчингиз менман ва унга энг кўп тақво қилувчингиз ҳам менман. Лекин мен рўза ҳам тутаман, оғзим очиқ ҳам юраман. Намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам, аёлларга уйланаман ҳам. Ким суннатимдан ўзини тортса, мендан эмас», — дедилар.

Шу билан, Аллоҳ ҳалол қилган нарсаларни ўзига ҳаром қилиб онг ичиш ёки вазийфа қилиб олиш бекор қилинди. Ҳамда ҳеч кимнинг Аллоҳ ҳалол қилган нарсаларни ҳаром қилишга ҳаққи йўқлиги таъкидланди.

Кўнглингиз батамом таскин топиши учун, юқорида биз қисқача таҳлил қилган бир ояти каримани доимо ўқиб юришни сизга тавсия қиламиз:

وَمِنْ آيَاتِهِ أَنْ خَلَقَ لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا لِتَسْكُنُوا  
إِلَيْهَا وَجَعَلَ بَيْنَكُمْ مَوَدَّةً وَرَحْمَةً إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ  
لِقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ

«Ва сизларга сокинлик топишингиз учун ўзингиздан жуфтлар яратганлиги ва ораларингизда севги ва марҳаматни солиб қўйгани (ҳам) Унинг оят-белгиларидандир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавмлар учун оят-белгилар бордир» («Рум» сураси, 21-оят).

Бошқа ҳар қандай гап ортиқча. Агар бу оятга, умуман, Қуръони Каримга зид гапни осмонда учишга қодир бўлган, бир зумда дунёнинг у бошидан бу бошига бориб кела оладиган авлиё одам гапирса ҳам, эътиборга олманг.

Уйланмай, бола-чақа қилмай, таркидунё қилиш, яъни роҳиблик Аллоҳ таолонинг амри эмас. Бундай кимсалар Ийсо алайҳиссаломнинг кейинги умматлари орасида кўп бўлган, аммо улар ҳам буни ўзларича ўйлаб топганлар. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай деб марҳамат қилади:

ثُمَّ فَفَعَلْنَا عَلَىٰ آثَارِهِم بِرُسُلِنَا وَقَفَّيْنَا بِعِيسَىٰ  
ابْنِ مَرْيَمَ وَءَاتَيْنَاهُ الْإِنجِيلَ وَجَعَلْنَا فِي قُلُوبِ الَّذِينَ  
اتَّبَعُوهُ رَأْفَةً وَرَحْمَةً وَرَهَابَنِيَّةً ابْتَدَعُوهَا مَا كَتَبْنَاهَا عَلَيْهِمْ  
إِلَّا ابْتِغَاءَ رِضْوَانِ اللَّهِ فَمَارَعُوهَا حَقًّا رِعَايَتَهَا فَتَاتِنَا الَّذِينَ  
ءَامَنُوا مِنْهُمْ أَجْرَهُمْ وَكَثِيرٌ مِنْهُمْ فَاسِقُونَ ﴿٢٧﴾

«Сўнгра уларнинг ортидан Расулларимизни кетма-кет юбордик ва Ийсо ибн Марямни ҳам ортларидан юбордик ҳамда унга Инжилни бердик. Унга эргашганларнинг қалбларига меҳрибонлик ва раҳимдилликни солдик. Роҳибликни ўзлари чиқариб олдилар, Биз буни уларга фарз қилмаган эдик, фақат ўзлари Аллоҳнинг розилигини тилаб қилдилар, лекин ҳақийқий риоясини қила олмадилар. Бас, улардан иймон келтирганларига ажрларини бердик, лекин уларнинг кўпи фосиқлардир» («Ҳадиқ» сураси, 27-оят).

Роҳиблик таркидунёчиликдан иборат бўлиб, у турли жойларда «монахлик» ва шу каби бошқа номлар билан айтилади. Монахликни ихтиёр қилган эркак эркаклар монастирида, аёл эса аёллар монастирида, оила қурмай, дунёни тарк этиб ҳаёт кечирадилар. Қуръони Карим бундай роҳибликни Аллоҳ таоло Йисо алайҳиссаломга эргашувчиларга буюрмаганини, балки улар ўзлари бидъат сифатида кейинчалик ўйлаб топиб одат қилишганини эслатмоқда. Бу ҳам Қуръони Каримнинг мўъжизаларидандир. Тарихга назар солинса, илк масийҳийларда роҳиблик (монахлик) ҳам, монастирлар ҳам бўлмаган. Фақат милоднинг тўртинчи асрига келиб, бу нарса Мисрда пайдо бўлди. Милодий 356-йили вафот этган Антоний исми мисрлик киши дунёда биринчи бўлиб роҳибликка асос солган. Фиръавн давридаги таркидунёчиларнинг кийимларидан нусха олиб, у оқ рангли канопадан либос киярди. У роҳиблардан ибодат қилиш, фақийрона ҳаёт кечириш ва қўл меҳнати билан шуғулланишни талаб қиларди.

Низомли монастирларни эса милодий 346-санада вафот этган Бохум исми шахс ўйлаб топган. У ишлаб чиққан монахлик қоидаларига ҳозиргача амал қилинади. Насоролар ўзлари ўйлаб чиқарган, Аллоҳнинг розилигини топамиз, деб умид қилган роҳибликка вақт ўтиши билан ҳаққоний риоя қилмай қўйдилар. Сиртдан роҳиблик давом этиб турса ҳам, ичдан бузилди. У инсон табиатига зид нарса бўлгани учун, ўзлари ихтиёр қилган таркидунёчиликка ўзлари чидай олмадилар. Монастирларда, монахлар орасида бўлиб ўтган шармандагарчиликлар ҳақида кўп жилдлик китоблар битилган.

Уларнинг бидъат равишда ихтиро қилган таркидунёчиликлари одатдан ташқари кўпроқ қўшимча ибодат қилиш, дунёга қизиқмаслик, жамоатдан четда бўлиш, эътиборсиз кийимлар кийиш, фақат ўсимликлар билан овқатланиш, оила

қурмасликдан иборат эди. Улар ушбу ишларнинг барчасида хатоликка йўл қўйдилар.

**«Бас, улардан иймон келтирганларига ажрларини бердик, лекин уларнинг кўпи фосиқлардир».**

Яъни Аллоҳ таоло Ийсо алайҳиссаломга эргашганлардан иймон келтириб, тўғри йўлда юрганларига ўз вақтида ажр-савобларини берган. Барибир, ўша вақтда ҳам уларнинг кўпи фосиқ бўлганлар, дийн чегарасидан чиқиб, фисқу фужур ила машғул бўлганлар...

Ҳолбуки, Аллоҳ таоло жинлар ва инсонларни фақат роҳиблик, таркидунёчилик учун эмас, Ўзига ибодат қилишлари учун яратган.

وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ ﴿٥٦﴾

**«Жин ва инсонни фақат Менга ибодат қилишлари учунгина яратдим» («Заарийаат» сураси, 56-оят).**

Қандай ибодат қилиш лозимлигини эса Қуръони Каримда баён қилган ва Расулининг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) суннати орқали амалда кўрсатиб ҳам қўйган.

Ушбу қисқагина оятда улкан ҳақийқат ўз ифодасини топгандир. Одамлар ва жинларнинг яратилишидан ягона мақсад Аллоҳ таолога ибодат қилиш экан. Аммо бутунги кунимизда кўпгина исломий тушунчалар қатори «ибодат» тушунчасида ҳам хатолар содир бўлган. Оқибатда, ҳозирги кунимизда «ибодат» деганда кишилар онгида намоз, рўза, қироат, зикр каби нарсаларгина намоён бўлади. Тўғри, мазкур амаллар улкан ибодатлар саналади, буларсиз Исломни тасаввур қилиб бўлмайди. Аммо ушбу тушунча билан ҳозир тафсир қилаётган оятимизга мурожаат қиладиган бўлсак, инсонлар ва жинлар бутун умрларини намоз ўқиб, зикр қилиб ўтказмоқлари лозим бўлиб қолади. Чунки Аллоҳ таоло инсу жинни

фақат Ўзига ибодат қилишлари учун яратганини таъкидлаб айтмоқда:

**«Жин ва инсонни фақат Менга ибодат қилишлари учунгина яратдим».**

Намозу рўза, зикру тиловатдан бошқа ишга қўл урган шахс, ҳалигидай тушунча бўйича, Аллоҳ таолонинг иродасига қарши чиққан осий бўлади.

Қолбуки, бошқа оятларда Аллоҳ таоло бандаларини ер юзини обод қилишга, оила қуришга ва бошқа ишларга буюрган. Инсонни Ўзининг ер юзидаги халийфаси (ўринбосари) деб эълон қилган.

Демак, «ибодат» маъносининг бошқача талқини ҳам бўлиши керак.

Келинг, ибодатнинг луғавий маъносини, истилоҳий маъносини ўрганиб чиқайлик-чи, қандоқ натижага эришар эканмиз.

«Ибодат» сўзи араб тилида «бўйсунуш», «ўзини паст тутиш», «итоат этиш» ва «амрни бажариш» маъноларини англатади. Демак, ҳар бир ишда Аллоҳ таолога бўйсунуш, итоат қилиш, Аллоҳ таолонинг амрларини бажариш, ҳузурида ўзини паст олиш Аллоҳ таолога ибодат қилишни англатар экан.

Уламолар истилоҳида эса, Аллоҳ таолога яқинлик ҳосил қилиш учун қилинадиган ҳар бир иш ибодатдир.

Алоҳида таъкидлаб айтмоқ лозимки, намоз, рўза, ҳаж, закот каби ибодатлар Ислонинг негизини ташкил этадиган улкан ибодатлардир. Буларсиз инсон мусулмон бўлиши қийин. Бу ерда хато «ибодат» маъносини фақат мазкур амалларга боғлаб қўйишдадир. Шунинг учун, одам намоз ўқиётганда ўзини Аллоҳнинг ҳузурида ҳис қилади-ю, касб билан шуғулланаётганда гўё Аллоҳга номаъқул иш қилаётгандек туюлади.

«Ибодат» маъносини тўғри тушунадиган бўлсак, бу ҳозиргидан кенг ва комил тушунча экани маълум бўлади. Ҳар бир ишимизни шариатга мос

қилиб, Аллоҳ таолонинг амрига, Набий алайҳис-саломнинг суннатларига мувофиқ олиб борсак, ҳар бир ишимиз ибодатга айланади, савоб ўрнига ўтади. Бунинг учун икки асосий шартга амал қилмоқ зарур:

1. Ҳар бир иш Қуръон ёки суннатга мувофиқ бўлмоғи лозим.

2. Ҳар бир ишни қилиш ёки тарк этишда Аллоҳ таолонинг розилигини исташ керак. Шунда ҳар бир ишимиз ибодатга айланади. Демак, ниятни яхшилаш лозим. Расулulloҳ алайҳиссалом ўзларининг машҳур ҳадисларида: «Албатта, ҳар бир иш ниятга боғлиқ, ҳар бир киши нимани ният қилса, ўшанга етади», деганлар.

Исломда ибодат тушунчаси кенг маъноли эканлигига Абу Зарр Фифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган қуйидаги ҳадиси шариф ҳам далил-ҳужжат бўлади:

«Бир гуруҳ кишилар:

«Ё Расулаллоҳ, бойлар ажру савобни олиб қўйдилар, чунки бизга ўхшаб намоз ўқишади, рўза тутишади ва яна, устига, ортиқча молу дунёларидан садақа қиладилар», — дейишди. Ул зот:

«Аллоҳ таоло сизларга ҳам садақа қиладиган нарсаларни бериб қўймаганми? Ҳар бир тасбеҳларинг садақа, ҳар бир такбир ҳам садақа, ҳар бир таҳлил ҳам садақа, амру маъруф ҳам садақа, наҳйи мункар ҳам садақа ва ҳар бирингизнинг шаҳватингизда ҳам садақа бор», — дедилар. Шунда одамлар:


«Биронтамиз шаҳватимизни қондирсак ҳам ажр оладими?» — деб сўрадилар. Набий алайҳиссалом:

«Айтинглар-чи, шу ишни ҳаромдан бажарса, унга гуноҳ бўлармиди? Худди шунингдек, ҳалолдан бажарса, унга ажр бўлади», — дедилар».

Демак, дийнда адашмаслик учун ҳар ким ўз ўрнини, ўз мақомини яхши билиб олиши ва ҳаддидан ошмаслиги лозим экан. Бу борада ҳам бизга

ўрнак ва ибрат бўладиган зот Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар.

Ўз Расулининг меърождаги, яъни, Аллоҳ таолонинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бошқа ҳеч бир бандаси кўрмаган Ўзига хос маконидаги қабули пайтидаги ҳолатлари Қуръони Каримда шундай деб баён этилади:



**«Нигоҳ бурилмади ҳам, ҳаддидан ошмади ҳам»** («Нажм» сураси, 17-оят).

Аллоҳ таоло севимли Расули, ҳабиби Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳеч бир бандасига ато этмаган неъмат билан икром қилди, яъни у кишини ҳали тириклик чоғларидаёқ Ўз ҳузурига келтириб, бирга суҳбат қурди. Ана шу ноёб, инсоният тарихидаги, нафақат инсоният, балки коинот, бутун олам тарихидаги яккаю ягона учрашув — Аллоҳ таоло билан Унинг бандасининг юзма-юз кўришуви чоғида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларини қандоқ тутганлари ушбу оятда баён этилмоқда: «Нигоҳ бурилмади ва ҳаддидан ошмади ҳам».

Яъни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улуғ ва қудратли, яккаю ягона Аллоҳ таолонинг элчиси бўлсалар ҳам, ўзларининг оддий бир инсон, Роббул оламийнинг оддий бир бандаси, қули эканларини ҳеч қачон эсдан чиқармаганлар. Бандалик мақомидан рози бўлганлар ва шунинг учун ўша ноёб учрашув пайтида — меърожда ҳам нигоҳлари бурилиб ортиқча нарсаларни кўрганлари йўқ ва ҳаддиларидан ошиб амр бўлмаган нарсаларни сўрамадилар ҳам.

Мана шу мақом, яъни бандалик мақоми энг улуғ мақомдир. Бундан ортигини (хусусан, баъзи адашган тоифалар даъво қилаётган хулул ва иттиҳод) иташнинг ўзи бандалик мақомини Аллоҳ таоло буюрганидай англамаган, англай олмаган кимсаларнинг фосид бидъатидир.

Дийнда адашмаслик учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга у кишининг саҳобалари (розияллоҳу анҳум) каби эргашиш, шариат кўрсатмаларидан заррача оғмаслик керак. Чунки яна такрор айтамизки, ислом шариати энг охирги ва энг мукамал шариатдир. Аллоҳ таолонинг розилигига эриштирувчи йўл айнан мана шу шариатдир. *Валлоҳу аълам.*

### 17-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Аллоҳ ҳамиша ҳаққ йўлдан адаштирмасин.*

*1. Амалларнинг бирини бир мазҳабга, иккинчисини бошқа мазҳабга қилиш мумкинми?*

*2. Мазҳаблар орасида ақийдавий фарқ мавжудми? Бўлса, энг асосийларидан бир-иккитасини келтирсангиз ёки ўқиб олиш учун манбаъ кўрсатиб берсангиз. Аллоҳ сиздан рози бўлсин.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

*1. Амалларнинг бирини бир мазҳабга, иккинчисини иккинчи мазҳабга қилиш мумкин эмас.*

*2. Фикҳий мазҳаблар орасида ақийдавий фарқ йўқ. Уларнинг тўртовлари ҳам Аҳли сунна ва жамоа ақийдавий мазҳабидалар. Валлоҳу аълам.*

### 18-САВОЛ

*Биз дийний адабиётларда «мўмин ва мусулмон» деган сўзларни ўқиймиз. Айтинг-чи, бу икки тушунчанинг бир-биридан фарқи борми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Амалиётда, ҳозирги кундаги истилоҳда «мўмин» «мусулмон»нинг бир-биридан фарқи йўқ, иккови бирхилнарсан. Лекин назарий жиҳатдан қараладиган бўлса, «мўмин» дегани луғавий маънода «иймон келтирган инсон» дегани, «мусулмон» дегани «Аллоҳга таслим бўлиб Роббул олабийннинг буйруғини бажараётган инсон» дегани бўлади. Бу масала, агар чуқур кетиладиган бўлса, катта масала. Иймон ва Ислом орасидаги фарқ, мўмин

ва мусулмон орасидаги фарқни луғат жиҳатидан қандай қаралади, урф жиҳатидан қандай қаралади, шариат жиҳатидан қандай қаралади — булар узун-узун баҳсларга сабаб бўлган, алоҳида китоблар ёзилган масалалардан бири ҳисобланади. Лекин қисқача жавоб шуки, ҳозирги кунда бу икки сўзни бир-бирига қўшиб ишлатиш урф бўлган, икковида ҳам бир маъно тушунилади.

Бир одам ҳақида «у — мўмин» деганда, унинг мусулмонлиги ҳам тушунилади ёки «у — мусулмон» деганда, унинг мўминлиги ҳам анланади. Кўпинча, бу маъноларни янада аниқ ифодалаш учун «мўмин-мусулмон» (жуфт сўз) ёки «мўмин мусулмон» (аниқловчи + аниқланмиш) шаклида ҳам қўлланади.

Сиз мисол келтирган оятлар тафсиридан тушуниш лозим бўлган нарса шуки, аслида, мўминлик мусулмонликсиз ва мусулмонлик мўминликсиз бўлмайди. Яъни иймони қатъий бўлган мўмин ибодатларда ҳам илғор бўлади, асло сусткашлик қилмайди. Хусусан, «Иймон бўлгач, амалнинг аҳамияти йўқ» деган гапни айтмайди. Аллоҳга тўлиғича таслим бўлмаган, унинг буйруқларига сўзсиз итоат қилмаган, қайтариқларидан қайтмаган кимсанинг иймони тўлиқ эмасдир, ҳаттоки, шубҳалидир.

Аслида, иймон яхлит бир нарсадир. Иймон келтириш лозим бўлган нарсаларнинг баъзисидан шубҳаланиш ёки ишонмаслик қалб ҳали иймонга келмаганини билдиради.

«Аллоҳга ишонаман, фаришталарга ишонаман, китобларига ишонаман, Расулларига ҳам ишонаман, аммо ўлгандан кейин қайта тирилишга ишонмайроқ турибман. Охиратдаги ҳаётга ҳам унча ишонмайман», деган кимса ҳали иймон лаззатини татиб кўрмагани аниқ. Айнан мана шундай кимсалар мусулмончиликда, яъни амаллар борасида ҳам сусткашлик қиладилар ёки ибодатларга бутунлай бепарво бўладилар.

Аксинча, иймон келтириш вожиб бўлган нарсаларнинг барини тасдиқлаган ва тилида иқрор бўлган кимса ҳақийқий мўмин ҳисобланади ва у ўз иймонини мусулмонлиги билан, яъни амаллари билан тасдиқлайди. Ҳақийқий иймонли кимса Аллоҳ таолонинг барча буйруқларини севиб қабул қилади. Манашундай кимсаларга нисбатан «мўмин» ва «мусулмон» сўзлари яхлит бир тушунчани ифодалайди. Сиз айтгандай «намозларини тўқис адо этмаган ёки Аллоҳнинг оятлари тиловат этилганда иймонлари зиёда бўлмаган» кимсаларни, агар улар шаҳодат калимасини айтган бўлсалар, «мусулмон эмас» дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Гарчи уларнинг иймони шубҳали бўлса ҳам. Зеро, банданинг кофир ёки мусулмон экани ҳақида ҳукм чиқариш фақат Яратганнинг ўзига хосдир. Аммо тўғриси шуки, бундай кимсалар кўп-кўп истиффор айтишлари, иймонларига қувват беришини сўраб Аллоҳ таолога ёлворишлари лозим.

Аллоҳим, барчаларимизни тўғри йўлга бошлагин. ***Валлоҳу аълам.***

### 3-БОБ. ҚУРЪОН ВА ТАФСИР ХУСУСИДА

#### ҚУРЪОН ЎРГАТИШГА ПУЛ ОЛИШ МУМКИНМИ?

##### 19-САВОЛ

*Шайх ҳазратлари! Аллоҳнинг каломи бўлган Қуръонни пулга ўргатиш жоизми? Шу ҳақда тўлиқ маълумот олмоқчи эдим.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Бу саволингизга ҳанафий уламолар ичида қадимдан энг муътабар китоблардан бири бўлиб келаётган «Мухтасари Виқоя»даги матннинг таржимаси ила жавоб беришни маъқул кўрдим:

**«Азон айтиш, имомлик қилиш ва Қуръон таълими бериш каби ибодатларга ҳақ олиш дуруст эмас. Бугунги кунда унинг дурустлигига фатво берилади».**

Аввалги вақтларда мазкур ишларга ҳақ олишга рухсат бўлмаган. Аммо одамлар тирикчилик ортидан кетиб, бу муҳим ишларни қиладиган шахс қолмасдан, дийний ишларга футур етгандан кейин уламолар мазкур ишларга ҳақ олиш жоизлигига фатво берганлар. Қуръон таълимини пул олмай адо этилиши асос. Бундай қилган киши савоб олади. Аммо ҳақ олиш сабабидан таълим қолиб кетадиган бўлса, уни олиш жоиздир. *Валлоҳу аълам.*

#### ҚУРЪОН ЁДЛАШ

##### 20-САВОЛ

*Ассалому алайкум, ҳурматли домла, мен доим Қуръон ёд олиш учун ўқишни бошласам, эсноқ тутади, бориб тоҳаратни янгилаб келсам ҳам фойда бермайди, нима қилсам бўлади?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Бу ҳолат сизни ноумид қилмасин. Аллоҳ таолодан ёрдам сўраб Қуръони Каримдан бир оят бўлса ҳам ёдлашга ҳаракат қилаверинг. Аллоҳ таоло Ўз китобини ёдлашда қийналган одамга савобни

икки марта кўпайтириб беради. Ёдлаганига бир, қийналганига бир савоб бўлади. Шу билан бирга, табибларга маслаҳат солинг. Аллоҳдан ёрдам сўраб дуо қилинг. Биз ҳам дуо қилиб турамиз, иншоаллоҳ, *Валлоҳу аълам.*

## 21-САВОЛ

*Бир китобда шундай маълумот бор экан: Имоми Аъзам 40 йил давомида ҳар кеча Қуръонни хатм қилган эканлар. Лекин ҳадисларнинг бирида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам «Қуръонни энг камида уч кунда хатм қилиш мумкин», деганлар. Мен ўқиган китобдаги маълумот қанчалик ҳақийқатга яқин?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Бунга ўхшаган маълумотлар Имоми Аъзам розияллоҳу анҳудан бошқа азизларимиз ҳақларида ҳам ва бошқа китобларда ҳам мавжуд. Ҳатто баъзи маълумотларда Имоми Аъзам 40 йил давомида ҳар кеча бир оёқларида туриб Қуръонни хатм қилганлар, деган изоҳларни ҳам қўшадилар. Албатта, кўпчилик савол берган мухлисимиз каби Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръонни уч кундан камида хатм қилишга рухсат бермаганларини билмайдилар ҳам. Шунинг учун 40 йил ҳар кеча Қуръонни бир оёқда туриб хатм қилишни изоҳлашда икки қисмга бўлинадилар.

Бир тараф бу улуғ бир фазийлат эканлиги, 40 йил давомида ҳар кеча Қуръонни хатм қилиш Имоми Аъзамнинг улуғ зот эканлигига яна бир далилиги, бунинг устига, бир оёқда туриб хатм қилганларини катта бир мўъжиза сифатида баҳолайди.

Иккинчи тараф эса «Бу ёлғон бўлса керак. Бу нарсани қилиб бўлармиди?» деган шубҳага боради. Лекин биз ҳар бир нарсани Қуръони Каримдан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидан ва воқеъликдан келиб чиқиб баҳола-

шимиз аён бўлганидан кейин бу маънодаги гапларни бошқача муолажа қилишимиз мумкин.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс номли саҳоба келганлар. Бу саҳоба ибодатга ўта ўчликлари ва нафл ибодатларни жуда кўп қилишлари билан танилган зотлардан ҳисобланадилар. У киши ёшлиқларидан ўзларини обидликка бахшида қилган зот эдилар. Ҳатто оталари Амр ибн Осс розияллоҳу анҳу Абдуллоҳни уйлантириб қўйганларида, келинга ҳам қарамасдан, кечасини намоз ўқиш билан ўтказган эканлар. Мана шунда келиннинг қариндошлари тарафидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга шикоят қилинган ва Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишини чақириб танбеҳ берганлар ва кечасидаги ибодат, нафл рўза тутиш тартибини ўргатиб, узлуксиз бардавом бўлмасдан, ибодатларни, хусусан нафл ибодатларни маълум бир муддатда адо қилиб, қолган вақтда ўзларининг ҳаётдаги ва оиладаги бурчларини бажаришлари лозимлигини тушунтирганлар.

Хуллас, мана шу саҳобий Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳу Қуръонни хатм қилишга ҳам рағбатлари буюк эканлигини Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга айтганлар. Ҳар кеча Қуръонни хатм қилишга кучлари етиши, у киши учун бу нарса осон эканлигини айтиб, рухсат сўрасалар ҳам, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам кўнмаганлар. Кейин икки кечага рухсат сўрасалар ҳам, изн бермаганлар ва энг ками уч кун бўлишлигини қаттиқ таъкидлаганлар. Шу билан бирга, уч кундан кам хатм қилинадиган бўлса, Қуръоннинг ҳаққи адо этилмаслиги, шошилиш оқибатида нотўғри ўқишлик, ҳарфларни жойидан чиқара олмаслик ва шунга ўхшаш кишига малол келиш омиллари ҳам борлигини эслатиб қўйганлар. Шунинг учун уламоларимиз, хатми Қуръон тўғрисида сўз кетганида, албатта уч кундан камида хатм қилмаслик кераклигини уқтирадилар.

Мана шу нарса шариат аҳкомларига кириб, ўрнашиб, барча уламолар иттифоқ қилган ҳукмдир. Уч кундан озида Қуръонни хатм қилишга рухсат йўқ.

Энди улуғ имомлар тўғрисидаги гапларга келсак, бу ўша кишиларнинг маноқиблари, яъни уларнинг мана шунақа юқори даражадаги зот эканлигини мақташ учун ёзилган китобларда келади. Мана шу қабилда айтилган гапнинг далили ва кўрган, билган, ривоят қилган одамларнинг рўйхати ҳам, исмлари ҳам зикр қилинмайди. Кўпроқ шогирдлар ўзларининг устозлари ва пешволари тўғрисида муболағали айтган гаплари қаторидан ўрин олади.

Бундай саволлар халқ орасидаги баъзи кишилар томонидан бизга берилса, биз уларни бир оз койиймиз. Чунки Имоми Аъзамга ўхшаш буюк мужтаҳидлар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини ипидан-игнасигача ўрганиб чиққан, бутун умрларини дийнни чуқурроқ ўрганишга бағишлаб, Қуръони Каримни ҳамда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларини мусулмонлар ҳаётига татбиқ қилишга пешво бўлган зотлардир. Улар суннатга хилоф иш қилишни асло ўзларига раво кўрмасликларини айтамыз. Ақл, воқеъликдан келиб чиққанимизда, бир оёқни кўтариб, Қуръон хатм қилиш мумкинми?

Тўғри, ўзини қийнаб, қироатнинг ҳаққини адо этмасдан, камчиликларга йўл қўйиб, бирикки кунда қилиш мумкиндир. Лекин 40 йил давомида бу ишнинг суннатга хилоф равишда бардавом бўлиши эса, Имоми Аъзамга ўхшаган зотлар учун мутлақо тўғри эмас. Чунки ўзлари бутун мусулмонларни суннатга чақириб, яна ўзлари суннатга хилоф иш қилмаганлар. Энди, бундай гапларни тарқатувчи кишиларга гапимиз шуки, суннатга хилоф иш қилдириш билан Имоми Аъзамнинг обрўсини орттиришга уринмайлик, яъни уни орттириб ҳам бўлмайди. Суннатга хилоф

иш қилиб обрў ортади, дейдиган бўлсак, мутлақо нотўғри фикрда бўламиз.

Шунинг учун азиз уламоларимиз ва мужтаҳидларимизга, мазҳаб бошчиларимизга ва хусусан Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳига бундай гапларни нисбат бериш одобдан бўлмайди. Тушунмаган кишиларнинг ичида «Суннатта хилоф иш қилган экан-да», деган тушунча пайдо бўлишига йўл қўймаслигимиз керак. Аллоҳ таоло барчаларимизнинг тўғри йўлда юришлигимизни насийб қилган бўлсин. *Валлоҳу аълам.*

## 22-САВОЛ

**Қуръон нима сабабдан арабларга туширилган?**

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Аввало, Қуръон арабларга туширилган, деган гап мутлақо нотўғри. Қуръони Карим Аллоҳ таолонинг ер юзидаги барча бандаларига туширилган. Лекин бу саволни «Қуръон нега араб тилида туширилган?» шаклига айлантирсак, бунинг ўзи алоҳида бир савол бўлади.

Аллоҳ таоло Ўзининг охирги ва боқий Китоби — Қиёмат кунигача инсониятга икки дунё саодатини кўрсатиб борувчи Қуръони Каримни улкан вазийфани ҳар доим адо этиш сифати билан тушириши лозим эди. Ана шундай боқий дийнга дунёдаги минглаб тилларда, минглаб китоб тушириш мақсадга мувофиқ бўлмаслиги аниқ. Шунинг учун охирги китоб бўлиши, ҳар замон ва маконга мос бўлиши, Қиёматгача ўз вазийфасини адо этиб, мўъжиза шаклида қолиши ва Қиёматгача инсониятни икки дунё саодатига бошлаш қобилиятига эга бўлиши маъносидаги китоб масъулиятини кўтариши юзасидан Аллоҳ таоло араб тилини танлаган.

Бу ҳақийқатни яхши тушунишимиз керак. Араб тили шундай хусусиятларга эгаки, унда бир сўз билан жуда кўп маъноларни ифода қилиш ва шу сўзлардан тузилган жумлаларда инсонларни ожиз

қолдирувчи омил бўлиши мумкинлиги маънолари ётади. Қуръони Карим жумла жиҳатидан ҳам, маъно жиҳатидан ҳам инсонларни ожиз қолдирувчи илоҳий китобдир.

Аллоҳ таоло Қуръонни тушираётган пайтида араб сўз усталарига:

قُلْ فَأْتُوا بِعَشْرِ سُوْرٍ مِّثْلِهِ مُفْتَرِيْنَ

«Бунга ўхшаш ўнта тўқилган сура келтирингчи», дегин» («Худ» сураси, 13-оят) каби таклифларни айтган. Ва арабларнинг сўз усталари, шоир ва адиблари тўпланиб-уриниб ҳам Қуръон сура-ларининг энг кичигича маъно ифода қиладиган нарсани туза олмаганлар.

Шунга ўхшаш кўпгина омилларни эътиборга олиб, Аллоҳ таоло охирги китоби бўлмиш Қуръоннинг араб тилида бўлишини ирода этган. Албатта, Аллоҳ таоло беҳикмат иш қилмайди. Араб тилини ихтиёр қилиши буюк бир ҳикмат бўлганлиги вақт ўтгани сари кашф бўлиб келмоқда. Йиллар ўтган сари илмнинг ривожланиши оқибатида Қуръон оятларининг сирлари, мўъжизалари очилиб, ҳақийқатда араб тилидан бошқа бирор тил бу дунёда Қуръонга тил бўла олмаслигига ҳамма қойил қолиб келмоқда. Бу маънони ҳатто Исломдан, Қуръондан ва араб тилидан беҳабар кишилар ҳам тан олмоқдалар. Франциядаги машҳур фантаст ёзувчилардан бири ўз хаёлида дунёдаги идеал бир оламни яратиш маъносида бадий асар ёзган. Шунда ҳамма бир жамиятда аъзо бўлиб яшаши, умумий маънода бир-бирларининг ҳожатларини чиқариб юриши маъносини ифода этган. Ана шу нарсага алоҳида жой, тил ва фан танлаган. Тил борасида эса араб тилини танлаган. Одамларнинг: «Нимага араб тилини танладингиз?» деган саволларига «Мен ўйлаган мана шундай буюк бир жамиятга араб тилидан бошқа тил лойиқ бўла олмайди» деган жавобни берган.

Арабтилишундай мўъжизали бўлганлиги сабабли ва Қуръоннинг Қиёматгача мўъжизакорлигини давом эттириш учун Аллоҳ тарафидан унга тил қилиб олинган. Аллоҳ таоло Қуръонга араб тилини танлашининг баъзи бир ҳикматлари шундан иборат. *Валлоҳу аълам.*

## ҚУРЪОНИ КАРИМ ОЯТЛАРИ СОНИ ҲАҚИДАГИ ИХТИЛОФЛАР

### 23-САВОЛ

*Муҳтарам шайх ҳазратлари! Қуръони Карим оятлари сони ҳақида турлича маълумотлар бор. Бундай бўлишининг сабаби ҳақида маълумот беришингизни сўрар эдик.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Ҳаммага маълум ва машҳурки, Қуръони Карим оятлари Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил бўлаётган пайтда ҳеч ким оятларнинг сони билан қизиқмаган. Бу ҳақда Аллоҳ таолонинг ҳам, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳам кўрсатмалари бўлмаган. Зотан, оятлар уларнинг сонини санаш учун эмас, уларни англаб етиш ва уларга амал қилиш учун туширилгандир. Шунинг учун ҳам, дастлабки мусулмон авлод оятларни санашни хаёлига ҳам келтирмаган. Бунинг устига, улар ўзлари ёдлаб, амал қилаётган оятларни бошқаларга ҳам ўргатиш масъулияти ила яшаганлар.

Вақт ўтиши билан мусулмонларда юқоридаги масъулиятни сезиш қобилияти заифлашганда, бекорчиликдан турли саволларни тўқиб чиқариш оятларни санаш ҳам бошланган.

Имом Бадруддийн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Заркаший ўзининг «Ал-Бурҳон фий улумил Қуръон» номли китобидаги «Қуръоннинг суралари, оятлари, сўзлари ва ҳарфлари сони ҳақида фасл»да, жумладан, қуйидагиларни ёзади:

«Қуръоннинг суралари 114 тадир. Ҳажжож ибн Юсуф Басранинг қориларига одам юбориб

уларни жамлади ва ичларидан Ҳасан Басрий, Абул Олия, Наср ибн Осим, Осим Жаҳдарий, Молик ибн Дийнор раҳматуллоҳи алайҳимни танлаб олди ва «Қуръоннинг ҳарфларини сананглар!» деди.

Улар тўрт ой давомида арпа дони билан санадилар. Улар бир овоздан: унинг сўзлари 77434 та, ҳарфлари 323015 та, Қуръоннинг оятлари олти минг, дедилар».

Худди шу китобда яна қуйидагилар ҳам айтилган:

«Билки, уламоларнинг оят, сўз ва ҳарфларнинг сониди ихтилоф қилишларининг сабаби шулки, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар бир оятнинг охирида тўхтар эдилар. Уларнинг жойи билингандан кейин улаб ўқиб кетган ҳоллари ҳам бўлган. Баъзи тингловчилар ўшани оят деб ҳисоблаганлар. Баъзи қироатларда «бисмиллаҳ» оят ҳисобланса, бошқаларида ҳисобланмаган».

Қўшимча равишда айтишимиз мумкинки, фикҳий мазҳабларда ҳам «**Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**» ҳақида турли гаплар бор.

1. Барча фақиҳларимиз «**Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**» «Намл» сурасидаги оятнинг бир бўлаги эканлигига иттифоқ қилганлар.

2. Имом Шофеъий: «**Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**» Фотиҳа сурасидан ва бошқа ҳар бир сурадан бир оятдир, деганлар.

3. Моликий мазҳаби: «**Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**» умуман оят эмас, деган.

4. Ҳанафий мазҳабида: «**Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**» Қуръондан бир оят бўлиб, сураларнинг орасини бўлиш учун туширилган. «Фотиҳа» сурасидан оят эмас, дейилган.

Мана шунинг ўзи ҳам оятлар сонининг турлича чиқишига сабаб бўлади. **Валлоҳу аълам.**



**Ассалому алайкум, хурматли Шайх ҳазратлари! Ёшлигимдан эшитишимча, хатми**

Қуръон қилиш учун Қуръони Карим тўла ўқиб туширилади, сўнг хатм қилинади, дейилар эди. Яна Худого шукрлар бўлсинки, кейинги вақтларда жомеъ масжидларда Рамазонда таровеҳ намозларида 5—6 кун давомига хатм қилинади. Ҳозирги кунда баъзилар хатм учун 3—7 пора ўқилса бўлди, дейишади. Хатм қандай бўлади?

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Муборак Рамазон ойидаги таровеҳ намозида қилинадиган хатми Қуръонда ўттиз поранинг ҳаммаси ўқилади. Унинг оз муддати уч, кўп муддати ўттиз кун. Имом ва жамоат келишиб мазкур чегаранинг қанча муддатида ўтказишса — ўзларининг иши.

Оз муддатни танласалар, кундалик миқдор кўпроқ, кўп муддатни ихтиёр қилсалар, кундалик қироат озроқ бўлади. *Валлоҳу аълам.*

## 25-САВОЛ

Ассалому алайкум, ҳурматли Шайх жаноблари! Баъзи бир амалиёт-маъракалар ҳақида сўраб аниқлаб олмоқчиман. Бизда уч хил амалиёт-маърака ўтказилади:

1. Хатми Қуръон
2. Хатми кабийр
3. Чилёсин.

Хатми Қуръонда хеш-ақраболар, қўшнилари, маҳалла қариялари тўпланиб дастурхон тортилади ва таклиф қилинган қори домла Қуръондан бирорта узунроқ ёки 5—6 та қисқароқ сураларни қироат қилади.

Хатми кабийрда меҳмон чақирилмайди, фақат 4—5 та қори таклиф қилиниб, Қуръон пораларини тақсимлаб олиб, ҳар ким ўзига тегишли пораларни жаҳрий ўқийди. Баъзилари: «Мен уйда ўқиганман шу ниятда» деб 2—3 пора ўқиб тугатади.

Чилёсинда ҳам 4—5 қори бараварига жаҳрия қилиб «Ёсин»ни ўқийди. Ҳаммалариники 40 марта бўлиши керак экан.

*Мен бу саволим билан уламоларимизни камситиш ниятидан узоқман. Сиздан илтимос, шу амалиётларнинг қай даражада тўврилигини изоҳлаб берсангиз.*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Сиз айтиб ўтган ишлар шариатнинг кўрсатмаси ила жорий бўлган эмас. Одамларнинг ўзлари вақт ўтиши билан жорий қилган ва одатга айланиб қолган ишлардир.

Сиз «Хатми Қуръон» деб номлаган иш «Хатми сағийр»-«кичик хатм» ҳам дейилади. Унда маълум сураларни тиловат қилиш билан кифояланади.

«Хатми кабийр»да эса Қуръони Каримнинг аввалидан охиригача ўқилади.

Бу ишларнинг барчаси баъзи олим кишиларнинг тажрибасига суяниб, одамларнинг фойдасини кўзлаб қилинадиган одатга айланиб қолган. Лекин ҳеч бири шариатга зид эмас. Аммо «Чилёсин» пайтида қарилар галма-галдан жаҳрий қироат қиладилар, қолганлари ичларида такрорлаб турадилар. *Валлоҳу аълам.*

## 26-САВОЛ

*Сизга бир савол билан мурожаат этишга рухсат берсангиз. Қуръонни тушунишда ва унинг тафсирида саҳобаларнинг ўрни ва аҳамияти қандай? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Саҳобаларнинг бу ишдаги ўринлари ва аҳамиятини айтишга тил, ёзишга қўл ожиздир. Бу масала бўйича саҳобаи киромлар инсоният тарихида ҳеч бир қавм қилмаган ишларни қилганлар. Улар Қуръонни қабул қилиб олиб, ўқиб, уқиб, тушуниб етиб, ёдлаб, ҳаётга татбиқ қилган ва келажак мусулмон авлодларга нақл қилган мўътабар зотлардир. Қисқача ва ифодали қилиб айтадиган бўлсак, саҳобалардан ҳар бири ер юзида икки оёқда юрадиган тирик Қуръонлар бўлишган.

Аллоҳ таоло уларнинг барчаларидан рози бўлсин!  
Валлоху аълам.

27-САВОЛ

**Ассалому алайкум, Шайх Ҳазратлари! Аллоҳ Сизни уммат учун соғ-саломат қилган бўлсин. Битта саволим бор эди. Куръонда «Аллоҳ ўзи хоҳлаган банданигина ҳидоятга бошлар» мазмунида келган ояти карималарнинг мазмунини тушунтириб берсангиз. Олдиндан ташаккур. Аллоҳ Сиздан рози бўлсин. Дуоларингизда бизни ҳам эслаб турунг.**

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Аллоҳнинг сифатларидан бири ҳам «Ҳодий», яъни «Ҳидоят қилувчи»дир. У зот Ўз фазли ила хоҳлаган кимсани ҳидоят қилади. Яъни Аллоҳ таоло кимни тўғри йўлга ҳидоят қилса, албатта, Ўз хоҳиши ва фазли ила ҳидоят қилади.

*Аллоҳ таоло Қуръони Каримга:*

فَمِنْهُمْ مَّنْ هَدَى اللَّهُ وَمِنْهُمْ مَّنْ حَقَّتْ عَلَيْهِ الضَّلَالَةُ

«Бас, улардан баъзиларини Аллоҳ ҳидоят қилди. Баъзиларига эса, залолат ҳақ бўлди» («Наҳл» сураси, 36-оят), деган.

Ҳидоят йўлини ихтиёр қилиб, унга интилганларни Аллоҳ таоло ҳидоятга йўллади. Залолат-куфр йўлини ихтиёр этиб, ўша томонни кўзлаганларга залолат ҳақ бўлди.

Бу икки тоифанинг ҳеч бирини Аллоҳ таоло мажбурлагани йўқ. Улар ўз ихтиёрлари билан тасарруф қилдилар.

Шунингдек, икки тараф ҳам Аллоҳ таолонинг шомил ихтиёридан чиққанлари йўқ. Чунки дунёдаги ҳар бир нарса фақат У зотнинг иродаси, жорий қилган қонун-қоидаси билан бўлади.

Аллоҳ таоло ҳидоятни танлаб, шу йўлда юраётган кишиларнинг ҳидоятга кетишини ихтиёр этган ва жорий қонун-қоидаларга айлантирган.

Шунингдек, залолатни танлаб, шу йўлга инти-  
лаётган кишиларга залолат ҳақ бўлишини ихтиёр  
қилган ҳамда жорий қонун-қоидаларга айлантир-  
гандир.

Ана шу қонун-қоидаларга биноан ҳар бир ин-  
соннинг ҳидоят ёки залолатга кетиб, яхшилик ёки  
ёмонлик қилиши Аллоҳ таолонинг хоҳишига му-  
вофиқ бўлади, дейилади.

Бу ҳақда «Ақоиди Таҳовия» китобида қуйида-  
гилар айтилади:

**У зот ўз фазли ила хоҳлаган кимсани ҳидоят  
қилади, муҳофаза қилади ва афв қилади. Ҳамда  
ўз адолати ила хоҳлаган кимсани залолатга кет-  
казади, ёрдамсиз ташлаб қўяди ва синовга дуч-  
ор қилади.**

Шарҳ: Яъни Аллоҳ таоло кимни тўғри йўлга  
ҳидоят қилса, албатта, ўз хоҳиши ва фазли ила  
ҳидоят қилади. Шунингдек, кимни гуноҳлардан  
муҳофаза қилса, ўз хоҳиши ва фазли ила муҳофаза  
қилади. Кимнинг гуноҳларини афв қилса,  
ўз хоҳиши ва фазли ила афв қилади. Ҳидоят,  
муҳофаза ва афв У зотга лозим бўлгани учун  
эмас. Мўътазилийлар эса, энг салоҳиятли нарсани  
қилиш Аллоҳга вожибдир, дейдилар.

Шунингдек, Аллоҳ таоло кимни залолатга кет-  
казса, ёрдамсиз ташлаб қўйса ва синовга дучор  
қилса, адолати ила қилади. Энг салоҳиятли нарсани  
тарк қилгани учун эмас. Бандага зулм қилгани  
учун эмас. Ёки ушбу ҳолатларни бандада яратиб  
қўйиб, у гуноҳларни қилганидан сўнг унга «зало-  
латга кетувчи», «ёрдамсиз қолувчи» ва «синалув-  
чи» деган исмларни бергани ҳам йўқ.

Далил:

إِنَّكَ لَا تَهْدِي مَنْ أَحْبَبْتَ وَلَكِنَّ اللَّهَ يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ

«Албатта, сен ўзинг севган кишингни ҳидоят  
қила олмассан. Лекин Аллоҳ кимни хоҳласа,  
ўшани ҳидоят қилур». («Қасас» сураси, 56-оят.)

Агар ҳидоят фақат йўлни баён қилишдан иборат бўлганида, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳидоят қилиш рад қилинмаган бўлар эди.

وَلَوْ شِئْنَا لَآتَيْنَا كُلَّ نَفْسٍ هُدًىهَا

«Агар хоҳлаганимизда, албатта, ҳар бир жонга ҳидоятини берар эдик». («Сажда» сураси, 13-оят).

وَلَوْلَا نِعْمَةُ رَبِّي لَكُنْتُ مِنَ الْمُحْضَرِينَ

«Агар Роббимнинг неъмати бўлмаганида, мен ҳам (дўзахга) ҳозир қилинганлардан бўлур эдим». («Сафот» сураси, 57-оят.)

مَنْ يَشَأِ اللَّهُ يُضِلَّهُ وَمَنْ يَشَأْ يُجْعَلْهُ عَلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ

«Аллоҳ кимни хоҳласа, адаштирар ва кимни хоҳласа, тўғри йўлда барқарор қилиб қўядир». («Анъом» сураси, 39-оят.) Валлоҳу аълам.

## 28-САВОЛ

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ. Баъзи бир ҳадиси шарифлар шарҳида: «Бу сўз ўша давр кишиларининг тушунчасига мослаб айтилган», дейилади. Бундан «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кишиларнинг тушунчасига мослаб ноилмий сўз ва хабарни айтишлари мумкин» деган нотўғри маъно чиқиб қолмайдими? Аслида, «Ҳозирги илм-фан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак сўзларига тушуна олмаяпти» десак, тўғри бўлмайдими?! Мисол: НУНнинг тафсири хусусига мусташириқлар томонидан айтилган ва айтилаётган мулоҳазаларга биз қандай жавоб беришимиз керак?

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Баъзи ҳолатларда ўша вақт одамларига тушунарли лаҳжа ва истилоҳлар ишлатилгани ҳеч қандай нуқсон эмас. Балки, эшитувчига тушунарли

бўлиши учун ҳаракат қилиш афзал. Аксинча, ҳозирги кунда оят ёки ҳадисдан бирор нарсани тушуна олмасак, илмим етмагани учун тушуна олмаяпман, дейишимиз лозим. Оят ёки ҳадисга тил теккизиб бўлмайди. Бугун биз тушунмасак, эртага илм яна ҳам ривожланиб, бошқалар тушунишади.

Мустаҳриклар гапининг эътибори йўқ. Уларнинг гапи ҳеч нарсани ҳал қилмайди. Улар ўзларича ҳар хил гапларни гапираверадилар.

«Нун»га келсак, Қуръони Каримнинг йигирма тўққиз сураси шунга ўхшаш ҳарфлар билан бошланган. Бу ҳарфларга турлича номлар берилган: Баъзилар «Ҳуруфул муқаттаот» – «кесик ҳарфлар» десалар, бошқалар «Ҳуруфул ҳижои» – «алифбо ҳарфлари» дейдилар, учинчилари эса, «Фавотухус-сувар» – «сураларни очувчилар» дейдилар.

Бу ҳарфларга турлича ном берилганидек, баъзи сураларнинг улар ила бошланишидан кўзланган мурод ҳақида ҳам ҳар хил фикрлар айтилган. Бу ҳақда махсус баҳслар ҳам бор. Баъзи уламолар бу ҳарфларнинг сирини Аллоҳга ҳавола этадилар, бошқалари: «Бу, Аллоҳ билан Набий алайҳиссалом ўрталаридаги сир», дейдилар. Бошқа бирлари эса, уларга ўзларича маъно берганлар.

Ихтилофнинг асосий сабаби — улар ҳақида на Набий алайҳиссаломнинг ўзларидан, ва на саҳобаи киромлардан бирорта ҳам ривоят йўқлигидир. Шубҳасиз, улар бу ҳарфлардан мурод нималигини яхши билганлар, шунинг учун ҳам бир-бирларидан сўрамаганлар ва ривоят қилмаганлар. Саҳобаи киромларнинг одатлари шу эдики, улар фақат билмаган нарсаларинигина сўрадилар. Улар улуғ зотлар бўлиб, елкаларида Ислом дийнини бутун дунёга тарқатишдек улкан масъулият ётганини тўлиқ тушунар эдилар ва асосий эътиборни шунга қаратардилар. Билган нарсалари ҳақида тортишувларга тоқатлари ҳам, вақтлари ҳам йўқ эди.

Кўпгина тафсирчилар, айниқса, тафсирчиларнинг кейинги авлоди баъзи сураларнинг мазкур

ҳарфлар ила бошланиши арабларга: «Қуръон сизлар ишлатиб юрган «алиф», «лом», «мийм»га ўхшаш ҳарфлардан тузилган, қўлларингиздан келса, сизлар ҳам шунга ўхшаш нарса тузинглар-чи», деган маънони билдиради, деганлар.

Аввал эслатганимиздек, Қуръони Карим нозил бўлаётган даврда араблар ўзларининг сўз усталиклари билан фахрланар эдилар. Шоирлар, сўз усталари мўътабар шахслар ҳисобланардилар. Доимо шеърдан, ваъзхонликдан мусобақалар ўтказиб туриларди. Ҳатто ғолиб шоирларнинг шеърлари Каъбаи Муаззама деворига осиб қўйиларди. Қуръони Карим уларнинг нозик жойларидан тутиб: «Агар сўз устаси эканлигингиз рост бўлса, ўзингиз ишлатиб юрган оддий ҳарфлардан тузилган Қуръонга ўхшаш нарса келтиринг-чи», деди.

Бу худди тупроқнинг мисолига ўхшайди. Оддий тупроқдан кимдир лой қилиб фишт қуяди, кимдир сопол идишлар ясайди. Ва ҳоказо. Лекин Аллоҳ таоло ушбу оддий тупроқдан инсонни яратди, унга жон киргизди. Шунга ўхшаб, араб алифбосининг оддий ҳарфларидан араб сўз усталари шеър тўқийдилар, ваъзхонлик қилиб одамларни қойил қолдирадилар, аммо Аллоҳ таоло ўша ҳарфларнинг айна ўзидан ҳамма-ҳаммани ожиз қолдирувчи Қуръонни нозил қилди! *Валлоҳу аълам.*

## 29-САВОЛ

*Ассалому алайкум, ҳурматли Шайх ҳазратлари! Қуръони Каримнинг ўзбекча таржимасини ўқиб ўтирганимда бир оятга кўзим тушиб қолди. Оят: «Роббинг ибодатига бутунлай ажралиб чиқ». Шу оятни шарҳлаб берсангиз.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Ушбу саволда кўпчилик фарқига бормайдиган катта хато такрорланган. Бу хато савол соҳибининг «Қуръони Каримнинг ўзбекча таржимасини» деган иборасидадир. Қуръони Каримнинг ўзбекча таржимаси бўлмайди. Қуръони Карим маънола-

рининг ўзбекча таржимаси бўлади. Бу нарсани яхшилаб фарқлаб олмоғимиз лозим.

Аввалги мусулмонлар Қуръони Каримни олий даражада тушунганлар. Деярли барчалари араб тилини яхши билганлар. Аммо кейинчалик арабмас халқлар ҳам мусулмон бўлдилар.

Вақт ўтиши билан, араб тилини билмайдиган мусулмонлар Қуръони Карим маъноларини қандоқ ўрганадилар, деган савол пайдо бўлди. Гап таржимага бориб тақалди. Лекин уламолар бир овоздан: «Қуръони Каримни таржима қилиб бўлмайди» деб туриб олдилар. Уларнинг фикрларича, Қуръони Карим илоҳий, мўъжиза калом бўлиб, унга ўхшаш арабча калом келтириш имкони бўлмаганидан кейин, унинг мақсадини бошқа тилда, айти шаклда баён қилиш имкони ҳам йўқ эди. Қуръони Карим савиясида бўлмаган нарсани «Қуръон» деб аташ эса, мутлақо мумкин эмас. Энг муҳими, «Қуръони Карим таржимаси» деган даъво билан кишиларни ҳақийқий Қуръондан узоқлаштириш хавфи туғилиши мумкин эди.

Ушбу ва шунга ўхшаш мулоҳазалар асосида «Қуръони Карим таржимаси мумкин эмас» деган қатъий қарор чиқди. Шунинг учун ҳам, қадимда бошқа тилларда Қуръони Каримга ёзилган тафсирилар ёки тушунтиришларни учратамиз-у, аммо Қуръони Карим оятларининг бевосита таржималарини деярли учратмаймиз.

Замон ўзгариб, турли халқлар орасидаги алоқалар ривожланиши асносида Фарб халқлари ҳам мусулмонлар билан борди-келди қилишга ўтдилар. Мазкур борди-келдилар мустамлакачилик асосида бўлгани ҳаммага маълум. Бу омил барча алоқаларга ўз соясини солиб туриши ҳам маълум. Худди ўша омил юзасидан Фарб халқлари Қуръони Каримни ўз тилларига таржима қилишни бошладилар. Қуръони Каримнинг маъноларини билиш мусулмон халқлари ичида мустамлакачилик сиёсатини олиб борувчиларга жуда ҳам зарур эди.

Шунинг учун ҳам, Қуръони Карим маънолари, асосан, ғарб мустамлакачилигининг содиқ аскарлари томонидан таржима қилинганини кўра-миз. Улар мазкур таржималарни ўзларича, ҳаво-йи нафслари хоҳлаганича қилдилар ва «Қуръон» деб номладилар. Кўпроқ асл арабча матндан эмас, бошқа таржималардан ўтирилгани ҳам сир эмас.

Анашутаржималарни нафақат мустамлакачилар, балки уларнинг тилини биладиган баъзи му-сулмонлар ҳам ўқий бошладилар. Чунки ҳар бир мусулмонда Қуръони Карим маъноларини билиш орзуси бўлиши турган гап.

Шунингдек, ҳар бир мусулмон ҳам араб тилини билмаслиги аниқ гап. Ушбу омиллар ва Қуръони Карим таълимотларини, Ислом дийнини бутун дунёга тарқатиш масъулияти уламоларимизни Қуръони Карим маъноларини таржима қилиш масаласини қайта кўриб чиқишга мажбур қилди.

Авваллари айнан Қуръони Карим муҳофаза-си йўлида, «Асл Қуръон қолиб унинг маънолари таржимасига суяниб қолинмасин, таржималарда-ги ихтилофлар Қуръон ҳақида ихтилофларга олиб бормасин, таржимага суяниб одамлар араб ти-лини ўрганмай қўямасин» каби мулоҳазалар ила Қуръони Карим маънолари таржимасига расмий рухсат берилмаган эди.

Энди эса, шароит тамоман ўзгарган эди. Аллоҳ таоло томонидан нозил этилган араб тилидаги асл Қуръон муҳофазаси собит бўлган эди. Одамлар маънолар таржимасига суяниб, асл матн унутули-ши хавфи ҳам кўтарилган эди.

Араб тилини биладиган мусулмонлардан кўра, у тилни билмайдиган мусулмонлар кўпайиб кетган эди. Уларнинг барчасига Қуръони Каримни тушу-надиган равишда араб тилини ўргатиш қийинли-ги ҳам аён бўлган эди. Бунинг устига, дунёнинг мусулмон эмас халқларини ҳам Исломга даъват қилиш керак эди. Энг муҳими, Қуръони Карим маъноларини бошқалар нотўғри таржима қилиб

тарқатмоқда эдилар. Бу ўзига яраша катта хатар эди. Ана шу омилларни эътиборга олган уламоларимиз Қуръони Карим маъноларининг Исломи таржимаси зарурлиги ҳақида фатво чиқардилар ва бундоқ таржима учун керакли шартларни ҳам баён қилдилар.

Мазкур шартлар «Қуръони Карим маънолари таржимаси унинг тафсиридек нарсадир» деган тунча асосида қўйилганидан, тафсир ва тафсирчи учун қўйилган шартларнинг айна ўзлари эди.

Қуръони Карим тафсири ва таржимаси билан шуғулланадиган кишида бўлиши зарур шартлар ишлаб чиқилди. Қуйида ана шу шартлардан баъзиларини келтирамиз:

Биринчи шарт: Тафсир билан шуғулланадиган шахс соф эътиқодли бўлиши керак.

Иккинчи шарт: Ҳавоий нафсга эргашишдан холий бўлиш.

Учинчи шарт: Араб тилини ўта яхши билмоқ. Бу ҳеч қандоқ изоҳга ўрин қўймайдиган шартдир.

Тўртинчи шарт: Қуръони Каримга боғлиқ илмларни яхши билмоқлик. Мазкур илмларга, жумладан: Қироатлар илми, илми Тавҳид, илми Сабаби нузул, илми Носих ва Мансукх, илми Ом ва Хос, илми Муташибих ва бошқа бир қанча илмлар киради.

Бешинчи шарт: Аввало Қуръонни Қуръон билан тафсир қилмоғи шарт.

Олтинчи шарт: Қуръони Каримни Суннати мутоҳҳара билан тафсир қилмоқ.

Еттинчи шарт: Тафсирни Қуръони Каримнинг ўзидан ёки Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатларидан топмаса, саҳобаларнинг гапларига қайтмоқ.

Саккизинчи шарт: Агар тафсирни юқорида зикр қилинган масдарлардан бирортасида ҳам топа олмаса, тобеъинларнинг тафсирига қайтиш.

Тўққизинчи шарт: Ўткир фаҳмли бўлмоқ. Бу сифат, бир маънони иккинчисидан устун қўя

билиш ва шариат мақсадларига мос маъноларни истинбот қилиш учун керак бўлади.

Уламоларимиз муфассир бўлишдек улуғ бахтга эришиш учун ўзига яраша одобларга ҳам эга бўлишни шарт қилиб қўйганлар. Мазкур одоблар қуйидагилардан иборат:

1. Яхши ниятли ва соғлом мақсадли бўлмоқ. Муфассир фақат Аллоҳ таолонинг розилигини ва охират савобини ҳамда дийну диёнат равангини ўйлаб иш қилмоғи лозим. Орага бошқа ғаразлар аралашса, бўлмайди.

2. Ҳусни хулқли бўлмоқ. Албатта, Қуръони Каримга боғлиқ одам Қуръоний ахлоқ-одобларга эга бўлмоғи лозим. Бўлмаса, унинг қилган тафсиридан не фойда бор?

3. Илмига амал қилмоқ. Амалсиз илм бефойда экани ҳаммага маълум. Бу нарса Аллоҳ таолонинг китобига боғлиқ бўлганда яна ҳам ўзгача маъно касб этиши турган гап.

4. Маъноларни нақл қилишда содиқ ва аниқ бўлиш. Муфассир ўзи аниқ ишониб етган маъноларнигина гапирмоғи ёки ёзмоғи керак. Акс ҳолда, гаплар бир-бирига аралшиб, ноаниқлик юзга келиши мумкин.

5. Иззатини билмоқлик. Муфассир ўзини хор қилмаслиги, пастга урмаслиги лозим. У турли бўлмағур ишлардан, бошқаларнинг ҳузурида ўзини паст тутишдан сақланмоғи керак.

6. Ҳаққгўй бўлмоқ. Аллоҳ таолонинг каломида ҳаққгўй бўлмаса, нимада ҳам ҳаққгўй бўлиши мумкин?

7. Виқорли бўлмоқ. Муфассир юриш-туришда, ҳаракату саканотда виқорли бўлиб, ташқи кўринишида ҳам ҳайбат касб қилмоғи лозим.

8. Тавозуъли ва ҳалим бўлмоқ. Агар бу сифатлар бўлмаса, одамлар унинг илмидан фойда олишлари қийин бўлади.

9. Оғир-босиқ ва салмоқли бўлмоқ. Муфассир тасарруфотларида ва гап-сўзида шошмасдан, аниқлик ва босиқлик билан тасарруф қилмоғи керак.

10. Пешқадам олимларни ўзидан устун қўймоқ. Ўзидан кўра пешқадам бўлган олимларнинг ҳурмат-эътиборини жойига қўя олган кишигина ҳақийқий муфассир бўла олади.

Шу билан бирга, маънолар таржимасига қўшимча шартлар ҳам қўйилди. Улардан баъзилари қуйидагилар:

1. Таржимон араб тилини ўта яхши билиши билан бирга таржима қилинаётган тилни ҳам жуда яхши билиши шартлиги.

2. Таржимани «Қуръон таржимаси» эмас, балки «Қуръони Карим маънолари таржимаси» деб аташ ва тушуниш лозимлиги. Чунки Қуръони Каримни айна ўзидек таржима қилиш умуман иложи йўқ нарсадир. Нафақат таржима, балки, араб тилида ҳам Қуръони Каримнинг комил матни у ёқда турсин-у, бирор оятига ўхшаш матнни келтириш ҳам амримаҳол экани собит ҳақийқатдир.

3. Мазкур маънолар таржимасидан фақат Қуръони Карим маъноларини тушунишдаги ёрдамчи омил сифатида фойдаланиш мумкинлиги. У маънолар таржимасини ибодатда қироат қилиш, улардан ҳукм чиқаришга ҳаракат қилиш, таржималар атрофида ихтилофлар қилиш мутлақо мумкин эмаслиги.

4. Қуръони Карим маънолари таржимасини ёзганда, албатта, арабча оятлар билан бирга ёзиш шарт. Биринчидан, асл матннинг қудсияти балқиб туради. Қолаверса, таржиманинг аниқлигини ҳар доим текшириш имкони бўлади.

Ҳаммамиз дийнимизнинг асл манбаъи бўлган Қуръони Каримга оид бу маълумотларни ўзимизга яхшилаб сингдириб олишимиз шарт.

Саволда эслаб ўтилган «Муззаммил» сурасидаги ояти карима маъносини камина ходимингиз қуйидагича таржима ва тафсир қилганман:

وَأَذْكُرِ اسْمَ رَبِّكَ وَتَبَتَّلْ إِلَيْهِ تَبْتِيلًا

**«Ва Роббингнинг исмини зикр эт ва Унинг ибодатига бутунлай ажралиб чиқ» (8-оят).**

Яъни ўз ишинга Аллоҳ таолони доимо зикр қилиш ила ёрдам сўра. У зотга тамомийла ажраб чиқиб, фақат Унинг Ўзига суян, ўз ишларингдан бирортасида Аллоҳ таолодан ўзгага суянма. **Валлоҳу аълам.**

### 30-САВОЛ

**Ассалому алайкум, Ҳазрат! Кеча «Марям» сурасини ўқиётганимизда қуйидаги изоҳга гуч келдик:**

**«Биз уни юксак мақомга кўтардик». Изоҳ: Игрис алайҳиссаломнинг бу оятда юксак мартабага кўтарилишларини баъзи олимлар «Набийлик мақоми» ёки «тўртинчи осмонга чиқиб кетганликлари» десалар, бошқалари «жаннатга кўтарилиб кетганлари», дейдилар. Меърожга тааллуқли ҳадисда жаноб Расулуллоҳ тўртинчи осмонда Игрис алайҳиссаломни кўрганлари нақл қилинган. «Магорик» тафсирида шундай дейилади: Ҳасан Басрий айтурларки, Игрис алайҳиссалом ибодатга шунчалик берилиб кетган эканларки, барча фаришталар уни яхши кўриб қолган эканлар. Ўлим фариштаси Аллоҳдан изн сўраб унинг зиёратига борган экан. Бориб ўзини танитгач, Игрис алайҳиссалом унга: «Менга бир ўлим аччиғини тортиргин», дебдилар. У рози бўлибди. Қайта тирилгач, энди бир дўзахга ҳам солиб чиқар дебдилар. Фаришта бу илтимосларини ҳам бажарибди. «Энди, жаннатга ҳам бир олиб кир», дебдилар. Киргач, қайтиб чиқишдан бош тортибдилар. Фаришта қистаб чиқармоқчи бўлганида, айтибдилар: «Ўлимни тотдим, дўзахга кириб чиқдим. Жаннатга кирганлар эса қайта чиқарилмагайлар», дебдилар. Фаришта Аллоҳга арз қилган экан, У: «Бу ишлар ҳаммаси Менинг изним билан бўлди. Қўй, қўзғамас уни,**

жаннатга қолаверсин», деган экан. Бу ривоят қадимдан машҳур эди. Тафсирларда ҳам бор.

Мана шуну ўқиб, бир савол пайдо бўляпти: Жаннатга биринчи бўлиб кирадиган зот — бу, Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламдирлар. Аммо Идрис алайҳиссалом эса ҳозир жаннатга эканлар, бу қандай бўлди?

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Идрис алайҳиссалом ҳақларида сиз эслаб ўтганга ўхшаш турли ривоятлар бор. Лекин у киши ҳақидаги маълумотларни Қуръон ва ҳадисдан олганимиз энг ишончлиси бўлади. Расулуллоҳ алайҳиссалом Идрис алайҳиссаломни меърож кечаси тўртинчи осмонда кўрганлари ҳақидаги ҳадис саҳихдир. Агар тўғри ёки тўғри эмаслигини билмаган нарсамиз ҳақида гапирадиган бўлсак, нотўғри иш қилган бўламиз. Қуръони Каримда зикр қилинган Набийларнинг Одам Атодан кейинги энг қадимгилари Идрис алайҳиссаломдирлар. Аллоҳ таоло у зот ҳақларида «Марям» сурасида марҳамат қилиб қуйидагиларни айтади:

وَأَذْكُرِي فِي الْكِتَابِ إِدْرِيْسَ إِنَّهُ كَانَ صِدِّيقًا نَبِيًّا ﴿٥٦﴾ وَرَفَعْنَاهُ مَكَانًا عَلِيًّا ﴿٥٧﴾

«Ва китобда Идрисни эсла. Албатта, у сиддик ва Набий бўлган эди. Ва уни олий мақомга кўтардик» (56-57 оятлар).

Шунингдек, «Анбиё» сурасида:

وَإِسْمَاعِيلَ وَإِدْرِيْسَ وَذَا الْكِفْلِ كُلٌّ مِّنَ الصَّٰلِحِيْنَ ﴿٨٥﴾ وَأَدْخَلْنَاهُمْ فِي رَحْمَتِنَا إِنَّهُمْ مِّنَ الصَّٰلِحِيْنَ ﴿٨٦﴾

«Ва Исмоил, Идрис ва Зул-Кифлни эсла. Уларнинг ҳар бири сабр қилгувчилардандир. Ва улар-

ни Ўз раҳматимизга киритдик. Албатта, улар солиҳлардандир» (85-, 86-оятлар), дейди.

Қуръони Каримда Идрис алайҳиссалом ҳақларида бундан бошқа маълумот йўқ. Ушбу зикр этилган ояти карималарда Идрис алайҳиссаломнинг бир неча сифатлари зикр қилинмоқда:

1. Сиддиқлик.
2. Набийлик.
3. Олий мақом соҳибчилиги.
4. Сабр қилувчилик.
5. Аллоҳнинг раҳматига кириш.
6. Солиҳлик.

Тарихчиларнинг таъкидлашларича, Идрис алайҳиссаломнинг насаблари Одам алайҳиссаломнинг ўғиллари Шийс алайҳиссаломга етиб боради. У кишининг оталарининг исми Ёрид, боболарининг исми Маълоил бўлган. У кишига Одам ва Шийс алайҳиссаломлардан кейин учинчи бўлиб набийлик берилган.

Машҳур тарихчиларимиздан Ибн Исҳоқ раҳматуллоҳи алайҳининг таъкидлашларича, Идрис алайҳиссалом қалам билан ёзув ёзган биринчи одамдирлар.

Уламоларнинг рожих гапларига қараганда Идрис алайҳиссалом Бобилда таваллуд топганлар. Аввал бошда Шийс алайҳиссаломда бўлган илмни ўрганганлар. Кейинчалик Аллоҳ таоло у зотга Набийликни берган.

У киши Набий бўлганларидан кейин кишиларни Одам ва Шийс алайҳиссаломлар шариатида даъват қилганлар. У кишининг даъватларини озчилик қабул қилган, холос.

Шунда у зот ўзларига эргашганлар билан Бобилни тарк этиб, ҳижратга чиққанлар. У киши ҳижратлари учун Мисрни танлаганлар. Мисрда турган пайтларида одамларни дийнга даъват қилганлар.

Идрис алайҳиссалом биринчи бўлиб маданий ишларни йўлга қўйганлар, одамларга маданият-

га оид ишларни, қонун-қоидаларни ўргатганлар. У кишининг даврларида 188 та шаҳар қурилган экан.

Идрис алайҳиссалом ўз ҳикматлари ила машҳур бўлганлар. Ровийлар Идрис алайҳиссаломдан асар бўлиб қолган баъзи ҳикматларни ҳам келтирадилар:

«Дунёнинг яхшиси ҳасратдир. Ёмони надоматдир».

«Бахтиёр – ўзига назар солган кишидир. Унинг Рабби ҳузуридаги шафоатчиси амали солиҳидир».

«Сабр иймон ила бўлса, зафар келтиради».

Идрис алайҳиссаломнинг ер юзидаги истиқоматлари саксон икки йил бўлган. Идрис алайҳиссаломнинг жаннатга кириб, у ерда қолганлари ҳақидаги гаплар илмий асосга эга эмас. Дарҳақиқат, барча ишончли манбаъларда таъкидланишича, жаннатга энг аввал кирадиган зот Расулуллоҳ Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бўладилар.  
***Валлоҳу аълам.***

## 4-БОБ. ЗИКР ВА ТАСБЕҲ

### ИСТИҒФОРНИНГ ФОЙДАЛАРИ

#### 31-САВОЛ

*Мен бир неча йилдан бери оилалиман. Лекин фарзандимиз йўқ. Бир куну бир танишим келиб: «Мен бир олим одамдан эшитдим, агар икковларингиз юз минг мартадан истиғфор айтсангиз, фарзандли бўласизлар», деди. Агар шундоқ бўлса, унинг шартлари қандай бўлади? Жавоб учун олдиндан раҳмат.*

#### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ҳар бир бандага қўша-қўша фарзандларни ато этган бўлсин, жумладан, ушбу саволни йўллаган мухлисимизнинг оилаларига ҳам Роббул олабийн яхши-яхши фарзандларни ато этиб, ўша фарзандларни бу оиланинг аъзоларига кўз қорачиғи бўлишини насийб этган бўлсин.

Албатта, бефарзанд одам турли йўллар билан фарзанд топишнинг пайдан бўлади, Аллоҳ таолога илтижо қилади, мутахассисларга мурожаат этади.

Фарзанд кўрмасликнинг сабаблари эрдаги ёки хотиндаги маълум бир беморлик, хасталик, камчилик бўлиши мумкин, буну тиббий йўллар билан муолажа қилишга ҳаракат қилиш лозим бўлади.

Лекин асосий тилак, асосий истак Аллоҳ субҳану ва таолонинг Ўзидан бу нарсани сўраш бўлади. Аллоҳ таолодан фарзанд сўрашнинг, Аллоҳ таолога илтижо қилишнинг йўлларида бири — Роббул олабийнга истиғфор айтиш, «Астағфируллоҳ» ёки «Астағфируллоҳал аълиял аъзим, алазий ла аилааҳа илла ҳува ва аътубу илайк» сўзларини кўп марта ихлос билан, Аллоҳдан фарзанд сўраш ниятида такрорлашдир. Мана бу ерда, демак, ўша маслаҳат берган одам бир олимдан эшитганидай юз минг марта айтишни тавсия қилибди. Бу, бир тажрибадан келиб чиққан нарса, юз минг мартадан кўп бўладими, оз бўладими, лекин ихлос

билан қилинса, шу ният билан қилинса, шоядки, Аллоҳ таоло банданинг илтижосини тингласа, дуосини ижобат қилса, сўраган нарсасини берса. Қуръони Каримда Аллоҳ субҳану ва таоло Нуҳ алайҳиссаломнинг тилидан у зот ўз қавмига истиғфор айтишини ва истиғфорнинг фойдаларини баён қилувчи ояти каримани нозил қилган. Нуҳ алайҳиссалом:

فَقُلْتُ اسْتَغْفِرُوا رَبَّكُمْ إِنَّهُ كَانَ غَفَّارًا ﴿١٠﴾

«Бас, ўз Роббингизга истиғфор айтинг, албатта у гуноҳларни кўплаб маъфират қилувчидир, дедим» («Нуҳ» сураси, 10-оят), дейдилар-да, кейин истиғфорнинг фойдаларини айтадилар:

يُرْسِلِ السَّمَاءَ عَلَيْكُمْ مِدْرَارًا ﴿١١﴾ وَيُمْدِدْكُمْ بِأَمْوَالٍ وَبَنِينَ

«У зот осмондан устингизга кетма-кет (баракка ёмғирини) юборадир. Ва сизга молу мулк ва бола-чақа ила мадад берадир». («Нуҳ» сураси, 11-, 12-оятлар.) Ана шу ерда фарзанднинг кўпайишига ҳам Аллоҳ таолога истиғфор айтиш фойда бериши айтилган. Шунинг учун ҳам, Ҳасан Басрий розияллоҳу анҳунинг ҳузурига кишилар келиб, турли нарсалардан: кимдир ёмғир ёғмай кўйганидан, кимдир камбағаллик тарқалганидан, кимдир бефарзандликдан ва бошқа нарсалардан шикоят қилишганида, «истиғфор айтинг», деганлар. Одамлар «Ҳаммага «истиғфор айтинг» деяпсиз, бу қанақа бўлди?» деганида мана шу оятларни ўқиб берганлар. Ҳақиқатан, истиғфорнинг фойдаси ниҳоятда кўп, ана шу фойдалардан бири фарзанд талабидаги кишилар ният билан истиғфorni кўп айтсалар, шоядки, Аллоҳ таоло ушбу ояти кариманинг маъносидан келиб чиқиб, ўша бефарзанд биродарларга, опа-сингилларга ҳам фарзандларни ато этса. Аллоҳим, барча бефарзанд биродарларимизга, опа-сингилларимизга Ўзингнинг ғайб хазийнангдан қўша-қўша фарзандларни ато

қилгин, уларнинг кўзини қувончга тўлдирсин, қалбини, кўксини фарзандга тўлдиргин, мурод-мақсадларига эриштиргин. *Валлоҳу аълам.*

## ТАСБЕҲ ҲАҚИДА

### 32-САВОЛ

*Шайх жаноблари, биз мусулмонлар тасбеҳни кўп ишлатамиз. Унинг тарихи ва келиб чиқиши ҳақида билишни хоҳлар эдик.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Ҳозирда мўмин-мусулмонлар ичида мазҳабга қарши бўлишга ва баъзи бир амалларни бидъат-хурофотга чиқаришга ишқибоз бўлган кишилар «тасбеҳ ўгириш бидъатдир, бу ишни Набийимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам қилмаганлар, саҳобалар ҳам қилмаганлар», деган маънодаги гапларни тарқатиб, мўмин-мусулмонларнинг хаёлларини паришон қилиб, ихтилофлар, тушунмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлаётирлар. Лекин мужтаҳид уламоларимиз тасбеҳни тутиш жоизлиги ва ундан фойдаланиш мумкинлигини айнан Набийимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан қилинган ривоятдан олганлар. «Сунан» номли донг таратган китобларнинг соҳиблари имом Абу Довуд, имом Термизий, имом Ибни Можа ва имом Насаъий қуйидаги ривоятни келтирадилар:

عَنْ عَائِشَةَ بِنْتِ سَعْدِ بْنِ أَبِي وَقَّاصٍ عَنْ أَبِيهَا أَنَّهُ دَخَلَ  
مَعَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ عَلَى امْرَأَةٍ وَبَيْنَ يَدَيْهَا نَوَى أَوْ حَصَى  
تَسْبِيحٌ بِهِ فَقَالَ: «أُخْبِرُكَ بِمَا هُوَ أَيْسَرُ عَلَيْكَ مِنْ هَذَا أَوْ  
أَفْضَلُ». فَقَالَ: «سُبْحَانَ اللَّهِ عَدَدَ مَا خَلَقَ فِي السَّمَاءِ،  
وَسُبْحَانَ اللَّهِ عَدَدَ مَا خَلَقَ فِي الْأَرْضِ، وَسُبْحَانَ اللَّهِ عَدَدَ مَا  
خَلَقَ بَيْنَ ذَلِكَ، وَسُبْحَانَ اللَّهِ عَدَدَ مَا هُوَ خَالِقٌ، وَاللَّهُ أَكْبَرُ

مِثْلُ ذَلِكَ، وَالْحَمْدُ لِلَّهِ مِثْلُ ذَلِكَ. وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مِثْلُ ذَلِكَ.  
وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ مِثْلُ ذَلِكَ».

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир аёлнинг олдига кирдилар. Унинг олдида данаклар ёки майда тошлар бўлиб, ўшалар ила тасбеҳ айтаётган эди. Бас, у зот: «Мен сенга ундан осон ёки афзал нарсанинг хабарини бераман: Субҳаналлоҳи адада ма ҳолақа фис-самаъи, Субҳаналлоҳи адада ма холақа фил-арзи, Субҳаналлоҳи адада ма холақа байна залик, Субҳаналлоҳи адада ма холақа ма ҳу ва холиқун, Аллоҳу Акбар мислу залика, вал-ҳамдулиллаҳи мислу залика, ва Лаа илааҳа иллаллоҳу мислу залик, ва лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллааҳи мислу залик», дедилар.

Ушбу ҳадисда зикрни кўп такрорлаш ва уни қўлдан бошқа нарса билан ҳам санаш мумкинлигига далил бор. Худди шу маънони англайтиш учун машҳур муҳаддис имом Абу Довуд ўз китобида «майда тош билан тасбеҳ айтиш» бобини очган ва ушбу биз ўрганаётган ҳадисни келтирган. Мана шундан бизда «тасбеҳ» номини олган, маълум бир ададдаги данак ёки думалоқ нарсаларни ишга тизиб ясаладиган, араблар «субҳа» деб номлайдиган нарса пайдо бўлган. Ибни Манзур бу нарсани тушунтириш учун: «Субҳа» – тасбеҳ айтувчиларга ўзи айтадиган тасбеҳларни санайдиган доналардир, бу янги чиққан сўз, гоҳида уни «мисбаҳам» ҳам дейилади», деган.

Имом Абу Довуднинг «Сунан» китобларига «Авнулмаъбуд» номли шарҳ ёзган Шайх Муҳаммад Шамсулҳаққ раҳматуллоҳи алайҳи ҳозир биз ўрганаётган ҳадисни келтиргандан кейин: «Бу ҳадис тасбеҳни данак ёки майда тош билан санаш жоизлигига далилдир, тасбеҳ қилиб олса ҳам бўлаверади, чунки ораларида фарқ йўқ, Набий

соллаллоҳу алайҳи васаллам мазкура аёлнинг амалини иқрор қилдилар, инкор қилмадилар. Бўлиб турган нарсадан, афзал нарсага иршод қилиш аввалгисининг жоизлигини манъ қилмайди», деганлар. Бу ҳақда бир қанча асарлар ривоят қилинган. Буни қилишни бидъат деганлар тўғри айтмаган, дейди Шайх Муҳаммад Шамсулҳаққ.

Ибн Ҳажар раҳматуллоҳи алайҳи эса: «Мазкур ҳадисдан тасбеҳ тутиш мандублиги чиқади, уни бидъат дейиш тўғри эмас», деган.

Ибн Аллон бўлса: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мазкур аёлнинг данак ёки майда тош билан санаб зикр қилаётганига иқрор бўлишлари бу ишнинг суннат эканига далилдир. Тасбеҳ тутиш ҳам майда тошнинг ўрнидаги нарса. Тасбеҳ тутиш ҳақида латийф бир жуз ёзиб, уни «Йўқодул масобийх, лимашруиати иттиҳозил масобийх» — «тасбеҳ тутишнинг шаръий экани ҳақида ёқилган чироқ» деб номладим», деганлар. Унда бу масалага оид хабарлар, асарлар ва ихтилофларни келтирдим, «Зикрни панжалар билан санаш афзалми ёки «тасбеҳ билан?» деган саволга жавоб изладим. Хулоса шуки, қўл билан санаш, хусусан, намознинг зикрларини қўл билан санаш афзалдир. Аммо кўп ададди зикрларда адашиб кетмаслик учун тасбеҳ билан санаган афзалдир», дейилган. Мана, шундоқ қилиб, «тасбеҳ» деб аталган нарса келиб чиққан.

Аллоҳнинг зикрини қилиш иштиёқида, уни кўпроқ зикр қилиб, ададини ошириш маъносида мўмин-мусулмонлар рағбат қилган ҳолда мана шу тасбеҳларни ясаб олганлар. Аллоҳнинг зикрини қилиш, унинг ададини кўпайтиришни, Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг Ўзи ҳаммамизга насийб этган бўлсин. Турли бораларда, жумладан, мана шу тасбеҳ борасида ҳам ихтилоф қилишдан Аллоҳ таоло ўзи сақласин, ихтилоф қилувчиларга эса Роббул оламийн инсоф бериб, ҳамма соҳаларда, жумладан, ушбу маънодаги ихтилофда ҳам ўзи қутқариб, уларни ҳам тўғри йўлга бошлаган бўлсин. **Валлоҳу аълам.**

## 5-БОБ. ФИРҚАЛАР ВА МИЛЛАТЛАР

### 33-САВОЛ

*«Бизнинг олдимизга учта йўл бор: ё ўлим, ё қамоқ, ёки чет элга чиқиб кетиш» деб эътиқод қиладиган ва тасаввуфни инкор этадиганлар қайси дийний оқимга тегишли. Улар ваҳҳобийми, агар ваҳҳобий бўлса, нима учун ўзларини ваҳҳобиймиз деб аташмайди. Улар шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳам ваҳҳобий дея иддао этадилар, шунга нима дейсиз?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Бундай одамларни «бетайинлар» ва «нима деганини ўзи билмайдиганлар» десак, адашмаган бўламиз, деб умид қиламан. Улар жоҳил кишилар бўлиб, дийнимизга зарар етказишдан бошқа иш қўлларидан келмайди. Улардан ҳазир бўлиш ва уларга қарши курашиш керак.

Мен Аҳли сунна ва жамоа эътиқодидаги ва Ҳанафий мазҳабидаги оддий бир мусулмонман, алҳамдулиллаҳ. Агар сиз сўз юритаётган одамлар менинг ҳақимда мазкур сўзларни айтган бўлсалар, туҳмат қилибдилар. Туҳмат эса, гуноҳи кабийрадир. Бу гуноҳни туҳматга қолган банда кечирмагунча, Аллоҳ таоло кечирмайди. Мазкур шахслар одамларнинг бошини айлантириш ўрнига, ҳеч бўлмаса, гуноҳи кабийра нималигини, бировга туҳмат қилишнинг оқибати жуда ҳам офир эканини билиб олсалар, яхши бўлар эди. Аллоҳ таоло адаштирмасин! *Валлоҳу аълам.*

## АҲЛИ КИТОБЛАР ҲАҚИДА

### 34-САВОЛ

*Биз дийний адабиётларда «Аҳли китоблар» деган иборани ўқиб қоламиз. Айтингчи, «Аҳли китоблар» кимлар?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

«Аҳли китоблар» дегани «китоб эгалари» деб таржима қилинади. Яъники, илоҳий китобга, Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло тарафидан туширилган китобга эргашган кишилар маъносини беради. Исломий таърифотда, исломий тушгунчада, «аҳли китоб» дегани Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло осмондан нозил қилган, туширган китобга уммат бўлган, эргашган кишиларни англатади. Уларга Аллоҳ таоло томонидан китоб юборилганлиги учун уларни «аҳли китоблар» дейилади. Ислом ақийдаси бўйича, аҳли китоблар Инжил, Таврот ва Забур китобига имон келтириб, ана ўшаларга эргашган кишилардир. Ҳозирги кунда Забур китобига эргашувчи, унга иймон келтириб амал қилувчи тоифа йўқ. Демак, бутунги кунимизда «аҳли китоб» деганда, Инжилга эргашувчи насоро-христианларни ва Тавротга эргашиб амал қилувчи яҳудийларни тушунамиз, ана ўшалар «аҳли китоблар» деб аталади. *Валлоҳу аълам.*

## 6-БОБ. КОФИРЛИК ВА МУРТАДЛИК

### ИБН СИНО ВА ҒАЗЗОЛИЙ

#### 35-САВОЛ

*Абу Али ибн Сино ўзининг илмий-фалсафий қарашлари сабабли дийн арбоблари томонидан кучли танқид қилинган. Хужжатул-Ислом имом Ғаззолийнинг ҳам Ибн Сино ғояларига ашаддий қаршилик кўрсатганини ўқиганман. Шу ҳақда ҳам фикрингизни билдирсангиз, илтимос! Саволларимда хатолик ёки янглишлар бўлса, олдиндан узр сўрайман. Сизни дуо қилиб, Искандарбек.*

#### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Имом Ғаззолий ўз китобларида файласуфларнинг ҳолини ва уларнинг шарият билан тўқнашадиган ва тўқнашмайдиган илмларини баён қилганлар. Кейин эса, файласуфларни танқид қилишга ўтганлар. Бу танқидлар илоҳиётга ва метафизикага оид ўн олтита ҳамда табиат илмларига тегишли тўртта масалани ўз ичига олган.

Мазкур йигирма масаладан учтасида файласуфлар куфр кетганлиги ҳақида қарорга келинган. Ўша уч масала қуйидагилар:

1. Файласуфларнинг «олам қадимдир» деган гаплари.

Файласуфлар ўзларининг турли ақлий далилларидан келиб чиқиб, олам қадимдир, у кейин пайдо бўлган ҳам эмас, уни биров яратган ҳам эмас, деган фикрни айтганлар.

Имом Ғаззолий уларга раддия бериб, олам қадимий илоҳий ирода ила мавжуд бўлган, ўша ирода оламнинг маълум вақтда вужудга келишини ирода қилган, ундан олдин мавжуд бўлиши ирода қилинмаган эди, шунинг учун у пайдо бўлмаган. Янги пайдо бўлган ҳар бир нарса эса силсила ила охирги ва қадимги сабабга бориб тақалади, ўша сабаб Аллоҳ таолодир, дея таъкидладилар.

2. Файласуфларнинг Аллоҳ таоло жузъий нарсаларни билмайди, деган гаплари.

Файласуфларнинг фикрича, Аллоҳ таоло фақат собит куллиётларнигина билади. Шу нарса унинг камолига мос келади. Жузъий-майда нарсалар ўзгариб туради. Шунинг учун, уларга боғлиқ илм ҳам ўзгариб туради. Илмнинг ўзгариб туриши эса, Аллоҳ таолонинг камолига тўғри келмайди. Аллоҳ таоло инсониятнинг амалларини тўп шаклида умумий ҳолда билади, холос. Одамлардан алоҳида шахсларнинг қилган амалини билмайди.

Имом Фаззолий Аллоҳ таоло ўша жузъий амалларнинг барчасини ўзгармас битта илм ила билишини таъкидлайдилар.

3. Файласуфларнинг охиратда жасадларнинг қайта тирилишини инкор қилишлари.

Уларнинг фикрича, охиратда фақат руҳлар қайта тирилтириладилар, холос. Бинобарин, жаннатда жисмнинг лаззатланиши ва дўзахда азобланиши ҳам бўлмайди.

Имом Фаззолий эса, жисмларни йўқдан бор қилишга қудрати етган Аллоҳ таоло уларни чириганидан кейин қайта тирилтириши осонроқ эканини таъкидлайдилар.

Демак, бу маънода Ибн Синонинг ёлғиз ўзи танқид қилинмаган. **Валлоҳу аълам.**

## 7-БОБ. ТУМОРЛАР ВА СЕҲР

### ТУМОР ҲАҚИДА

#### 36-САВОЛ

*Кўз тегмасин деб чақалоқларнинг қўлига кўзмунчоқ тақиб қўйиш бидъат эканлигини биламан. Лекин дуо, оятлар ёзилган тумор тақиб юриш мумкинми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Дарҳақийқат, кичик ёшдаги гўдакларга мунчоқ тақиб қўйиш бидъат-хурофот ҳамда мусулмонларга мутлақо тўғри келмайдиган нарсадир. Аммо ёш болаларнинг тили чиқмаганлиги ёки ёдлаш қобилияти йўқ бўлгани сабабли Қуръон оятларини ёдлай олмаса, Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳунинг ишларига тақлид қилиб, оят ва дуоларни ёзиб, тақиб қўйиш мумкин.

Абдуллоҳ ибн Умар саҳобалар ичида энг тақволи ва суннатга энг эргашувчи шахс сифатида танилган зотдирлар. Болаларининг ўзлари Қуръон ёдлайдиган бўлгунча, шу оятларни ёзиб, тақиб қўйган эканлар. Ақлини таниб, оят ёдлай оладиган бўлганидан кейин бу иш мумкин эмас. Агар кўз тегишидан ёки яна бошқа нарсалардан чўчиса, ўзи оятларни ўқиб, ўзига дам солиб юриши керак.

Аввало, ҳамма нарса Аллоҳ таолодан эканлигини қалбига жойлаб, бунга қаттиқ эътиқод қилмоғи лозим. Ётаётганида ҳам, турганида ҳам, кўчага чиқаётганда ҳам Қуръон оятлари, хусусан, «Оятул Курсий», «Каафирун», «Ихлос», «Фалақ», «Наас», «Йаасийн» сураларини ўқиб, дам солиб юриши ҳадисларда тавсия этилган. *Валлоҳу аълам.*

## ИБОДАТ КИТОБИ

### 8-БОБ. ТОҲАРАТ ВА ПОКЛИК

#### 37-САВОЛ

*Мен яқинда намоз ўқишни бошладим. Лекин оғатда тирноқларимга лак суриб юраман. Хизмат вазийфам шуни тақозо қилади. Менга айтишларича, лак тоҳарат олишга тўсқинлик қилар экан. Шу ростми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Аввало, бу саволни йўллаган синглимизни буюк бир бахт—намоз ўқиш саодатига сазовор бўлганлари билан муборакбод этамиз. Аллоҳ таоло ато этган бу неъмат у киши учун ва барчамиз учун бардавом бўлишини тилаб дуолар қилиб қоламиз. Бу синглимиз намоз ўқишни бошлашлари билан буюк бир саодатга эришибдилар. Аллоҳ таоло бу саодатни муборак қилсин.

Энди, тирноққа лак суртиш ва унинг тоҳаратга бўлган таъсири тўғрисида гапирадиган бўлсак, тоҳарат қилган пайтда асл тирноққа сув етишига тўсқинлик қилгани учун, лак суриш жоиз эмас. Яъни тоҳаратда ювилиши лозим бўлган баданнинг бир қисмига сув етмай қолган ҳисобланади. Опа-сингилларимиз лак суртиш пайтида шу қондани эсда тутишлари керак. *Валлоҳу аълам.*

### ТИШГА ПЛОМБА ҚЎЙИШ

#### 38-САВОЛ

*Бугунги кунда замонавий тиббиёт ҳар бир гарднинг давосини топмоқда, хусусан, тиш емирилишининг ҳам. Лекин айтишларича, қўйладиган пломба тоҳарат ва ғуслга монеълик қилар эмиш. Шу гап ростми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Баъзи кишилар «Пломба тоҳарат ва ғуслга монеълик қилади, шунинг учун ҳаром, мутлақо

мумкин эмас» деган гапни тарқатишмоқда. Ҳатто ўликларнинг тилла қоплама тишлари бўлса, ўлгандан кейин бўлса ҳам кўчириб ташлаб кейин ғусл қилдириш керак, деган гапларни такрор ва такрор айтмоқдалар. Ўз шогирдларига, мабодо, олдинги қўйдирган қоплама тишлари бўлса, уларни ҳам олдириб, тишлари сарғайган ва емирилган ҳолда юргани афзал эканлигини таъкидлашдан чарчамаятдилар. Буларнинг ҳужжатсиз ва далилсиз айтадиган бирдан-бир гаплари айнан тоҳарат ва ғусл пайтида касал тишга сув етмай қолишидир.

Лекин Ислом шариати кишиларнинг дардини зиёда қилиш ёки уни муолажа қилишни манъ этиш учун Аллоҳ таоло тарафидан нозил қилинган дийн эмаслигини мазкур азизларимиз унутиб қўядилар. Ўтган уламоларнинг бу масаладаги ижтиҳодларига ва ёзган китобларига мурожаат қилмайдилар.

Балки шу қаттиқ тутишлик, худбинлик асосидаги гапларни ўзлари учун фахр деб биладилар ва бунга ҳамманинг амал қилиши лозимлигини даъво қиладилар. Бу кишиларнинг гапларига кирмасдан, аввалги мужтаҳидларнинг гапини олган, Ислом руҳидан келиб чиқиб, ҳадислардан, саҳобалар амалидан ўрнак олган, соғлиғи учун қайғуриб, тишини даволатиб, яхши бир ҳолатда юрган кишиларни маломат қиладилар.

Тишларга плomba, қоплама, хусусан, тилла қоплама қўйдириш муолажаси қадимдан қилиб келинаётган ишдир. Бунга фатволар, ҳадислар, ривоятлар бор. Тиш даволатганда плomba ёки қоплама қўйдириладими, уларни қўйдираётганда ғусл ва тоҳарат билан қўйдирса, бу нарса худди бошқа аъзолардаги яра ёки шунга ўхшаш жароҳатларнинг устини боғлаб қўйганлик ҳукмига ўтади. Буни шариатда «жабира» дейилади. Мана шу нарса бўлса ғусл ва тоҳарат пайтида у ерга сув тегиши шарт бўлмай қолади. Шу қопланган нарсанинг устига теккан сув унинг ҳам покланишига олиб келади.

Бунинг мумкин эканлигига ҳадислардан, ривоятлардан очиқ-ойдин далиллар келтирамиз. Яна айтиб қўйишимиз керакки, бунга ҳамма фуқаҳолар иттифоқ қилган ва барча китобларда бу ишнинг жоизлиги айтилган. Аммо «Бу иш мумкин эмас», деган китобни ҳозирча кўрганамиз йўқ.

Энди далилларга келсак, Ислом оламида «саҳиҳ» деб тан олинган олти китобнинг учтасида ривоятлар келган. Ана шу ривоятларни буюк имомларимиздан Абу Довуд ас-Сижистоний ва имом Шуъайб Ан-Насайй ва имоми Абу Ййсо ат-Термизийлар ўз китобларида келтирганлар.

عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ طَرْفَةَ أَنَّ جَدَّهُ عَرَفَةَ بْنَ أَسْعَدَ  
قَطَعَ أَنْفَهُ يَوْمَ الْكَلَابِ فَاتَّخَذَ أَنْفًا مِنْ وَرِقٍ فَأَتَتْهُ عَلَيْهِ فَأَمَرَهُ  
النَّبِيُّ ﷺ فَاتَّخَذَ أَنْفًا مِنْ ذَهَبٍ.

*Абдураҳмон ибн Торфа деган кишидан ривоят қилинади:*

У кишининг боболари Арфажа ибни Асъад розияллоҳу анҳунинг Килоб уруши куни бурунлари кесилди. У киши эса ўзларига кумушдан бурун қилиб олдилар. Лекин у фойда бермасдан, сасиб кетди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига тилладан бурун қилиб олишни амр қилдилар. У киши эса тилладан бурун қилиб олди.

Мана шу ал-Жаҳфа ибни Асъад розияллоҳу анҳунинг ҳолатлари бошқа тарафларга қиёс қилинади. Тилла одамнинг баданига яхши таъсир қилиб, шифобахшлик хусусияти бор экан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бу нарса Аллоҳ таоло тарафидан билдирилган. Тилладан мазкур саҳобий бурун қилиб олганларидан кейин яралари битиб, ана шу тилла билан тоҳарат ва гусл қилиб юрганликлари ривоят қилинган.

Дардга малҳам бўлиш дийнимизнинг асосий мақсадларидан биридир. Тишнинг емирилиши ҳам

оғир дардлардан биридир. Шу боис, ҳавас учун эмас, дардига малҳам топиш мақсадида тишни қаратиш ва қоплама қўйдиришга рухсат берилган.

Имом Тобароний розияллоҳу анҳу ва имом Зайлаъий ўз китобларида улуғ саҳобий Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу тилладан тиш қоплатганлари ҳақидаги ривоятни келтиришган. Умар розияллоҳу анҳунинг бу қилган ишлари ҳам ушбу ишнинг жоизлигига энг кучли далиллардан биридир.

Шунингдек, иккинчи бир буюк саҳобий Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу ҳам ўзларига тилла тиш қоплатган эканлар.

Яна, улуғ саҳобалардан Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларида 10 йил туриб, у зотнинг ҳар бир қилган ишларини ва ҳар бир айтган сўзларини синчковлик билан ўрганган, ўзлари таълим олган нарсаларни кейин бутун Ислом оламига ривоят қилган Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу ҳам тилла тиш қўйдирган эканлар.

Мана шу айтилган нарсаларнинг улуғ саҳобийлар томонидан бажарилгани уни қилиш жоиз эканига очиқ-ойдин далилдир.

Аммо мана шу пломба ёки қопламалар қўйилаётган пайтда тоҳаратли ва ғуслли бўлиш лозимдир.

Бу ҳукмни билишдан аввал қўйилганлари узурли ҳисобланади. **Валлоҳу аълам.**

### 39-САВОЛ

**Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари! Сизга саволим қуйидагича: Мен ҳозир Корейдаман, тоҳаратни ҳаммомда қилсам бўладими? Бошқа жойда иложим йўқ. Чўчқа гўштини ейиш мумкинми? Иш оғир, емасам, касал бўлишим аниқ.**

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

1. Корейдек жойда тоҳарат ва ибодат қилиш пайдан бўлганингиз катта бахтингиз. «Ҳаммом» деганда, турар жойлардаги ҳаммомни айтаётган бўлсангиз, уларда тоҳарат қилиш жоиз. Чунки бу

каби ҳаммомларда нажас нарсалар доимий равишда сув билан кетказилиб туради.

2. Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида:

إِنَّمَا حَرَّمَ عَلَيْكُمُ الْمَيْتَةَ وَالْدَّمَ وَلَحْمَ الْخِنْزِيرِ وَمَا  
أُهِلَّ بِهِ لِغَيْرِ اللَّهِ

«Албатта У зот сизларга фақат ўлимтикни, қонни, чўчқанинг гўштини ва Аллоҳдан бошқага сўйилганини ҳаром қилди» (173-оят), деган.

«Чўчқанинг гўшти» дейилганида ёғи ёки бошқа жойи ҳалол экан-да, деган фикр келмаслиги керак. Чўчқа буткул ҳаром. Ўлимтик, қон каби у ҳам нажас-ифлос бўлгани учун ҳаром.

Қолаверса, чўчқа табиати бузуқ, ифлос ҳайвон, нима кўринса, еяверадиган махлуқ. Соф табиат эгалари ундан нафрат қиладилар.

Ейилган озуқа инсон вужудига сингиб, ўз таъсирини ўтказади. Масалан, баъзи дориларни ичсангиз, Аллоҳ у моддаларга берган хусусият туфайли танадаги оғриқ қолади, баъзилари истеъмол қилинса, асаб ўрнига тушади ва ҳоказо. Шунингдек, баъзи овқатлар иссиқлигингизни ошириб юборса, бошқаси совуқлигингизни оширади. Хулоса шуки, тановул қилинган озуқалар инсонга ҳар жиҳатдан таъсир ўтказади.

Тажрибалиларнинг таъкидлашича, дунёда эркакги ургочисини қизғанмайдиган бирдан-бир ҳайвон чўчқа экан. Балки шу боисдандир, чўчқа гўштини кўп истеъмол қиладиган халқларнинг эркаклари аёлларини қизғанмайдилар, бу масалада ифбат ва номус нималигини билмайдиган даюсларга айланиб қолганлар.

Тиб олимлари чўчқа гўштида қонтомир ва юрак касалликларини тарқатувчи моддалар борлигини ҳам аниқлашди. Яна бошқа кўпгина зарарлари ҳам аён бўлди. Бу ҳақда ҳатто ўзлари чўчқа гўштини истеъмол қиладиган халқларнинг вакиллари,

Қуръон ва Исломдан беҳабар кишилар илмий ишлар қилдилар, алоҳида китоблар ҳам ёздилар.

Сизнинг шароитингизда кўпроқ даромад топиш маъносида чет элга чиқилган. Ўлим қаршисида қолган, чўчқанинг гўштини емаса, ўлиши муқаррар бўлган одамгина жонини сақлаш учун озгина еса, бўлади. Аммо бундан бошқа маънода ва доимий равишда чўчқа гўштини ейишга рухсат йўқ. Бир оз қийналсангиз ҳам, ҳалол нарсаларни топишингиз мумкин. Сизга ўхшаб Кореяда ишлаб юрганлар бу масалани тўғри ҳал қилганлар. Аллоҳ таолонинг Ўзи ёрдамчи бўлсин! Доимо ҳалол луқма еб юришимизни насийб қилсин! *Валлоҳу аълам.*

## ҲАРОМ ВА НАЖАС

### 40-САВОЛ

*Ассалому алайкум, ҳурматли Шайх жаноблари!*

*Биламизки, Қуръони Каримда мусулмонларга баъзи нарсалар ҳаром қилинган: Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан бошқага атаб сўйилган жонзот, қон, чўчқа, ўлакса. Бундан ташқари, маст қилувчи ичимликлар (хамр) ичиш ҳам таъқиқланган. Булардан ташқари, Расулимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам тарафларидан ҳам қўшимча равишда баъзи нарсалар ҳаром қилинганлиги тўғрисида ҳадислар бор, масалан: ит ва эшак гўштини истеъмол қилиш. Энди саволларга келсак, юқорида кўрсатилган нарсаларнинг ҳаромлиги қандай, яъни: қайси бирининг истеъмоли ҳаром ва қайси бири бутунлай ҳаром? (масалан: ит теккан кийимда намоз ўқиш мумкин эмас...)*

*Ароқ тўкилган кийим қуригандан кейин (яъни тўкилган ароқ «учиб» кетгандан сўнг) шу кийимда намоз ўқиса, бўладими ёки шу кийимни ювиш керакми ёки ўша ароқ тўкилган жойини ювишнинг ўзи кифоями? Жавобингиз учун олдиндан ташаккур.*

## **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Муҳтарам савол соҳиблари ҳаром билан нажаснинг фарқини билмайдиган кўринадилар. Шунинг учун бу ҳақда батафсилроқ маълумот бериш лозим кўринади.

**Ҳаром.** Шариат тарк қилишни шубҳасиз қатъий далилга суюниб жазм ила талаб қилган нарса ҳаромдир. Масалан, одам ўлдириш, ароқ ичиш, зино ва ўғрилиқ қилиш кабилар.

Ҳаромдан четда бўлиш фарздир. Уни қилган одам уқубатга сазовор бўлади.

Ҳаром «маъсият», «гуноҳ» каби исмлар билан ҳам аталади.

Ҳаромни инкор қилган одам кофир бўлади.

**Макруҳи таҳримий** (ҳаром ҳисобланадиган макруҳ).

Шариат (оҳод хабарларда) қатъий бўлмаган далил ила тарк қилишни жазм ила талаб этган нарса макруҳи таҳримий бўлади. Бунга бировнинг савдоси устига савдо қилиш ёки совчилиги устига совчилик қилиш, эркакларнинг ипак ёки тилла истеъмол қилишлари каби ишлар мисол бўлади.

Ҳанафийларда макруҳи таҳримийни қисқа қилиб «макруҳ» деб қўйилади. Уларнинг наздида макруҳи таҳримий ҳаромга жуда яқин нарса ҳисобланади. Аммо уни инкор қилган киши кофир бўлмайди.

### **Нажас.**

Нажас ифлос нарсадир. Нажас покнинг зиддидир. Шаръий эътиборда ифлос саналган нарса нажас бўлади.

Нажас иккига тақсимланади;

#### **1. Ҳақийқий нажосат.**

Луғатда қон, сийдик кабилар айни ифлос нарсадир.

Шариатда: намозни манъ қиладиган ифлослик ҳақийқий нажосатдир.

#### **2. Ҳукмий нажосат.**

Бу, аъзоларга ориз маънавий ҳолат бўлиб, намозни манъ қилади. Унинг кичик бетоҳаратлиги тоҳарат қилиш билан, катта бетоҳаратлиги ғусл билан кетади.

Ҳақийқий нажосат «енгил», «оғир», «қуруқ», «хўл», «кўринадиган» ва «кўринмайдиган» турларга бўлинади.

Намозхон учун бадан, кийим ва макондан нажосатни кетказиш вожибдир.

**Нарса кўринадиган нажасдан унинг айинини кетказиш ила покланади. Гарчи унинг асарини сув билан кетказиш қийин бўлса ҳам.**

Бадангами, кийимгами, маконгами ёки бошқа бирор нарсагами кўзга кўринадиган нажас тегса, ўша нарса кетказиш ила покланади. Шу билан, мазкур нарса пок бўлади. Кўнгилни равшан қилиш учун кетидан яна бир-икки марта ювиб ташлашни маслаҳат берган фақиҳлар ҳам бор. Сиз санаган барча нарсаларнинг истеъмоли бутунлай ҳаром. Аммо чўчқадан бошқаларининг териси ошланиб, пок бўлгач, улардан буюм ёки кийим тайёрлаб, фойдаланиш мумкин. Итнинг сўлаги ёки юнгининг намлиги теккан кийимнинг ювиб тозаламагунча, дарҳақийқат, ўша кийимда намоз ўқиб бўлмайди. Аммо итнинг юнги қуруқ ҳолда кийимга тегиб кетса, ювиш шарт эмас.

Шунингдек, ароқ ёки ҳар қандай маст қилувчи ичимлик кийимга ёхуд гиламга тўкилса-ю, қуригандан сўнг унинг ҳиди ҳам, ранги ҳам, изи ҳам бутунлай қолмаса, ўша кийим ва гиламда намоз ўқиш мумкин. Чунки нажасдан покланиш учун унинг асарини, ҳидини ва рангини кетказиш шарт. Агар нажаснинг бу уч хислатидан бири, хусусан, изи қолса ҳам ўша кийим ёки гилам покланмаган бўлади.

Чўчқа, қон ва хамр (маст қилувчи ичимликлар) ҳам ҳаром, ҳам нажас ҳисобланади. **Валлоҳу аълам.**

ТАЯММУМ ҲАҚИДА

41-САВОЛ

Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари! Мен беш вақт намозни ўз вақтида адо этишга ҳаракат қиламан. Эрталаб ишга келаётганимда тоҳарат қилиб олиб пешин намозини, қиш ойларида эса аср намозини ҳам ўқишга улгураман. Савол: намозни қазо қилиб қўймаслик учун, вақти кирган намозни таяммум қилиб адо этишим мумкинми? Жавобингиз учун олдиндан ташаккур.

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Таяммум тоҳарат ва ғуслдан қуйидаги ҳолатларда ўринбосар бўлади;

Тоҳарат ва ғусл қилмоғи лозим бўлган киши сув ишлатиш имконидан маҳрум бўлса сув ўрнига тупроқни ўринбосар қилиб, тоҳарат ва ғуслнинг ўрнига таяммум қилади.

Аллоҳ таоло «Моида» сурасида:

وَإِنْ كُنْتُمْ مَرْضَىٰ أَوْ عَلَىٰ سَفَرٍ أَوْ جَاءَ أَحَدٌ مِّنْكُمْ مِنَ الْغَايِبِ أَوْ لَمْ يَأْتِ الْغَايِبُ فَلَمْ يَأْتِ الْغَايِبُ فَلَمْ يَأْتِ الْغَايِبُ فَلَمْ يَأْتِ الْغَايِبُ فَلَمْ يَأْتِ الْغَايِبُ  
صَعِيدًا طَيِّبًا فَامْسَحُوا بِوُجُوهِكُمْ وَأَيْدِيكُمْ مِنْهُ مَا يُرِيدُ اللَّهُ لِيَجْعَلَ عَلَيْكُمْ مِنْ حَرَجٍ وَلَٰكِنْ يُرِيدُ لِيُطَهِّرَكُمْ وَلِيُتِمَّ نِعْمَتَهُ عَلَيْكُمْ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ

«Агар бемор ёки сафарда бўлсаларингиз ёхуд бирорталарингиз тоҳаратхонадан келса ёки аёлларга яқинлик қилса-ю, сув топа олмасаларингиз, бас, покиза тупроқ ила таяммум қилинглр. Ундан юзингизга ва қўлларингизга масҳ тортинглар. Аллоҳ сизларга қийинчилик туғдиришни

истамас. Аммо сизларни поклашни ва сизларга Ўз неъматини батамом қилиб беришни истайди. Шоядки, шукур қилсангизлар» (6-оят), деган.

عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِنَّ الصَّعِيدَ الطَّيِّبَ طَهُورُ الْمُسْلِمِ وَإِنْ لَمْ يَجِدِ الْمَاءَ عَشْرَ سِنِينَ فَإِذَا وَجَدَ الْمَاءَ فَلْيَمْسَهُ بِشَرَّتِهِ فَإِنَّ ذَلِكَ خَيْرٌ. رَوَاهُ أَصْحَابُ السَّنَنِ.

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, пок тупроқ, агар ўн йилгача сув топа олмаса ҳам, мусулмоннинг покланиш воситасидир. Қачон сув топса, уни баданига етказсин. Албатта, ўша хайрлидир» – дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилишган.

Энди таяммум қилиш қайси ҳолатларда жоиз бўлишини ўрганиб чиқайлик.

Сув бир мил узоқда бўлгани, беморлик, совуқ, душман, чанқоқ, асбоб йўқлиги, ийд намози ёки валийдан бошқага жаноза намози каби ўринбосари йўқ нарсанинг ўтиб кетиши хавфи туфайли сув ишлатишдан ожиз бўлганда.

Демак, тоҳарат ва гуслнинг ўрнига таяммум қилишга шариат рухсат берадиган шартлар сув ишлатишга ожизлик ориз бўладиган ҳолатлар экан. Тоҳарат ва таяммумга шу барча дийний манбаъларда булар қуйидагилардан иборат экани айтилган:

### 1. Сув бир мил узоқда бўлиши.

Мусофирми, мусофирмасми, шаҳарнинг ичидами-ташидами, барибир, бир мил атрофида сув топа олмаса, таяммум қилишга рухсат. Бир мил 1848 метр ёки тўрт минг қадам бўлади.

Чунки Аллоҳ таоло ояти каримада: «сув топа олмасаларингиз, бас, покиза тупроқ ила таяммум қилинглар» («Моида» сураси, 6-оят), деган.

## 2. Беморлик.

Чунки таяммум қилишга рухсат берувчи оятда «Агар бемор бўлсангиз», дейилган.

Биров бемор бўлса-ю, сув ишлатиб тоҳарат ёки гусл қилганда, ҳалокатга учраши, бирор аъзо-си талафот кўриши, беморлиги зиёда бўлиши, чўзилиб кетиши, тузалиш кечга қолиши кабилардан аниқ хавф бўлса, таяммум қилиши жоиз.

Бунда одатга ёки билимдон мусулмон табибнинг хабарига эътибор қилинади.

## 3. Совуқ.

Қаттиқ совуқ туфайли жонига ёки бирор аъзо-сига зарар етишидан ёхуд бемор бўлиб қолишидан қўрққан одам сувни иситишга имкон топмаса, таяммум қилиши жоиз.

عَنْ عَمْرِو بْنِ الْعَاصِ رضي الله عنه قَالَ: احْتَلَمْتُ فِي لَيْلَةٍ بَارِدَةٍ فِي غَزْوَةِ ذَاتِ السَّلَاسِلِ فَأَشْفَقْتُ إِنْ اغْتَسَلْتُ أَنْ أَهْلِكَ فَتَيْمَّمْتُ ثُمَّ صَلَّيْتُ بِأَصْحَابِي الصُّبْحَ فَذَكَرُوا ذَلِكَ لِلنَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم فَقَالَ: يَا عَمْرُو صَلَّيْتَ بِأَصْحَابِكَ وَأَنْتَ جُنُبٌ فَأَخْبِرْتَهُ بِالَّذِي مَنَعَنِي مِنَ الْاِغْتِسَالِ وَقُلْتَ إِنِّي سَمِعْتُ اللَّهَ يَقُولُ: ﴿وَلَا تَقْتُلُوا أَنْفُسَكُمْ إِنَّ اللَّهَ كَانَ بِكُمْ رَحِيمًا﴾ فَضَحِكَ رَسُولُ اللَّهِ صلى الله عليه وسلم وَلَمْ يَقُلْ شَيْئًا. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ.

*Амр ибн Осс розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

«Зотус-Салосил ғазотида совуқ кечада эҳтилом бўлиб қолдим. Гусл қилсам ҳалок бўламан, деб қўрқиб таяммум қилдим. Сўнгра шерикларимга Бомдоғ намозини ўқиб бердим. Улар буни Набий соллаллоху алайҳи васалламга зикр қилдилар. У киши:

**«Эй Амр, жунуб бўлиб туриб шерикларингга намозга ўтдингми?» – дедилар.**

Мен ўзимни ғусл қилишдан манъ қилган нарсанинг хабарини у кишига бердим ва:

**«Аллоҳнинг: «Ўзингизни ўзингиз ўлдирманг. Албатта, Аллоҳ сизларга ўта меҳрибондир», деганини эшитганман» – дедим.**

**Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кулдилар ва бирор нарса демадилар».**

*Абу Довуд ва Бухорий ривоят қилишган.*

#### **4. Душман хавфи.**

Тоҳарат ёки ғусл қилиши лозим бўлган одам сув олишга борганда душман унга зарар етказиши хавфи бўлса, таяммум қилади. «Душман» деганда, йиртқич ҳайвонлар ҳам тушунилади.

#### **5. Чанқоқ хавфи.**

Агар ўзида бор сувга тоҳарат ёки ғусл қилса, кейинчалик ўзи ёки шериклари чанқоққа қолиш хавфи бўлса ҳам, таяммум қилиш жоиз.

#### **6. Асбоб йўқлиги.**

Тоҳарат ёки ғусл қилиши лозим бўлган одамнинг яқинида сув бор. Аммо ўша сувни олиш учун бирорта идиши йўқ. У ҳам суви йўқ одамнинг ҳукмига киради ва таяммум қилиши жоиз бўлади.

**7. Ийд намози, валийдан бошқага жаноза намози каби ўринбосари йўқ нарсанинг ўтиб кетиши хавфи туфайли сув ишлатишдан ожиз бўлганда.**

Ийд намози ўтиб кетса, уни қазо қилиб ўқиб бўлмайди. Ёки унинг ўрнига бошқа бирор ибодат жорий қилинмаган. Шунинг учун, тоҳаратсиз одам тоҳарат қилгунича намоз тугаб қолишидан қўрқса, таяммум қилиб ийд намозига қўшилади.

Агар ўликнинг валийи (эгаси) жаноза намозига кеч қолса, у тоҳарат қилгунича кутиб турилади. Аммо ўлганга валий бўлмаган одам кеч қолса, уни кутилмайди. Шунингдек, жаноза намозини қазо қилиб ҳам бўлмайди. Бинобарин, валий бўлмаган одам жаноза намози ўтиб кетишидан қўрқса, таяммум қилиб намозга тураверади.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رضي الله عنه قَالَ: إِذَا خَفْتِ أَنْ تَفُوتِكَ الْجَنَازَةَ  
وَأَنْتِ عَلَى غَيْرِ وُضُوءٍ فَتَيَمَّمِي وَصَلِي.

Ибн Абу Шайба, Таҳовий ва Насаий қилган ривоятда Ибн Аббос розияллоҳу анху:

«Қачонки жаноза ўтиб кетишидан қўрқсанг ва тоҳаратинг бўлмаса, таяммум қил», деган.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، أَنَّهُ: أُتِيَ بِجَنَازَةٍ، وَهُوَ  
عَلَى غَيْرِ وُضُوءٍ، فَتَيَمَّمَمَ، ثُمَّ صَلَّى عَلَيْهَا.

Имом Байҳақий қилган ривоятда:

«Ибн Умар бир жанозага келди. Унинг тоҳарати йўқ эди. Бас, таяммум қилиб, жаноза ўқиди», дейилган.

Имом Дорақутний мазкур икки саҳобийнинг ийд намозида ҳам худди шундоқ қилганларини ривоят қилган.

Сиз айтиб ўтган ҳолатлар узр ўрнига ўтмайди. Иложини топиб, тоҳарат қилишга ўтинг. **Валлоҳу аълам.**

## 42-САВОЛ

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух. Муҳтарам домла, Сизнинг ҳамма ёзган китобларингизни жуда катта қизиқиш билан ўқиб юрадиган бир китобхон шогирдингиз бўламан. Шунинг учун китобингиздан бир тушунмаган саволим бор эди. Саволим қуйидагича:

«Ҳадис ва Ҳаёт» китобининг 4-жуз «Поклик китоби»нинг 316-бетида:

«Намоз вақти чиқиб кетиши хавфи» таяммумнинг сабабларига киради, дейилган. Шу гапни қувватлаш учун қандай далил келтириш мумкин? Жавобингиз учун катта раҳмат.

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Киши намоз ўқиш учун сув изламоқда. Сув топилмаяпти. Намоз вақти чиқиб кетиши хавфи туғилди. Шу ҳолат таяммум қилишга сабаб бўлади. Бу гапни қувватлаш учун Қуръони Каримдан битта, ҳадиси шарифдан битта далил келтирамиз.

Аллоҳ таоло «Моид» сурасида:

وَإِنْ كُنْتُمْ جُنُبًا فَأَطْهَرُوا وَإِنْ كُنْتُمْ مَرْضَىٰ أَوْ عَلَىٰ سَفَرٍ  
أَوْ جَاءَ أَحَدٌ مِنْكُم مِّنَ الْغَايِبِ أَوْ لَمَسْتُمُ النِّسَاءَ فَلَمْ يَجِدُوا  
مَاءً فَتَيَمَّمُوا صَعِيدًا طَيِّبًا

«Агар бемор ёки сафарда бўлсаларингиз ёхуд бирорталарингиз тоҳаратхонадан келса ёки аёлларга яқинлик қилса-ю, сув топа олмасангиз, бас, покиза тупроқ ила таяммум қилинг» (6-оят), деган.

عَنْ أَبِي ذَرٍّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: إِنَّ الصَّعِيدَ الطَّيِّبَ  
طَهْرُ الْمُسْلِمِ وَإِنْ لَمْ يَجِدِ الْمَاءَ عَشْرَ سِنِينَ فَإِذَا وَجَدَ الْمَاءَ  
فَلْيَمْسَهُ بِشَرَّتِهِ فَإِنَّ ذَلِكَ خَيْرٌ. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

Абу Зарр розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Албатта, пок тупроқ, агар ўн йилгача сув топа олмаса ҳам, мусулмоннинг покланиш воситасидир. Қачон сув топса, уни баданига етказсин. Албатта, ўша хайридир» – дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилишган.

Валлоху аълам.



Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух!

Зарафшон шаҳридаги мухлис биродарларингиз номидан ассалому алайкум! Ҳурматли Ҳазрат!

*Автобусда, агар тоҳарат синган бўлса, таяммум қилиб намозни ўқиса, бўладими? Ўзим билан шу мақсадда доим халтачада қум-тупроқ олиб юришга ҳаракат қиламан, чунки баъзан автобусни тўхтатиб тоҳарат олиш ва намозни ташқарида ўқиш имконияти бўлмай қолади.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Агар маркабни тўхтатиш имкони бўлмаса ва намоз вақти чиқиб кетиш хавфи бўлса, албатта, таяммум қилиб намозни ўқилади. *Валлоҳу аълам.*

### КЎЗИ ОЖИЗНИНГ ТАЯММУМИ



*Менинг кўзларим ожиз. Бомдоғ намозини ўқийдиган пайтда уйда ҳамма ухлаётган бўлади. Ўзим мустақил равишда тоҳарат оладиган жойгача бора олмайман. Менга фақат Бомдоғ намозини таяммум билан ўқишга рухсат бормикин?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Аввало, бир мусулмон оилада Бомдоғ намози вақтида кўзи ожиз, ёши улуғ бир кишидан бошқа ҳамманинг ухлаб ётиши жуда ҳам ачинарли бир ҳол. Айниқса, кўзи ожиз шахс Аллоҳга ибодат қилиш учун ҳаракат қилганида ўз уйдан ёрдамчи топа олмаслиги яна ҳам ачинарли бир ҳолатдир. Албатта, бу барчамизнинг афсусимизга, надоматимизга сабаб бўладиган бир манзарадир. Энди, фаразан айтяпмизки, мана шу ачинарли, афсусланарли ҳолга тушиб қолган, мустақил бориб сув топа олмайдиган, лекин намознинг вақти чиқиб кетишидан, намоз қазо бўлишидан хавотир оладиган одам, албатта, таяммум қилиб намоз ўқиса жоиз, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло шариатида рухсат берган нарсадир. Аллоҳ таоло бундай кўнгилсиз ҳолатлар такрорланмаслигини таъминлаган бўлсин, ҳар бир банда Аллоҳга

ибодат қиламан деганда тўлиқ бир шароитга эга бўлишини таъминлаган бўлсин. **Валлоҳу аълам.**

## МАСҲ ТОРТИШ ҲАҚИДА

### 45-САВОЛ

*Ассалому алайкум Шайх ҳазратлари! Сизга бешта саволим бор эди: Пайпоқ маҳсига, яъни Ҳиндистондан келтирилаётган тери маҳсичага масҳ тортса бўладими? Бунга фатво қандай? Жавоб учун олдиндан раҳмат. Аллоҳ рози бўлсин.*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Агар масҳ тортиш учун қўйилган шартларга тўғри келса, бўлади. Бўлмаса, йўқ. Яна қайтариб айтаман. Илми кишилар ҳар бир нарсани кўриб жавоб айтишга имконлари йўқ. Улар шаръий қоидаларни айтадилар. Одамлар эса ўша қоидани ўрганиб, ўз ҳолатларига солиштирадилар. Тўғри келса, қиладилар, бўлмаса, йўқ. Бир неча бор бу саволга жавоб бердик. Аммо яна такрорланмоқда. Ўшаларни олдин кўриб, саволнинг жавоби йўқ бўлса, сўралсин. Жавоби бор нарсани қайта сўрашнинг фойдаси бўлмайди.

Маҳсига масҳ тортиш тоҳаратдаги икки оёқни ювишнинг ўрнига ўтади.

«Масҳ» сўзи лугатда қўлни бир нарсанинг устидан силаб ўтказишга айтилади.

Шаръий истилоҳда эса: сув билан ҳўлланган қўлни маҳсус оёқ кийимининг маҳсус жойидан, маҳсус замонда силаб ўтказишга «маҳсига масҳ тортиш» дейилади.

Энди ушбу масалага оид матнни шарҳ қилишга ўтайлик.

**Маҳсига масҳ кичик бетоҳарат кишига жоиздир.**

Масҳ тортиш тоҳарати кетган одам янги тоҳарат қилаётганда жоиз бўлган бир ишдир.

**Ғусл вожиб бўлган одамга эмас.**

Бу ҳолдаги одам маҳсини ечиб ғусл қилади.

**Унинг фарзи болдирдан пастга қўлнинг уч бармоғи миқдорида чизиқ тортишдир.**

Яъни маҳси ёки унинг ўрнига ўтадиган пой-афзалнинг оёқ устини беркитиб турадиган қисмига қўлни хўллаб туриб уч бармоқ миқдорида масҳ тортса, фарзи адо этилган бўлади. Масҳ ўрнига қўйилган бўлади.

Маҳсига масҳ тортишда икки қўлни хўлла-гач, панжаларни ёйиб, ўнг қўлни ўнг маҳсининг, чап қўлни чап маҳсининг тумшуғига қўйилади ва қўлни маҳси устидан тортиб бориб, тўпиқлар бор жойгача етказилади.

**Уни икки чориққа ва тўпиқни тўсувчи ҳам-да сафар қилишга ярайдиган нарсага тортиш жоиздир.**

«Чориқ» совуқда маҳсининг устидан кийиладиган нарса бўлган.

عَنْ أَبِي عَبْدِ الرَّحْمَنِ السَّلْمِيِّ أَنَّهُ شَهِدَ عَبْدَ الرَّحْمَنِ  
بْنَ عَوْفٍ يَسْأَلُ بِلَالًا عَنْ وُضُوءِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ فَقَالَ: كَانَ  
يَخْرُجُ يَقْضِي حَاجَتَهُ فَآتِيهِ بِالْمَاءِ فَيَتَوَضَّأُ وَيَمْسَحُ عَلَى  
عِمَامَتِهِ وَمَوْقِيهِ.

Абу Абдурроҳман Сулабийдан ривоят қилинади:

«У Абдурроҳман ибн Авфнинг Билолдан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тоҳаратлари ҳақида сўраганига шоҳид бўлган:

«Ул зот қазои ҳожат қилганларида, сув келтирар эдим. Бас, у зот тоҳарат қилар, салла-ларига ва икки чориқларига масҳ тортар эдилар», — деди.

Абу Довуд, Ибн Можа, Ибн Хузайма ва ал-Ҳо-кимлар ривоят қилишган.

Маҳсини кийгандан кейин тоҳарати кетмай туриб устидан чориқни кийган бўлса, унга масҳ

тортса, бўлади. Аммо тоҳарат кетиб маҳсига масҳ тортиб олиб, кейин чориқни кийган бўлса, унга масҳ тортиб бўлмайди.

Маҳси ва чориқдан бошқа уларнинг вазийфасини адо этадиган пойафзалларга ҳам масҳ тортса бўлади. Бунинг учун мазкур пойафзаллар икки оёқнинг тўпикдан юқорисини тўсадиган, боғлама-са ҳам ўзи тик турадиган ва у билан юриб сафар қилса бўладиган даражада бўлиши лозим. Мазкур сафар энг ози бир фарсах, яъни, 5544 метр масофага бўлиши керак. Агар мазкур масофани босиб ўтгунча йиртилиб кетадиган пойафзал бўлса, унга масҳ тортиш жоиз эмас. **Валлоҳу аълам.**

### ЭТИККА МАСҲ ТОРТИШ



*Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари!*

*Сизга шундай саволим бор эди. Намозларнинг аксариятини, айниқса, қиш пайтида, ишхонада ўқийман, Алҳамдулиллаҳ. Бунга озми-кўпми шароит бор. Бироқ қиш кунларида тоҳарат олиш бир оз ноқулайлик тўғрисида, яъни тоҳарат олинган оёққа этик кийилса ва кейин тоҳарат ушатиладиган сўнг янгисини олинганда этик устидан масҳ тортиш жоизми, ҳудди маҳси ҳолатидек? Очиги, бу йўл қулайлик тўғрисида ва вақт тежалишига ҳам олиб келади. Аммо фикҳий тарафдан қандай? Илтимос, жавобингизни кутаман.*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Этик ҳам маҳсига қўйилган шартларга тўғри келса, унга бемалол масҳ тортилаверади. У билан ерни босиб юриш масҳ тортишга тўсиқ бўлмайди. Агар этик билан баъзи ноқулай нарсаларни босиш ҳақида мулоҳаза бўлса, кейинги ерни босиш билан этик тозаланади. Фақат намоз ўқишдан олдин қараб этикнинг поклигига ишонч ҳосил қилиш лозим. **Валлоҳу аълам.**

## 9-БОБ. АЗОН ВА ИҚОМАТ

### 47-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари! Азон чақирадиган одам уни айтганда хато айтади. Азон чақирадиган бошқа одам бўлмаса, шу ҳолатда магнит тасмасига ёзилган азонни Бомдоғ намозига қўйса, бўладими? Шунинг ҳукми қандай? Жавобингиз учун аввалдан ташаккур! Аллоҳ илмингизни зиёда қилсин!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Бу масала «Ислом Олами Робитаси» ташкилоти ҳузуридаги Ислом Фикҳи Академиясида кўрилган ва атрофлича ўрганиб чиқилганидан кейин қуйидаги қарор қабул қилинган:

«Ҳар бир масжидда, ҳар бир намозга алоҳида азон айтишнинг суннат ва одоблари бор. Магнит тасмаси орқали азон қўйилганда ўша суннат ва одоблар амалга ошмай қолади. Шу билан бирга, ният ҳам йўқ бўлади.

Магнит тасмаси орқали азон қўйилганда дийни ўйин қилиш юзага келади. Мусулмонларнинг ибодатлари ҳамда шиорларига бидъат ва хурофот киритилган бўлади. Бора-бора азон айтиш йўқолиб, магнит тасмаси орқали азон қўйиш одатга айланади.

Шунинг учун, магнит тасмаси орқали азон қўйиш мутлақо жоиз эмас».

Мусулмон давлатларда радио ва телевизорларда азон қўйилиб турган пайтда ҳар бир масжидда, албатта, тирик овоз билан азон айтиш давом этаётгани ҳам шундан.

Бир масжид қавмидан муаззинлик қиладиган одам топилиши қийин эмас. Ҳар қандай одам бирор соат ҳаракат қилса, азон айтишни ўрганиб олиши қийин эмас. **Валлоҳу аълам.**

## 48-САВОЛ

Аср намозини ўқиш учун масжидга кирдим. Муаззин азон айтаётган эди. Ичкарида икки йигит нафл намозларини адо этишаётган экан. Бу пайтда намоз ўқийдиган вақт бўлди. Лекин йигитлар ҳали намозларини тугатишмаган эди. Бир-икки отахонлар: «Намозни вақтида ўқиш керак. Биз бошлайверамиз», дейишди. Бошқалар эса: «Озгина сабр қилайлик, йигитлар ҳозир тугатишади, кейин биргаликда ўқиймиз», деб эътироз билдиришди. Хуллас, намозни йигитлар билан ўқидик-ку, кўнгул бир оз хира бўлиб қолди. Ана шу вазиятда ким ўзини тўғри тутди?

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Аввало, масжидга кириб нафл намози ўқиётган кишиларга айтадиган гап шуки, масжидга кирганда нафл намози ўқиган яхши. Лекин фарз намоз вақти кириб, иқома айтилиб, кишилар сафга туриб кутиб қоладиган даражада эмас. Балки, ҳисоб-китобни тўғри қилиб, иқома айтишгача нафл намозларини ўқиб тугатиш керак. Азон намозга чақириқ ҳисобланиб, тоҳарати йўқлар тоҳарат қилсин, иш билан машғуллар намоз вақти кирганлигини билсин, деган мақсадларда бўлади. Масжидга келиб, тоҳаратини қилиб, намознинг бошланишини кутиб турганлар учун сафга туриш эълони иқома айтиш билан бўлади. Бизда иқомани «такбир айтиш» ҳам дейилади. Азон айтилиб, азондан кейин маълум вақт ўтиб иқома вақти келганда, «Фалончи тоҳаратини қилиб олсин» ёки «Фалончи нафл намозини ўқиб олсин», деб кутиб туриш китобларимизда айтилмаган. Балки, вақт бўлдимиз, иқомани айтиб, намоз ўқиладеради. Кеч қолганлар эса, намозга келган жойидан қўшилиб, агар бир ракъат тўла ўтган бўлса ёки кўпроқ ўтиб кетган бўлса, ўша ўтиб кетган ракъатни ўзлари тугатиб олишади. Шу нарсани яхши билиб олишимиз керак. *Валлоҳу аълам.*

## 10-БОБ. НАМОЗ БОБИ

### 49-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари! Бомдоғ намозининг фарзи ўқилаётган вақтда келиб қолганда фарз намозини ўқиб бўлгандан кейин суннатини ўқиш керакми? Лекин «Ҳидоя» китобида «Завол вақтидан олдин менга афзал» деб ёзилган.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Бу масалани тўлиқроқ тушуниб етиш учун «Мухтасари Виқоя» ва унинг шарҳига мурожаат қиламиз:

Бомдоднинг суннатини ўқиса, фарз жамоатига етиша олмайдиган бўлса, суннатни тарк қилади.

Чунки фарзнинг савоби суннатнинг савобидан афзал.

Ким фарздан бир рақъатга етадиган бўлса ҳам, суннатини ўқийди.

Бомдоднинг фарзидан бир рақъатга етиш имкони бўлса ҳам суннатни ўқилади. Чунки шу тарийқа ҳам фарзнинг, ҳам суннатнинг фазли топилади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: إِذَا جِئْتُمْ إِلَى الصَّلَاةِ وَنَحْنُ سُجُودٌ فَاسْجُدُوا وَلَا تَعُدُّوهَا شَيْئًا وَمَنْ أَدْرَكَ الرُّكْعَةَ فَقَدْ أَدْرَكَ الصَّلَاةَ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالدَّارِقُطْنِيُّ.

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Қачон намозга келсангиз, биз сажда қилиб турган бўлсак, сиз ҳам сажда қилинг ва уни ҳеч нарса санаманг. Ким рақъатни топса, намозни топган бўлади», – дедилар».**

*Абу Довуд ва Дорақутний ривоят қилишган.*

Масжидга кирган одам Бомдоднинг суннатини ўқимаган бўлса, бир четда ўқийди. Сафнинг орқасига бориб ўқймайди.

**Бомдоднинг суннати қазосини фақат фарзига тобеъ бўлган ҳолдагина ўқийди.**

Яъни ҳам фарзни ва ҳам суннатни қазо қилганда, фарзга қўшиб суннатнинг қазоси ҳам ўқилади. Суннатнинг ўзини қазо қилиб ўқиш йўқ. Шунинг учун, нима қилиб бўлса ҳам, фарздан қолмаслик шарти ила Бомдоднинг суннатини фарздан олдин ўқиб олиш лозим.

Дарҳақиқат, имом Муҳаммад: қуёш чиққандан кейин, завол вақтигача Бомдоднинг икки ракъат суннатини ҳам қазо қилинади, деган. Аниқрофи, имом Муҳаммад: «Завол вақтигача қазосини ўқиб олиш мен учун маҳбуброқ», деганлар. Аммо имом Муҳаммад ҳам: Бомдоднинг фарзидан кейин дарҳол суннати ўқилади, демаганлар. Абу Ҳанийфа ва имом Юсуфнинг ижтиҳодларига кўра, Бомдод намозининг суннатини фарздан кейин мутлақо ўқилмайди. *Валлоҳу аълам.*

**50-САВОЛ**

**Бир киши жамоат билан пешин намозининг фарзини ўқиди, сўнг тўрт ракъат суннатни қазо қилиб ўқийдими ёки икки ракъат суннатни ўқийдими?**

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Ундай одам фарздан кейин аввал тўрт ракъат суннатни, кейин икки ракъат суннатни ўқийди. Одатда, пешиннинг суннати қазо қилинмайди. Аммо вақти чиқмагани учун аввалги тўрт ракъат суннати фарздан кейин ҳам ўқиладиганди. Бунда у қазо ҳисобланмайди. *Валлоҳу аълам.*

**51-САВОЛ**

**Агар намозхон Бомдоғ намозининг суннатини ўқишга улгуролмай, фарзини жамоат билан ўқиган бўлса, қолган суннати нима бўла-**

*ди? Баъзилар: бундай ҳолда суннат ўқилмайди деса, баъзилар: пешин намозининг охирги икки ракъат суннати билан қўшиб бирин-кетин ўқилади, дейишади. Қайси бири тўғри?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Бу масалада турли гапларнинг айтилиши табиий. Чунки Ҳанафий мазҳаби бош имомлари ҳам турли гапларни айтганлар.

Имом Абу Ҳанийфа ва Абу Юсуф: Бомдоднинг фарзга тобеъ суннатидан бошқа суннатлар қазо қилинмайди, деганлар.

Имом Муҳаммад эса: Бомдоднинг икки ракъат суннатининг ўзи қазо бўлса ҳам ўқилади, деганлар.

Бундай пайтда, Ҳанафий мазҳабининг қоидаси бўйича, имомлар хилоф қилишганда, Абу Ҳанийфа раҳматуллоҳи алайҳи бор тарафнинг гапи олинди. *Валлоҳу аълам.*

## ФАРЗ ВА СУННАТ НАМОЗЛАРИ ОРАСИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?



*Мен бир масалада биродарларим билан баҳслашиб қолдим. Фарз намозидан кейин дарров суннат намозига туриб кетган афзал дедим, чунки Тошкентнинг обрўли масжидларидан бирида, агар фарз намозидан кейинги ўтиришлик ҳамма айтадиган кичик бир дуо миқдоридан ошиб кетса, суннат намоз нафлга айланиб қолади, деган масалани эшитувдим. Ва шунга ҳозиргача амал қилиб келаман. Бу масалани дўстларимга айтсам, исбот, далил сўрашпти.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Фарз намоз билан суннат намоз орасида узилиш бўлиши керак. Дарров суннат намозга туриб кетиш яхши эмас. Шунингдек, агар фарз намозидан кейин ўтириш кичик бир дуо миқдоридан ошиб кетса, суннат намоз нафлга айланиб қолади,

деган гап ҳам тўғри эмас. Расулуллоҳ алайҳиссалом пешиннинг икки рақъат суннатини кечиктириб, ўша намоздан кейинги асрдан олдин ўқиганлари ҳақида ривоят бор.

Фарз намоз билан суннат намознинг орасида узилиш бўлиши кераклиги Абу Ҳанийфа ва Шофеъийнинг мазҳабида бўлиб, Ибн Аббос, Зубайр розияллоҳу анҳумо каби саҳобалардан ривоят қилинган. Ана ўша узилиш фарз намоз ўқиган жойини алмаштириш ёки бирор дуони ўқиш билан бўлади.

عَنِ السَّائِبِ بْنِ يَزِيدَ قَالَ: صَلَّيْتُ مَعَ مُعَاوِيَةَ الْجُمُعَةَ فِي الْمَقْصُورَةِ فَلَمَّا سَلَّمَ الْإِمَامُ قُمْتُ فِي مَقَامِي فَصَلَّيْتُ، فَلَمَّا دَخَلَ أَرْسَلَ إِلَيَّ فَقَالَ: لَا تَعُدْ لِمَا فَعَلْتَ إِذَا صَلَّيْتَ الْجُمُعَةَ فَلَا تَصَلِّهَا بِصَلَاةٍ حَتَّى تُكَلِّمَ أَوْ تَخْرُجَ، فَإِنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ أَمَرَنَا بِذَلِكَ، أَنْ لَا تُوَصَلَ صَلَاةٌ حَتَّى نَتَكَلَّمَ أَوْ نَخْرُجَ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ.

*Соиб ибн Язийддан ривоят қилинади:*

«Муовия билан махсус хонада Жумъа ўқидим. Имом салом берганидан кейин туриб, суннат ўқидим. У ичкарига кирганидан кейин олдимга одам юбориб, бу қилганингни такрорлама, Жумъани ўқиб бўлсанг, то гапирмагунигча ёки чиқмагунигча бошқа намоз ўқима, Расулуллоҳ бизга шундай амр қилганлар, – деди».

*Муслим, Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилишган.*

Фарз ва суннат намозларини кетма-кет улаб ўқимай, улар орасини ажратишни шариатда «фосила» дейилади.

Шаръий ҳукм шуки, «фосила» намознинг сихҳати учун намоздан ташқарида лозим бўлган суннат амалдир. Энг саҳиҳ фосила намоздан

сўнг дуо қилишдир. Яъни фарз, вожиб ва суннат намозлар орасини қисқароқ дуо билан ажратиш энг тўғри амалдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар бир намоздан сўнг дуо қилар ва буни саҳобаларига ҳам ўргатар эдилар.

*Савбон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон намозларидан чиқсалар, уч марта истиғфор айтар ва «Аллоҳумма антассалам ва минкассалам табарокта йа залжалали вал икром», дер эдилар».**

*Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.*

Намозни ўқиб бўлиб, салом бергандан кейин қимирламай туриб уч марта «Астағфируллоҳ» дейиш ва «Аллоҳумма антассалом»ни охиригача ўқиш ҳозирда расм бўлган ва унга амал қилинади.

*Муғийра ибн Шўъба розияллоҳу анҳунинг мавлолари Варроғ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Муғийра Муовияга:**

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон намозларидан фориг бўлиб, салом берсалар:**

**«Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодийр. Аллоҳумма ла монеъа лима аътайта ва ла муътия лима манаъта ва ла янфаъу зал жадди минкал жадду», дер эканлар деб хат ёзди».**

*Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.*

Дуонинг маъноси: «Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ. Унинг Ўзи ёлғиздир, шериги йўқдир. Мулк Уникидир. ҳамд Уникидир. У ҳар бир нарсага қодирдир. Эй, бор Худоё, Сен берган нарсани ман қилувчи йўқ. Сен ман қилган нарса-

ни берувчи йўқ. Сендан бўлган иқобни қайтарувчи йўқ».

Кўпчилик кишилар ушбу набавий дуони ёдлаб олиб, ўқиб юрадилар. Билмаганлар ёдлаб олсалар, яхши бўлади.

*Муоз ибн Жабал розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам у кишининг қўлларидан ушлаб:**

**«Эй Муоз, Аллоҳга қасамки, албатта, мен сени яхши кўрурман. Эй Муоз, мен сенга ҳар бир намоздан кейин «Аллоҳумма аъинни ала зикрика ва шукрика ва ҳусни ибадатика» демоқлигингни тарк қилмасликни тавсия қиламан», дедилар».**

*Абу Довуд ва Насаий ривоят қилган.*

*Ушбу ривоятдаги дуонинг маъноси:*

**«Эй бор Худоё, менга зикрингни, шукрингни ва ҳусни ибодатингни қилишга Ўзинг ёрдам бергин».**

Мана шу ҳадисларда баён этилган матнлар фойдаланиш учун энг мақбул дуолар ҳисобланади.

Қайси намоздан кейин бўлишидан қатъи назар, жойни ўзгартириш учун у ёқ-бу ёққа югургилашнинг ҳожати йўқ. Турган жойидан бир-икки энлик ёки ярим қарич ёнга сурилишнинг ўзи кифоя қилади. Агар аввалги намозидан сўнг дуо қилган бўлса, сурилишга ҳам, жой ўзгартиришга ҳам ҳожат қолмайди. Ўша жойдан қимирламай кейинги намозини адо этавериши мумкин. **Валлоху аълам.**

## ҚИБЛА ҲАҚИДА

### 53-САВОЛ

**Ассалому алайкум, ҳурматли Ҳазрат! Агар самолётда кетаётган вақтингизда намоз вақти кирса, қибла тарафни аниқлашнинг имкони бўлмаса намозга қандай ният қилинади? Жавоб учун миннатдорчилик билдираман.**

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

«Қибла» луғатда «қаршида, рўбарўда турган нарса» дегани.

Намозда Каъбаи Муаззама намозхоннинг юзланадиган томони бўлгани учун «қибла» дейилади.

Намозни қиблага қараб ўқиш шартлигининг далили:

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида:

وَمِنْ حَيْثُ خَرَجْتَ فَوَلِّ وَجْهَكَ شَطْرَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ  
وَحَيْثُ مَا كُنْتُمْ فَوَلُّوا وُجُوهَكُمْ شَطْرَهُ

«Ва қаердан чиқсанг ҳам, юзингни Масжидул-Ҳаром томон бур. Қаерда бўлсангиз ҳам, юзингизни у томонга буринг» (150-оят), деган.

Намоз фарз бўлганидан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобалар Каъбага қараб намоз ўқиганлар.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадийнаи Мунавварага хижрат қилиб келганларидан сўнг, Байтул-Мақдис томонга қараб намоз ўқишни бошлаганлар. Қибла ўша томон бўлган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Мадийнаи Мунавварага келишлари Робиъул аввал ойида бўлган. Қибланинг Каъба томон бурилиши эса, хижрий иккинчи йилнинг Ражаб ойи ярмида бўлган. Шу икки муддат ичида Байтул Мақдис қибла бўлиб турган. Сўнг Каъба қибла бўлган.

Демак, Каъбага қараб ўқилмаса, намоз намоз бўлмайди.

*Имом Абу Довуд ривоят қиладилар:*

«Бир яҳудий Абул Олия билан қибла ҳақида тортишиб қолди. Бас, Абул Олия:

«Мусо харсанг тош олдида намоз ўқирди ва Байтул Ҳаромга юзланар эди», — деди.

«Сен билан менинг орамизда (ҳукм қилувчи) Солиҳнинг масжиди», — деди яҳудий.

«Мен Солиҳнинг масжидида намоз ўқиганман. Унинг қибласи Каъбага қараган», – деди Абул Олия.

Абул Олия Зулқарнайннинг масжидида ҳам намоз ўқигани ва унинг қибласи ҳам Каъбага қараганлиги хабарини берди».

Камина ходимингизнинг ўн етти йил роҳиб бўлиб, кейин мусулмон бўлган бир дўсти насороларнинг Қуддусдаги бош ибодатхонасининг қибласи ҳам Каъбага қарагани ҳақида хабар берган.

Фуқаҳолар намознинг тўғри бўлиши учун қиблага юзланиш шарт эканига иттифоқ қилганлар.

Хавф ва улов устида нафл намоз ўқиш бундан мустасно. Яъни душман, йиртқич ҳайвон хавфи таҳдид солиб турганда ва улов устида кетаётган шахс нафл намоз ўқимоқчи бўлса, қиблага қарамай намоз ўқиса, жоиз.

Шу билан бирга, қиблага юзланишга қудрат ҳам бўлиши лозим. Боғлаб қўйилган ёки бемор одам ўзини ечиб юборадиган ёки қиблага юзлантириб қўядиган шахсни топмаса, қиблага юзланмай ҳам намоз ўқиса, бўлади.

Ким Каъбани кўриб турса, унга Каъбанинг ўзига юзланиши фарз. Каъбани кўра олмайдиган одам унинг томонига юзланса, бўлди. Намозхон бадани ва назари билан Каъбага юзланади.

Қиблани биладиган одам топилмаса, ижтиҳод қилади.

Ижтиҳодида хато қилган одам намозни қайта ўқимайди.

عَنْ عَامِرِ بْنِ رَبِيعَةَ قَالَ: كُنَّا مَعَ النَّبِيِّ ﷺ فِي سَفَرٍ فِي لَيْلَةٍ مُظْلَمَةٍ فَلَمْ نَدْرِ أَيْنَ الْقِبْلَةَ فَصَلَّى كُلُّ رَجُلٍ مِنَّا عَلَى حَيَالِهِ فَلَمَّا أَصْبَحْنَا ذَكَرْنَا ذَلِكَ لِلنَّبِيِّ ﷺ فَنَزَلَتْ ﴿فَأَيُّنَمَا تَوَلَّوْا فِئْتَمَّ وَجْهُ اللَّهِ﴾. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Омир ибн Рабийъа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан зулматли кечада сафарда эдик. Қибла қайси тарафда эканини била олмадик. Биздан ҳар бир киши ўз билганича қараб намоз ўқиди. Тонг оттирганимиздан кейин буни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга зикр қилдик. Бас, «Қаёққа қарасангиз, Аллоҳнинг юзи ўша томонда» ояти нозил бўлди».

Термизий ривоят қилган.

Демак, ояти карима саҳобаи киромларнинг ижтиҳод қилиб, қиблага юзландим, деб қилган уринишларини тасдиқлаб нозил бўлган.

Булут ва зулмат туфайли ҳамда бошқа сабабларга кўра қиблани аниқлай олмаган киши ўзича ижтиҳод қилиб бўлгандан кейин қибла бошқа томонда экани аён бўлиб қолса, кўпчилик уламо­ларнинг фикрича, намозни қайтариб ўқимайди. Ҳанафий мазҳаби ҳам шу фикрга қўшилган.

Самолётда кетаётган одам ҳам аввал биладиганлардан, хизматчилардан сўрайди. Улар қибла тарафни айтиб бера олмасалар, ўзи ижтиҳод қилиб, «қибла шу тараф» деган қарорга келади ва намозини ўқийди. *Валлоҳу аълам.*

#### 54-САВОЛ

*Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва бара­кошуҳ.*

1-савол. «Зикр аҳлидан сўранг»нинг 7-сонигаги 90-савол-жавоб сизга хат ёзишимга сабаб бўлди. 34-бетда «Қиблага қараб ўқил­маса, намоз қабул бўлмайди» дейилибди. Қўқон шаҳар Янги бозорига масжид бор. Пешин намозига кетма-кет 4–5 та жамоат йиғилади. Қибла масжиднинг бурчак томонига. Кишилар жойнамозларини қибла томонга тўғрилаб олишса, кўпчилик жойнамозларини деворга тўғрилаб ўқишяпти. Бу масаланинг жавоби

қандай? Жомеъ масжиди қибласи тўғри. «Ар-тизан бўйи» масжиди қибласи тўғри эмас. Қиблаган чап томонда.

2-савол. Бир йил аввал чиқариладиган тақвимда офиз очиш ва Шом намози вақти амалдаги кун вақтидан 10 минутдан 20 минутгача олдин ёзилапти. Шом масжидда ўқиладиганда кўёш ботмаган бўлади. Баъзи одамлар Қўқонда 7 минут олиб ташлаб ўқишяпти (тақвимда 7 минут олдин дейилган).

Ҳадисда Бомдодни аввалроқ, Шомни кечиктириб ўқиш айтилибди. Сабаби: кўёш шайтоннинг икки шохи орасидан чиқади ва ботади. Бу вақтларда мажусийлар ибодат қилаётган бўлади, дейилибди.

«Гуноҳи кабийралар» китобининг 86-бетига ифторликни олдинроқ қилганлар ҳақида ҳадис бор экан. Бу масаланинг жавоби қандоқ бўлади? Гуноҳи кимга бўлади?

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

«Зикр аҳлидан сўранг» ойномасида (7-китоб, 90-савол) бу масала бўйича батафсил жавоб берилган. Яна савол беришга ҳожат йўқ эди. Биз жавобларда маълум бир шахс ёки тарафни кўзда тутмаймиз. Шариатдаги умумий ҳукмларни айта-миз. Ҳар ким ўзига яраша хулоса чиқариб олиши лозим.

Умумий шаръий ҳукм эса шундай: Мусулмонларнинг қибласи — Каъбаи Муаззама. Қиблани аниқлаш имкони бўлатуриб Каъбаи Муаззамадан бошқа тарафга қараб ўқилган намоз қабул бўлмайди. Чунки қиблани аниқлаш ва қиблага қараб намоз ўқиш фарз. Қолаверса, илм-фан, техника ўта ривожланган бутунги кунда қиблани тўғри топиш ҳеч қандай муаммо туғдирмайди.

2-жавоб: Тақвимлар кишиларга осонлик ва қулайлик яратиш учун чиқарилади. Аммо уларда хатога йўл қўйилган бўлса, амал қилмаслик керак бўлади.

Саволда айтилганидек, қуёш ботмай турган бўлса ҳам, тақвимда кўрсатилган вақт бўлди, деб бировнинг намоз ўқишга ҳаққи йўқ.

Шунинг учун, аввало, тақвим тузувчилар масъулиятни сезган ҳолда бу хилдаги хатоларга йўл қўймасликка ҳаракат қилишлари керак. Тақвимдан фойдаланувчилар ҳам эҳтиёт бўлишлари ва унда хато бўлиши мумкинлигини унутмасликлари, эҳтиёт чораларини кўришлари лозим. *Валлоҳу аълам.*

## САЖДАДАГИ ДУО

### 55-САВОЛ

*Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух, ҳазрат, сиздан айрим нарсалар ҳақида сўрамоқчи эдим. «Саждада дуоларни кўпайтиринглар» деб айтилган ҳадисни ўқиган эдим, саволим шундан иборатки, фарз ва суннат намозлардаги саждаларда ҳам дуо қилса, бўладими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Намознинг ичидаги дуода одамлардан сўрайдиган нарсаларни тилаб дуо қилиш жоиз эмас. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Муслим, Абу Довуд ва Аҳмад келтирган ривоятда:

عَنْ مُعَاوِيَةَ بْنِ الْحَكَمِ السَّلْمِيِّ قَالَ: ... قَالَ ﷺ:  
 إِنَّ هَذِهِ الصَّلَاةَ لَا يَصْلُحُ فِيهَا شَيْءٌ مِنْ كَلَامِ النَّاسِ إِنَّمَا  
 هُوَ التَّسْبِيحُ وَالتَّكْبِيرُ وَقِرَاءَةُ الْقُرْآنِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ  
 وَأَحْمَدُ.

«Албатта, бу намозда одамларнинг каломидан ҳеч нарса мумкин эмас. У фақат тасбеҳ, такбир ва Қуръон қироатидан иборатдир», деганлар».

«Аллоҳим! Менга фалон нарсани ризқ қилиб бергин! Фистончини хотин қилиб бергин» каби дуолар ҳаромдир.

Намознинг ичидаги дуо албатта араб тилида бўлиши шартлигига барча фуқаҳолар иттифоқ қилганлар.

Уламоларимиз, саждадаги дуолар нафл намозларида бўлгани яхши, деганлар. *Валлоҳу аълам.*

## НАМОЗХОН ОЛДИДАН ЎТИШ

### 56-САВОЛ

*Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух!*

*Шайх ҳазратлари! Сизга бир масала тўғрисида мурожаат қилмоқчи эдим. Жумъа кунига ҳар бир мўмин каби биз ҳам Аллоҳнинг байтига Ўзига ибодат қилиш мақсадига бордик. Ҳамма нарса оғатдагидек чиройли давом этаётган эди. Фарзни адо қилганимиздан сўнг суннат учун қиёмга келдик. Ҳамма ният қилиб суннат намозини ўқишга киришган бир вақтда олдинги сафларнинг биридан бир отахон ўринларидан туриб, орқа томонга ўтиш учун ҳаракат қила бошладилар. Биз охириги сафларда эдик. Ўша отахон ёнимдаги биродаримнинг олдига келиб тўхтаб қолдилар, чунки у саждага кетаётган эди. Шу ҳолатда, яъни отахоннинг юзи ва оёқларига қараган ҳолатда икки бор сажда қилди. Яна кейинги ракъатга турганида, ҳалиги отахон яна йўлларига давом этдилар. Мана шу ҳолатда ўша биродаримиз тўғри қилдими, яъни: отахонга эътиборсиз ҳолатда сажда қилиши тўғри бўлди, ёки намозни тўхтатмоғи дурустми? Албатта, бу ерда отахон тўғри иш қилмадилар. Лекин менимча, бу нарса биринчи марта бўлаётгани йўқ. Шунинг учун хато қилишдан сақланиш умидига сизга мурожаат қилаётган эдим. Аллоҳ ҳаммамизга тавфиқ берсин.*

## **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Бу каби ҳолатлар зарурат юзасидан бўлгани учун, иншоаллоҳ, кечирилади. Биродарингиз намозда давом этиб тўғри қилган. Агар намозхоннинг олдини кесган одам хабарсиз бўлганда, уни тасбеҳ айтиб ёки ишора билан огоҳлантириш лозим бўларди. Аммо сиз васф қилаётган ҳодисада отахон кўриб-билиб туриб зарурат юзасидан ноқулай вазият чиқишига сабаб бўлганлар. Аллоҳ таоло камчиликларимизни Ўзи кечирсин!

Аммо бу ерда эътибор бериш лозим бўлган бошқа бир масала бор: кўпчилик намозхонлар фарз намозини ўқиб бўлгач, суннат намозни бошқа жойда ўқиш учун у ёқдан-бу ёққа югургилаб қолишади. Ана шу иш жуда ҳам тўғри эмас.

Албатта, улар фарз ва суннат намозларининг орасини ажратиш учун шундай қиладилар. Аммо бунинг учун фарз намоздан кейин баъзи дуоларни ўқиш, жуда кўнгли тўлмаса, ён тарафга бир оз сурилиш кифоя қилади. *Валлоҳу аълам.*

## **ҚАЗО БЎЛГАН ИБОДАТЛАР ҲАҚИДА**

### **57-САВОЛ**

*Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ! Ҳурматли Шайх ҳазратлари! Бир кун дўстларимиз билан Нақшбандия тарийқатида бўлган инсонларнинг олдига борган пайтимизда у ерда қўл бериш (байъат) бўлаётган экан. Байъат қилинаётган вақтда мурушиг ўз муридига оят ва ҳадисдан далил келтириб, бугунгача қазо қилган намозларингизнинг қазосини ўқимайсиз, деб мурожаат қилди. Бу ҳол бизда жуда валати таассурот қолдирди. Чунки бошқа бир Нақшбандия тарийқатидаги мурушиг ўз маърузасида Аллоҳ Ҳаққ субҳанаҳу ва таоло қиёмат кунини бандалардан иккита нарсани умуман кечмаслигини айтди, улардан бири қўл ҳаққи, иккинчиси Аллоҳнинг буюрган фарзлари*

(ўқилмаган намозлар, тутилмаган рўзалар, берилмаган закотлар). Қизиги шундаки, бу зот ҳам ҳадисдан далил билан гапирган эди. Бу ҳолнинг қайси бири тўғри? Жавобингиз учун ташаккур.

### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Ибодатларнинг қазосини адо этишга кўрсатма берган шахснинг гаплари ва ишлари тўғри. Шайхга қўл бериш билан қазо ибодатларни бажаришдан озод бўлади, дейиш мутлақо нотўғри.

Қилиниши лозим нарсани белгиланган вақтидан кейин қилишни «қазо» дейилади.

Имом Бухорий ва Муслим Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رضي الله عنه قَالَ: قَالَ نَبِيُّ اللَّهِ ﷺ: مَنْ نَسِيَ صَلَاةً أَوْ نَامَ عَنْهَا فَكَفَّارَتُهَا أَنْ يُصَلِّيَهَا إِذَا ذَكَرَهَا لَا كَفَّارَةَ لَهَا إِلَّا ذَلِكَ.

«Ким намозидан ухлаб қолса ёки уни эсдан чиқариб қўйган бўлса, эслаганда, уни ўқиб олсин. Унинг бундан бошқа каффороти йўқдир», деганлар.

Ухлаб қолган ва эсдан чиқарган одамга дангасалик ёки қасд ила намозни тарк қилган одам қиёс қилинади. Чунки намознинг фарзлиги ҳар доим зиммада бордир. Фарз нарса адо қилинмагунча зиммадан тушмайди.

Барча фикҳий китобларимизда бу масала кенг ёритилган. Ҳеч ким «қазо намоз ўқилмайди» деган гапни айтмаган. Рухсатингиз билан, эътиборингизга ҳанафий фикҳининг энг машҳур асарларидан бири бўлган «Мухтасари Виқоя»да бу масала бўйича келган матн таржимаси ва унинг шарҳини ҳавола қиламан:

## ҚАЗО НАМОЗЛАРНИ ҶҶИШ ҲАҚИДА

Беш фарз ва Витр орасида уларнинг ҳаммаси ёки баъзиси ўтиб кетганда, тартибга риоя қилиш фарздир. Илло, вақт тор бўлиб қолса ёки унутса ёхуд олтитадан зиёда бўлса, бундан мустасно.

Амр ила фарз ва вожиб бўлган нарсани айна ўзининг вақтида бажариш «адо» дейилади.

Фарз ва вожиб нарсани вақтидан кейин бажариш қазо дейилади.

Дийн ва ақлнинг тақозосига биноан, мусулмон банда намозни ўз вақтида адо этиши лозимдир. Намозни узрсиз вақтида адо этмаслик катта гуноҳдир. Бу гуноҳни қазони ўқиш билан ювиб бўлмайди, балки тавба ҳам қилиш керак.

Ким намозни шаръий узр ила кечга қолдирса, гуноҳ эмас. Бундай шаръий узрнинг бири душман хавфи бўлса, бошқаси доянинг туғилаётган бола-нинг ҳалок бўлишидан қўрқишидир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳандақ уруши куни намозни орқага сурганлар.

عَنِ ابْنِ مَسْعُودٍ رضي الله عنه: إِنَّ الْمُشْرِكِينَ شَغَلُوا رَسُولَ اللَّهِ صلوات الله عليه عَنْ أَرْبَعِ صَلَوَاتٍ يَوْمَ الْحَنْدَقِ حَتَّى ذَهَبَ مِنَ اللَّيْلِ مَا شَاءَ اللَّهُ فَأَمَرَ بِأَلَا فَأُذْنَ ثُمَّ أَقَامَ فَصَلَّى الظُّهْرَ ثُمَّ أَقَامَ فَصَلَّى الْعَصْرَ ثُمَّ أَقَامَ فَصَلَّى الْمَغْرِبَ ثُمَّ أَقَامَ فَصَلَّى الْعِشَاءَ.

*Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Ҳандақ куни мушриклар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни тўрт намоздан машғул қилди. Ҳаттоки кечанинг Аллоҳ хоҳлаганичаси ўтди. Бас, у зот Билолга амр қилдилар. У азон айтди. Бас, Пешинни ўқидилар. Кейин яна иқома айтди. Асрни ўқидилар. Кейин яна иқома

айтди. Шомни ўқидилар. Кейин яна иқома айтди. Хуфтонни ўқидилар».

Имом Термизий, Аҳмад ва Насаий ривоят қилишган.

Ухлаб қолиб ёки унутиб намозни ўтказиб юборган одам гуноҳкор бўлмайди.

Имом Насаий ва Термизий Абу Қатода розияллоху анҳудан ривоят қилишган ҳадисда қуйидагилар айтилади:

عَنْ أَبِي قَتَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: ذَكَرُوا لِلنَّبِيِّ ﷺ نَوْمَهُمْ عَنِ الصَّلَاةِ فَقَالَ: إِنَّهُ لَيْسَ فِي النَّوْمِ تَفْرِيطٌ إِنَّمَا التَّفْرِيطُ فِي الْبِقِظَةِ فَإِذَا نَسِيَ أَحَدُكُمْ صَلَاةً أَوْ نَامَ عَنْهَا فَلْيُصَلِّهَا إِذَا ذَكَرَهَا.

«Набий соллаллоху алайҳи васалламга намоздан ухлаб қолишларини зикр қилдилар. Шунда у зот: «Ухлаб қолиш камчилик эмас. Камчилик уйғоқликда бўлади. Вақтики, бирортангиз намоздан ухлаб ёки рофил қолса, бас, уни эслаганда, ўқиб олсин», дедилар».

Банда ўз зиммасидаги амални адо ёки қазо қилмагунича мазкур амал унинг зиммасидан тушмайди. Қарз бўлиб туради.

Имом Бухорий ва Насаий Ибн Аббос розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: ... قَالَ ﷺ: فَدَيْنُ اللَّهِ أَحَقُّ أَنْ يُقْضَى.

«Бас, Аллоҳнинг қарзини қазо қилмоқ ҳаққ-лидир», деганлар.

Кимга намоз фарз бўлса-ю, уни вақтида адо этмаса, қазосини ўқиши лозим бўлади. У намозни

қасддан тарк қилиш ила гуноҳкор бўлади. Аммо қазосини ўқиш лозимдир.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ نَسِيَ صَلَاةً فَلْيُصَلِّ إِذَا ذَكَرَهَا لَا كَفَّارَةَ لَهَا إِلَّا ذَلِكَ. ﴿وَأَقِمِ الصَّلَاةَ لِذِكْرِي﴾. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

*Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Ким намозни унутса, бас, уни эслаган пайтида ўқиб олсин. Унинг бундан бошқа каффороти йўқдир. Аллоҳ: «Намозни Менинг зикрим учун қоим қил», деган», – дедилар».**

*Бешовлари ривоят қилишган.*

*Муслимнинг ривоятига:*

إِذَا رَقَدَ أَحَدُكُمْ عَنِ الصَّلَاةِ أَوْ غَفَلَ عَنْهَا فَلْيُصَلِّهَا إِذَا ذَكَرَهَا فَإِنَّ اللَّهَ يَقُولُ: ﴿وَأَقِمِ الصَّلَاةَ لِذِكْرِي﴾.

**«Вақтики, бирортангиз намоздан ухлаб ёки фофил қолса, бас, уни эслаганда, ўқиб олсин. Чунки, Аллоҳ: «Намозни Менинг зикрим учун қоим қил», деди», дейилган.**

Унутган ва ухлаб қолган одам намознинг қазосини ўқиши лозим бўлганидан кейин қасддан қолдирган одамга унинг қазосини адо қилиш, албатта, лозиму лобуд бўлади.

Ҳайз ёки нифос кўрган аёлдан намоз соқит бўлади. У қазосини ўқимайди. Шунингдек, асли кофир ёки жинни бўлган одам ҳам намознинг қазосини ўқимайди. Беш вақт намоздан кўпроқ муддат ҳушидан кетиб ётган одам ҳам қазосини ўқимайди. Муртад яна Исломга қайтса, муртадлик вақтидаги намозни қазо қилмайди.

Ҳаётлик вақтида имо билан ҳам намоз ўқишдан ожиз бўлган одам каффорот беришни васият қилиши лозим эмас. Чунки у узрли ҳисобланади.

Шунингдек, сафар ёки хасталик туфайли рўза тута олмаган одам тuzалмасдан ёки сафардан қайтмасдан ўлиб қолса-ю, фидя беришни васият қилмаган бўлса ҳам мазкур фидяни адо қилиш мустаҳабдир.

Ким узрсиз, ҳатто имо билан ўқишга қодир бўлиб туриб олти намоздан зиёдни қолдирган бўлса, каффорот беришни васият қилмоғи лозимдир. Рамазонда узрсиз рўзасини еган одам ҳам шунга ўхшашдир.

Уларнинг фидяси ва каффороти қолдирган меросининг учдан биридан берилади. Ўлганнинг валийи фидяни ўз ҳисобидан берса ҳам, бўлади.

Фидя ва каффоротнинг миқдори бир кунлик намоз учун ярим соъ буғдой (1087,5 гр) ёки унинг қиймати, бир кунлик рўза учун ҳам шунча бўлади.

Киши ўзи ҳаётлик чоғида ўқимаган намозининг каффоротини тўлаши мумкин эмас. Аммо қазосини бажаришга кўзи етмаса, рўзаникини беради.

Меросхўрлар ўлган шахснинг қазо намозларини ўқиб қўйиши мумкин эмас. Чунки намоз шахсий баданий ибодатдир. Аммо унинг қазо намозлари учун каффорот берсалар, марҳумга кўп яхшилиқ қилган бўладилар.

Қазо худди адодек бўлади. Сафарда қазо қилган бўлса-ю қазосини ҳазарда ўқиса ҳам, икки ракъат ўқийди. Ҳазарда қазо қилган тўрт ракъатли намознинг қазосини сафарда ўқиса ҳам, тўрт ракъат ўқийди. Қироатни ошкора ёки махфий қилиш ҳам шунга ўхшаш.

Қазони дарҳол ўташ керак. Тирикчилик ва ҳо-жат учун узр қабул. Қазони жамоат бўлиб ўқиш мумкин. Бомдоднинг суннатидан бошқа суннатлар қазо қилинмайди.

**Беш фарз ва Витр орасида уларнинг ҳаммаси ёки баъзиси ўтиб кетганда, тартибга риоя қилиш фарздир.**

Чунки Хандақ куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундоқ қилганлар.

**Илло, вақт тор бўлиб қолса ёки унутса ёхуд олтидан зиёда бўлса, бундан мустасно.**

Тартибга риоя қилиш уч сабаб ила соқит бўлади:

1. Вақтли намознинг ўтиб кетиш хавфи.
2. Қазоларнинг олтидан кўп бўлиши.
3. Адо пайтда қазони унутиб қўйиш.

Агар қазо намозлар ададини билиб бўлмайдиган даражада кўп бўлиб кетса, зиммасидагини адо қилганига кўнгли тўлгунча қазони ўқийди. Ўзига осон бўлиши учун аввалги ўқимаган намозини ва охириги ўқимаган намозини тайин қилиб олиб, ўшанга қараб ўқийверади.

Қуёш чиқаётганда, қиёмда турганда ва ботаётганда бошқа намозлар қатори қазо намозни ҳам ўқиб бўлмайди.

Аммо Бомдод ва Асрдан кейин нафл ўқиш мумкин бўлмаса ҳам, қазо ўқиса, бўлаверади. **Валлоҳу аълам.**

## 58-САВОЛ

**Намоз ўқишни ва рўза тутишни 21 ёшимда бошлаганман. 12 ёшдан 21 ёшгача намоз ўқимаганман, рўзани эса, баъзан тутиб турардим. Шу қолган намоз ва рўзаларнинг қазосини ўқиб-тутиб бериш бизнинг мазҳабимизда фарзми, вожибми ёки суннатми?**

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Ўз вақтида адо этилмаган фарз рўза ва намозларнинг қазосини қилиш ҳам фарздир. Уларни қўлдан келганича қилиб боравериш керак. Баъзиларга ўхшаб, фалон нарсани қилса, қазо намоз ўқимаса бўлар экан, демаслик лозим. Яна бошқаларга ўхшаб, қазо намоз ва рўзаларни ҳисоблаб, бунча нарсани қандай бажараман, деб ўзини ортиқча қийнаш ҳам керак эмас.

Кундалик ҳаётини оддий ҳолда ўтказиб, бўш вақтларда қазо ибодатларини бажариб боравериш керак. **Валлоҳу аълам.**

59-САВОЛ

*Эски қазо намозларининг тўрт ракъатлигига ҳам зам сура ўқиладими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

«Ғатавой оламгирия» китобида ёзилишича, агар ўқиладиган қазо намоз таъйинли бўлмаса, тўртала ракъатида ҳам зам сура қилинади.

Агар маълум намознинг қазоси ўқиладиган бўлса, тўрт ракъатли фарз намознинг фақат икки ракъатидагина зам сура ўқилади. *Валлоҳу аълам.*

ЭГИЛА ОЛМАЙДИГАН КИШИНИНГ НАМОЗИ

60-САВОЛ

*Яқинларимдан бири намоз ўқиётган вақтида эгила олмайди... у намозини қай ҳолатда адо этгани маъқул?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

«Қиём» сўзидан тик туриш анланади. Намозда тик туриш фарздир.

Бу ҳукмнинг далиллари қуйидагича:

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида:

﴿قَوْمُوا لِلَّهِ قَنِينًا﴾

«Ва Аллоҳ учун хушуъ ила қоим бўлинг», деган (238-оят).

عَنْ عِمْرَانَ بْنِ حُصَيْنٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَتْ بِي بَوَاسِيرٌ فَسَأَلْتُ النَّبِيَّ ﷺ عَنِ الصَّلَاةِ فَقَالَ: صَلِّ قَائِمًا فَإِنْ لَمْ تَسْتَطِعْ فَقَاعِدًا فَإِنْ لَمْ تَسْتَطِعْ فَعَلَى جَنْبٍ. رَوَاهُ الْحَمْسَةُ إِلَّا مُسْلِمًا.

*Имрон ибн Хусойн розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Менинг бавосирим бор эди. Бас, Набий солаллоҳу алайҳи васалламдан намоз ҳақида сўрадим. Ул зот:

«Тик туриб ўқи. Агар қодир бўлмасанг, ўтириб ўқи. Агар қодир бўлмасанг, ёнбошлаб ўқи», – дедилар».

*Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам доимо тик туриб намоз ўқиганлар.

Албатта, намоздаги қиём унга қодир бўлганларга фарз. Ожиз бўлганларга фарз эмас.

Нафл намозларда қиём фарз эмас.

Қиёмнинг чегараси – турганда чўзилган қўли тиззасига етмаслигидир. Агар чўзганда қўли тиззасига тегиб қолса, тик турган бўлмайди ва намознинг қиёмини бажармаган бўлади.

Қиёмнинг фарз миқдори такбири таҳрима айтиш, «Фотиҳа» сурасини ва зам сурани ўқиш миқдоричадир.

Тик туришга қодир бўлган бирор нарсага суяниб турган бўлса-ю, ўша нарсани олиб ташласа, йиқилиб кетадиган даражада бўлса, қиёми тўғри бўлмайди. Узрли бўлса, майли.

Қип-яланғоч бўлиб қолган одамга намозда қиёмнинг фарзлиги соқит бўлади.

Турли беморликлар ила қиёмга қодир бўлмаса ёки тик туриши дард зиёда қиладиган бўлса, қиёмнинг фарзлиги соқит бўлади.

Тик турса, душман кўриб қолишидан кўрққан одамдан ҳам қиёмнинг фарзлиги соқит бўлади.

Бемор одам қиёмга қодир бўлса-ю, рукуъ ва саждага қодир бўлмаса, унга қиём лозим эмас. Ўтириб имо билан намоз ўқиса бўлаверади.

Намозни бошлаган пайтда соғ одам намоз ўқиётиб беморлик ориз бўлиб, қиёмга қодир бўлмай қолса, намозини ўтириб давом эттиради.

Ўтириб намоз ўқиётган одам соғайиб тик туришга қодир бўлиб қолса, намозини тик туриб давом эттиради. *Валлоҳу аълам.*

## НАМОЗХОН СПИРТЛИ АТИРНИ СЕПИШИ ҲАҚИДА

### 61-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Шайх Муҳаммад Соғиқ Муҳаммад Юсуф, сизга кичик бир саволимиз бор. Бозорларда сотилаётган спирт аралашган ҳар турдаги хушбўйлантирувчи атирларни намоз ўқиётганда сепиш мумкинми? Қуръон оятлари ва ҳадис билан исботлаб беринг, илтимос.*

#### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Аввало, билиб қўйингки, шариатнинг манбаълари фақат Қуръон ва ҳадисдан иборат эмас. Балки ижмоъ ва қиёс ҳам бор. Шунингдек, масолиҳи мурсала, урф, шаръу ман қоблана шаръун лана ва бошқа манбаълар ҳам бор. Ҳар бир нарсани Қуръон ва Ҳадис билан исботлаб беришни сўраш Қуръон ва Ҳадис асосида қабул қилинган манбаъларни инкор қилиш бўлади. Иккинчидан, фатво сўровчи киши далил келтиришни талаб қилиши ҳам одоб доирасидан ташқари ҳисобланади.

Мен сизнинг саволингизга барча уламолар иттифоқ қилган гапни келтириш билан жавоб берман:

Сиз «спирт» деб атаган нарса алкоголь моддалар жумласига киради. «Алкоголь» сўзи ажнабий тилдан кириб қолган, лекин ажнабийлар ҳам алкогольни арабча «ал-куҳл»дан олишганлиги маълум ва машҳур. Араб табиблари турли моддалардан олинган ал-куҳлни дори сифатида қўллаган. Ана шу алкоголь нарсалар шариат нуқтаи назаридан нажас ҳисобланмайди. Бу ҳукм «ҳамма нарсанинг асли покдир» қойдаси асосида бўлган. Хусусан, ўша алкоголь нарсалар холис ўзи бўлса ҳам, бошқа нарса аралаштирилмаган бўлса ҳам, ёки сувга аралаштирилган бўлса ҳам, барибир. Шу билан бирга, «хамр», яъни ароқ ва ичимлик ичиб маст бўлиш учун тайёрлаб қўйилган нарсалар маънавий жиҳатдан нажосат ҳисобланади. Шунга

биноан, шариат нуқтаи назаридан алкоголь — яъни спиртли нарсалар тиббий ҳожат учун ишлатиладиган қилиб тайёрланган бўлса, улардан терини, яраларни, тиббий асбоб-ускуналарни тозалаш учун, микробларни ўлдириш фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тиббий маънода ва тиббий ниятда тайёрлаб қўйилган спиртларни ҳиди яхши бўладиган атирлар учун ишлатилса бўлади, чунки бундаги баъзи бир моддалар фақат ана ўша спирт билангина эриши мумкин. Шунингдек, баъзи бир кремларга ҳам мана шу нарса ишлатилади, бу ҳалиги ичадиган, маст бўлиш учун тайёрлаб қўйилган хамр — ароқ ҳукмига кирмайди. Аммо, алкоголь нарса маст қилувчи модда бўлганлиги учун, уни ичмоқ, тановул қилмоқ мутлақо ҳаромдир. *Валлоҳу аълам.*

## ВИТР НАМОЗИНИНГ ВАҚТИ



62-САВОА

*Ассалому алайкум, муҳтарам Шайх жаноблари. Саволларим шундан иборат:*

*«Таҳажжуд намозининг энг яхши вақти кечанинг охириги учинчи қисми» деб эшитганман. Шу билан бирга, витр намозини ҳам кечиктириб (кечанинг учинчи қисмида ёки Бомдоғ вақти киришига яқин) ўқиса, бўладими, агар жоиз бўлса, қайси вақтда ўқиган афзал, кечиктирибми ёки Витрни Хуфтон намози билан бир вақтда ўқиш афзалми? Агар Витр намозини кечиктириб ўқилса, Таҳажжуд намозини Витр намозидан олдин ўқиш лозимми ёки кейин? Иккаласи ҳам жоиз бўлмаса, қайси вақтда ўқиган афзалроқ?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Витр намозини кечанинг аввалида ёки охирида ўқишдан қай бири афзаллиги намозхоннинг ҳолатига боғлиқ. Агар намозхон кечанинг охирида уйқудан тура олмайдиган бўлса, мазкур намозни

кечанинг аввалида ўқигани афзал. Агар намозхон кечанинг охирида туришга аниқ кўзи етса, кечанинг охирида ўқигани афзал.

عَنْ جَابِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: مَنْ خَافَ أَنْ لَا يَقُومَ مِنْ آخِرِ اللَّيْلِ فَلْيُوتِرْ أَوَّلَهُ وَمَنْ طَمِعَ أَنْ يَقُومَ آخِرَهُ فَلْيُوتِرْ آخِرَ اللَّيْلِ فَإِنَّ صَلَاةَ آخِرِ اللَّيْلِ مَشْهُودَةٌ وَذَلِكَ أَفْضَلُ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ.

*Жобир розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Ким кечанинг охирида тура олмаслиқдан қўрқса, унинг аввалида Витр ўқисин. Ким унинг охирида туришдан умидвор бўлса, Витрни кечанинг охирида ўқисин. Албатта, тунги намоз шохид бўлингандир. Ўша афзалдир», – дедилар».**

*Имом Муслим ва Термизий ривоят қилишган.*

Таҳажжуд ва Витр намозини кечанинг охирида ўқиганда, аввал Таҳажжуд, кейин Витр ўқиш афзал. **Валлоҳу аълам.**

## 11-БОБ. ЖАМОАТ НАМОЗИ

### ИМОМНИНГ ТОҲАРАТИ КЕТСА

#### 63-САВОЛ

Ассалому алайкум, шайх ҳазратлари. Саволлар:

1. Намоз вақтида имомнинг тоҳарати тўсатган синиб қолса, нима қилади? Имомнинг орқасидаги иқтидо қилганлар-чи?

2. Агар имом намоз ўқиб бўлгандан сўнг тоҳарати йўқлиги эсига тушиб қолса, унинг орқасида ўқиган одамлар намозини қайтадан ўқийдиларми? Раҳмат.

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

1. Намозда имомнинг тоҳарати кетиб қолса, бурнини ушлаб туриб, ўрнига бошқа одамни тортиб, имом қилиб қўйиб чиқиб кетади. Шунда одамлар, имомнинг бурни қонаб, тоҳарати кетди, деб ўйлайдилар. Имом эса, гумондан холий бўлади. Қавм ўринбосар имом билан намозни охирига етказди.

2. «Ҳидоя» ва бошқа китобларда айтилишича, агар қавм имомнинг тоҳарати йўқлигини билиб қолса, намозни қайтадан ўқийди. Имом ўзи тоҳаратсиз намозга ўтганини билган заҳоти хабар бериши лозим. *Валлоҳу аълам.*

### ИМОМЛИК ҲАҚИДА

#### 64-САВОЛ

Ассалому алайкум, ҳурматли Шайх ҳазратлари!

1. Пешин ва Аср намозларида имом қироат қилганида овозини чиқариб қироат қилиши керакми ёки эшиттирмай қилиши керакми?

2. Икки киши намоз ўқимоқчи бўлишса, биттаси имомлик қилади. Имомлик фақатгина фарз

**намозларига қилинадими ёки суннат ва нафл намозларига ҳам имомлик қилса бўладими?**

3. Агар фақатгина фарз намозларида имомлик бўлса, унда, масалан, иккинчи киши эндигина Исломга кирган ва ҳали яхши намоз ўқишни билмагани учун, имом бўлган киши фарз ҳам, суннат ҳам ва нафлда ҳам имомлик қилиб турса, бўладими, биродари яхшилаб ўрганиб олгунича?

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

1. Пешин ва Аср намозларида имом овозини чиқармай қироат қилади.

2. Фарз, таровеҳ ва нафл намозларини имом билан ҳам, ёлғиз ҳолда ҳам ўқилади. Суннат намозларни ёлғиз ўқилади.

3. Билмаган одамга намозни ният қилмай таълим учун орада тушунтириш гаплари билан намоз ўргатса бўлаверади. *Валлоҳу аълам.*

## ТУРЛИ ХОНАЛАРДА ИҚТИДО ҚИЛИШ



*Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух!*

*Барчамизга маълумки жумъа кунларида масжидларимиз мўмин-мусулмонлар билан тўлиб-тошади. Кўплаб масжидларга ўшанча одамга жой етишмаслиги маълум. Бунда одамлар масжиддаги кичик хоналарда намоз ўқишга мажбур бўлишади ёки масжидларнинг ўзи кўплаб хоналардан ташкил топган (Чақчишмом масжиди каби). У ерда туриб имомга иқтидо қилиб намоз ўқиганда, баъзан ҳавонинг совуқлиги туфайли, хона эшиклари берк туради, лекин бир илми кишининг айтишича, бундай ҳолатда намознинг қабул бўлмаслиги мумкин экан. Яъни жамоат билан намоз ўқиганда, хонанинг эшиklarини очиб қўйиш керак экан, аммо кўплаб масжидларда бунга эътибор берилмайди. Бундай ҳолатда нима қилиш керак?*

### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Ҳанафий мазҳабининг энг мўътабар китобларидан бири бўлмиш Муҳаммад Амийн Ибн Обидийн раҳматуллоҳи алайҳининг «Раддул Мухтор ала дуррул мухтор» номли китобида бу масала бўйича қуйидагилар айтилган:

«Агар имомнинг ҳоли кўриш ва эшитишда иштибоҳли бўлиб қолмаса, тўсиқ иқтидони манъ қилмайди».

Бу матндан агар имом билан иқтидо қилувчининг орасида тўсиқ бўлса ва ўша тўсиқ имомни кўришга ёки овозини эшитишга монеъ бўлмаса, иқтидо тўғри бўлади деган тушунчани беради. Шу билан бирга, ўша тўсилган жой ҳам масжидга қарашли бўлиши лозим.

Шунга биноан, масжидга тегишли хоналарда эшикни беркитган ҳолда намоз ўқилганда имомнинг овози келиб турса, намоз тўғри бўлади.  
***Валлоҳу аълам.***

## 12-БОБ. НАМОЗНИ ҚАСР ҚИЛИБ ЎҚИШ

### 66-САВОЛ

Ассалому алайкум, мухтарам Шайх ҳазратлари! Сизга қуйидаги саволларни бермоқчи эдим.

1. Сафарда намозларни қандай адо этмоғимиз лозим бўлади?

2. Сафарда чиқиш масофаси қандоқ белгиланади, узунликками ёки кунларгами?

3. Сафарда масжидда имомга иқтидо қилган ҳолда намозни адо этсак, суннатларини ҳам ўқишимиз лозимми?

4. Масжидга кирганимизда, имом бошқа мазҳабда намоз ўқиётган бўлса, биз унинг барча ҳаракатларини такрорламоғимиз лозим бўладими?

5. Сафарда бир масжид имоми фарз намози иккинчи ракъатида рукудан сўнг дуо қилиб, сўнгра сажда қилди, бу ҳолатда биз нима қилмоғимиз лозим бўлади. Аллоҳ барчамиздан рози бўлсин!

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

1. Бу саволга тўлиқ жавоб бериш учун «Мухтасарул Виқоя»да бу масалада келган матн билан танишиб чиқсак, мақсадга мувофиқ бўларди. Унда, жумладан, шундай дейилган: «Мусофир ўз юртининг уйларида ўртача юриш ила уч куну уч кечалик масофани қасд қилиб ажраган одамдир. Бу, қуруқликда туянинг ва пиёданнинг юришидир. Денгизда эса, кеманинг шамол мўътадил бўлгандаги юришидир. Тоғда эса, ўзига муносиб юришдир.

Бас, у то ўз юртига қайтиб киргунича ёки бир шаҳар ёки қишлоқда ёхуд кўчманчи бўлса, диёримиздаги саҳрода ярим ой туришни ният қилгунча, тўрт ракъатли намозни қаср қилади.

Дорул ҳарбада ёки боғийларнинг қамалида қолган бўлса, ундоқ эмас. Унда, ниятсиз туриши чўзилиб кетган одамга ўхшайди.

Агар у қаъдаи улаага ўтириб тўлиқ ўқиса, фарзи тугал бўлади. Аммо яхши қилмаган бўлади. Зиёда бўлгани нафлга ўтади. Агар қаъдаи улаага ўтирмаса, фарзи ботил бўлади.

Қай бир мусофирга муқим киши вақтли намозда имом бўлса, намозни тўла ўқийди. Вақт ўтгандан кейин муқим мусофирга имом бўлмайди. Агар у имом бўлса, унинг иқтидоси ботил бўлади. Акси бўлганда, муқим тамомлаб олади.

Мусофир имом бўлса, қаср қилади ва «Намозингизни тугатиб олинг, мен мусофирман», деб айтиши мандуб бўлади.

Аслий ватанни унинг мисли ботил қилади, сафар эмас. Иқома ватанини унинг мисли, сафар ва аслий ватан ботил қилади. Сафар ва унинг зидди қазо намозни ўзгартирмайди. Маъсият сафари рухсатларда бошқаларига ўхшайди».

Аллоҳ таоло сафарда намозни қаср қилиб, тўрт рақъатли фарз намозларни икки рақъат қилиб ўқишни шариатга киритган. Чунки сафарнинг ўзига яраша қийинчиликлари ва машаққатлари бўлади. Сафардаги кишиларга ўша машаққатларни енгиллаштириш учун Аллоҳ таоло меҳрибонлик қилиб тўрт рақъатли намозларнинг ярмини қисқартириб енгиллик берган.

Бу, Аллоҳ таолонинг дийни-Ислом осонлик дийни эканини кўрсатади. Шу билан бир вақтда, намознинг нақадар аҳамиятли ибодат эканини ҳам кўрсатади. Аллоҳ таоло сафарга алоҳида енгил намоз жорий қилиши шунга далил бўлмаса, нимага далил бўлар эди.

Мусофир намозни қаср қилиб ўқиши Қуръон, Суннат ва Ижмоъ билан собит бўлган.

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида:

وَإِذَا ضَرَبْتُمْ فِي الْأَرْضِ فَلَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَنْ تَقْصُرُوا مِنَ الصَّلَاةِ

«Қачонки ер юзида жавлон урганингиз, сизларга намозни қаср қилишингизда гуноҳ йўқдир» (101-оят), деган.

عَنْ يَعْلَى بْنِ أُمَيَّةَ رضي الله عنه قَالَ: قُلْتُ لِعُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ **﴿فَلَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَنْ تَقْصُرُوا مِنَ الصَّلَاةِ إِنْ خِفْتُمْ أَنْ يَفْتِنَكُمْ الَّذِينَ كَفَرُوا﴾** فَقَدْ أَمِنَ النَّاسُ فَقَالَ: عَجِبْتُ مِمَّا عَجِبْتَ مِنْهُ فَسَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ عَنْ ذَلِكَ فَقَالَ: صَدَقَةٌ تَصَدَّقَ اللَّهُ بِهَا عَلَيْكُمْ فَاقْبَلُوا صَدَقَتَهُ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيَّ.

Яъло ибн Умайя розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Мен Умар ибн Хаттобга:

«Сизларга намозни қаср қилишда гуноҳ йўқдир. Агар куфр келтирганлар сизга фитна қилишдан қўрқсангиз», дейилган. Батаҳқиқ, одамлар эмин бўлдилар?!» – дедим.

«Мен ҳам сен ажабланган нарсадан ажабланиб, у ҳақда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан сўрадим. Ул зот соллаллоху алайҳи васаллам:

«Бу – Аллоҳ таоло сизга қилган садақадир. Бас, Унинг садақасини қабул қилинг», дедилар», деди».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Уламолар мусофир киши тўрт рақъатли намозни қисқа-икки рақъатли қилиб ўқишига ижмоъ қилганлар.

Мусофир учун намозни қаср қилиши азиймат бўлиб, ҳукми вожибдир. Унинг учун тўрт рақъатли намозни икки рақъат қилиб ўқиш фарздир. Ундан зиёда қилиш жоиз эмас.

Биз бу масалада ўрганадиган матнларимизда мусофирнинг намозига оид кўпгина ҳукмлар қисқа тарзда баён этилган. Биз уни муфассалроқ шарҳ қилишга уриниб кўрамиз.

«Сафар» лугатда масофани кесиб ўтишдир. Лекин ҳар бир сафар ҳам шаръий аҳкомларнинг

ўзгаришига сабаб бўлавермайди. Бунинг учун алоҳида шартларни ўзида мужассам қилган сафар бўлиши лозим.

Шунинг учун, шаръий ҳукмлари ўзгарадиган сафар қиладиган мусофир кимлигини билиб олишимиз лозим бўлади.

Шаръий мусофир бўлган одамга эса намозни қаср қилиб ўқишга, рўза тутмасликка рухсат берилади. У, маҳсига уч кечаю кундуз масҳ тортади ҳамда Жумъа, Ийд намозлари ва қурбонлик қилиш ундан соқит бўлади.

Хўш, ўша мусофир ким ўзи? Бу саволга жавоб қуйидагича:

«Мусофир» ўз юртининг уйларидан уч куну уч кечалик масофани қасд қилиб ажраган одамдир.

«Ўз юртларининг уйлари» деганда, шаҳарнинг четидаги уйлар кўзда тутилади. Мусофир қайси йўналишда кетаётган бўлса, ўша тарафдаги охириги уйдан ажраганда мусофирлик бошланади. Агар шаҳарга туташган қишлоқ бўлса, ўша қишлоқдан ўтгандан кейин мусофирлик бошланади.

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: صَلَّيْتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ الظُّهْرَ بِالْمَدِينَةِ أَرْبَعًا وَصَلَّيْتُ مَعَهُ الْعَصْرَ بِدِي الْحُلَيْفَةِ رَكْعَتَيْنِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ.

*Имом Муслим ва Абу Довуд Анас розияллоху анҳудан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Мадийнада Пешинни тўрт ракъат ва асрни Зул Ҳулайфада икки ракъат ўқидим».**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафарга чиққан бўлсалар ҳам, Мадийнадан чиқмаганлари учун Пешинни тўрт ракъат ўқиганлар. Асрда шаҳардан чиқиб Зул Ҳулайфа деган жойга етиб қолганлари учун намозни қаср қилиб, икки ракъат ўқиганлар.

«Уч куну уч кечалик масофани қасд қилиб» деган гапни ҳам шарҳ қилишимиз лозим бўлади.

Бунда уч кун юриш ва уч кеча дам олиш бўлиши кўзда тутилган. Бунга далил қуйидагича:

عَنْ حُزَيْمَةَ بْنِ ثَابِتٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: الْمَسْحُ عَلَى الْخُفَّيْنِ لِلْمَسَافِرِ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ وَلِلْمُقِيمِ يَوْمٌ وَلَيْلَةٌ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

*Хузайма ибн Собит розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Маҳсига масҳ тортиш мусофир учун уч кун, муқим учун бир куну бир кеча», – дедилар».**

*Абу Довуд ва Термизийлар ривоят қилишган.*

Мана шу ҳадисдан уч кунлик сафарни ният қилмаган одам шаръий маънодаги мусофир бўлмаслиги келиб чиқади.

2. «Масофани қасд қилиб» дейиш билан, масофани қасд қилмай содир бўлган сафар шаръий ҳукмларга тегишли сафар бўлмаслигини билиб оламиз.

Мисол учун, биров қочиб кетган отини ушлайман деб йўлга чиқса ва бир неча кун унинг ортидан қувиб юрса ҳам намозни тўлиқ ўқийди.

Уч кунлик масофани босиб ўтиш вақтини ҳисоблашда мўътадил юртлардаги энг қисқа кунлар эътиборга олинади. Яъни кундузи жуда қисқа ёки жуда ҳам узун бўладиган эмас, ўртача бўладиган юртларнинг куни олинади. Ўшанда ҳам, эрталабдан пешингача юргани ҳисобга киради. Қолгани намоз, дам ва овқатланишга чиқарилади. Агар тез юриб, мазкур масофани ундан оз вақтда босиб ўтадиган бўлса ҳам, қаср ўқийди.

Ҳанафий уламоларнинг кўплари: сафарни фарсахлар билан ўлчанмайди, деганлар.

Бошқа мазҳаблар: сафар масофаси тўрт барид бўлса, шаръий сафар ҳисобланади ва унда намозни қаср ўқишга рухсат бўлади, дейдилар.

«Барид» масофа бирлиги бўлиб, бир барид масофа тўрт фарсахга, ҳадисда келган тўрт барид эса ўн олти фарсахга тўғри келади. Бир фарсах 5544 метр, тўрт фарсах эса 22176 метр бўлади. Тўрт барид эса 88704 метр бўлади.

«Барид» лугатда «почта» маъносини билдиради. Илгариги вақтда Ислом ўлкаларида почта ишлари от билан юриб амалга оширилган. Шаҳарлар орасидаги почтаҳоналар маълум масофага қурилган. Бир барид билан иккинчисининг ораси тўрт фарсах, яъни 22176 метр бўлган. Ҳар почтаҳона-баридда ходимлар отларини боқиб, шай бўлиб турганлар, аввалги бариднинг ходимлари узоқдан кўриниши билан йўлга тайёр бўлиб отни миниб турганлар. Улар келиб, почтани топшириши билан, от чоптириб, олға босганлар. Биринчи ва иккинчи почтаҳона орасидаги масофа эса, ўша вақтнинг таомилига кўра «барид» деб айтилган.

Ушбу биз ўрганаётган ривоятга кўра, тўрт барид, яъни 88 км. 704 метр жойга сафар қилган одам мусофир ҳисобланган.

Ҳанафий мазҳаби ўлчовига кўра 96 км. масофа сафар масофаси ҳисобланган.

Баъзи уламолар юқорида зикр қилинган вақт ва шароитда пиёда юриб, ҳар қадамини ўлчаб, уч кунлик йўл 88 км билан 96 км орасида чиқишига гувоҳ бўлдилар.

Улар туяга юк юклаб, юргизиб кўриб ҳам худди шу каби натижанинг гувоҳи бўлдилар.

Ва ниҳоят, икки тарафнинг услуби икки хил бўлса ҳам натижа бир хил экан, деган хулосага келдилар.

**Ўртача юриш ила.**

Тез юриш ҳам, секин юриш ҳам ҳисобмас.

**У, қуруқликда туянинг ва пиёданинг юриши-дир.**

Ўртача юриш бўлганда ҳам, отнинг ёки бошқа ҳайвоннинг эмас, туянинг юриши ҳисобидандир. Шунингдек, оддий пиёда юришда уч кун юриладиган сафар бўлиши керак.

**Денгизда эса, кеманинг шамол мўътадил бўлгандаги юришидир.**

Мабодо, денгиз сафари бўлса, ўша вақтдаги шамол кучи билан юрадиган кемаларнинг қаттиқ шамол тургандаги ҳам, шамолсиз қолган вақтдаги ҳам бўлмаган, денгизчилар урфидаги мўътадил юриш ҳисобга олинади.

**Тоғда эса, ўзига муносиб юришдир.**

Тоғда юриш ўзига хос бўлади. Албатта, унда текисликда юргандан кўра бошқача юрилади. Яна, тоғ билан тоғ ўртасида ҳам фарқ бор. Шунинг учун ундаги юриш ҳам ўзига муносиб равишда ҳисобланади.

**Бас, у то ўз юртига қайтиб киргунча ёки бир шаҳар ёки қишлоқда ёхуд кўчманчи бўлса, диёримиздаги, саҳрода ярим ой туришни ният қилгунча, тўрт рақъатли намозни қаср қилади.**

Бунинг далили қуйидагича.

قَالَ عُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: صَلَاةُ الْجُمُعَةِ رَكَعَتَانِ وَصَلَاةُ الْفِطْرِ رَكَعَتَانِ وَصَلَاةُ الْأَضْحَى رَكَعَتَانِ وَصَلَاةُ السَّفَرِ رَكَعَتَانِ تَمَامٌ غَيْرُ قَصْرِ عَلَى لِسَانِ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ. رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ مَاجَةَ.

**Умар розияллоҳу анҳу:**

«Жумъа намоз икки рақъатдир. Рўза ҳайити намози икки рақъатдир. Қурбон ҳайити намози икки рақъатдир. Сафар намози икки рақъатдир, тугалдир, қаср эмасдир. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тилларидандир», – дедилар».

*Насайй, Аҳмад ва Ибн Можа ривоят қилган.*

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رضي الله عنه أَنَّهُ قَالَ: صَلَّيْتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صلى الله عليه وسلم بِمِنَى وَمَعَ أَبِي بَكْرٍ وَعُمَرَ رَكْعَتَيْنِ وَمَعَ عُثْمَانَ رَكْعَتَيْنِ صَدْرًا مِنْ إِمَارَتِهِ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالنَّسَائِيُّ.

Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан Минода икки ракъат намоз ўқидим. Абу Бакр ва Умар билан ҳам. Шунингдек, Усмоннинг амирлиги бошида ҳам, кейинроқ у тўлиқ ўқиди».

*Икки шайх ва Насаий ривоят қилишган.*

Ҳанафий мазҳабида бир киши бошқа бир жойда ўн беш кун ва ундан ортиқ турмоқни ният қилса, намозни тўлиқ ўқийди, ундан оз турмоқни ният қилса, қаср ўқийди.

Ҳанафий мазҳаби уламолари бу ҳукм учун буюк саҳобийлар Ибн Аббос ва Ибн Умар розияллоху анҳумодан қилинган қуйидаги ривоятни далил қилиб олганлар:

لَقَوْلِ ابْنِ عَبَّاسٍ وَابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: إِذَا قَدِمْتَ بِلَدَةً وَأَنْتَ مُسَافِرٌ وَفِي نَفْسِكَ أَنْ تُقِيمَ خَمْسَ عَشْرَةَ لَيْلَةً فَأَكْمِلِ الصَّلَاةَ بِهَا، وَإِنْ كُنْتَ لَا تَدْرِي مَتَى تَطْعَنُ فَاقْصُرْهَا. رَوَاهُ الطَّحَاوِيُّ.

«Мусофир ўлароқ бир юртга кирсанг ва бу юртда ўн беш кун қолишни ният қилсанг, намозни тўла ўқи. Агар бу ердан қачон сафарга чиқишингни билмасанг, намозни қаср ўқи».

Дорул ҳарбда ёки боғийларнинг қамалида қолган бўлса, ундоқ эмас. Унда ниятсиз туриши чўзилиб кетган одамга ўхшайди.

Биров бир ерда ўн беш кун ёки ундан ортиқ туришни ният қилмаган бўлса, қанча турса ҳам намозни қаср қилиб ўқийди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хайбарда йигирма кун турганларида намозни қаср ўқиганлар.

Ибн Умар ва бошқа саҳобаларнинг йўлини Озарбайжонда қор тўсиб қолганда, олти ой қаср намоз ўқишган.

Дорул ҳарб (уруш диёри)да, яъни ғайри мусулмонларнинг диёрида қамалда турган одам ҳам қаср ўқийди.

Боғийлар – Ислом давлатига қарши чиққан мусулмонлардир. Уларнинг қамалига тушиб қолганлар ҳам намозни қаср қилиб ўқийдилар. Чунки бу ҳолатда барқарорлик бўлиши мумкин эмас.

Биров бир ерга ўз ҳожатини чиқариш учун кирса, агар ўн беш кун туришни ният қилган бўлса ҳам, намозни қаср ўқийди. Чунки у ҳожати раво бўлиши билан, қайтиб жўнаб қолиши турган гап.

Агар мусофир қаъдаи улаага ўтириб, тўлиқ ўқиса, фарзи тугал бўлади. Аммо яхши қилмаган бўлади.

Чунки у Аллоҳ таоло берган имкондан фойдаланмади. Шу билан бирга, у икки ракъат қаср намоздан кейин бериладиган саломни кечга сурди.

**Зиёда бўлгани нафлга ўтади. Агар қаъдаи улаага ўтирмаса, фарзи ботил бўлади.**

Яъни, кейинги икки ракъат унинг учун нафл намоз ўрнига ўтади. Мусофир намозни тўлиқ ўқиганда икки ракъатдан кейин ўтирмаган бўлса, ўқиган фарз намози намоз бўлмайди. Бошқа ўқиши лозим.

**Қай бир мусофирга муқим киши вақтли намозда имом бўлса, намозни тўла ўқийди.**

Фарз вақтида ўқиладиган намозда муқимга мусофир иқтидо қилса, у ҳам имомга ўхшаб тўлиқ намоз ўқийверади. Мазкур мусофирнинг фарзи ҳам, имомга эргашгани учун, тўрт ракъатга айланади. Шунинг учун, агар муқим имом

янглишиб биринчи икки рақъатдан кейин қасддан ёки унутиб бир ташахҳуд миқдорича ўтирмаса ҳам, мусофирнинг намози тўғри бўлаверади, албатта, имом саждаи саҳв қилса, чунки, мусофир муқимга эргашгани туфайли уни намози ҳам тўрт рақъатга айланиб қолади.

Бу ҳукмнинг далили қуйидагича:

عَنْ نَافِعٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: فَكَانَ ابْنُ عُمَرَ إِذَا صَلَّى مَعَ الْإِمَامِ صَلَّى أَرْبَعًا وَإِذَا صَلَّى وَحْدَهُ صَلَّى رَكْعَتَيْنِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

**Имом Муслим ривоят қилади:**

«Нофеъ: «Ибн Умар имом билан ўқиса, тўрт рақъат, ўзи ёлғиз ўқиса, икки рақъат ўқир эди», деди.

Вақт ўтгандан кейин муқим киши мусофирга имом бўлмайди.

Агар такбири таҳримани айтишга вақт қолган бўлса, иқтидо қилса, бўлади. Аммо вақт чиқиши билан, мусофир муқимга иқтидо қилиши мумкин эмас.

**Агар у имом бўлса, анинг иқтидоси ботил бўлади.**

Агар вақт ўтгандан кейин муқим мусофирга имом бўлса, мусофирнинг иқтидоси ботил бўлади.

**Акси бўлганда, муқим тамомлаб олади.**

Яъни, мусофир имом бўлиб, муқим муқтадий бўлганда, имом салом бериши билан муқтадий туриб, қолган икки рақъатни ўзи ўқиб намозини тугал қилади.

**Мусофир имом бўлса, қаср қилади ва «Намозингизни тугатиб олинг, мен мусофирман», деб айтиши мандуб бўлади.**

عَنْ عِمْرَانَ بْنِ حُصَيْنٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: غَزَوْتُ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ وَشَهِدْتُ مَعَهُ الْفَتْحَ فَأَقَامَ بِمَكَّةَ ثَمَانِي عَشْرَةَ لَيْلَةً لَا

يُصَلِّي إِلَّا رَكَعَتَيْنِ وَيَقُولُ: يَا أَهْلَ الْبَلَدِ صَلُّوا أَرْبَعًا فَإِنَّا قَوْمٌ  
سَفَرٌ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

*Имом Абу Довуд ва Термизий қилган ривоятда  
Имрон ибн Ҳусойн розияллоҳу анҳу қуйидагиларни  
айтади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан  
вазотда бўлдим. Сўнгра у зот билан Фатҳда  
ҳозир бўлдим. Бас, у зот Маккада ўн саккиз кеча  
намозни фақат икки ракъатдан ўқиб турдилар.  
Шунда «Эй аҳли Макка, тўрт ракъат ўқинглар,  
биз мусофирмиз», – дер эдилар».**

**Аслий ватанни унинг мисли ботил қилади,  
сафар эмас.**

«Ватани аслий» (аслий ватан) деганда, туғилиб  
ўсган ва умрининг охиригача яшашни ният қилган  
ёки ўзига ватан тутиб, умрининг охиригача  
ўша ерда яшашни ният қилган юрт анланади.  
Бунда мазкур ердан оила қуриши шарт эмас.

Аввал бир ерда аслий ватани бўлса, кейин  
бошқа ерга кўчиб бориб, ўша ерни ватан тутса,  
ўша кейинги ватани аслийси аввалгисини ботил  
қилади. Бошқача қилиб айтганда, кейинги ватанидан  
аввалгисига сафар қилиб келса, мусофир саналаверади.

Бунга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг  
ўзлари мисол. У кишининг ватани аслийлари  
Макка бўлган. Ҳижратдан кейин эса,  
Мадийна у зотга ватани аслий бўлди. Ҳижратдан  
кейин Мадийнадан Маккага келганларида, ватани  
аслий Мадийна ўзининг мисли Маккани ботил  
қилди ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам  
Маккада намозни қаср ўқидилар.

Бу ҳол аввалги ватанда аҳл, жуфти ҳалол, бола,  
зироат, бирор боғланиш каби нарсалари қолмаган  
бўлса, тўғри бўлади.

Агар мазкур нарсалардан бирортаси бўлса, у ўн беш кундан кўп туришни ният қилмаса ҳам, намозини тўлиқ ўқийверади. Икки ватан унинг учун бир хил ҳукмга эга бўлади.

Сафар аслий ватанни ботил қилмайди. Мусофир аслий ватанига кириши билан муқим бўлиб қолаверади. У намозни дарҳол тўлиқ ўқишга ўтади.

**Иқома ватанини унинг мисли, сафар ва аслий ватан ботил қилади.**

«Иқома ватани» – вақтинчалик яшаш макони. Унда мусофирнинг аҳли бўлмайди, ҳамда у бу ерда ўн беш кун ва ундан кўп яшашни ният қилган бўлади.

Ана шундоқ иқома ватанини ўзига ўхшаш бошқа иқома ватани ботил қилади. Яъни киши эски иқома ватанидан янги иқома ватанига ўтса, эскисига оид ҳамма ҳукмлар ўз кучини йўқотади.

Шунингдек, сафар бошланиши билан ҳам иқома ватанига оид ҳукмлар ўз кучини йўқотади. Чунки сафар иқома ватанини бузади.

Ватани аслий иқома ватанини бузиши турган гап. Чунки ватани аслий ватани иқомадан кучлидир.

**Сафар ва унинг зидди қазо намозни ўзгартирмайди.**

Сафарнинг зидди ҳазардир. «Ҳазар» дегани «сафармас ҳолат», «ҳозир турган ҳолат» деганидир.

Сафар ва ҳазар қазо намозни ўзгартирмаслиги қазо намозни ўқиш пайтининг унинг қандоқ ўқилишига таъсири йўқлигидандир.

Мисол учун, биров сафарда қазо намоз ўқишмоқчи бўлса, намозни қай ҳолда қазо қилгани эътиборга олинади. Агар ҳазарда қазо қилган бўлса, гарчи унинг қазосини сафарда ўқиётган бўлса ҳам, тўлиқ ўқийди. Сафарда қазо қилинган намозни ҳазарда ўқиётган бўлса ҳам, қаср қилиб ўқийди.

**Маъсият сафари рухсатларда бошқаларига ўхшайди.**

Чунки ифтор ва қасрга рухсат берган оят ҳамда ҳадисларда сафарнинг қандоқ бўлиши шарт қилинмаган. Уларда умумий «сафар» истилоҳи ишлатилган.

وَإِنْ كُنْتُمْ مَرْضَىٰ أَوْ عَلَىٰ سَفَرٍ أَوْ جَاءَ أَحَدٌ مِّنْكُمْ مِنَ الْغَائِطِ  
أَوْ لِمَسْتُمُ النِّسَاءِ فَلَمْ يَجِدُوا مَاءً فَتَيَمَّمُوا صَعِيدًا طَيِّبًا

Аллоҳ таоло «*Моидга*» сурасига:

«Агар бемор ёки сафарда бўлсаларингиз ёхуд бирорталарингиз тоҳаратхонадан келса ёки аёлларига яқинлик қилса-ю, сув топа олмасаларингиз, бас, покиза тупроқ ила таяммум қилинг» (6-оят), деган.

وَإِذَا ضَرَبْتُمْ فِي الْأَرْضِ فَلَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَنْ تَقْصُرُوا مِنَ الصَّلَاةِ

Аллоҳ таоло «*Нисо*» сурасига:

«Қачонки ер юзида жавлон урганингиз, сизларга намозни қаср қилишингизда гуноҳ йўқдир» (101-оят), деган.

3. Сафарда юриб турганда суннатларни ўқимаса, бўлади. Аммо жойлашиб олгандан кейин суннатлар ҳам ўқилади.

4. Бошқа мазҳабдаги имомга иқтидо қилганда унга эргашилади.

5. Афтидан ўша сафардаги намоз Бомдод ва имом Шофеъий мазҳабида экан. Бу ҳолда сиз имомга эргашасиз. Яъни у қунут дуосини ўқиб бўлгунча кутиб турасиз ва бирга қўшилиб сажда қиласиз. Худди шундай қилган бўлсангиз ҳам керак. **Валлоҳу аълам.**

ВАТАНИ АСЛИЙ

67-САВОЛ

*Ўртовим Тошкент шаҳрида ўқийди, ҳали ўйланмаган. Келажакда Тошкентда яшаб қолмоқчи. Тошкентга бориш-келишда намозларини қаср ҳолатда адо этади. Шахсий ишлари юзасидан ёки ота-онасини зиёрат қилгани 7–10 кунга Хоразмга келса, Хоразмда муқим ҳисобланадими ёки мусофир?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Ҳанафийларнинг энг машҳур китобларидан бири бўлмиш «Бадоеиус-саноиъи фий тартибиш-шароиъи» китобида қуйидагилар айтилган:

«Ватани аслий битта ёки кўп бўлиши мумкин. Бировнинг икки юртда ҳам ҳовлиси ва аҳли бор. Аҳлининг ундан чиқиш нияти йўқ. Агар у йил бўйи аҳлидан аҳлига ўтиб юрадиган бўлса ва аҳли бор бир юртдан аҳли бор иккинчи юртга сафар қилишни ният қилса, ўз-ўзидан муқим бўлиб қолаверади.

«Фатавойи Ҳиндийя» китобида қуйидагилар айтилган:

«Агар аҳли ва кўч-кўлони билан бошқа тарафга кўчиб кетса ва аввалги юртида ҳовлиси ва кўчмас мулки қолса, ўша аввалги юрт ҳам унга ватанлигича қолади. Бунга имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳи китобда ишора қилган».

Шунга биноан, ўртоғингиз ўз уйига борганда муқим ҳисобланади. **Валлоҳу аълам.**

## 13-БОБ. ЖУМЪА НАМОЗИ

### 68-САВОЛ

*Биз чўл шароитида яшаб-ишлаймиз, иш жойимиз яшаш жойимиздан камига 30 км, баъзан 70—80 км узоқча кетади. Беш кун ишлаб, икки кун: шанба ва якшанба кунлари дам оламан. Шундай шароитда ҳамиша ҳам Жумъа намозига кела олмайман. Қандай маслаҳат берасиз, шу ишимда ишлайверайинми ёки ишдан бўшайинми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Бошқа намозларда бўлган шарт, рукн ва суннату одобларнинг барчаси Жумъа намозида ҳам бор. Шу билан бирга, Жумъа намозининг ўзига хос шартлари ҳам бор. Қуйида ўшалар ҳақида сўз боради.

Жумъа намози фарз бўлиши учун унинг ташқарисида лозим шартлар бор. Улар «Жумъанинг фарз бўлиши шартлари» деб аталади. Ана ўша шартлар қуйидагилар:

#### 1. Мисрда яшамоқ.

Миср — энг катта масжидига аҳолиси сифмайдиган истиқомат жойидир. Бу каби истиқомат масканлари авваллари «шаҳар» дейилган. Аммо ҳозирги кичикроқ қишлоқлар ҳам аввалги шаҳарлардан катта бўлиб қолган. Мазкур иборадаги «аҳоли»дан мурод Жумъа намози ўқиши фарз бўлган аҳолидир.

Демак, қай бир аҳоли яшайдиган жой бўлса-ю, унинг энг катта масжидига Жумъа ўқиши фарз бўлган одамлари сифмаса, ўша ер миср бўлади ва унда Жумъанинг фарз бўлиш шартларидан бири вужудга келади.

Аксинча, миср бўла олмаган аҳоли яшаш жойларнинг аҳолисига Жумъа фарз бўлмайди.

Шунингдек, яшаш жойидан сафарга чиққан одамга ҳам Жумъа фарз бўлмайди. Агар мусофир бир жойда ўн беш кун ёки ундан ортиқ яшашни

ният қилса, мусофирлиги қолмайди ва Жумъа ўқиши фарз бўлади.

Пешин вақти киришидан олдин шаҳарнинг иморатларидан айрилиб чиққан одам бўлса, Жумъа куни сафар қилса ҳечқиси йўқ. Тўғриси заводдан олдин сафар қилса, жоиз.

## **2. Соғлик.**

Бемор одам Жумъага бориши оғир бўлганидан уни афв этилган.

## **3. Ҳурлик.**

Бу-қадимги замоннинг шарти. Ўша вақтлардан қуллар бўлган. Улар хожаларининг мулки бўлгани ва улар берган топшириқларни бажаришлари лозим бўлгани учун Жумъага боришдан афв қилинганлар. Аммо ҳур кишиларнинг эрки ўзида бўлгани учун, уларнинг Жумъага боришлари фарз бўлган.

## **4. Эркаклик.**

Аёл кишиларнинг уй юмушлари кўп бўлгани учун, болаларга қарашлари керак бўлгани учун уларга енгиллик яратиш мақсадида, Жумъадан афв этилганлар. Эркаклар эса, бу юмушлардан озод бўлганлари ва бошқа масъулиятларини адо этишлари учун эҳтиёжлари борлигидан Жумъага боришлари фарз қилинган.

## **5. Балоғатга етганлик.**

Барча шаръий таклифларда асосий шартлардан бири бўлгани каби, балоғатга етганлик ҳам Жумъанинг фарз бўлиши учун асосий шартлардан биридир. Балоғатга етмаган болаларга Жумъа ўқишлик фарз эмас.

## **6. Кўз ва оёқнинг саломат бўлиши.**

Кўзи тамоман кўрмайдиган шахсларнинг етакловчиси бўлса ҳам, уларга Жумъа фарз бўлмайди.

Ўзи юра олмайдиган даражада оёғи нуқсонли бўлган кишиларга ҳам Жумъа фарз бўлмайди.

وَمَا جَعَلَ عَلَيْكُمْ فِي الدِّينِ مِنْ حَرَجٍ

Аллоҳ таоло:

«**Ва сизга бу динда ҳеч танглик қилмади**» («Ҳаж» сураси, 78-оят), деган. Дийнда танглик қилмаслик Исломнинг осонлик дийни эканлигининг асосидир.

Исломда танглик йўқлиги ҳақида гап кетганида инсонга тоқатидан ташқари нарсани амр қилмаслик анланади. Инсон ўзининг дангасалиги туфайли хоҳламаган нарса танглик ҳисобланмайди.

Аллоҳ таоло Жумъа намозини фарз қилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жумъа намозини тарк қилганларга қаттиқ таҳдид маъносига ҳадисларни айтдилар. Лекин шу билан бирга, узрли кишилардан Жумъа намози фарзлиги соқит бўлади.

عَنْ طَارِقِ بْنِ شِهَابٍ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: الْجُمُعَةُ حَقٌّ  
وَاجِبٌ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ فِي جَمَاعَةٍ إِلَّا أَرْبَعَةً؛ عَبْدٌ مَمْلُوكٌ أَوْ  
امْرَأَةٌ أَوْ صَبِيٌّ أَوْ مَرِيضٌ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

*Имом Абу Довуд Ториқ ибн Шихобдан ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:*

«**Жумъани жамоатда ўқимови ҳар бир мусулмонга ҳаққдир. Илло, тўрт тоифа бундан мустасно: мамлук қул, аёл киши, ёш бола ва бемор**», деганлар.

Бу шартларни ўзида мужассам қилмаган одам Жумъа намозини ўқиса, фарзни адо этган бўлади.

Мисол учун, мисрда яшамайдиган, мусофир, бемор, қул, аёл, балоғатга етмаган ёш бола, кўзи ожиз ёки оёғи чўлоқ кишилар Жумъа намозини ўқисалар фарзни адо этган бўлаверадилар.

Чунки юқоридаги шартлар машаққатни кўтариш ва енгиллик яратиш учун қўйилган. Рухсати бор шахслар ўз ихтиёри билан имкон топиб

Жумъани ўқисалар, уларга фарзни адо этганлик мартабаси етаверади. Худди мусофир рўза тутса ёки фақийр ҳаж қилса бўлаверганидек.

Намознинг тўғри бўлиши шартларидан ташқари Жумъанинг тўғри бўлиши учун ҳам алоҳида қўшимча шартлар бор. Улар қуйидагилардан иборат:

### **1. Миср ёки унинг чети бўлмоғи.**

Миср нима эканлиги ҳақида сал аввалроқ эслаб ўтилган эди. Энди эса матннинг ўзида миср ҳақидаги тушунча тақдим қилинмоқда.

**Миср энг катта масжидига аҳолиси сирмай-диган аҳоли яшайдиган жойдир.**

Аввал ҳам айтиб ўтилганидек, мазкур иборадаги «аҳоли»дан мурод ҳамма аҳоли эмас, балки, Жумъа намози ўқиши фарз бўлган аҳолидир.

Абу Ҳанийфа раҳимаҳуллоҳу алайҳ «Йўллари ва бозорлари бор, зулмларни қайтариб турадиган волийи бор, пайдо бўлган масалаларга жавоб айтиб турадиган олими бор юрт мисрдир», деганлар.

**Мисрнинг чети унга боғланган ва унинг фойдаси учун хизматга тайёрланган макондир.**

Мисрга ёпишиб турган ва унинг фойдаси учун хизмат қиладиган карвонсарой, қушхона каби нарсалар бор жойлар ҳам шаҳар четига киради. У ерларда ҳам Жумъа ўқиса, бўлади. Аммо миср билан унинг орасида узилиш бўлмаслиги керак. Мисол учун, миср тутагандан кейин экинзорлар, боғу роғлар келиб туриб, кейин аҳоли яшаш жойи келса, мисрнинг чети бўлмайди.

Агар битта мисрда бир неча жойда Жумъа ўқилса, нима бўлади, деган саволга мазҳабда тўртта жавоб бор.

Биринчиси — Абу Ҳанийфа ва Муҳаммад раҳимаҳуллоҳу алайҳимодан ривоят қилинган ва энг тўғриси ҳисобланади: «Икки ёки ундан кўп жойда бўлса ҳам, жоиз. Чунки Жумъанинг бир неча жойда бўлмаслигида қийинчилик бор».

Шу билан бирга, бир неча ерда Жумъа ўқиш мумкин эмаслигига далил йўқ.

## 2. Султон ёки унинг ноиб.

Ёки Жумъани ўтказишга изн олган тараф бўлиши шарт.

## 3. Пешиннинг вақти.

Пешин намозининг вақти кириши билан Жумъанинг вақти ҳам киради. Пешиннинг вақти чиқиши билан Жумъанинг вақти ҳам чиқади.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ كَانَ يُصَلِّي الْجُمُعَةَ حِينَ تَمِيلُ الشَّمْسُ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا مُسْلِمًا.

*Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Жумъани қуёш оққан пайтда ўқир эдилар».**

*Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.*

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Жумъани доимо Пешин вақтида ўқиганлар.

## 4. Вақтида бир тасбеҳча бўлса ҳам хутба.

Хутба Жумъа намозининг асосий шартларидан биридир. Хутбасиз Жумъа намози бўлмайди.

يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا إِذَا نُودِيَ لِلصَّلَاةِ مِنْ يَوْمِ الْجُمُعَةِ فَاسْعَوْا إِلَىٰ ذِكْرِ اللَّهِ وَذَرُوا الْبَيْعَ ذَلِكُمْ خَيْرٌ لَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿١﴾

*Аллоҳ таоло «Жумъа» сурасига:*

**«Эй, иймон келтирганлар! Жумъа куни намозга нидо қилинганда, Аллоҳнинг зикрига шошилинг ва савдони қўйинг. Агар билсангиз, бу ўзингиз учун яхшидир» (9-оят),** деган.

Бу оятдаги «Аллоҳнинг зикри» хутбадир.

«Бир тасбеҳча бўлса ҳам» деганидан «Ал-ҳамдулиллаҳ, Субҳаналлоҳ!» каби зикрларни айтиш билан ҳам хутба адо этилган бўлади.

Шу билан бирга, Жумъанинг хутбаси Пешиннинг вақти кирганда бўлиши шарт. Агар завождан олдин хутба қилиб ундан кейин намоз ўқиса, бўлмайди.

عَنْ السَّائِبِ بْنِ يَزِيدَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّدَاءُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ أَوَّلُهُ إِذَا جَلَسَ الْإِمَامُ عَلَى الْمِنْبَرِ عَلَى عَهْدِ النَّبِيِّ ﷺ وَأَبِي بَكْرٍ وَعُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا مُسْلِمًا.

*Соиб ибн Язийд розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**«Жумъа кунининг аввалги нидоси Набийимиз соллаллоху алайҳи васаллам, Абу Бакр ва Умарнинг даврларида имом минбарга ўтирганда бўлар эди».**

*Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.*

Нидо-азонни Пешиннинг вақти кирмасдан олдин айтилмайди. Шунинг учун Пешин вақтидан бошқада хутба қилинмаган.

### **5. Изни ом.**

«Изни ом» деганда жомеъ масжидининг эшикларини очиб қўйиб, хоҳлаган одамнинг киришига умумий изн берилишидир. Жумъа ўқимоқчи бўлганларни бирор шахс манъ қилмаслигидир.

Жумъа намози Исломнинг шиорларидан бир шиордир. Уни ўқиш одамлар орасида машҳур ҳолда бўлиши лозим.

Бир масжидга махсус жамоат кириб олиб, эшикларини ёпиб олсалар, уларнинг ўқиган Жумъалари тўғри бўлмайди.

**6. Жамоа, яъни, имомдан бошқа уч киши бўлиши ҳам Жумъанинг адо қилиш шартларидандир.**

Бу жумладаги ҳукм қуйидаги ҳадисдан олингандир:

عَنْ طَارِقِ بْنِ شِهَابٍ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: الْجُمُعَةُ حَقٌّ  
وَاجِبٌ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ فِي جَمَاعَةٍ إِلَّا أَرْبَعَةً؛ عَبْدٌ مَمْلُوكٌ أَوْ  
امْرَأَةٌ أَوْ صَبِيٌّ أَوْ مَرِيضٌ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

Ториқ ибн Шихоб розияллоху анхудан ривоят қилинади:

**«Набийимиз соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Жамоат ила Жумъа (ўқимоқ) ҳар бир му- сулмонга ҳақдир, вожибдир. Магар тўрт киши: мамлук – қул, аёл киши, ёш бола ва бемор мус- таснодир», – дедилар».**

Абу Довуд, Байҳақий ва Ҳоким ривоят қилишган.

Сиз ишлайдиган жойда Жумъа ўқилмаслиги ва Жумъа ўқиладиган жойнинг узоқлиги эътиборга олинадиган бўлса, сиз ҳам узрли ҳисобланасиз. Шу билан бирга гапингиздан гоҳида Жумъа ўқиб туришингиз ҳам бор. Бу ҳам вазиятни бир оз енгиллаштиради. Жумъани беҳато ўқиш шароити бор жойда ўзингизга иш топа олиш имкони бўлса, тақво юзасидан ўша ерга ўтсангиз яхши бўлади. Имкони йўқ бўлса, иложи борича Жумъани ўқишга ҳаракат қилинг. *Валлоху аълам.*

## 69-САВОЛ

**Ҳибсдаги ва асирдаги кишиларга Жумъа на- мози фарзми?**

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Жумъа намози фарз бўлиши учун масъул та- рафнинг рухсати шарт. Ўша тараф рухсат берса, фарз бўлади, бўлмаса, йўқ. Жомеъ масжиддаги- лар Жумъа намозини ўқиб бўлганларидан ке- йин Жумъага бора олмаганлар Пешин ўқишлари бор масала. Аммо унда, мабодо, имкон туғилиб, Жумъага бориб қолиш эҳтимоли кўзда тутилган. Агар маҳбус ва асирлар ҳам масжидда Жумъа ўқиб бўлинганидан кейин Пешин ўқиймиз, деса- лар ўзларининг иши. *Валлоху аълам.*

## 14-БОБ. НАФЛ НАМОЗИ

### АСРНИНГ СУННАТИ ҲАҚИДА

#### 70-САВОЛ

Намоз китобларида «Аср намози тўрт рақъат фарздан иборат» деб ёзилган. Лекин Ҳанафий мазҳабида тўрт рақъат суннат ҳам ўқилар экан, фақат Ўзбекистонда ўқилмас экан дейишди. Шу хусусда маълумот берсангиз.

#### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Инсоф билан, тўғри эътироф қилиб айтишимиз керакки, ҳозирги кунда бизда тарқалган намоз китоблари жуда мухтасар, намоз учун энг зарур бўлган нарсаларнигина тилга олган китоблар ҳисобланади. Шунинг учун, бу китоблардаги маълумотни намоз тўғрисидаги тўла маълумот деб қабул қилмаслик керак, балки зарурий-биринчи навбатда керак бўлган маълумотлар деб қабул қилиш керак. Иккинчидан, бу саволнинг келиб чиқишига бизда Исломнинг тартибли низомий таълим-тарбияси йўқлигидан ҳосил бўлган вазият сабаб бўлган. Исломни билган кишилар учун бу саволлар бир оз кулгили бўлиши мумкин ёки кичкина болаларнинг саволига ўхшаши мумкин. Лекин бизнинг шароитимиз мана шу нарсани тақозо қилиб қолган. Чунки ҳар ким имкони етганича, ўзи топганича, қўлига тушиб қолган қандайдир китобданми, рўпарасидан чиқиб қолган қандайдир намозхонданми намоз ўрганишга, уни ўзининг ҳаётига татбиқ қилишга ўтиб қолган. Шунинг учун бунга ўхшаган саволлар кўп бўлади.

Энди саволнинг асосий моҳиятига қайтадиган бўлсак, «Аср намозининг тўрт рақъат фарздан бошқа тўрт рақъат суннати ҳам бор экан. Бу тўғрида маълумот Ҳанафий мазҳабида бор экан, фақат Ўзбекистонда ўқилмайди экан» деган савол. Дарҳақиқат, барча китобларимизда Аср намози тўрт рақъат фарздан иборат дейилади,

суннат тўғрисида сўзлар деярли йўқ, баъзи бир жойлардагина бор. Асрнинг суннати тўғрисида шуни айтишимиз мумкинки, бу суннат машҳур суннат эмас, таъкидланган суннат эмас, балки бу ҳақдаги ривоят Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васалламнинг битта ҳадисларида келган. Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васаллам ўзлари мана шу тўрт рақъат суннатни — асрнинг суннатини доимий равишда ўқиб юрганларини биров кўрган ҳам эмас, ривоят ҳам қилган эмас. Шунинг учун уламоларимиз бу суннатни «маҳбуб нарса — мандуб нарса» деб атайдилар, намозни баён қилиш вақтидаги таъкидланган суннатлар қаторига қўшган эмаслар. Бошқа намозларнинг, масалан, Бомдоднинг икки рақъат суннати, Пешиннинг фарздан олдинги тўрт ракаат, фарздан кейинги икки рақъат суннати, Шомнинг фарздан кейинги икки рақъат суннати, шунингдек, Хуфтонники ҳам, булар — «суннати муаккада» дейилади. Уларни Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васаллам доимо ўқиб юрганлар ва сизу биз умматларига ўқишни тавсия қилганлар. Асрдан аввал ўқиладиган тўрт рақъат суннатнинг эса, ҳалиги айтганимиздек, бунчалик таъкиди йўқ. Шунинг учун буни уламолариимиз «мандуб намоз-маҳбуб намоз» дейишган. Хоҳлаган кимса ўқиса, яхши бўлади, ўқимаганларга ҳеч қандай маломат йўқ, ҳеч қандай нуқсонга йўл қўймаган бўладилар. **Валлоҳу аълам.**

## ИШРОҚ НАМОЗИ ҲАҚИДА



*Ассалому алайкум, ҳурматли Шайх ҳазратлари, Ишроқ намози ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз, илтимос (қачон ўқиш, савоби ва далиллар).*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

«Ишроқ» дегани «қуёш чиқиши» деганидир. Қуёш чиқиб бўлганидан кейин ўқиладиган на-

мозни «ишроқ» ёки «шуруқ» намози дейилади. Бу намозни ўқишга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тарғиб қилганлар.

عَنْ مُعَاذِ بْنِ أَنَسٍ الْجُهَنِيِّ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: مَنْ قَعَدَ فِي مُصَلَّاهُ حِينَ يَنْصَرِفُ مِنْ صَلَاةِ الصُّبْحِ حَتَّى يُسَبِّحَ رَكَعَتِي الضُّحَى لَا يَقُولُ إِلَّا خَيْرًا غُفِرَ لَهُ خَطَايَاهُ وَإِنْ كَانَتْ أَكْثَرَ مِنْ زَبَدِ الْبَحْرِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Муоз ибн Анас ал-Жуханий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким Бомдод намозини ўқиб бўлганидан кейин намоз ўқиган жойида то чошгоҳ намозини ўқигунча ўтирса, фақат яхшиликдан бошқани гапирмаган бўлса, унинг хатолари агар денгиз кўлигидан кўп бўлса ҳам, мағфират қилинур», – дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

وَفِي لَفْظِ التِّرْمِذِيِّ: مَنْ صَلَّى الْغَدَاةَ فِي جَمَاعَةٍ ثُمَّ قَعَدَ يَذُكُرُ اللَّهَ حَتَّى تَطْلُعَ الشَّمْسُ ثُمَّ صَلَّى رَكَعَتَيْنِ كَانَتْ لَهُ كَأَجْرِ حَجَّةٍ وَعُمْرَةٍ تَامَّةٍ تَامَّةٍ تَامَّةٍ.

Термизийнинг лафзига:

«Ким Бомдодни жамоат билан ўқиса, сўнгра қуёш чиққунча Аллоҳни зикр қилиб ўтирса, кейин икки ракъат намоз ўқиса, унинг учун ҳаж ва умранинг ажридек бўлур. Тўлиқ, тўлиқ, тўлиқ», дейилган.

Ушбу ривоятда васф қилинаётган намозни Салотуш Шуруқ – Шуруқ намози ҳам дейилади. «Шуруқ» дегани эса қуёш чиқишини билдиради. Саҳар чоғи ниҳоятда фазийлатли чоғдир.

Бу ҳадиси шарифда ҳам Бомдод намози билан қуёш чиққунча бўлган вақтни Аллоҳнинг зикри билан ўтказишга тарғиб қилинмоқда. Шу билан бирга, ишроқ-шуруқ намози ўқишга ҳам қизиқтирилмоқда. Аввал айтилганидек, Шуруқ намози чошгоҳ намозининг энг аввалги вақтдаги намозидир. Ҳадисда Бомдод намозини жамоат билан ўқишга тарғиб борлиги ҳам очиқ-ойдин кўриниб турибди.

Ушбу ҳадисга амал қилишимиз жуда ҳам зарур. Саҳар чоғи ва ишроқ намози вақтида Аллоҳ таолонинг ибодати, зикри билан машғул бўлиш ўта фазийлатли ишдир.

### ТАҲИЙЯТУЛ МАСЖИД

#### 72-САВОЛ

*Масжидга кириб келганда (намоз бошланишига ҳали вақт бор бўлганда), толиби илм ёки имом томонидан овоз чиқариб Қуръон тиловат қилинаётган бўлса, мусулмон одамнинг Таҳийятул-масжид намозини ўқиши жоиз бўладими ёки у ўтириб имомни эшитиши керак бўладими? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат. Аллоҳ ишларингизга ривож берсин, бизларнинг ҳам илмимизни зиёда қилишини сўраб дуо қилиб туришингизни сиздан илтимос қилиб, ҳурмат билан мухлисингиз.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Сиз айтган вазият вужудга келмаслиги учун масжидда тиловат қилувчилар овозларини баланд кўтармай ўқишлари лозим. Сизнинг ҳолатингизда қироятни эшитган афзал бўлади. Қироятдан кейин «таҳийятул масжид»ни ўқиб оласиз. *Валлоҳу аълам.*

### НАФЛ НАМОЗ ВАҚТЛАРИ

#### 73-САВОЛ

*Ассалому алайкум, ҳурматли Шайх ҳазратлари! Қазо, нафл, таҳажжуд намозларини қай-*

си вақтларга ўқисак, яхши бўлади. Масалан: Бомдоғ ва Пешин, Пешин ва Аср, Аср ва Шом, Шом ва Хуфтон намозлари орасида қазо, нафл ёки таҳажжуд намозларини ўқисак, бўладими?

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Таҳажжуд намозининг энг афзал вақти кечанинг охириги учдан биридир.

Субҳдан кейин унинг суннатидан бошқа нафл макруҳдир. Шунингдек, аср адо қилинганидан кейин то қуёш ботгунча ҳам нафл ўқилмайди.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ أَنَّهُ قَالَ: شَهِدَ عِنْدِي رَجَالٌ مَرَضِيُونَ فِيهِمْ عُمَرُ وَأَرْضَاهُمْ عِنْدِي عُمَرُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ نَهَى عَنْ صَلَاةٍ بَعْدَ صَلَاةِ الصُّبْحِ حَتَّى تَطْلُعَ الشَّمْسُ وَبَعْدَ الْعَصْرِ حَتَّى تَغْرُبَ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

Ибн Аббос розияллоху анҳудан ривоят қилинади. У киши:

«Менга энг рози бўлинган кишилар гувоҳлик бердилар. Уларнинг ичида энг рози бўлингани Умардир».

«Албатта, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Бомдоғ намозидан кейин то қуёш чиққунча ва Асрдан кейин (қуёш) ботгунча намоз ўқишдан қайтарганлар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Бу икки вақтда нафл намоз ўқиш макруҳдир. Тиловат саждаси, жаноза намози ва қазо намоз ўқиса, жоиз.

Уламоларимиз мазкур далиллар ва улардан бошқа ҳужжатлару қоидаларни ишга солиб, намоз ўқиш ҳаром ёки макруҳ бўлган вақтларни тартибли равишда баён қилиб берганлар.

Ҳанафий мазҳаби бўйича, қуйидаги вақтларда барча намозларни ўқиш ҳаромдир:

1. Қуёш чиқаётган пайтда.

2. Қуёш қиёмга келган вақтда (Жумъа куни мустасно).

3. Қуёш ботаётган пайтда.

Қуйидаги вақтларда нафл ўқиш ҳаром:

4. Бомдод намози фарзини ўқигандан то қуёш найза бўйи кўтарилгунча.

5. Аср намози фарзини ўқигандан то қуёш ботгунча.

Ҳанафий мазҳаби бўйича, қуйидаги вақтларда ҳам нафл намозлари ўқиш макруҳдир.

6. Тонг отгандан сўнг Бомдоднинг суннатидан бошқа намозларни ўқиш. Бунинг далили:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: خَرَجَ عَلَيْنَا رَسُولُ اللَّهِ ﷺ وَنَحْنُ نُصَلِّي بَعْدَ الْفَجْرِ، فَقَالَ: لَا صَلَاةَ بَعْدَ الْفَجْرِ إِلَّا رَكَعَتَيْنِ. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ.

*Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдимизга чиқдилар. Биз фаждан кейин намоз ўқиётган эдик. Бас, у зот: Фаждан кейин Бомдоднинг икки ракъат суннатидан бошқа намоз йўқ», – дедилар».**

*Тобароний ривоят қилган.*

7. Шом намозидан олдин нафл ўқиш. Чунки Шом намозини тез ўқишга амрлар бор. Ундан олдин нафл ўқиш Шомни кечиктириш бўлади.

8. Жумъа, ийд, ҳаж, никоҳ, кусуф ва истиско хутбалари бўлиб турган вақтда. Бу вақт имом минбарга чиққандан то намозни ўқиб бўлгунича давом этади.

9. Ийд намозидан олдин ва кейин.

10. Фарз намозга иқома айтилганда. Фақат Бомдоднинг суннатини тезда, фарзга улгуриш шарти билан ўқиб олса, рухсат. **Валлоҳу аълам.**

74-САВОЛ

Ассалому алайкум, ҳазрат! Таҳажжуд намози кечанинг қайси қисмида тўғри келишлигини ёки қайси соатга ўқиш лозимлигини айтсангиз.

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: يَنْزُلُ رَبُّنَا تَبَارَكَ وَتَعَالَى كُلَّ لَيْلَةٍ إِلَى السَّمَاءِ الدُّنْيَا حِينَ يَبْقَى ثُلُثُ اللَّيْلِ الْآخِرِ يَقُولُ مَنْ يَدْعُونِي فَأَسْتَجِيبَ لَهُ مَنْ يَسْأَلُنِي فَأُعْطِيَهُ مَنْ يَسْتَغْفِرُنِي فَأَغْفِرَ لَهُ. رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Раббимиз таборака ва таоло ҳар кечанинг охирги учдан бири қолганда дунё осмонига но-зил бўлади ва:

«Ким Менга дуо қиладики, Мен уни қабул қилсам, ким Мендан сўрайдики, Мен унга берсам, ким Менга истиғфор айтадики, Мен уни мағфират қилсам», дейди», – дедилар».

*Тўртовлари ривоят қилишган.*

Бу ҳадиси шарифдан Таҳажжуд намозини кечанинг охирги учдан бирида ўқиш афзаллиги билинади. Чунки ўша пайтда Аллоҳ таоло дунё осмонига тажалли қилган, дуо, сўров ва истиғфорларни тўсиқсиз қабул қилаётган бўлади. Албатта, бундоқ фазийлатли вақтни Таҳажжуд намози ила ўтказаетган банда фоят улуғ мақомларга эришиши турган гап. У вақтда банданинг қилган дуоси Аллоҳ таоло томонидан дарҳол қабул бўлади, сўраган нарсаси берилади, гуноҳлари кечирилади.

Шунинг учун, бу амални қилишга, яъни таҳажжуд намозини кечанинг охирги учдан бирида ўқишга ўтмоғимиз, қилаётганларимиз яна ҳам қатъиятли бўлишимиз керак. **Валлоху аълам.**

## 15-БОБ. МАСЖИДЛАР БОБИ

### 75-САВОЛ

*Масжид ичида садақага даъват этиш, садақа йиғиш, ҳар хил билдирув ва эълонлар айтиш қангоқ бўлади?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: مَنْ سَمِعَ رَجُلًا يَنْشُدُ ضَالَّةً فِي الْمَسْجِدِ فَلْيَقُلْ لَا رَدَّهَا اللَّهُ عَلَيْكَ فَإِنَّ الْمَسَاجِدَ لَمْ تُبْنَ لِهَذَا. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ.

*Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Ким масжидда йўқолган нарсасини сўраган одамни эшитса, унга: «Аллоҳ сенга уни қайтармасин. Масжид бунинг учун бино қилинмаган», десин», – дедилар».**

*Муслим ва Абу Довуд ривоят қилишган.*

Демак, масжидда туриб йўқолган нарсани эълон қилиш, уни излаш мумкин эмас. Чунки масжид ибодат қилиш, дийний ҳожатларни қондириш масканидир. Йўқолган нарсаларни топиш идораси эмас.

Аммо масжид эшигидан ташқарида, у ерга келганлардан йўқолган нарса ҳақида маълумот сўраса, бўлади. Ушбу нарсага яхши эътибор беришга муҳтожмиз.

Баъзи жойларда имомлар томонидан масжиднинг ичида, минбарда туриб йўқолган нарса ҳақида эълонлар қилинади. Бу нарса тўғри эмаслиги ушбу ҳадисдан кўриниб турибди.

وَلِمُسْلِمٍ: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ لَمَّا صَلَّى قَامَ رَجُلٌ فَقَالَ: مَنْ دَعَا إِلَى الْجَمَلِ الْأَحْمَرِ فَقَالَ ﷺ: لَا وَجَدتَ إِنَّمَا بُنِيَتِ الْمَسَاجِدُ لِمَا بُنِيَتْ لَهُ.

Имом Муслим қилган ривоятда айтилишича:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқиб бўлганларида бир одам ўрнидан туриб:

«Ким қизил туяни кўрди?» – деди.

Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Уни тополмагин. Масжидлар ўзлари бино қилинган нарса учундир», – дедилар».

Бу ҳадисда ҳам масжид ичида йўқолган нарса-ни сўраб бўлмаслиги ҳақида сўз кетмоқда.

وَلِلتَّرْمِذِيِّ وَالنَّسَائِيِّ: نَهَى النَّبِيُّ ﷺ عَنْ تَنَاشُدِ الْأَشْعَارِ فِي الْمَسْجِدِ وَعَنِ الْبَيْعِ وَالِإِشْتِرَاءِ فِيهِ وَأَنْ يَتَحَلَّقَ النَّاسُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ قَبْلَ الصَّلَاةِ.

Термизий ва Насайй келтирган ривоятда:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидда шеър айтишдан, олди-сотди қилишдан ва Жумъа куни намоздан олдин ҳалқа бўлиб ўтиришдан наҳйи қилдилар», дейилган.

Ушбу ривоятда масжид одобларидан учтаси ҳақида сўз кетмоқда:

1. Масжидда шеър айтиш мумкин эмас.

Одатда, шеърда ҳажв, баъзи ноқулай гаплар бўлади. Булар масжид шароитига тўғри келмайди. Лекин фойдали, одоб доирасидаги шеър жоиз.

2. Масжидда олди-сотди қилиш мумкин эмас.

Чунки олди-сотди учун бозор, савдо дўконлари бор, ўша жойларда қилиш керак. Масжид бозор ёки савдо маркази эмас.

3. Жумъа кунлари Жумъа намозидан олдин ҳалқа бўлиб ўтирмаслик.

Жумъа куни масжидга кўп одам келади. Ҳалқа бўлиб ўтирилса, саф олишга ҳалал бериши мумкин. Масжидга келган одам олдинги сафлардан жой олиб ўтириши керак.

Ушбу ишларга тўла амал қилишга ўтсак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амрларини бажо келтирган бўламиз. **Валлоҳу аълам.**

## 16-БОБ. ЖАНОЗА ВА МАЙИТ БОБИ

### 76-САВОЛ

Ассалому алайкум, шайх ҳазратлари. Сизга саволларим бор эди:

1. Агар ишхонада мен билан бирга ишлайдиган бир насронийнинг яқин кишиси оламдан ўтиб қолса, унга таъзия билдиришим керакми?

2. Мусулмон кишига насронийларнинг «похорон»исига бориши мумкинми? Ёки бормаган маъқулми? Раҳмат.

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Агар ишхонада сиз билан бирга ишлайдиган бир насронийнинг яқин кишиси оламдан ўтиб қолса, унга таъзия билдиришингиз мумкин.

Мусулмон киши насронийларнинг дафн маросимига бориши мумкин. Аммо ибодатларида иштирок этиш мутлақо мумкин эмас. *Валлоҳу аълам.*

### 77-САВОЛ

Ҳар йили онамизнинг вафот этган кунларида онам яшаган уйда йиғилиш бизга одат эди. Лекин бир йилча аввал бир танишимиз: «Ўлган кунда йиғилиш Исломга хос эмас», деди. Биз ўша санада эмас, балки эртасига йиғилдик. Кейин ўйлаб қолдим. Ўлган одам учун маълум бир санада йиғилиш Исломга кўра умуман мумкин эмасми ёки бу борада бошқа йўриқлар борми?

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Бизнинг дийнимизда бир инсоннинг ўлган кунини хотирлаб оила аъзоларининг йиғилиши ёки йиғилмаслиги тўғрисида кўрсатма йўқ. Мусулмонларда қадимдан маълум бир одамнинг ўлган кунини эслаб тўпланиш ва хотирлаш маънолари айнан ўша кунга белгилаб қўйилмаган. Ўлганларни хотирлаш доимий равишда бўлиши керак. Уларни ҳамиша хотирлаб дуода бўлмоқ тирикларнинг бурчи ҳисобланади. Шу билан бирга, эътиқодимиз бўйича, вафот этган кишиларнинг

таналари чириган бўлса ҳам, руҳлари тирикдир. Ва яқинларининг қилаётган амаллари ўлганларнинг руҳига намойиш қилиб турилади. Ҳамда мана шу намойиш ҳар доим давом этади. Шунинг учун, вафот этган яқинлари руҳини шод этаман деган мусулмон доимий равишда ҳалол-пок, ибодатда ва яхши амалларни қилишда бардавом бўлиши лозим. Бу иши вафот этганлар учун энг яхши ёднома бўлади. Лекин йилда бир кун маълум бир шаҳснинг вафот этган кунини белгилаб йиғилиш шариатда йўқ. Ҳамда йиғилмаслик тўғрисида буйруқ ҳам йўқ. *Валлоҳу аълам.*

78-САВОЛ

*Одамлар орасида «Агар инсон Жумъа куни вафот этса, тўғридан-тўғри, савол-жавобсиз жаннатга тушади» деган ақийда мавжуд. Шу гап қанчалик рост?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Бу асоссиз гап. Жумъа кунининг фазли ҳақидаги гапларни айтадиган бўлсак, Жумъа куни бир инсон вафот этадиган бўлса, ана шу куннинг ҳурматидан фақат шу Жумъа кунининг ўзида Аллоҳ таоло мазкур ўлган одамнинг сўроқ-саволини кечиктириб туради, холос. Жумъа куни чиқиши билан сўроқ-савол бошланади ва бошқа ҳар бир ўлган одамга жорий бўладиган амаллар у одамнинг ҳам бошига тушади. «Сўроқ-саволсиз жаннатга киради», деган сўз мутлақо нотўғри. Жаннатга киришга сабаб бўладиган кўпгина нарсалар бор, буларнинг бошида иймон-эътиқод ва ибодат ҳамда яна кўпгина яхши амаллар туради. Бунга ояту ҳадисларда далиллар келади. Лекин уларнинг бирортасида «Жумъа куни ўлса, бўлди, жаннатга киради» деган гап йўқ. Буни жиддий гап сифатида қабул қилишнинг кераги йўқ. *Валлоҳу аълам.*

## ВАФОТ ЭТГАН ОДАМГА ГУВОҲЛИК

### 79-САВОЛ

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух! Шайх ҳазратлари, сизга бир саволим бор эди. Одамга, маййит кўмилганда бир одам тўпланганларга қарата «Марҳум фалончи қандай одам эди?» деб савол ташлайди. Шунда тўпланганлардан бири: «Яхши одам эди», деб жавоб беради. Шу одамга кўра, мен марҳумни танимасам ҳам ёки ёмон одам эканини аниқ билсам ҳам «Яхши одам эди» деб қўйсам, бўладими?

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Бу ишни қуйидаги ҳадислардан умидвор бўлганликдан қилинади:

عَنْ ابْنِ عُمَرَ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: اذْكُرُوا مَحَاسِنَ مَوْتَاكُمْ وَكُفُّوا عَن مَسَاوِيهِمْ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ.

Ибн Умар розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ўлганларингизнинг яхшиликларини зикр қилинглар. Уларнинг ёмонликларидан тийининглар», – дедилар».

Термизий ва Абу Довуд ривоят қилишган.

Ушбу ҳадиси шариф ўлганларнинг фақат яхшиликларини зикр қилиш кераклиги билан ёмонликларини мутлақо зикр қилмасликни жамлаб келмоқда.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: مَرَّ بِجَنَازَةٍ فَأُتِنِي عَلَيْهَا خَيْرًا فَقَالَ نَبِيُّ اللَّهِ ﷺ: وَجَبَتْ وَجَبَتْ وَجَبَتْ وَمَرَّ بِجَنَازَةٍ فَأُتِنِي عَلَيْهَا شَرًّا فَقَالَ نَبِيُّ اللَّهِ ﷺ: وَجَبَتْ وَجَبَتْ وَجَبَتْ

قَالَ عُمَرُ: فِدَى لَكَ أَبِي وَأُمِّي مُرَّ بِحَنَازَةٍ فَأُتِنِي عَلَيْهَا خَيْرٌ  
فَقُلْتُ وَجَبْتُ وَجَبْتُ وَجَبْتُ وَمُرَّ بِحَنَازَةٍ فَأُتِنِي عَلَيْهَا شَرٌّ  
فَقُلْتُ وَجَبْتُ وَجَبْتُ وَجَبْتُ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: مَنْ أَتَيْتُمْ  
عَلَيْهِ خَيْرًا وَجَبْتُ لَهُ الْجَنَّةُ وَمَنْ أَتَيْتُمْ عَلَيْهِ شَرًّا وَجَبْتُ لَهُ  
النَّارُ أَنْتُمْ شُهَدَاءُ اللَّهِ فِي الْأَرْضِ أَنْتُمْ شُهَدَاءُ اللَّهِ فِي الْأَرْضِ  
أَنْتُمْ شُهَدَاءُ اللَّهِ فِي الْأَرْضِ. رَوَاهُ الْحَمْسَةُ.

*Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:*

«Бир жанозани олиб ўтилди. Унинг ҳақиға яхши гаплар айтилди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Вожиб бўлди, вожиб бўлди, вожиб бўлди», – дедилар.

Яна бир жанозани олиб ўтилди. Унинг ҳақида ёмон гаплар айтилди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Вожиб бўлди, вожиб бўлди, вожиб бўлди», – дедилар. Умар розияллоҳу анҳу:

«Ота-онамиз сизга фидо бўлсин, нима вожиб бўлди?» – деди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳақида яхши гаплар айтган одамингизга жаннат вожиб бўлди. Ҳақида ёмон гаплар айтган одамингизга дўзах вожиб бўлди. Сиз Аллоҳнинг ер юзидаги шоҳидларисиз. Сиз Аллоҳнинг ер юзидаги шоҳидларисиз. Сиз Аллоҳнинг ер юзидаги шоҳидларисиз», – дедилар».

*Бешовлари ривоят қилишган.*

وَفِي لَفْظِ النَّسَائِيِّ: الْمَلَائِكَةُ شُهَدَاءُ اللَّهِ فِي السَّمَاءِ  
وَأَنْتُمْ شُهَدَاءُ اللَّهِ فِي الْأَرْضِ.

*Насаийнинг лафзига:*

**«Фаришталар Аллоҳнинг осмондаги шоҳидларидир. Сиз Аллоҳнинг ер юзидаги шоҳидларисиз», дейилган.**

Аввалги ҳадисда ўлганларни фақат яхшилик билан эслаш ҳақида сўз кетган эди. Бу ерда ёмонлик билан зикр қилиш бўлмоқда-ку, қандоқ бўлди?» деган савол пайдо бўлиши табиий. Бу саволнинг жавоби шуки, ўлганларни сўкишдан қайтариш маъносидаги ҳадислар кофир, мунофиқ ва гуноҳ ишларни очиқ-ойдин қилмаган кишиларга хосдир. Аммо, ушбу уч тоифани уларнинг йўлидан, уларга эргашишдан ҳазар қилиш учун ёмон гаплар билан эслаш ҳаром бўлмайди, дейилган.

عَنْ أَبِي الْأَسْوَدِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَدِمْتُ الْمَدِينَةَ وَقَدْ وَقَعَ بِهَا مَرَضٌ فَجَلَسْتُ إِلَى عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ فَمَرَّتْ بِهِمْ جَنَازَةٌ فَأُنِّيَ عَلَيَّ صَاحِبُهَا خَيْرًا فَقَالَ عُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: وَجَبَتْ ثُمَّ مَرُّ بِأُخْرَى فَأُنِّيَ عَلَيَّ صَاحِبُهَا خَيْرًا فَقَالَ عُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: وَجَبَتْ ثُمَّ مَرُّ بِالثَّالِثَةِ فَأُنِّيَ عَلَيَّ صَاحِبُهَا شَرًّا فَقَالَ أَبُو الْأَسْوَدِ: فَقُلْتُ وَمَا وَجَبَتْ يَا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ، قَالَ: قُلْتُ كَمَا قَالَ النَّبِيُّ ﷺ أَيَّمَا مُسْلِمٍ شَهِدَ لَهُ أَرْبَعَةٌ بِخَيْرٍ أَدْخَلَهُ اللَّهُ الْجَنَّةَ فَقُلْنَا: وَثَلَاثَةٌ؟ قَالَ: وَثَلَاثَةٌ، فَقُلْنَا: وَاثْنَانِ؟ قَالَ: وَاثْنَانِ ثُمَّ لَمْ نَسْأَلْهُ عَنِ الْوَاحِدِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ.

Абул Асвад розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мадийнага бордим. У ерда касаллик тарқалган экан. Умар розияллоҳу анҳунинг олдида ўтирдим. Уларнинг олдидан жаноза ўтди. Бас, унинг соҳибига мақтов айтилди. Умар: «Вожиб бўлди», - деди. Сўнгра яна бошқаси ўтди. Унинг

соҳибига ҳам мақтов айтилди. Умар: «Вожиб бўлди», – деди. Кейин учинчиси олиб ўтилди. Унинг соҳибига ёмон гап айтилди. Умар: «Вожиб бўлди», – деди. Абул Асвад:

«Нима вожиб бўлди, эй амирал мўминин?» – деди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам нима деган бўлсалар, шунини айтдим. Қайси бир мусулмонга тўртта одам яхшилик ила гувоҳлик берса, Аллоҳ уни жаннатга киритади», – деди.

«Учта бўлса ҳамми?» – дедим.

«Учта бўлса ҳам», – деди.

«Иккита бўлса ҳамми?» – дедим.

«Иккита бўлса ҳам», – деди.

Битта ҳақида сўрамадик».

*Бухорий, Термизий ва Насаий ривоят қилишган.*

Бу савол ва шунга ўхшаган бошқа саволлар ҳозир биз ўрганаётган ҳадисларнинг зоҳирий маъносидан келиб чиққан. Ушбу ҳадисларни сиртдан ўрганган одамда «Бу дунёда нима бўлса ҳам қилиб юрган одам ўлгандан кейин орқасидан одамлар, «яхши эди» деб гувоҳлик берсалар – жаннатий, бутун умрини тақво ва ибодат билан ўтказган одам ўлганидан кейин одамлар орқасидан, «ёмон эди» деб гувоҳлик берса, дўзахий бўлиб кетаверар экан-да» деган хаёл пайдо бўлиши мумкин.

Аслида эса, ундоқ эмас. Аввало, юқорида зикр қилинганидек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Вожиб бўлди» дейишларидан олдин «Шундоқ эканлигини биласизми?» деб сўраганлар. Яъни, маййитга берилган гувоҳлик воқеъликка тўғри келиш-келмаслигини аввал суриштириб кўриб, кейин жаннат ёки дўзахнинг вожиб бўлганини айтганлар. Шунинг учун, бундоқ ҳолатда тирикларнинг гувоҳлиги ўликларнинг амалига мос келиши керак, деган шарт келиб чиқади.

Ўтган машҳур уламолардан Ибн ат-Тийн раҳматуллоҳи алайҳи:

«Бу иш саҳобаларга хосдир. Улар доимо ҳикмат билан гапирар эдилар», деган.

Шунингдек, бу иш ишончли ва тақводор кишиларга хос, деган уламолар ҳам бор. **Валлоху аълам.**

## 80-САВОЛ

*Биз тарафда бирон киши ўлса, майитни кўмишдан олдин жанозага келган кишиларга 500 сўм, 1000 сўм, 3000 сўмдан пул беришади. Кейин 3–4 кундан сўнг «етти» деб қишлоққа ош беради. Яна «қирқ», «йил» деб ош беришади, шу ишлар шариятда борми? Ўша ошларга қатнашиб, еб-ичиш мумкинми-йўқми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Майитни кўмишдан олдин жанозага келганларга пул бериш шариятда йўқ. Шунингдек, «етти», «йигирма», «қирқ» ва «йил» деб номланадиган маросимлар ҳам шариятда йўқ. Аммо ўлганнинг номидан, савобини унга бағишлаб садақа қилиш бор. Бунда кун саналмайди. Етимларнинг ризқига зарар етказилмайди. Тирикларни қийнаш даражасида бўлмайди. Бу каби садақалар мажбурий эмас. Ўзидан ортгирганда, бемалол вақтида, бидъат-хурофотни аралаштирмай, риёкорликдан қочиб ва иложи борича муҳтожларга фойда берадиган қилиб адо этилса, яхши бўлади.

Шу билан бирга, вафот этганларга аталган садақа албатта таом бўлиши шарт эмас. Муҳтож мўмин-мусулмонларга қилинадиган ҳар бир ёрдам садақа бўлаверади.

Бу маънода «Шарҳи ақийдати Таҳовия» китобида қуйидагилар келган:

**«Тирикларнинг дуо ва садақаларидан ўлганларга манфаат бордир».**

Шарҳ: Аҳли сунна ва жамоа ўлганлар тирикларнинг амалларидан икки йўл билан манфаат олишларига иттифоқ қилганлар.

Биринчиси: Ўлган одам тириклигида қилган амалидан (яъни тириклик чоғида охирати учун

қилган ишлари ўлганидан кейин ўзига манфаат етишига сабаб бўлади).

Иккинчиси: Мукулмонларнинг унинг ҳаққига қилган дуолари ва айтган истиффорлари. Унинг номидан қилинган садақалари ва ҳажлари.

Баданий ибодатнинг савоби ўлганга етадимийўқми, деган масалада ихтилоф бўлган. Баданий ибодат рўза, намоз, Қуръон қироати ва зикрга ўхшаган нарсалардан иборат.

Абу Ҳанийфа, Аҳмад ибн Ҳанбал ва жумҳур: (кўпчилик) баданий ибодат савоби ўлганга етади, деганлар.

Шофеъий мазҳабидан машҳур гап ва Молик: етмайди, дейдилар.

Ўлганга ўзидан бошқанинг амали савоби етишига далил Қуръонда, Суннатда, Ижмоъда ва Қиёсда бордир:

Қуръондан далил:

وَالَّذِينَ جَاءُوا مِنْ بَعْدِهِمْ يَقُولُونَ رَبَّنَا اغْفِرْ لَنَا  
وَلِإِخْوَانِنَا الَّذِينَ سَبَقُونَا بِالْإِيمَانِ

«Улардан кейин келганлар: «Эй Раббимиз, бизни ва биздан олдин иймон билан ўтган биродарларимизни мағфират қилгин», дерлар» («*Ҳашр*» сураси, 10-оят).

Аллоҳ таоло ушбу оятда ўзларидан олдин ўтган мўминларга мағфират сўраганларни мадҳ қилмоқда. Бу эса, ўлганлар тирикларнинг истиффоридан манфаат олишига далолат қилади.

Суннатдан далил:

عَنْ عُمَانَ بْنِ عَفَانَ رضي الله عنه قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ صلى الله عليه وسلم إِذَا فَرَغَ مِنْ دَفْنِ الْمَيِّتِ وَقَفَ عَلَيْهِ فَقَالَ: اسْتَغْفِرُوا لِأَحْبِبِّكُمْ وَسَلُّوا لَهُ بِالتَّشْبِيتِ فَإِنَّهُ الْآنَ يُسْأَلُ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

Имом Абу Довуднинг «Сунан» китобига Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳудан қуйидаги ҳадис ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўлик дафн қилиб бўлганидан кейин устида туриб: «Биродарингизга истиғфор айтинглар. Унга собитлик сўранглар. Чунки у ҳозир сўроқ қилинади», – дер эдилар».**

Шунингдек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан қабрлари зиёрат қилган вақтда ўлганларга дуо қилиш ҳақида ҳадислар келган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَتَى الْمَقْبِرَةَ فَقَالَ: السَّلَامُ عَلَيْكُمْ دَارَ قَوْمٍ مُؤْمِنِينَ وَإِنَّا إِن شَاءَ اللَّهُ بِكُمْ لَاحِقُونَ. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мақба­рага келдилар ва:**

**«Ассалому алайкум дора қавмим мўминийн. Ва инна иншоаллоҳу бикум лаҳиқун», – дедилар».**

Абу Довуд ва Насаий ривоят қилишган.

Ижмоъдан далил:

Ислому умматининг эътиборли асосий қисми жамъ бўлиб, ўлганга жаноза намозидаги дуони далил қилиб, ўлган кимса тирикларнинг дуосидан манфаат олади, деганлар. Жаноза намозидаги дуолар маълум ва машҳурдир.

Қиёсдан далил:

Баданий ибодат бўлмиш дуо ўлганга манфаат берганидан кейин, рўза, намоз каби бошқа баданий ибодатлар ҳам манфаат бериши турган гап. Чунки орада фарқ йўқ. Бунинг устига, бошқа баданий ибодатлар ҳам манфаат бериши ҳақида ҳужжат ва далиллар бор.

## САДАҚАНИНГ САВОБИ ЕТИШИГА ДАЛИЛ

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّ رَجُلًا قَالَ لِلنَّبِيِّ ﷺ: إِنَّ أُمَّيْ افْتَلَيْتُ نَفْسَهَا وَأَظْنُهَا لَوْ تَكَلَّمْتُ تَصَدَّقْتُ فَهَلْ لَهَا أَجْرٌ إِنْ تَصَدَّقْتُ عَنْهَا قَالَ: نَعَمْ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

1. «Бир киши Расулулоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Ё Расулаллоҳ, онам тўсатдан вафот этди. Уйлайманки, агар тирик бўлганида, садақа қилар эди. Унинг номидан садақа қилсам, унга ажр-савоб бўладими?» – деб сўраганда, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа!» – деб жавоб бердилар.

*Бухорий ва Муслим Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилганлар.*

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ سَعْدَ بْنَ عُبَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنْ أُمَّيْ تُوْفِّيْتُ وَأَنَا غَائِبٌ عَنْهَا فَهَلْ يَنْفَعُهَا شَيْءٌ إِنْ تَصَدَّقْتُ بِهَا عَنْهَا قَالَ: نَعَمْ، قَالَ: فَإِنِّي أَشْهَدُكَ أَنَّ حَائِطِي الْمِخْرَافَ صَدَقَةٌ عَلَيْهَا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

2. «Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Ё Расулаллоҳ, онам менинг йўқлигимда вафот этди. У кишининг номидан садақа қилсам у кишига манфаат берадими?» – деб сўраганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа», – деб жавоб бердилар. Шунда Саъд розияллоҳу анҳу: «Сизни гувоҳ қиламанки, ҳосилдор боғим у кишининг номидан садақа», – деди.

*Бухорий Ибн Аббосдан ривоят қилган.*

## ЖАНОЗА НАМОЗИДА БОШНИНИ КЎТАРИШ

### 81-САВОЛ

*Баъзида жаноза намозига борганимизда, жаноза намози ўқилаётганда, бош юқорига кўтарилиб, тепага қаралади. Баъзан эса бу ҳол бўлмайди. Савол шуки, жаноза намозига тепага қараш керакми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Жаноза намози ўқилганида, бошни юқорига кўтариб, тепага қаралиши ҳеч қандай китобларимизда зикр қилинмаган, «бу нарсани қилиш лозим» деб айтилган ҳеч бир кўрсатма йўқ. Шунинг учун, жаноза намозига такбир айтгандами, бошқа пайтдами бошни юқорига кўтариш, тепага қараш маънолари тўғри эмас, у нарсани қилмаслик керак. *Валлоҳу аълам.*

## АРВОҲГА ШАМ ЁҚИШ

### 82-САВОЛ

*Биз баъзи инсонларнинг арвоҳ руҳига шам ёққанларини кузатамиз. Лекин мени бу ишнинг гуноҳ ёки йўқлиги қизиқтиради. Савол шуки, Ислом дийнида арвоҳ руҳига шам ёқиш жоизми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Бунинг мутлақо Исломга тегишлиги йўқ, балки гуноҳи азим бўлади. Арвоҳларга атаб қабрларга, бошқаларга шам ёқиш мажусийларнинг, насронийларнинг, бошқа дийн вакилларининг иши ҳисобланади. Мусулмонликда арвоҳларгами, бошқаларгами атаб шам ёқиш мутлақо йўқ, рухсат берилмаган, гуноҳ бўладиган иш ҳисобланади. *Валлоҳу аълам.*

### 83-САВОЛ

*Ўлими яқинлашган кишини қибла томонга юзини мойил қилиб ётқизиб қўйилади ёки қиб-*

лага оёғини қилиб, чалқанча ётқизилади, шу тўғрими?

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Муҳтазар, суннатга биноан, ўнг ёнбоши билан қиблага қаратиб ётқизилади. Чунки вафот этганидан кейин худди шу ҳолда қабрга қўйилади.

Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам Байтуллоҳ ҳақида:

«У тиригининг ҳам, ўлигининг ҳам қибласидир», деганлар.

عَنْ أَبِي قَتَادَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حِينَ قَدِمَ الْمَدِينَةَ سَأَلَ  
عَنْ الْبَرَاءِ بْنِ مَعْرُورٍ، فَقَالُوا: تُوْفِّي وَأَوْصِي بِثُلْثِهِ لَكَ يَا  
رَسُولَ اللَّهِ، وَأَوْصِي أَنْ يُوجَّهَ إِلَى الْقِبْلَةِ لَمَّا اخْتَضَرَ، فَقَالَ  
رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَصَابَ الْفِطْرَةَ وَقَدْ رَدَدْتُ ثُلْثَهُ عَلَيَّ وَلَدِهِ».  
رَوَاهُ الْحَاكِمُ.

Имом Ҳоким Абу Қатодан қилган ривоятга қуйидагилар айтилади:

«Набий солаллоҳу алайҳи васаллам Мадийнага келиб Баро ибн Маърур ҳақида сўрадилар. «У вафот қилди. Молининг учдан бирини васият қилди. Муҳтазар бўлганида қиблага юзлантиришга васият қилди», дейилди.

Шунда Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам:

«Соф табиатни топибди», – дедилар.

Агар бунинг иложи бўлмаса, у чалқанча ҳолда, юзи ва икки оёғи қиблага қаратиб ётқизилади. Чунки бу ҳолда унинг жағини танғиш, кўзини юмдириш осон бўлади. Маййит қотганда букилиб қолмайди. *Валлоҳу аълам.*

## 17-БОБ. ҚАБРИСТОН ВА МАҚБАРЛАР

### 84-САВОЛ

Қабр бошига тиловат қилишликни макруҳ деб билар эдим. Дўстларим менга баъзи китобларни кўрсатиб, мана бу ерда ёзилишича, қабр бошига тиловат қилса бўлар экан-ку, деб айтишмоқда. Яна, маййит кўмилганда, савол-жавоб пайтида каловланиб қолар экан, шунинг учун ҳар қадамда ёки етти қадамда тиловат қилиш керак, дейишмоқда. Мен уларга дийннинг аслини, ҳақийқатини тушунтирмоқчи бўлдим. Исроф, далил келтиролмаганим учун, улар гапимни ҳазм қила олишмаяпти.

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

### ҚАБР УСТИДА ТИЛОВАТ ҲАҚИДА

عَنْ مَعْقِلِ بْنِ يَسَارٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ ﷺ: اقْرءُوا  
﴿يَس﴾ عَلَى مَوْتَاكُمْ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ  
وَأَبْنُ حِبَّانَ.

Маъқил ибн Ясор розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ўликларингизга «Йаасийн»ни қироат қилинг», дедилар».

Абу Довуд, Насайй, Аҳмад ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

**Шарҳ:** Уламоларимиз ушбу ҳадиси шарифни тушунишда уч хил ижтиҳод қилганлар.

Баъзилари: ҳадисдаги «ўликларингизга» дейилганидан мурод «ўлим тўшагида ётганларингизга» дейилгани. Шунинг учун муҳтазар кишига «Йаасийн» сурасини ўқиш керак. Бу сурада: қайта тирилиш, қиёмат, жаннат ва дўзах, шайтоннинг фитнасидан ҳазир бўлиш каби масалалар зикр

қилингани учун айнан шу сурани ўқишга амр қилинган, дейдилар.

Бу гуруҳдаги уламоларнинг машҳурлари имом Молик ва имом Шофеъийдир.

Иккинчи тоифа уламолар имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Ҳанафийлар, баъзи Моликий ва Шофеъийлар бўлиб, улар: қироат ўликлар учунгина қилинади, деганлар ва ўз гапларига ушбу ҳадисни ва Ислому умматининг амалини ҳужжат қилиб келтирганлар. Шу билан бирга, ўз нуқтаи назарларини қуйидагича шархлаганлар:

1. Ҳадисда «ўликларингизга» дейилган, «ўлим тўшагида ётганларингизга» дейилган эмас. «Ўлик» ҳақийқатда ўлиб бўлган шахсга ишлатиладиган лафз дир. «Ўлик» сўзини ўлим тўшагида ётган кишига ишлатиш учун қўшимча далил ёки ишора керак. Бу ерда у нарса йўқ. Имом Шавконий шунга айтади:

«ал-Муҳиб ат-Тобарий:

«Мазкур ҳадисга умумий жиҳатдан амал қилиш ҳаққидир. Буни Дорақутний келтирган қуйидаги ҳадис ҳам қўллайди:

﴿قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ﴾ مَن مَّرَّ بِالْمَقَابِرِ فَقَرَأَ ﴿قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ﴾ إِحْدَى عَشْرَةَ مَرَّةً، ثُمَّ وَهَبَ أَجْرَهُ لِلْأَمْوَاتِ، أُعْطِيَ مِنَ الْأَجْرِ بَعْدَ الْأَمْوَاتِ.

«Ким қабристонга кириб, «Қул ҳуваллоҳу аҳад»ни ўн бир марта ўқиб, савобини ўликларга бағишласа, унга ўликлар ададича ажр берилади», дейилган», дейди.

2. Қироатнинг ҳикматларидан бири енгиллик келтиришдир. Бу нарса муҳтазарга матлуб бўлганидек, маййитга ҳам матлубдир.

«Муснадул Фирдавсда»: «Қайси бир ўлик ўлгандан кейин унинг олдида «Йаасийн» қироат қилинса, Аллоҳ унга албатта енгиллик беради», дейилган.

Имом Аҳмад: «Машойихлар: «Қачон маййит учун «Йаасийн» қироат қилинса, унга енгиллик берилади», дер эканлар», деган.

3. Жаноза намозида «Фотиҳа» сураси ўқилишига қиёс қилинади.

4. Ҳадисларда қабрларни зиёрат қилишда ўликларга салом бериш талаб қилинган. Агар маййит башарнинг каломи бўлмиш саломдан унсу улфат топар экан, нима учун Аллоҳнинг каломидан унс олмаслиги керак?!

5. Қуръон қироат қилинган жойда сакийна ва раҳмат нозил бўлиши маълум ва машҳур. Нима учун маййит бор жойга сакийна ва раҳмат нозил бўлмаслиги керак экан?!

6. Ҳадиси шарифда ривоят қилинганки, сафарга чиққан бир одам билмасдан қабр устига қапа тикиб олади. Кейин қабр ичидаги инсон «Таборақ» сурасини охиригача қироат қилганини эшитиб, буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга зикр қилинганда, у зот:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: هِيَ الْمَانِعَةُ هِيَ الْمُنْجِيَةُ تُنْجِيهِ مِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ.

«У, (Таборақ сураси) манъ қилувчидир. У, нажот берувчидир. Унга қабр азобидан нажот беради», деганлар.

Ўликнинг қабр ичида туриб Қуръон қироат қилгани собит бўлганидан кейин, тириклар қабр устида туриб қироат қилишларини нима учун манъ этиш керак?!

Қироатни манъ қилувчи ҳеч қандай далил йўқ. Маълумки, шариат бўйича бирор ишни қилишга ҳам, қилмасликка ҳам далил-ҳужжат бўлиши керак. Ўликка қироат қилишни манъ қиладиган далил йўқ. Ушбу тоифа уламолар: бу гаплар қироати Қуръон қилиб савобини бағишлаганда айтиладиган гаплардир, агар савобини бағишлайдиган бўл-

са, бу гапларга ҳам ўрин қолмайди, чунки унда дуо маъносига айланади, дуодан маййит манфаат олишини ҳеч ким инкор қила олмайди, дейдилар.

Имом Жалолуддин Суютий ўзларининг «Шарҳис-Судури бишарҳи ҳолил мавта вал қубури» номли китобларининг «Дафн пайтида айтила-диган нарсалар боби»да, жумладан, қуйидагилар-ни келтирадилар:

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا يَقُولُ: سَمِعْتُ النَّبِيَّ ﷺ يَقُولُ: إِذَا مَاتَ أَحَدُكُمْ فَلَا تَحْبِسُوهُ، وَأَسْرِعُوا بِهِ إِلَى قَبْرِهِ، وَلْيُقْرَأْ عِنْدَ رَأْسِهِ بِفَاتِحَةِ الْكِتَابِ، وَعِنْدَ رِجْلَيْهِ بِخَاتِمَةِ الْبَقْرَةِ فِي قَبْرِهِ.

وَفِي رِوَايَةِ الْبَيْهَقِيِّ: ... وَأَقْرَأُوا عِنْدَ رَأْسِي أَوَّلَ الْبَقْرَةِ وَخَاتِمَتَهَا.

*«Тобароний ва Байҳақийлар Ибн Умар розияллоху анхудан ривоят қиладилар:*

**«Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Қачон бирингиз вафот этса, уни ушлаб турманглар. Уни қабрига тезроқ элтинглар. Унинг бош тарафида «Фотиҳа»ни, оёқ тарафида эса «Бақара»нинг охирини қабрига қироат қилинсин» деганларини эшитганман», деди».**

*Байҳақийнинг лафзига:*

**«бош тарафимда «Бақара»нинг аввали ва охирини қироат қилинглр», дейилган.**

عَنِ الْعَلَاءِ بْنِ الْعَلَّاجِ، قَالَ: قَالَ لِي أَبِي: يَا بُنَيَّ، إِذَا أَنَا مُتُّ فَأَلْحِدْنِي، فَإِذَا وَضَعْتَنِي فِي لِحْدِي، فَقُلْ: بِسْمِ اللَّهِ وَعَلَى مِلَّةِ رَسُولِ اللَّهِ، ثُمَّ سِنِّ عَلَيَّ الثَّرَى سِنًّا، ثُمَّ أَقْرَأْ عِنْدَ

رَأْسِي بِفَاتِحَةِ الْبَقَرَةِ، وَخَاتِمَتِهَا، فَإِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ  
ﷺ يَقُولُ ذَلِكَ.

Тобароний Абдурроҳман ибн ал-Алаа ибн Лажлождан ривоят қилади:

«Отам менга «Қачон мени лаҳадимга қўйсанг, «Бисмиллаҳи ва ала миллати Расулиллаҳи (соллаллоҳу алайҳи васаллам)», дегин. Сўнгра устимга тупроқ тортгин. Кейин бош тарафимда «Бақара»нинг аввали ва охирини қироат қилгин. Мен Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам шуни айтганларини эшитганман» деди».

Яна ўша китобнинг «Маййитга ёки қабрга Қуръон қироат қилиш боби»да имом Жалолийддин Суютий раҳматуллоҳи алайҳи қуйдагиларни ёзадилар:

«Мусулмонлар барча асрларда ҳеч қандай инкорсиз жамланиб ўликларига қироат қилиб келмоқдалар. Бас, бу нарса ижмоъ бўлади. Буларнинг ҳаммасини Ҳофиз Шамсуддин Абдул Воҳид ал-Мақдисий ал-Ҳанбалий шу масала бўйича таълиф қилган жузида зикр қилган.

Қабрга қироат қилишга келсак, унинг шариятда борлигига бизнинг асҳобларимиз ва бошқалар жазм қилганлар.

Аз-Заъфароний: «Шофеъий раҳимаҳуллоҳдан қабр олдида қироат қилиш ҳақида сўрадим. Ҳечқиси йўқ, деди.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал буни аввал инкор қилар эди. Чунки унга бирор ривоят етмаган эди. Унга ривоят етганида, ўз фикридан қайтган».

Имом Жалолуддин Суютийнинг «Шарҳис-Судури бишарҳи ҳолил мавта вал қубури» номли китобида зикр қилинган имом Аҳмад Ибн Ҳанбалга қабр устида қироат қилишга ҳужжат бўлган ривоятнинг қандоқ етганини шайх Абдулфаттоҳ Абу Гудда раҳматуллоҳи алайҳи «Саласу расоила фий

истиҳбоби дуои ва рафҳул ядаини фийҳи баъдас-саловотил мактуба» номли китобга ёзган муқад-димада ўқиймиз:

«Ибн Қайюм «Китобур-руҳ»нинг аввалида (51-бетда) зикр қилади: «ал-Халлол айтди:

«Ҳасан ибн Аҳмад ал-Варроқдан, у Али ибн Мусо ал-Ҳаддоддан ривоят қилади: «Аҳмад ибн Ҳанбал ва Муҳаммад ибн Қудома ал-Жавҳарий билан бирга жанозада эдим. Маййит дафн қилин-ганида, бир кўр киши қабр ёнида ўтириб қироат қила бошлади. Шунда Аҳмад унга:

«Эй сен! Қабрнинг ёнида қироат қилиш бидъ-атдир!» деди.

Мақбарадан чиққанимизда Муҳаммад ибн Қудома Аҳмад ибн Ҳанбалга:

«Эй Абу Абдуллоҳ! Мубашшир ал-Ҳалабий ҳа-қида нима дейсан?» — деди.

«Ишончли одам», — деди.

«Ундан бирор нарса ёзганмисан?» — деди.

«Ҳа», — деди.

«Мубашшир менга Абдурроҳман ибн ал-Алаа ал-Лажлождан, у ўз отасидан хабар берди. Ўша одам дафн қилинганидан сўнг бош тарафида «Бақара»нинг аввали ва охирини ўқишни васият қилган ва Ибн Умарнинг шундоқ васият қилганини эшитганман, деган экан», — деди.

Шунда Аҳмад унга:

«Қайтиб бориб ҳалиги одамга айт, қироат қи-лаверсин», — деди».

Имом Аҳмадни Аллоҳ раҳмат қилсин. У билан ҳаққнинг орасида адоват йўқ эди» (7–8-бетлар).

Ҳар қадамда ёки етти қадамда қироат қилиш ҳақидаги гаплар асоссиз.

Аммо, маййит қабрга қўйилгандан кейин руҳи унга қайтиб кириши, Мункар ва Накирнинг уни дийну иймонидан сўроққа тутиши бор гап.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам маййитга сабот сўраб дуо қилишни таълим бер-ганлар.

عَنْ عَثْمَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ إِذَا فَرَغَ مِنْ دَفْنِ الْمَيِّتِ وَقَفَ عَلَيْهِ فَقَالَ: اسْتَغْفِرُوا لِأَخِيكُمْ وَسَلُّوا لَهُ بِالتَّيْبِ فَإِنَّهُ الْآنَ يُسْأَلُ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالبَزَّازُ وَالحَاكِمُ وَصَحَّحَهُ.

*Усмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон майитнинг дафнидан фориг бўлсалар унинг (қабри) устида туриб:

«Биродарингиз учун истиғфор айтинг. Унга сабот сўранг. Чунки ҳозир у сўралади», дер эдилар».

Абу Довуд ва Баззор ривоят қилишган. Ҳоким саҳиҳ деган. *Валлоҳу аълам.*

## ҚАБРЛАР ЗИЁРАТИ ҲАҚИДА



*Ассалому алайкум, ҳурматли Шайх Ҳазратлари.*

*Мен Хоразм вилоятининг Гурлан туманиданман. 60 ёшга қадам қўйган аёлман. Саволим шуки, бизлар ҳар йили ёз ойларида 30—40 нафар хотин-қиз ва 5—6 эркак бир автобус бўлиб зиёратга чиқамиз. Аввал Баҳовуддийн Нақшбанд бувани зиёрат қиламиз, кейин Имом ал-Бухорий бувага тушамиз, у жойни зиёрат қилиб, Нур отага ўтамиз, Имом Ҳусайн, Имом Ҳасан буваларни зиёрат қилиб, Нур ота булоғига борамиз. Булоқларни, шу ердаги авлиё буваларни зиёрат қиламиз. Зиёрат қонун-қоидаларини бажарамиз. Имомлар қабри яқинидаги Деҳи Баланд меҳмонхонасида тунаймиз. Бир неча товуқ ва жонлиқ қўй сўйилиб, овқат тайёрланади. Қуръон тиловат қилинади. Бошқа зиёратгоҳ жойларга ҳам шу тарзда борамиз, масалан, шайх Жалил буваларимизга*

ҳам ҳар йили борамиз. Демоқчиманки, савоб топаяпмизми, гуноҳми? Шунин билмаймиз. Аёллар зиёратгоҳга бориши мумкинми, бир авлиёга атаб жонлиқ сўйиш, бир авлиёга сифиниб пир дейиш гуноҳ деб эшитдик.

Бизнинг Хоразмда айнан шу «пир» сўзи кўп айтилади. Масалан, Хивада Полвон пир, Шовотда Юсуф Ҳамадоний, Фавсул Аъзам, Ули пир деб аташади. Кўпгина қадамжоларга жонлиқ сўйиш учун, овқат пишириш учун ҳамма зарур шароитлар яратилган. 15—20 та қозон-ўчоқ бор, улар ҳам етишмай туради. Навбат кутиб турганларнинг кечгача кети узилмайди.

Шу қадамжоларда Қуръон тиловат қилиб ўтирган хатиблар, дийн уламолари бор, нега улар халққа, бизлардай мактаб-мадраса кўрмаган, дийн тўғрисида яхши тушунча олмаган одамларга тушунтирмайдилар?

Ҳеч бўлмаса, ҳафтада бир маротаба телевизорга чиқиб шундай хусусларда одамларга тушунча бермайдилар, деб, шуларни ўйлаб, ҳайрон бўлиб юрганымда «Зикр аҳлидан сўранг» китобини кўриб қолдим, жуда-жуда қувониб кетдим-у, сизга хат ёздим.

#### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Муҳтарама опаимиз ўз мактубларида жуда муҳим масалаларни кўтарибдилар. Аллоҳ хайрларини берсин! Албатта, бу мактубни батафсил таҳлил қилиш ва ундаги саволларга жавоб бериш учун алоҳида китоб ёзса ҳам арзийди. Аммо биз баъзи бир масалаларга қисқача тўхташ билан кифояланамиз.

Аслида, қабр зиёрати ўлимни эслаш ва қабрдангилар ҳаққига дуо қилиш учун жорий бўлган.

Аҳли сунна ва жамоа мазҳаби бўйича, руҳ баёнга, нутқ қилишга ва хитобни фаҳмлашга қодир бўлган жон бўлиб, у жасаднинг ўлими билан йўқ бўлиб кетмайди. У доимо мавжуд ҳолда бўла-

ди. Ўлганларнинг руҳлари тўпланади. Азоб ва са-  
воб ҳам руҳга, ҳам баданга бўлади. Руҳ бадандан  
ажраганидан кейин ҳам унинг неъматланиши ёки  
азобланиши давом этади.

Маййит ўзининг тирик яқинларининг ҳолини  
билиб туради. Уларнинг яхши ишларидан хурсанд,  
ёмон ишларидан хафа бўлади.

Маййит ўзини зиёрат қилганларни билади ва  
улар, хусусан, яқинлари маъруф иш қилсалар  
фойда, мункар иш қилсалар озор олади.

Ҳанафий мазҳаби бўйича, қабрларни зиёрат  
қилиш эркак ва аёлларга мандубдир. Мандуб  
дийнда қатъий шарт бўлмаган ва Расулуллоҳ сол-  
лаллоҳу алайҳи васаллам доим қилмаган амалдир.  
Бошқа мазҳаблар: аёлларнинг қабрларни зиёрат  
қилиши жоиз эмас, деганлар.

Қабр зиёрати Жумъа, шанба, душанба ва пай-  
шанба кунлари бўлгани яхши. Зиёрат ва дуо тик  
турган ҳолда бўлади.

Зиёратчи «Йаасийн» сурасини қироат қилиши  
мандубдир. Буни «ал-Баҳру ар-Роиқ» китобининг  
соҳиби ва аз-Зайлаъий Анас розияллоҳу анҳудан  
ривоят қилганлар. Унда Расулуллоҳ алайҳиссалом:

مَنْ دَخَلَ الْمَقَابِرَ، فَقَرَأَ سُورَةَ ﴿يَس﴾ خُفِّفَ عَنْهُمُ  
يَوْمَئِذٍ، وَكَانَ لَهُ بِعَدَدِ مَنْ فِيهَا حَسَنَاتٍ.

«Ким мақбараларга кирганда «Йаасийн» су-  
расини қироат қилса, Аллоҳ ўша куни уларга  
енгиллик беради ва унга ўша ердаги нарсалар  
ададича ҳасанотлар бўлади», деганлар.

عَنْ مَعْقِلِ بْنِ يَسَارٍ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ ﷺ: اقْرءُوا يسَ عَلَيَّ  
مَوْتَاكُمْ.

Имом Аҳмад, Ибн Можа, Абу Довуд ва ал-Ҳоким  
Маъқал ибн Ясор розияллоҳу анҳудан қилган ри-

воятда Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Ўликларингизга «Йаасийн»ни қироат қилинг», деганлар.

Шунингдек, «Фотиҳа» сураси, «Бақара» сурасининг аввалидан «муфлиҳун»гача, Курсий ояти-ни, «Аманаррасулу»ни, «Таборақ», «Такосур» сурасини, «Қул аъзузу бироббил фалақ» ҳамда «Қул аъзузу бироббин наас»ни уч мартадан ва «Ихлос» сурасини уч, етти ёки ўн бир марта ўқиса, бўлади. Қироатнинг савобини ўтганларга бағишлаб дуо қилинади.

Қироатнинг савобини Расулуллоҳ алайҳиссаломга бағишлаш мустаҳабдир.

Аёлларнинг зиёратига уларга хос йиғи-сиғи, ношаръий ишлар бўлмаслиги шарт қилинган.

### **Қабр зиёратига кўч боғлаб бориш**

Яъни алоҳида ният қилиб, сафар қилиш. Бу ҳақда Қувайт давлати Вақф ва Исломий Ишлар вазирлиги нашр этган «Ислом Фикҳи Қомуси»да қуйидагилар ёзилган:

**«Уламолар жумҳури: қабрларни зиёрат қилиш учун «шаддур-раҳл» – кўч боғлаб, – махсус сафар қилиб бориш жоиз, деганлар. Бунинг жоизлигига қабр зиёрати ҳақидаги умумий далилларни ҳужжат қилганлар. Баъзи шофеъийлар ва ҳанбалийлардан Ибн Таймия «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Кўч боғлаб бориш фақат уч масжидгагина бўлади: «менинг ушбу масжидимга, Масжидул Ҳаромга ва Масжидул Ақсога», деган ҳадисларини ва шу маънодаги бошқа ривоятларни далил қилиб махсус сафар билан қабр зиёратига боришни манъ қиладилар. Жоиз деганлар эса, бу ҳадисда масжидлар ҳақида сўз кетмоқда, қабрлар ҳақида эмас, деб раддия берадилар».**

Мактубда зикр қилинган зиёратгоҳлардан Имом Бухорий, Баҳоуддийн Нақшбанд ва Юсуф Ҳамадоний раҳматуллоҳи алайҳнинг илмий асосда билинган ҳақийқий шахслари ва қабрлари

мавжуд. Бошқаларини яхшилаб ўрганиш лозим. Чунки буларга ўхшаш кўп қабрлар сохта бўлади.

«Бир авлиёга атаб жонлиқ сўйиш, бир авлиёга сифиниб пир дейиш» гуноҳ эканлигида шубҳа йўқ. Шариатда фақат Аллоҳ таолонинг Ўзига атабгина жонлиқ сўйилади. Фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигагина сифинилади.

Мозорларда кўпчилик бўлиб таом пишириб емоқ дийнимиздаги одоблардан бирортасига ҳам тўғри келмайди. Мозорга зиёрат қилиб ибрат олиш ва қабрдагиларнинг ҳаққларига дуо қилиш учун борилади. Таом емоқ учун эмас.

Шу қадамжоларда Қуръон тиловат қилиб ўтирганлар, агар илмлари бўлса, инсоф қилиб, халққа ҳақийқий шаръий ҳукмларни тушунтиришлари лозим. Ўзларининг у ерда ўтириб олиб қилаётган тиловатларининг дийндаги ҳукми қандай эканлигини ҳам билиб олишса, яхши бўларди.

Умуман, аёл кишиларнинг мактубда айтилган тарзда, бир неча кунлаб мазорма-мазор юришлари ҳам дуруст эмас. Мандуб ишни қиламан деб фарз, вожиб ва суннат амалларга хилоф иш қилмаслик лозим.

Лекин Аллоҳга шукрлар бўлсинким, аста бўлса ҳам, дийнимизни ўрганиб бормоқдамиз, билим савиямиз яхшиланганда, бу нарсаларни тушуниб оламиз. Ушбу савол-жавоблар ҳам бу борада босилган бир камтарона қадам десак, муболаға қилмаган бўламиз. *Валлоҳу аълам.*

## 86-САВОЛ

*Бир китобдан ўқиган эдим, қабристон яқинида мевали гарахт экиш мумкин эмас, деб. Ҳозирги пайтда қабристонлар боғ-роғга айлантириб юборилган. Ўрик, гилос, олма ва шунга ўхшаш мевали гарахтлар билан ўралган ва яна бир томонда деҳқончилик қилишади. Шу борада тортишиб ҳам қолишади. Шу жум-*

**боқ саволга аниқлик киришиб беришингизни илтимос қиламан.**

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Қадимги фикҳ китобларимизда қабристонга мевали дарахт экиш дуруст эмаслиги қайд қилинган. Бунга дарахтнинг илдизи қабрга қўйилган маййитларнинг жасаидан озучаланиши сабаб қилиб кўрсатилган.

Замондош уламоларимиз мазкур сабабга бошқаларини ҳам қўшишмоқда. Кувайт давлати Вақф ва ИсломиЙ Ишлар вазирлиги хузуридаги фатво ҳайъати бу ҳақда, жумладан, қуйидагиларни айтади:

«Қабрлардан холий майдонларга дарахт экиш дуруст. Лекин мақбарадан ибрат олишга ҳалақит бермаслиги шарт. Мақбаралар боғ ва сайлгоҳга айланмаслиги керак. Зотан, қабрлар зиёратидан кўзланган мақсад ибрат олишдир...» **Валлоҳу аълам.**

## 18-БОБ. ЗАКОТ БОБИ

### ЗАКОТНИ ЯҚИН ҚАРИНДОШГА БЕРИШ ҲАҚИДА



*Ассалому алайкум, мухтарам шайх жаноблари, қуйидаги саволимиз закот ҳақида: закотни яқин қариндошга берилса, бўладими, яъни ака ёки укангизнинг оиласи касал бўлса ва бу қариндошингизнинг тирикчилиги ўтиб турган бўлса-ю, аммо дори-дармонларга пули етмаётган бўлса уларга берилган ёрдам закот ўрнига ўтадими, закот ниятида берилса, албатта?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Закотни бериб бўлмайдиган бир неча тоифалардан бири қуйидагилардир:

**«Орасида тувиш ва эр-хотинлик алоқаси борларга закот бериб бўлмайди.**

Бунга кишининг туққанлари, яъни ота-онаси, бобо-момолари, неча поғона юқори бўлсалар ҳам, киради. Ана ўшаларга мазкур киши закотини бериши мумкин эмас.

Яна, кишидан туғилганлар, яъни, ўғил-қизлари ва уларнинг ҳам ўғил-қизлари, неча поғона паст бўлсалар ҳам, унинг закотини олишлари мумкин эмас.

Демак, закотни болаларга, хотинга бериш мумкин эмас. Шунингдек, ота-онага ҳам бериш мумкин эмас. Чунки боланинг мол-мулки ота-онаники ҳисобланади.

Бой-бадавлат хотин ўзининг камбағал эрига закотини берса бўладими, деган саволга баъзи мазҳаблар «бўлади» деб жавоб берганлар.

Ҳужжат маъносида, Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг хотинлари Зайнаб розияллоҳу анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга келиб «Закотимни эримга берсам бўладими?» деб сўраганида, «Бўлади», деб жавоб берганларини келтирадilar.

Ҳанафий мазҳаби уламолари эса, Зайнаб розиялоҳу анҳонинг ҳодисаси хусусий деб биладилар ва хотин ўз эрига закотини бериши дуруст эмас, чунки эр уни олиб яна хотиннинг ўзига ишлатади, дейдилар.

Бошқа қариндошларга закотини берса бўлади-ми, деган саволга баъзи уламолар: уларнинг нафақаси лозим бўлса, бўлмайди, нафақа ўрнига закот бериш ила ўзи фойда топади, дейишган.

Аммо Ҳанафий мазҳаби уламолари: бўлади, дейишган. Чунки нафақа ўзига яраша шартлар билан вожиб бўлади. Аммо яқин қариндошлар билан ота-болага ўхшаб мулки бирлашиб кетиши йўқ. Яқин қариндошга берилганда, мулк закот берувчидан закот олувчига кўчади. Бу эса, закот бериш мумкин эканлиги гаровидир, дейишади.

Бинобарин, саволда сўралган кишиларга закот бериш мумкин. Уларга берилган закот учун савоб икки баробар бўлади. Закот ибодати адо этилганига бир баробар, қариндошлик алоқаси қилинганига бир баробар. *Валлоҳу аълам.*

## ОТНИНГ ЗАКОТИ ҲАҚИДА



88-САВОЛ

*Отдан закот бериш вожибми, қурбон ҳайити кунларида қурбонлик учун танлаш дурустми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Урғочи ва эркак-урғочи аралаш отларнинг ҳар биридан бир дийнор ёки қийматининг ўндан бирининг тўртдан бири, агар нисобга етган бўлса, закот берилади.

Бу матндаги маъно Абу Ҳанийфа раҳматуллоҳи алайҳининг ижтиҳодига биноан келган. Аммо бу масалада ҳанафийларнинг ўзлари ҳам турлича ижтиҳод қилганлар.

1. Миниладиган, ишлатиладиган ва жиҳодга тайёрланган отлардан закот олинмайди.

2. Тижорат учун сақланадиган отлардан закот олинади.

3. Ем бериб боқиладиган отлардан закот олинмайди.

Демак, тижорат учун бўлган от, хачир ва эшаклардан закот олинади.

Ҳанафий мазҳаби уламолари отнинг нисоби ва ундан чиқариладиган закот миқдори ҳақида бир неча хил гап айтганлар.

Улардан мақбулроғи: нисоб-бешта от, бериладиган закот-ҳар бир отдан бир дийнор бўлади. Ёки отнинг нарҳини пулга чақиб, ҳар икки юз дирҳамдан беш дирҳам чиқаришдир.

Бугунги куннинг тили билан айтганда, от бешта ва ундан кўп бўлса, ҳар бир отдан унинг қийматининг беш фоизи миқдоридан закот берилади. Отни қурбонликка сўйилмайди. Чунки қурбонлик ҳақидаги ҳукмда «анъом» дейилган. «Анъом» деганда, фақат туя, қорамол ва қўй-эчки тушунилади. **Валлоҳу аълам.**

## 89-САВОЛ

*Ассалому алайкум, ҳурматли Шайх жаноблари! Ҳозир юртимизда колхоз тизими фермерлар уюшмасига айлантирилиши муносабати билан ушр бобига айрим муаммолар туғилляпти.*

*Сизга берадиган саволим шу ҳақда, чунки геҳдончилик қилаётган бировлар оладиган ҳосилларидан ушрни қай ҳолатда беришни билмай бошлари гаранг.*

*Фермерлар ерларига солиқ тўлашади. Олган ҳосиллари учун ушр беришлари шартми?*

*Жавобингиз учун олдингдан миннатдорчилик билдираман.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Фермерлар ердан фойдаланганлари учун ва олган даромадларига кўра давлат томонидан белгиланган солиқларни давлатга тўлайдилар. Солиқ

тўлаш мажбурияти фақатгина фермерларнинг эмас, балки барча тадбиркор ва фуқароларнинг давлат олдидаги бурчи ҳисобланади.

Ана шу тўлаётган солиқлари уларнинг маҳсулотлари учун шаръан тайин қилинган фарз закот (ушр ёки ушрнинг ярми) ўрнига ўтиш ёки ўтмаслигини билиш учун, аввало, закот ва солиқни бир-бирига қиёслаб кўриш лозим бўлади.

Закот ва солиқ ўртасида жуда кўп фарқлар мавжуд. Жумладан:

Закот мусулмон киши зиммасидаги фарз ибодат бўлиб, Аллоҳ таолонинг неъматларига шукр қилиш ва Унга яқин бўлиш ниятида адо этилади. Солиқлар эса, ибодат маъносидан холий тўловлардир.

Закот ибодат бўлгани учун, унда ният шарт. Бундан ташқари, фикҳий китобларда закот масаласи ибодатлар китобида келтирилгани ҳам сўзимизнинг далилидир.

Закот Исломнинг беш рукнидан бири, тўртта энг асосий ибодатдандир. У ибодат бўлгани учун ҳам, мусулмон бўлмаган кишиларга фарз эмас. Солиқлар эса, мусулмон ва бошқаларга баробар мажбуриятдир.

Уларнинг нисоб ва миқдорларида ҳам фарқ бор. Закот шориъ томонидан қатъий белгилаб қўйилган ҳақдирки, ҳар қандай мол учун маълум нисобларни чегаралаб берган ва ушбу чегара (нисоб)га етмаган молдан закот бериш вожиб бўлмайди. Нисобга етган молдан закот сифатида олинадиган миқдорлар ҳам «бешдан бир», «ўндан бир», «йигирмадан бир» ва «қирқдан бир» каби миқдорларда қатъий белгилаб қўйилган.

Шариатда белгиланган ушбу миқдорни ўзгартириш, алмаштириш, кўпайтириш ва камайтиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Солиқларнинг миқдори эса, шароитга кўра ўзгариб туради ва шу ишга мутасадди шахслар томонидан белгиланади.

Уларнинг собитлик ва давомийлигида ҳам фарқлари бор. Закот—ер юзида Ислом ва

мусулмонлар турган муддатгача собит ва доимий фарздир. Уни золимнинг зулми ҳам, одилнинг адолати ҳам йўқота олмайди. У намоз каби мустақкамдир. Солиқларда эса, собитлик ва доимийлик сифати йўқ. Унинг турлари ҳам, нисоб ва миқдорлари ҳам ўзгариб туради. У эҳтиёжга кўра белгиланади ва эҳтиёж кўтарилиши билан солиқ ҳам ўз-ўзидан кўтарилиб кетаверади.

Уларнинг бериладиган ўрин (масраф)ларида ҳам фарқлари бор. Закотнинг Аллоҳ таоло Китобида тайин қилган ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сўзлари ва феъллари билан баён қилиб берган махсус масрафлари бор. Ҳар бир мусулмон киши ўша ўринлардан қайси бирига хоҳласа, беришга ихтиёрлидир. Солиқ эса, давлатнинг умумий харажатларини қоплаш учун тайин қилинади ва уни махсус ўринларгагина ишлатиш маъноси йўқ.

Уларнинг давлатни бошқариб турган ҳокимият (ҳукумат) билан алоқаларида ҳам фарқ бор. Солиқ ҳокимият (ҳукумат) ва халқ ўртасидаги алоқадир. Уни жорий қиладиган ҳам, талаб қиладиган ҳам, миқдорини белгиладиган ҳам, уни камайтирадиган ҳам, хоҳласа, баъзисини ёки ҳаммасини бекор қиладиган ҳам ҳокимият (ҳукумат)дир. Агар у солиқни талаб қилишни кечиктирса ёки бутунлай кечиб юборса, одамларга ҳеч ким маломат қилмайди.

Закот эса, Аллоҳ ва банда ўртасидаги алоқадир. У бандасига мол-дунё берди ва ўша молдан закот беришни буюрди. Закот Унинг амрига бўйсуниб, унинг розилигини истаб адо этилади.

Агар закотни йиғиб, ўз ўрнига сарфловчи расмий тараф мавжуд бўлмаса, ҳар бир мусулмон закотини ҳаққдорларга беради. Ундан ҳеч қандай ҳолатда закот соқит бўлмайди.

Закот шу жиҳатлари билан намозга ўхшайди, яъни бир мусулмон киши масжид ва имом йўқ жойга бориб қолса, ўзи намозни мустақил равишда

адо этаверади. Чунки ер юзининг ҳамма жойи мусулмон учун масжиддир ва у ҳеч қачон намозни тарк қилмайди. Закот ҳам шу кабидир.

Закот ва солиқлар ўртасида шу ва шу каби кўплаб фарқли жиҳатлар мавжуд. Шунга кўра, давлатга тўланадиган турли миқдор ва турли мақсадаги тўловлар закот ўрнига ўтмайди. Демак, фермерларнинг солиқлари уларни ушрдан озод этмайди. *Валлоҳу аълам.*

## 90-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари! Мен сизга ушр тўғрисида қуйидагича савол бермоқчиман:*

*1-савол. Баъзан киши ерни нақд пулга сотиб олиб деҳқончилик қилиши мумкин. Бу ҳолатда ушр бераётганда ўша харажатни чиқариб ушр бериладими ёки чиқармасданми?*

*2-савол. Қандай ерлардан ушр берилади? Жавобингиз учун олдиндан ташаккур.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Ер уни нақд пулга сотиб олган шахснинг мулкига айланади. Ўз мулкидаги ерда деҳқончилик қилган одам ушр беради.

Ерлар иккига бўлинади:

1. Ушр ерлари.
2. Харож ерлари.

Ушр ерлари қуйидагилар:

Эгалари молик бўлиб туриб Исломга кирган ерлар. Мадийна, Тоиф, Яман, Баҳрайн ва Макка ерлари каби.

Мусулмонлар билан эгалари орасида уруш бўлгандан кейин мусулмонлар қўлига ўтган ва хумс сифатида мужоҳидларга бўлиб берилган ерлар. Қуръонда айтилганидек, бешдан бир қисми тақсим қилинган ерлар.

Эгасиз ерларни давлат бошлиғи маълум кишиларга бўлиб берган бўлса, ўша ерлар ҳам ушр ери бўлади.

Ўзлашмаган ерни мусулмонлар ўзлаштирган бўлсалар ҳам ушр ери бўлади.

Харож ерлари қуйидаги ерлар бўлган:

Мусулмонлар ўша ер аҳли билан уруш қилиб эгаллаган, лекин бўлиб бермай, «мусулмонларнинг умумий мулки» деб эълон қилинган ерлар. Ироқ, Аҳвон, Форис, Кирмон, Исфаҳон, Рай, Миср ва Мағриб ерлари харож ерлари бўлган.

Ёки мусулмонлар билан ўша ерларнинг аҳли орасида сулҳ тузилган бўлади. Нажрон, Давматул Жандал, Фадақ, Арманистон ва Хуросонга ўхшаш харож ерлари аҳднома орқали кишиларга берилган ва йилига улар маълум миқдорда Ислом давлатига ҳақ бериб турган.

Харож ерларидан ушр олинадими-йўқми, деган саволга уламоларимиз икки хил жавоб беришган.

Ҳанафий мазҳаби харож ерларидан ушр олинмайди, деган. Чунки Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мусулмонга бир ерда ушр ва харож жамъ қилинмайди», деганлар. Саҳобаи киромлар ижмоъи ила, фатҳ қилинган ерлардан бир пайтда ҳам ушр, ҳам харож олинмаган. *Валлоҳу аълам.*

## 91-САВОЛ

*Баъзи уламолар геҳқончиликдан бериладиган закот тўғрисида ҳар хил фикр билдирадилар:*

*а) баъзи уламолар: диёримиз ушрий эмас, хирожий ерлар, шунинг учун ушр эмас, хирож берилади, ер солиғига ўхшаш, дейишади. Бизнинг диёримиз ушрийми ёки хирожийми?*

*б) баъзи уламолар: бир таноб ерга яхлит бир хил экин экилса, шунинг ҳосилидан ушр бериш вожиб бўлади, дейишади;*

*в) Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳи геҳқончилик маҳсулотларида ҳам нисоб бор. Шу нисобга етса, ушр вожиб бўлади, дейдилар;*

г) баъзилар ҳар қандай геҳдончилик экинларидан ҳосили миқдоридан қатъи назар, ушр бериш вожиб, дейишади.

*Шуларнинг қайси бири тўғри?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Ердан чиққан барча нарсалардан, агар уни оқин сув ёки ёмғир суғорган бўлса, ушр берилади.

Абу Ҳанийфа раҳматуллоҳи алайҳининг мазҳабларида ердан чиққан ҳар бир нарсадан ушр миқдорида закот олинади.

У кишининг ҳужжатлари:

Аллоҳ таоло Қуръони Каримга:

يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا أَنْفِقُوا مِنْ طَيِّبَاتِ مَا كَسَبْتُمْ  
وَمِمَّا أَخْرَجْنَا لَكُمْ مِنَ الْأَرْضِ

«Эй, иймон келтирганлар! Касб қилган пок нарсаларингиздан ва Биз сизларга ердан чиқариб берган нарсаларимиздан садақа қилинглар» («Бақара» сураси, 267-оят), деган.

У зот бирини айтиб, иккинчисини қўймаган. Бир зироат маҳсулотини бошқасидан ажратмаган.

Аллоҳ таоло:

وَأَتُوا حَقَّهُ يَوْمَ حَصَادِهِ

«Ва йиғим-терим кунида ҳаққини беринглар» («Анъом» сураси, 141-оят), деган.

Ўша оятнинг аввалида боғу роғлар, хурмо, зироат, зайтун ва анорни зикр қилатуриб, кейин инфоқ қилишга амр қилган.

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: مَا سَقَتَهُ السَّمَاءُ فِيهِ الْعُشْرُ وَمَا سَقِي بِغَرْبٍ، أَوْ دَالِيَةٍ فِيهِ نِصْفُ الْعُشْرِ.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Осмон суғорганлардан ушр, пақир ёки чарх-палак ёрдамида суғорганлардан ушрнинг ярми», деганлар.**

«Қут бўладиган, бўлмайдиган», «қурийдиган, қуримайдиган», демаганлар.

Абу Ҳанийфа раҳматуллоҳи алайҳининг мазҳаблари далил томонидан ҳам, ақл томонидан ҳам, мантиқ томонидан ҳам, воқеълик томонидан ҳам, қадимда-ю ва ҳозирда ҳам кўпчилик уламолар томонидан қўллаб-қувватланган. Барча зироат маҳсулотларидан закот яъни, ушр бериш зарурлиги таъкидланган. *Валлоҳу аълам.*

## 19-БОБ. САДАҚА ХУСУСИДА

### БОШҚА ДИЙНДАГИ ОДАМГА ЭҲСОН

#### 92-САВОЛ

*Эҳсон қилиш ниҳоятда савоб эканлигини биламиз. Лекин бир савол борки, эҳсонни фақат мусулмонларга бериш керакми? Ёки уни бошқа дийн вакилларига ҳам берса бўладими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

«Эҳсон» деганда ихтиёрий, ўз ихтиёри билан қилинадиган хайрия маъноси тушуниладиган бўлса, бу ерда ўша нарсани бериладиган одам, яъни эҳсонни қабул қилиб оладиган одам намоз ўқувчи ёки намозхон эмаслигининг аҳамияти йўқ. Лекин молиявий ибодатлардан фарз, вожиб бўлганлари, мисол учун закотни олувчи кимса мусулмон одам бўлиши зарур, лозим ва лобуд. Намоз ўқувчи бўлиши ёки бўлмаслиги ҳақида гап кетадиган бўлса, иккита ҳақдор бор: бири намоз ўқийди, иккинчиси ўқимайди. Ана шунда намоз ўқийдиганига бериш афзал ҳисобланади. Закот, садақани фитрга ўхшаб фарз бўлмаган молиявий ибодат-хайр эҳсонлар бўлса, уни ғайридийн одамларга ҳам қилса бўлади, яъни мусулмонмас одамларга ҳам бериш жоиз, бунинг зарари йўқ, савоб олиши мумкин. Бу нарса шаръий китобларимизнинг ҳаммасида очиқ-ойдин кўрсатиб қўйилган. *Валлоҳу аълам.*

## 20-БОБ. ҚАСАМ ВА НАЗРЛАР

### 93-САВОЛ

*«Ислом дийнида фақат Аллоҳнинг номи билан қасам ичиш мумкин», дейишади. Агар қасам бузилса, унинг ҳаққини адо этиш лозим бўладими? Буни қандай амалга ошириш мумкин?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Ислом дийнида қасам ичиш бор ва саволда сўралганидек, мўмин-мусулмонлар фақат Аллоҳ таолонинг номи билангина қасам ичишлари мумкин, бошқа ҳеч бир ном билан қасам ичиш мумкин эмас. Набий алайҳиссалату вассалом ўзларининг ҳадиси шарифларидан бирида:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ كَانَ حَالِفًا فَلْيَحْلِفْ بِاللَّهِ أَوْ لِيَضْمُتْ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

**«Ким қасам ичадиган бўлса, фақат Аллоҳнинг номи билан қасам ичсин ёки жим турсин»,** деганлар. Умуман, мўмин-мусулмон одам Аллоҳ таолонинг номидан бошқа ном билан қасам ичиши мумкин эмас. Аллоҳнинг номи билан қасам ичдими, ана ўша ичган қасамини адо қилиш, бажариш матлуб бўлади, лозим-лобуд бўлади. Мабодо, ўша қасамни бажара олмай қолса ёки қасам ичган нарсасидан бошқа бир яхши фикр, яхши ҳолат юзага келса-ю, ана ўша қасамни ташлаб бу ёққа ўтиш ҳолатлари бўладиган бўлса, каффорот беради. Ҳозирги кунда баъзи бир кишилар «Аллоҳнинг номи билан қасам ичгандан кейин, ўлса ҳам, ўша қасамни бузмаслик керак, унга ҳеч қандай рухсат йўқ» ва шу каби нотўғри тушунчаларни кишилар орасида тарқатганлар. Бу, шариятимизда йўқ, Қуръонга хилоф, суннатга хилоф бир гапдир. Аслида эса, Аллоҳ таолонинг Ўзи қасамни бузганларни каффорот адо қилишга амр қилган, буни Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло «Моида» сурасидаги қуйидаги ояти каримада баён қилади:

لَا يُؤَاخِذُكُمُ اللَّهُ بِاللَّغْوِ فِي أَيْمَانِكُمْ وَلَكِنْ يُؤَاخِذُكُمْ  
بِمَا عَقَدْتُمُ الْأَيْمَانَ فَكَفَرْتُمْ بِهِ، إِطْعَامُ عَشْرَةِ مَسْكِينٍ مِنْ  
أَوْسَطِ مَا تَطْعَمُونَ أَهْلِيكُمْ أَوْ كِسْوَتُهُمْ أَوْ تَحْرِيرُ رَقَبَةٍ  
فَمَنْ لَمْ يَجِدْ فَصِيَامُ ثَلَاثَةِ أَيَّامٍ ذَلِكَ كَفْرَةٌ أَيْمَانِكُمْ إِذَا  
حَلَفْتُمْ وَأَحْفَظُوا أَيْمَانَكُمْ كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ آيَاتِهِ  
لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ ﴿٨٩﴾

«Аллоҳ сизларни беҳуда қасамларингиз учун тутмас. Лекин қасд ила туккан қасамларингиз учун тутар. Бас, унинг каффороти ўз аҳли-нингизни ўртача таомлантириш миқдорида ўнта мискинга таом ёки кийим бериш ёхуд бир қул озод қилишдир. Ким топа олмаса, бас, уч кун рўза тутсин. Ана ўша, агар қасам ичган бўлсангиз, қасамингизнинг каффоротидир. Қасамларингизни муҳофаза қилинг. Аллоҳ сизга шундай қилиб Ўз оятларини баён этади. Шоядки шукр қилсангиз» (89-оят).

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло инсоннинг гапирадиган гапининг ҳам ҳисобини қилиб туриши ҳақида сўз юритмоқда.

Демак, инсон ҳаётининг ҳамма жабҳалари қатори унинг гап-сўзларида ҳам ҳалол-ҳароми бор. Ўша ҳалол-ҳаромни аниқлаш, уларнинг ҳукмини чиқариш Аллоҳ таолонинг Ўзига хосдир. Бу ишга аралашингга У зотдан бошқа ҳеч кимнинг заррача ҳаққи йўқдир.

Инсонни йўқдан бор қилган Аллоҳ таоло унинг қандоқ яшамоғи лозимлигини кўрсатиб беришга ҳам фақат Ўзигина ҳаққлидир.

Инсонга ақл ва тил берган Аллоҳ таоло инсоннинг ўша ақлни ишлатиб, ўша тил билан айтган қандай сўзларини савол-жавобга тутади-ю, қайсинисини тутмайди — Ўзи биледи.

Ояти каримада «Аллоҳ сизларни беҳуда қасмларингиз учун тутмайди» жумласи ила сўз очилмоқда.

«Беҳуда қасам» деганда, тил ўрганиб қолган, беихтиёр гапга қўшилиб кетадиган қасам иборалари назарда тутилади. Бу ҳол, айниқса, арабларда кўп учрайди. Уларда «валлоҳи, биллаҳи» дейиш қасамни билдиради. Бу лафзларнинг айтилиши жуда ҳам осон, сўз орасида ишлатавериб, тиллари ҳам ўрганиб қолган. Демак, ана шундай ҳолларда беихтиёр қасам лафзи оғзидан чиқса, Аллоҳ таоло унинг учун инсонни савол-жавобга тутмас экан. Мазкур лафзни айб ҳисоблаб, унинг учун жазо чораси белгиланмас экан.

Аввал ҳам таъкидланганидек, Ислолда умуман қасам ичишга тарғиб қилинмайди. Шариат изн берган жойларда қасам ичилганда ҳам, фақат Аллоҳ таолонинг номи билангина қасам ичилади. Аллоҳ таолонинг номи билан ҳадеб қасам ичавериш дуруст эмас.

Аммо баъзи кишилар тили ўрганиб қолгани туфайли беихтиёр қасам лафзини тилга олган бўлса, ушбу оят ҳукмига биноан, унга жазо белгиланмайди. Лекин беҳуда қасам ичган киши жамиятда одобсиз, ишончсиз ва эътиборсиз шахсга айланиб қолади.

Шу билан бирга шариатимизда айб ҳисобланадиган, жазо чоралари белгиланган қасамлар ҳам бор. Аллоҳ таоло биз ўрганаётган оятнинг давомида:

**«Лекин қасд ила туккан қасамларингиз учун тутади»,** дейди.

Бу жумлада қасамнинг маҳкамлиги ҳиссий таъбир ила баён қилинмоқда. Бунинг учун «қасд ила» иборасининг маъносига «туккан» ибораси ҳам қўшилмоқда. Бунда худди қасам бир ҳиссий нарса-ю, уни тутиш мумкиндек тасарруф қилинмоқда.

Демак, қасамнинг бузилиши айб ҳисобланиб, унга нисбатан жазо чораси қўлланиши учун қасд ила тутилган-мустаҳкам ният билан ичилган қа-

сам бўлиши керак экан. Ким ана шундоқ мустаҳкам қасамни адо эта олмай бузса, унга нисбатан шаръий жазо белгиланар экан.

Мазкур шаръий жазо нималардан иборат экани оятнинг давомида баён қилинмоқда:

**«Бас, унинг каффороти аҳлингизни ўртача таомлантириш миқдорида ўнта мискинга таом бериш ёки уларга кийим бериш ёхуд бир қул озод қилишдир».**

Араб тилида «каффорот» сўзи бир нарсани яхшилаб, ҳеч кўринмайдиган қилиб тўсиб беркитишга айтилади.

Шариатда эса, содир этилган гуноҳни ювиш учун адо этиладиган молиявий ёки бадан ибодати «каффорот» дейилади.

Ушбу биз ўрганаётган ояти каримага биноан, ичган қасамини бузишга мажбур бўлган инсон адо этиши вожиб каффорот қуйидагича:

*1. Ўнта мискиннинг қорнини тўйдириш.*

Мазкур мискинларни тўйдиришдаги ўлчов каффорот берувчи ўз аҳлига берадиган ўртача таом миқдоридир. Агар каффорот адо этиши лозим шахс ўнта мискинга таом беришни хоҳламаса, иккинчи хил каффоротни адо этиши ҳам мумкин:

*2. Ўнта мискинга бир сигра кийим олиб бериш.*

Кийим ҳам ўша вақтнинг, жойнинг ва қавмининг ўртача кийими бўлади. Агар бу ҳам ёқмаса, учинчи хил жазо бор:

*3. Бир қул озод қилиш.*

Қасамини бузган кишига каффорот учун белгиланган жазо чораларидан Ислом дийни бева-бечораларга, камбағал-мискинларга қанчалик эътибор билан қарагани очиқ-ойдин кўриниб турибди. Шунингдек, бу мукамал ва оламшумул дийнинг қулчиликка қарши бўлгани ва қулларни озод қилишга қаттиқ урингани ҳам кўриниб турибди. Исломда бу ишлар гуноҳларни ювадиган ибодат даражасига кўтарилгани эътиборга сазовордир.

Оғзига кучи етмайдиган, ўзига эътибор қаратиш ва бир ишни албатта қилиш ёки қилмаслигини таъкидлаш мақсадида Аллоҳ таолонинг номи ила қасам ичиб, сўнгра қасамига содиқ қола билмаган одам, аслида, Аллоҳга нисбатан катта беодоблик қилган бўлади. Бу ишнинг жазосига бошқачароқ чора ҳам белгилаш мумкин эди. Аммо Аллоҳ таоло айнан фақийр, мискин ва қулларга меҳр кўрсатиб, уларнинг фойдасини кўзловчи чораларни белгилаган.

Қасамини бузадиганларнинг ҳаммаси ҳам ўнта мискинни тўйғазадиган ёки уларга бир сидра кийим олиб берадиган ёхуд бир қул озод қилиш имконига эга бўлавермайди. Уларнинг ичида камбағаллари ҳам бўлиши турган гап. Ана шундай имкони йўқ қасамхўрларга ўзига хос жазо чораси белгиланган:

4. *«Ким топа олмаса, бас, уч кун рўза тутсин».*

Демак, қасамини бузган одамнинг каффоротни адо қилиш учун ўнта мискинни таомлантириш ёки шунча ададдаги мискинга кийим-бош олиб бериш ёхуд бир қул озод қилишга молиявий имкони йўқ бўлса, уч кун рўза тутиб, каффоротни адо этиши вожиб бўлади.

Аввалги уч жазо чорасидан бирини танлаш ихтиёрий бўлиши билан бирга, тўртинчи жазо чорасини адо этишга фақат мазкур уч чорани бажаришга имкони йўқ кишиларгина муяссар бўладилар.

Шариатимизда қасамини бузган кишилар учун каффорот адо этишни жорий қилишда аввал зикр қилинган фойдалардан ташқари, тарбиявий омил ҳам бор. Қасамини бузган одамга каффорот адо этишни вожиб қилишда уни ўзига келтириш ва ваъз-насийҳат омили бор. Бир марта каффорот адо этишга мажбур бўлган инсон кейин ҳар гапини яхши ўйлаб гапирадиган ва Аллоҳ таолонинг номи ила қасам ичишдан олдин ўзига бир назар соладиган бўлади. Унинг ҳолини кўрган бошқа

кишилар ҳам ибрат олиб, гапларини ўйлаб гапирадиган бўлишади.

Ояти кариманинг давомида яна қуйидагилар айтилади:

**«Ана ўша, агар қасам ичган бўлсангиз, қасамингизнинг каффоротидир».**

Яъни, қасам ичган бўлсангиз-у, лекин унга амал қила олмай қасамхўр бўлиб қолсангиз, юқорида зикр этилган жазоларни ўташ билан қасамни бузиш туфайли содир этган гуноҳларингизнинг каффоротига (беркитилишига) эришасиз. Зотан, қасам ичгандан сўнг унга амал қилган одамга ҳеч қандай жазо йўқ. Шунинг учун, агар қасам ичган бўлсангиз:

**«Қасамларингизни муҳофаза қилинг. Аллоҳ сизга шундай қилиб ўз оятларини баён этади. Шоядки, шукр қилсангиз».**

Албатта, Аллоҳ таолога қанча шукр қилинса, шунча оз. Содир этилган гуноҳнинг каффоротини кўрсатиб беришининг ўзи ҳар қанча шукрга арзигулик неъматдир.

Бас, шундоқ экан, мўмин-мусулмонлар қасам борасида жуда эҳтиёт бўлишлари керак, ҳар хил бўлган-бўлмаган нарсаларга қасам ичавермасликлари зарур, лозим ва лобуддир.

Мабодо, қасам ичиб қолса, Аллоҳ таолонинг ўзи ояти каримада тушунтириб қўйгандай, қасамини бузиш мумкин. Фақат, қасамхўр бўлган одам каффорот ўташи керак, холос. Мана шу ҳақийқатларни биз яхши тушуниб, англаб етиб, унга амал қилмоғимиз лозим ва лобуддир. *Валлоҳу аълам.*

## 94-САВОЛ

*Бир биродаримиз анча йил олдин бир қиз билан яхши кўришиб, «Мен сенга уйланаман. Уйланмасам, эмган сутим ҳаром бўлсин», деб қасам ичган экан.*

*Тақдир тақозосига кўра у қиз бошқа киши билан, бу йигит эса бошқа қиз билан турмуш*

**қуриб кетишди. Ичилган қасам эса виждон азобига қийнайди. Шу каби ичилган қасамлар одамга тегадими? Унинг кучини йўқ қилса бўладими?**

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Ношаръий ишларни қилишнинг оқибати шу каби хижолатликларга олиб келади. Шариатта хилоф учрашув шариатта хилоф қасамга олиб борган ва хижолатлик ҳамон давом этмоқда.

Аслида, Аллоҳ таолонинг номи билан ичилган қасамгина шаръий жиҳатдан тўғри ҳисобланади. Бошқа номлар билан, турли шартлар билан ичилган қасамлар ношаръий бўлиши билан бирга, баъзан ширкка сабаб бўлиб қолиши ҳам мумкин. Шунинг учун, агар дўстингиз Аллоҳ таолонинг номи билан қасам ичмаган бўлса, аввало, тавба қилсин, кўп-кўп истиффор айтиши шарт. Фақат шундан кейингина қасамини бузган кимсалар учун шариатда белгиланган жазолардан ўзи қодир бўлганини бажаради. Бу шартлар:

1. Ўнта мискинни тўйдириш.
2. Ўша мискинга бир сира кийим-бош олиб бериш.
3. Бир қул озод қилиш.
4. Юқоридаги учта ишга қодир бўлмаса, уч кун рўза тутиш. **Валлоҳу аълам.**

## 21-БОБ. РЎЗА

### 95-САВОЛ

*Мен Рамазон ойига рўза тутдим-у, лекин намозларни тўлиқ ўқимадим. Бир танишим: намоз ўқимасангиз, рўзангиз қабул бўлмайди, дегу. Ҳақиқатан ҳам шундайми?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Аввало, мен муҳтарам савол эгасини 30 кун рўзани тўлиқ тутганлари билан чин қалбдан табриклайман. Аллоҳ таоло бошқа рўзадорлар қаторида бу кишининг ҳам рўзасини қабул қилган бўлсин. Бандаларнинг қилган амалларини баҳолаб, «ўқимаганингиз учун рўзангиз қабул бўлмайди», деган кишилар қайси ҳужжат, далилга суянганлари биз учун номаълум. Лекин шуни яхши билиш керакки, барча ибодатлар, барча амалларнинг қабул бўлиши учун асосий шарт иймон-эътиқоддир.

Шу билан бирга, мукаллаф бўлишлик, яъни баълолат ёшига етганлик ва ақли-ҳуши жойида бўлишлик шартлари бордир. Бундан кейин яна ҳар бир ибодатга алоҳида қўйиладиган шартлар бўлади. Ана шу шартларга қарайдиган бўлсак, рўза ибодатини қабул қилишга намоз ўқиш шарт этилмаган. Албатта, бу дегани, «рўза тутиб, намоз ўқимай юраверса, бўлади» деган гап эмас. Лекин билишимиз лозимки, рўза ўзи алоҳида фарз бўлган ибодат. У, Исломнинг беш рукнидан бири ҳисобланади ва намоз ҳам ўзи алоҳида фарз бўлган ибодат. У ҳам Исломнинг беш рукнидан бири, балки дийннинг устун ҳисобланадиган ибодатдир.

Биз, аввало, намоз ўқимаслик, албатта, яхши эмас. Рўзани ўттиз кун ният билан тутган одам учун намозни ҳам ўқимоқлик ниҳоятда осон бир иш ҳисобланади. Шунинг учун барча мўмин-мусулмон биродарларга ўзимиз учун фарз бўлган намозни вақтида чиройли қилиб ўқиб юришимиз лозим эканлигини таъкидламоқчимиз. Лекин фикҳий маънодан гапирадиган бўлсак, иншоаллоҳ, Рамазон рўзасининг қабул бўлишига ишонамиз. Боббул оламийн қабул

қилган бўлсин. Иншоаллоҳ, бундан кейин намозларни ҳам вақтида ўқиб, рўзани ҳам ўрнида тутишни насийб қилган бўлсин. *Валлоҳу аълам.*

### ЖУМЪА КУНИ РЎЗА ТУТИШ

#### 96-САВОЛ

*Биз ҳафтанинг душанба ва пайшанба кунлари рўза тутиш яхши эканлигини, бу суннат амал эканлигини биламиз. Бизни, шунингдек, Жумъа куну рўза тутишнинг фазийлатлари ҳамда шартлари қизиқтиради.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Жумъа кунининг ёлғиз ўзини ажратиб олиб рўза тутиш мумкин эмас. Чунки кишиларда «Жумъа куну рўзасини тутиш шариатда бор экан» деган тушунча келиб чиқиб қолиши мумкин. «Жумъа кунидан олдин бир кунни қўшиб, ёки кейинга бир кунни қўшиб тутса, жоиз», дейди уламоларимиз. Буни яхши билишимиз керак. Жумъа кунини алоҳида ажратиб олиб рўза тутиш мумкин эмас. Аммо, ҳар ойнинг аввалида, ўртасида ёки охирида рўза тутишни, нафл рўзаларни тутишни ўзига одат қилиб олган одам ўша кунлар Жумъа кунига тўғри келиб қолса, тутаверади. *Валлоҳу аълам.*

#### 97-САВОЛ

*Мен Рамазон рўзасини анчадан бери тутмайман. Касалим камқонлик. Ёш бўлишимга қарамасдан, рўза тутсам, магорим қолмай, бошим овриб, қийналиб қоламан.*

*Эрим ҳар йили рўза тутадилар, беш вақт намоз ўқийдилар. Улар: «Сен тутмагин, дийнда мажбурлаш йўқ», деб айтадилар.*

*Олдинги йили эримдан беркитиб қийналиб 15 кун тутдим. Бир кишига: «Эрим рухсат бермадилар», десам, «Эрингиз рухсат бермасалар, тутманг», дедилар.*

*Минг истиҳола билан рўза тутмадим. Эрим мен туфайли гуноҳкор бўлиб қолишларини ҳам*

истамайман. Шу тўғрида роса қийналаман. Рўза тутганларга ҳавасим келади.

Саволим шуки, рўзани оралатиб тутса бўладими? Заифларга қандай қулайликлар бор? Шунини батафсил тушунтириб берсангиз.

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Аввало, аёл кишининг нафл рўза тутишигагина эрнинг рухсати керак. Фарз рўзада эрнинг рухсатига қаралмайди.

Бемор ва мусофирларнинг рухсатлари Қуръони Карим оятларида зикр қилинган.

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида:

فَمَنْ شَهِدَ مِنْكُمُ الشَّهْرَ فَلْيَصُمْهُ وَمَنْ كَانَ مَرِيضًا  
أَوْ عَلَى سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِنْ أَيَّامٍ أُخَرَ يُرِيدُ اللَّهُ بِكُمُ  
الْيُسْرَ وَلَا يُرِيدُ بِكُمُ الْعُسْرَ

«Сиздан ким у ойда ҳозир бўлса, бас, унинг рўзасини тутсин. Ким бемор ёки сафарда бўлса, бас, (ўша тутилмаган кунлар) саногини бошқа кунлардан (тутади). Аллоҳ сизларга енгилликни хоҳлайди ва сизларга қийинчиликни хоҳламайди» (185-оят), деган.

Тузалишидан умид қилинган бемор киши Рамазон кунлари рўза тутмай, кейин тутмаган кунлари саногича қазо рўза тутишига асосий далил мана шу ояти каримадир.

Шунинг учун, бемор киши, агар рўза тутса, беморлиги зиёда бўлиб кетадиган ёки тузалиши ортга суриладиган бўлса, Рамазон ойда бемалол рўза тутмай юриши мумкин. Аллоҳ таоло беморлик туфайли унга рухсат берган.

Сиз ҳолатингизга қаранг. Оила аъзоларингиз ҳам рўза тутишингизга ёрдам берсинлар, яъни, қулай шароит яратиб беришга ҳаракат қилсинлар. Соғлигингиз кўтармайдиган ҳолатда узрли бўласиз.

Аллоҳ шифо берсин, тузалиб рўзаларни бемалол тутишингизга мушарраф қилсин. **Валлоҳу аълам.**

## 22-БОБ. ҲАЖ – УМРА

### 98-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари! Каъбатуллоҳнинг бурчагидаги «Ҳажарул асвад»ни «Рукнул яманий» деб аталади. Бундай аталиши тўғрисида батафсилроқ тушунтириб берсангиз. Жавобингиз учун аввалдан ташаккур! Аллоҳ рози бўлсин!*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Каъбатуллоҳнинг бурчагидаги «Ҳажарул асвад»ни «Рукнул яманий» деб аталмайди. Каъбаи Муъаззаманинг Яман тарафидаги бурчагини «Рукнул яманий» деб аталади. У тавоф қилиб келаётган одам учун «Ҳажарул асвад»дан олдинги бурчақдир. Унинг пардаси ҳам бир оз очилиб қўйилган бўлиб, тавоф қилувчилардан баъзилари қўлларини теккизиб, истилом қилиб ўтадилар. *Валлоҳу аълам.*

## 23-БОБ. ДУО ВА ДАМ ХУСУСИДА

### 99-САВОЛ

Барча ўзбек хонадонларида таомдан кейин дуолар ўқилиб, юзга фотиҳа тортилади. Исломда айни шу дуонинг аҳамияти қандай? Ва бу ўринда ўқиладиган махсус дуолар борми?

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Ҳар гал таом егандан сўнг Аллоҳга ҳамд айтиб, шукр келтириш ҳадисларда таъкидлаб айтилган.

عَنْ مُعَاذِ بْنِ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَنْ أَكَلَ طَعَامًا فَقَالَ: الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَطْعَمَنِي هَذَا وَرَزَقَنِيهِ مِنْ غَيْرِ حَوْلٍ مِنِّي وَلَا قُوَّةٍ غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ أَبُو دَاوُدَ.

Муоз Ибн Анас розияллоҳу анҳудан ривоят:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким таом еса-ю, кейин:

«Шуни менга, менинг куч-қувватимсиз, таом қилиб ва ризқ қилиб берган Аллоҳга ҳамд бўлсин» деса, унинг олдинги гуноҳларидан мағфират қилинган», дедилар».

Термизий ва Абу Довуд ривоят қилишган.

Шунинг учун, ҳар бир банд таом ейишни «Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм» дея бошламоғи ва таом ейишни тугатганда Аллоҳга ҳамд ва шукр айтмоғи лозим. Бу шукрларнинг ҳадисда келган маънолари бор. Ана шуларни айтса, яхши бўлади. Ҳозир бизда одат бўлгани:

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا فَرَغَ مِنْ طَعَامِهِ قَالَ: الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَطْعَمَنَا وَسَقَانَا وَجَعَلَنَا مُسْلِمِينَ. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

Абу Саъийд Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу аалйҳи васаллам қачон таомдан фориг бўлсалар:**

**«Бизга таом ва ичимлик берган ҳамда бизларни мусулмонлардан қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин», – дер эдилар».**

*«Сунан» эгалари ривоят қилган.*

Шунга ўхшаган ҳадисларда келган яна бир қанча дуолар борки, ана шу дуолар ўқилса, таом еганнинг шукрини Аллоҳга айтилса, суннатга мувофиқ бўлади ва еганларида хайру барака бўлади. Икки оғиз сўзда бу саволга батафсил жавоб беришнинг имкони йўқ. Аммо «Ҳадис ва Ҳаёт» номли силсила-мизнинг 16 – 17 жуз «Таом ва Шароб» китобида таомларнинг ҳалоли қайсию, ҳароми қайсилигини келтириш билан бирга, таомни тановул қилиш, дастурхонда ўтириш, тановулни тугатиш ва исломий маданият тўғрисида бир қанча ҳадислар шарҳ қилинган. Иншоаллоҳ, мухлисларимиз ҳам, мўмин-мусулмон биродару опа-сингилларимиз ҳам бу нарсалардан тўлиқ хабардор бўлиб, амал қилиб боришади, деган умиддамиз. *Валлоҳу аълам.*

## 100-САВОЛ

*Намозда ташаҳҳуғ ва икки салавотдан кейин «Аллоҳуммағфирлий валивалидайя...» ва «роббана атина фиддуња...» дуоларини ўқиш суннатми? Баъзи мулалар: «Шу дуоларни ўқимаса, тарки суннат бўлади», дейишади, шу гап тўғрими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Ташаҳҳудда ўтирганда Набий алайҳиссаломга салавот айтгандан кейин Қуръон ва суннатдагига ўхшаш лафзлар ила дуо қилиш намознинг суннат амалларидандир.

Намознинг ичидаги бу дуода одамлардан сўрайдиган нарсаларни тилаб дуо қилса, жоиз эмас.

Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Муслим, Абу Довуд ва Аҳмад ибн Ҳанбал келтирган ривоятда:

قَالَ ﷺ: إِنَّ هَذِهِ الصَّلَاةَ لَا يَصْلُحُ فِيهَا شَيْءٌ مِنْ كَلَامِ النَّاسِ إِنَّمَا هُوَ التَّسْبِيحُ وَالتَّكْبِيرُ وَقِرَاءَةُ الْقُرْآنِ.

«Албатта, бу намозда одамларнинг каломидан ҳеч нарса мумкин эмас. У фақат тасбеҳ, такбир ва Қуръон қироатидан иборатдир», деганлар».

Бизда Набий алайҳиссаломга саловотдан кейин «Аллоҳуммағфирлий» деб бошланадиган машҳур дуони ўқиш одатга айланган. *Валлоҳу аълам.*

*Кинна солиш ҳақида: бу нарса мумкинми ёки аксинча?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Кинна солиш бошни уқалаш маъносида бўлса, тиббий ҳаракат ҳисобланиши мумкин. Оят ва ҳадислардаги дуолардан ўқиб дам солиш ҳам жоиз.

Аммо тушуниб бўлмайдиган ва эътиқодга зид гапларни айтиб дам солиш, турли нарсаларни суртиш каби ишлар бўлса, мумкин эмас. *Валлоҳу аълам.*

## МУШКУЛ КУШОД



*Биби Мушкулкушод онамизнинг қиссаларини ўқиш мумкинми? Бугунги кунда бунни «ширк» деб топишган. Шайх Ҳазратларининг айни ҳолатга муносабатларини билмоқчи эдик.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

«Биби Мушкулкушод» номли қисса шариати-мизда йўқ нарса, мумкин эмас нарса. Мушкулни кушод қилувчи, яъники банданинг бошига тушган офирликни енгил қилувчи, мушкул ишларни ку-

шойиш айловчи зот Аллоҳ таолонинг Ўзи, холос. Биби Мушкулкушод деган бир шахс одамларнинг мушкулани кушод қиладиган, оғирини енгил қиладиган, қайғусини кетказадиган, бошига тушган мусийбатни йўқ қиладиган бўлиши мумкин эмас.

Шунинг учун, «Биби Мушкулкушод» деган маросимларни қилиш, у ерда Исломга алоқаси бўлмаган бир қиссани ўқиш одамнинг бошига тушган мушкулни кушойиш айлайди, деб ишониш ҳам, аслида ширқдир.

Бошига оғир иш, мушкул тушган мўмин-мусулмон Набийимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан келган ривоятлар асосида Қуръон оятларидан ўқиб, саловотлар айтиб, Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг Ўзидан мушкулани осон қилишини сўрамоғи лозим. Бу тўғрида аниқ ва ишончли ривоятлар бор. Саҳобалар розияллоҳу анхумнинг ҳаётларида ўтган тажрибалар бор. Ана ўшалардан, Қуръон оятларидан, Набийимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган дуолардан ўқиб, Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг Ўзидан мушкулани осон бўлишини сўраш энг тўғри йўлдир. Шунинг учун каттаю кичик, ёшу қари опа-сингилларимиз яхши тушуниб, англаб етмоқлари лозимки, бизнинг шариатимизда «Биби Мушкулкушод» номли шахс ёки қисса ёки бошига мушкул тушган одам қиладиган маросим мутлақо йўқ, бу шаръий нарса эмас, балки бошига мушкул тушганда банда Аллоҳ таолонинг Ўзига ёлвориши керак, Қуръон оятларидан ўқиши керак. Аллоҳ субҳану ва таолонинг Ўзидан, Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган дуоларни ўқиш, такрорлаш, Аллоҳ таолонинг зикрини қилиш орқали мушкулларини осон бўлишини сўрашлари лозим. **Валлоҳу аълам.**

## МУОМАЛА КИТОБИ

### 24-БОБ. ОЛДИ-СОТДИ

#### МУЗОРАБА ҲАҚИДА

#### 102-САВОЛ

Акам бир дўстлари билан шерикликка тижорат қилмоқчилар. Пулни тўлиқ акам берадилар, қассоб дўстлари у пулга бозордан қўй олиб келиб, сўйиб, гўштини сотади. Гўштидан тушган фойдани тўлиқ у (дўстлари) олади. Акамга эса тери (ичида калла, ичак ва ҳоказо — гўштдан ортган нарсалар)нинг ярим пулни акамга беради. Лекин баъзан гўштдан фойда эмас, зарар бўлиш эҳтимоли ҳам бор. Лекин шунақа вазиятларда ҳам, барибир, акам терининг ярим пулни оладилар. Бунга дўстларининг ўзи рози. Зотан, бундай тақлиф ундан келяпти. Масалан, 100 минг сўмга қўй олинди. Сўйиб сотилгандан кейин гўштидан 110 минг сўм тушди. Терининг нархи 5—6 минг сўм. Акамга 3 минг беради. Лекин акам бозорга бормади, гўшт сотишда иштирок этмади, фақат пулни бериб қўйган, холос. Баъзан гўшт 90 минг сўмга сотилди, дейлик. 10 минг зарар қассобга, лекин акамга терининг ярим нархини беради. Савол: Бундай тижоратга фоииз борми ёки ҳалолми?

#### **ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Ақангиз ўз овайниси билан тузган иш бирлигига шариат истилоҳида «музораба» деб ном берилган. Музораба ҳақида қисқача умумий маълумотлар қуйидагилар:

Музораба «ер юзида юриш» маъносини англатади. Чунки бу ишни юритувчи ер юзида талаби касб қилиб юради.

Музорабада раъсулмол бир томондан, хизмат иккинчи томондан бўлади. Молнинг эгаси ишчи билан келишиб, молини унга беради. Тушган

фойда келишувга асосан бўлиб олинади. Зарар мол эгасига бўлади. Ишчи эса, қилган меҳнатидан зарар кўради, холос.

Музораба Қуръон, Суннат, Ижмоъ ва Қиёс ила собит бўлгандир.

Аллоҳ таоло «Муззаммил» сурасида:

وَأَخْرُونَ يَضْرِبُونَ فِي الْأَرْضِ يَبْتَغُونَ مِنْ فَضْلِ اللَّهِ

«Бошқалар ер юзида юриб Аллоҳнинг фазлини ахтаришини, (билади)» (20-оят), деган.

Аллоҳ таоло «Жумъа» сурасида:

فَإِذَا قُضِيَتِ الصَّلَاةُ فَانْتَشِرُوا فِي الْأَرْضِ وَابْتَغُوا مِنْ فَضْلِ اللَّهِ وَاذْكُرُوا اللَّهَ كَثِيرًا لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿١٠﴾

«Бас, намоз тугагандан сўнг ер юзи бўйлаб тарқалинг ва Аллоҳнинг фазлидан талаб қилинг ва Аллоҳни кўп эсланг, шоядки, ютуққа эришсангиз», деган. (10-оят).

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّهُ قَالَ: كَانَ سَيِّدُنَا الْعَبَّاسُ بْنُ عَبْدِ الْمُطَّلِبِ إِذَا دَفَعَ الْمَالَ مُضَارَبَةً اشْتَرَطَ عَلَى صَاحِبِهِ أَنْ لَا يُسَلِّكَ بِهِ بَحْرًا وَلَا يَنْزِلَ بِهِ وَادِيًا وَلَا يَشْتَرِي بِهِ دَابَّةً ذَاتَ كَبِدٍ رَطْبَةً فَإِنْ فَعَلَ ذَلِكَ ضَمِنَ فَبَلَغَ شَرْطُهُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ فَأَجَّازَ شَرْطَهُ. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ.

Имом Тобароний қилган ривоятда Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анху қўйидагиларни айтганлар:

«Саййидимиз Аббос ибн Абдулмуттолиб молни музораба учун берса, уни денгизда олиб юрмаслик, у билан водийга тушмаслик ва у ила ҳайвон сотиб олмасликни шарт қилар ва буларни қилса, тўлаб беришини айтар эди. Унинг

шартлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етганида, ижозат бердилар».

عَنْ صَالِحِ بْنِ صُهَيْبٍ عَنْ أَبِيهِ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: ثَلَاثٌ فِيهِنَّ الْبَرَكََةُ الْبَيْعُ إِلَى أَجَلٍ وَالْمُقَارَضَةُ وَأَخْلَاطُ الْبُرِّ بِالشَّعِيرِ لِلْبَيْتِ لَا لِلْبَيْعِ. رَوَاهُ ابْنُ مَاجَةَ.

Ибн Можа Суҳайб розияллоху анҳудан ривоят қилади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Уч нарсада барака бордир: Баҳосини кейин бериш шарти ила сотишда, муқоразда (савдо молларини алмаштиришда) ва сотиш учун эмас, рўзғор учун буғдой билан арпани аралаштиришда», – дедилар».**

Ижмоъдан далил келтирадиган бўлсак, саҳобалардан кўплари етимнинг молини музорабага берганлари ва бирор киши буни инкор қилмагани маълум ва машҳур.

Қиёсга келсак, музораба мусоқотга қиёс қилинган. Одамларнинг ҳожати доимо бу каби нарсаларга тушиб туради. Улардан баъзиларининг моли бўлади. Аммо уни ишлатишга имкони бўлмайди. Бошқасининг имкони ва билими бор. Лекин моли бўлмайди. Музораба орқали иккисининг ҳам ҳожати чиқади.

Музорабани «Мухтасари Виқоя»нинг соҳиби қуйидагича таърифлайди.

**У бир кишидан мол ва бошқасидан иш ўлароқ фойдага шериклик шартномасидир.**

**У аввал вадийъа қўйиш ва иш пайтида эса вакил қилишдир.**

Яъни музорабанинг аввалида моли бор шахс шеригига уни топшириб қўяди. Шерик молни ишлатишга киришганда худди вакилдек ҳолга ўтади.

**У фойда кўрилса, ширкатдир. Агар хилоф қилинса, расбдир.**

Яъни музораба омонат билан йўлга қўйилиб икки тараф фойда кўрса, ширкат бўлади. Агар шерик хилоф қилиб, фойдани бермай, еб кетса, расб – бировнинг молини тортиб олишдир.

**Агар барча фойда мол эгасига шарт қилинса, у – бизоъадир.**

Бизоъа – ишчининг текинга ишлаб беришидир.

**Агар фойданинг ҳаммаси ишчига деб шарт қилинса, қарз бўлиб қолади.**

**Агар фосид бўлса, фосид ижарага ўхшаб қолади. Унга фойда бўлмайди. Иш фойда бердими, йўқми, барибир, унга ишининг ажри берилади.**

Фосид ижарада иш ҳақи берилгани каби.

**Муҳаммадга хилоф ўлароқ унинг иш ҳақи фойдадан шарт қилинган миқдордан ошмайди.**

Яъни музораба шартномасида иш бажарувчига маълум миқдордаги улуш келишилган эди. Аммо музораба фосид бўлгани учун, унга улуш эмас, иш ҳақи бериладиган бўлди. Ўша иш ҳақи белгиланган улуш миқдоридан зиёда бўлмаслиги лозим. Бу гап имом Муҳаммаднинг гапига хилофдир. У киши: иш бажарувчи ажри мисли олади, деганлар.

**Фосид музорабада худди саҳиҳдаги каби зомин бўлмайди.**

Яъни музорабадаги иш бажарувчи тараф, мабодо, касодга учраб, зарар топадиган бўлса, тўлаб бермайди ёки зарарни тўлашга шерик бўлмайди. Бу гап Абу Ҳанийфа раҳматуллоҳи алайҳининг айтганлари. Имом Абу Юсуф ва Муҳаммад: «У ҳам зарарга шерик бўлади», деганлар. Ҳиндовий: «Барчалари фосид музорабада зарарни тўламайди», деганларини келтирган. Демак, музораба шартномасини тузаётганда имом Абу Ҳанийфанинг гапига амал қилинадими ёки бошқаларникига, шуни аниқлаб олиш керак.

Кўриниб турибдики, саволда келган маълумотларнинг барчаси ҳам қоидага тўғри келмайди. Шартномачилар ўша хатоларни тўғрилаши керак. Аммо, бу тижоратда фоиз борми, деган саволга «фоиз йўқ» деган жавоб бўлади. Бу ерда фойдани бўлиб олиш бор. **Валлоҳу аълам.**

## 25-БОБ. БАНК ВА РИБОВИЙ МОЛЛАР

### 103-САВОЛ

*Бир шахсга: «Элликта 200 сўмлик бераман, сен менга қайтаришингга ўнта минг сўмлик қилиб берасан», деса, бу ҳам рибоми? Умуман, рибо ҳақидаги маълумотни қаердан ўқиб-ўрганса бўлади (лекин араб тилини билмайман)?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

«Рибо» луғатда «зиёда» маъносини англатади.

Шариатда эса,

**Молни молга алмаштиришда икки ақд қилувчидан бирига келадиган эвазсиз ортиқча мол рибодир.**

**Унинг иллоти миқдор, яъни қайл ёки вазн билан жинсинг бир хил бўлишидир.**

Яъни рибо ҳосил бўлиши учун муомаладаги моллар қайл-идишда ўлчанадиган ёки вазн-тарозида тортиладиган бўлиши ва иккиси бир жинсдан бўлиши керак.

**Буғдой, арпа, хурмо ва туз қайлийдир. Тилла ва кумуш вазнийдир. Улардан бошқалари урфга биноандир.**

Қайл – зироат маҳсулотларини, хусусан, хурмо, буғдой, арпа кабиларни махсус идишда ўлчашдир. Мисол учун, соъ номли идишга маълум миқдорда маҳсулот сиққан. Ўшанга ўхшаш идишларни ўлчов қилиб олиб, маҳсулотлар миқдорини ўлчаганлар.

«Вазн» деб тилла ва кумушни торозида тортишга айтилади.

**Агар икки сифат мавжуд бўлса, зиёда ва насия ҳаром бўлур.**

Шундан келиб чиқиб рибо икки хил бўлади:

1. Рибо ал-фазл:

Олтин, кумуш, буғдой, арпа, туз ва хурмолардан бир жинсдаги нарсани алмаштиришда зиёда олишдир. Буни «савдо рибоси» ҳам дейилади.

2. Насия рибоси:

Қарзни адо этишни кечга суриш эвазига олинадиган фойда. У оддий қарз бўлса ҳам, сотиб олинган нарсанинг нархи бўлса ҳам, барибир.

Рибо ҳосил бўлиши учун икки сифат: ўлчов ва жинс бир бўлиши шарт.

Мисол учун, тиллани тиллага сотса ва бири иккинчисидан кўп бўлса, «рибо ал-фазл» бўлади. Бу ерда жинси ҳам бир хил, ўлчови ҳам бир хил нарсада бир тараф фазл (ортиқча нарса)ни эвазсиз олмоқда.

Агар бир кило буғдойни қишда олиб, ёзда уни бир ярим кило қилиб қайтаришга келишилса, «насия рибоси» бўлади. Бу ерда жинси бир хил, ўлчови бир хил ва муддат ўтиши билан бир тараф эвазсиз молга эга бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам:

**Агар жинс ва ўлчов бир хил бўлмаса, зиёда ҳам, насия ҳам ҳалол бўлур.**

Мисол учун, тилла ёки кумушга хурмо ёки буғдой олиш. Буғдойга арпа олиш. Тиллага кумуш олиш ва ҳоказо.

Демак, кайл ва вазн билан ўлчанадиган молларда рибо бўлади. Қийматига қараб ўлчанадиган ҳовли-жой, ҳайвонлар ва асбоб-анжомлар каби нарсаларда рибо бўлмайди. Мисол учун, бир қўйни икки қўйга алмашиш мумкин. **Валлоҳу аълам.**

## 26-БОБ. ИШ ВА ИШЧИЛАР

### 104-САВОЛ

*Мен бир ташкилотга ишлайман. Уша ташкилотнинг тушумлари юқори даражада, лекин назаримда менга кам ҳақ тўлашяпти. Ношукр эмасман, лекин кўпроқ ойлик тўлашларини талаб этишга ҳаққим борми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Бундай ҳолатларда, одатда, иш берувчи тараф билан ишчи ўртасида меҳнат шартномаси тузилади. Ишчининг қиладиган ишлари ҳажмига қараб иш берувчи билан тузилган шартномада ойликнинг қанча бўлишига келишилади. Бу икки тарафнинг розилиги билан бўлади. Лекин ташкилотнинг бойлиги ёки камбағаллиги шарт қилинмаган.

Аммо йиллар ўтиши билан, иш ҳажми ошиб ёки имкониятлар кўпайса, ойликни оширишни талаб этиб, илтимос қилиш айб эмас. Балки икки тарафнинг аҳиллиги билан бу ишни амалга оширилса, яхши бўлади. Аллоҳ таоло мана шу айтган нарсаларимизни тўғри тушуниб амал қилишликни насийб этсин. *Валлоҳу аълам.*

### 105-САВОЛ

*Ҳозирги кунда кўп такрорланадиган саволлардан бири касб-корга тааллуқли саволлардир. Баъзи кишилар касб эгаларига «сен уни қилма, бунини қилма, гуноҳкор бўласан, касбинг нотўғри» деган мазмундаги гапларни айтишяпти. Мисол учун, аёл кишиларнинг енги калта, ёқаси очик ёки шунга ўхшаш, яъни шарият қондаларига тўғри келмайдиган кўйлаklarини тикиш ёки сотиш гуноҳ бўлади, чунки ўша кўйлакни кийиб кўчага чиққан аёл гуноҳ иш қилади, уни тикиб берган ёки сотган одам ўша гуноҳига шерик бўлади, дейилмоқда. Бунинг натижасида касбини ташлаб юбораётган кишилар ҳам бор. Ана шу масалани таҳлил қилиб берсангиз.*

### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Мана шундай ҳолат бошқа ерларда ҳам бор экан. Кувайтда чиқадиган илмий нашрлардан бирида мана шу тўғрида сўз кетибди, шуни тушуниб олсак ҳаммага фойда бўлади. Кувайт давлатидаги Вақф Ва Исломий Ишлар вазирлиги ҳузуридаги Фатво ҳайъати эркак кишиларга аёлларнинг кийимларини тикадиган устахоналарда ишлаш мумкинлиги тўғрисида фатво берган. Ушбу фатвода алоҳида зиёфатларга, тўйларга кийиладиган турли безакли кўйлақларни тикиш ва бошқа маъноларда гап кетади. Ўша фатво ҳайъати айтадики: «Эркак кишилар аёллар киядиган турли кийимларни сотишлари ёки уларни тикишлари, бичишлари мумкин. Агар ўша кўйлақларнинг кўкраклари очиқ бўлса ҳам ва ўта тор бўлса ҳам, фарқи йўқ. Агар улар тиккан ёки сотган кўйлақларни кийган аёллар турли йиғинларда қатнашиб, эркаклар бор жойда юриб, уларнинг қадди-қоматига, аврат жойларига эркакларнинг назари тушадиган бўлса ҳам, барибир, бўлаверади», дейилади. Ва бу фатвони шарҳ қилиб айтиладики: «Ношаръий ҳолатларни вужудга келтирадиган кийимларни кийган аёл, аврат жойлари очиладими, ёки кийими юпқалигидан бадани сезилиб турадими, ёки кийимининг торлигидан баданининг маълум қисмлари бўртиб, чиқиб турадими, у шу ҳолатда кўчада юрадими, бошқа жойда юрадими, эридан бошқага кўринадими-буларнинг ҳаммасининг гуноҳи ўша аёлнинг ўзига бўлади. Чунки аёл ўзи беркиниши керак, ўзини сатр қилиши керак, тикувчи эмас, бичувчи эмас, сотувчи эмас. Бу ҳақда Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло «Нур» сурасида марҳамат қилиб айтганки:

وَلَا يَبْدِينَ زِينَتَهُنَّ إِلَّا مَا ظَهَرَ مِنْهَا

«Ва зийнатларини кўрсатмасинлар, магар зоҳир бўлган зийнатлар бўлса (майли)» (31-оят).

Ана шу нарса бор. Энди, кийган аёл ношаръий ҳолатга тушиб қоладиган кийимларни сотган, тиккан ёки бичган одам ўша кийимларни фақат шаръий ҳолатларда кийиш ва уни шариат қоидаларига мувофиқ тарзда олиб юришнинг масъулиятини бўйнига олмайди. Шунинг учун, ношаръий тарзда кийиб, ўзини кўрсатиб юрганлиги жавобини аёл кишининг ўзи беради. Аёлларнинг кийимларини тикадиган ишда ишлайдиган эркаклар ҳам, барча эркаклар каби, албатта, шаръий одобларга риоя қилишлари шарт. Масалан, аёлларга кўз тикмасликлари, уларга қўлларини теккизмасликлари, холий қолмасликлари керак, бу — бошқа шаръий ҳукмлар. Шу маънони жуда яхши билиш керак. Қадимги фикҳ китобларимизда ҳам бунга ўхшаш маънолар муолажа қилинган.

Шунингдек, Ҳанафий фикҳининг машҳур китоблари — «Бадоиъус-саноиъ», «Мабсут» ва бошқаларда юқоридаги масалага қиёслаш мумкин бўлган бошқа бир масала — узум сотиш масаласи кўпроқ муҳокама қилинган, бизнинг мазҳабимизда, айниқса, шу нарсага эътибор берилган.

Бир одам узум ёки узумнинг сиқилган сувини сотиб ўтирибди. Унинг ҳузурига шу узумдан ёки унинг сиқилган сувидан ҳаром ичимлик тайёрлайдиган одам келиб, сотиб олмоқчи. Шунга ўша узумни ёки узумнинг сувини сотса, бўладими ёки бўлмайдами, деган савол бор. Ҳанафий уламолар айтадиларки: «Сотса, бўлади. Чунки бу — бозор, унга ҳар хил одам келади, сотиб олади. Энди, узумдан хамр тайёрлайдиган, маст қилувчи ичимлик тайёрлайдиган одам келиб олса, эҳтимол у ўзи ейди, ҳалол нарсага ишлатади. Шунинг учун сотаверади, лекин уни олиб бориб, у одам ҳалол ҳолида еб, ҳузур қилишнинг ўрнига ҳаром нарсага ишлатиб, ундан маст қилувчи ичимлик тайёрлаб ичса ёки сотса, гуноҳини ўзи кўтаради, узумни эккан, ўстирган ёки бозорга олиб келиб сотган кимса бунинг гуноҳини кўтармайди».

Кўйлақлар масаласи ҳам шунга ўхшайди. Сиз айтгандек «шариат қоидаларига тўғри келмайдиган» кўйлақларни кийиб номаҳрамларга кўринган аёлнинг гуноҳи ўз бўйнига. Тикувчи ёки сотувчи унинг гуноҳига шерик бўлмайди. Чунки ўшандай кўйлақлардан баъзиларини ўз оиласида кийиб юришнинг зарари йўқ. Албатта, шариатда рухсат берилган доирада ва фақат маҳрамлари ҳузурда.

Мана шу маъноларни биз яхши тушунишимиз керак. Сотилаётган нарса ўзи ҳалол бўлиши керак, савдо алдов ёки шариат манъ қилган бошқа нарсалардан холий бўлиши шарт.

Аммо, ўша нарса албатта зарар келтиришдан бошқа нарсага бурилмайдиган ҳолат бўлса, албатта, сотиб бўлмайди. Бунга уламоларимиз қуролни мисол қилиб келтиришган: «бирова қурол сотиб ўтирибди, ўша қуролни ўзининг ўғрилиги, муттаҳамлиги, одам ўлдириши билан машҳур бир одам келиб олмоқчи. У одам ўша қуролни олса ёмонликдан бошқа нарсага ишлатиши эҳтимоли йўқ. Чунки ўзининг тасарруфи билан шунини исбот қилиб қўйган. Ана шунинг учун унга қурол сотиб бўлмайди, чунки қуролни яхшиликка ишлатиш эҳтимоли йўқ».

Ҳалиги узум ёки узумнинг сиқилган сувини эса яхшиликка ишлатиш эҳтимоли бор, озуқа сифатида емоқ ёки ичимлик сифатида ичмоқ. Албатта, ҳар қандай ҳолатда ният муҳимдир. **Валлоҳу аълам.**

## 27-БОБ. ҚАРЗ ОЛДИ-БЕРДИСИ

### 106-САВОЛ

*Мен бир дўстимга қарз берган эдим, яқинда маълум бўлиб қолдики, дўстим ўша маблағни нопок ишларга сарфлаётган экан. Унинг гуноҳларига мен ҳам шерик бўлиб қолмадимми? Умуман, қарз бераётганда унинг нимага ишлатилишини сўраш керакми?*

### ҚАРЗНИ НОТЎҒРИ ИШЛАТИШ

#### **ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Албатта, бу ҳолат жуда ачинарли. Бир иймон-этиқодли киши шариатда кўрсатилган ишга амал қилай деб, беғараз ҳолда дўстига қарз берса, у пулни нопок ишларга сарфласа! Ваҳоланки, қарз олган одамнинг қарздор бўлиш даражасига тушиб қолгани унинг кўзини очиши ва Аллоҳдан қўрқиши ҳамда Аллоҳдан ҳаётига барака киришини сўраши лозим эди. Лекин бу одам бир тақводор одамнинг пулини олиб, яна гуноҳ ишга сарфлашининг ўзи катта бир мусийбат. Бу иши омонатга катта хиёнат ҳисобланади.

Қарз берган одам қарз олувчининг берилган маблағни нимага ишлатилишини билмасдан берган бўлса, албатта, қарз бергани учун гуноҳкор бўлмайди. Бас, шундай экан, қарз бераётганда қарзни нимага ишлатилишини сўраб, «Агар шундай гуноҳ ишларга ишлатадиган бўлсангиз, мен бера олмайман», деб айтиш мумкин бўлади. Модомики, қарз олувчилар хиёнат қилар эканми, қарз берувчи ҳам ўзининг пули Аллоҳ таолога исён, осийлик бўладиган ишларга сарфланишининг олдини олса, яхши бўлади. *Валлоҳу аълам.*

## ЭГАСИ ҒОЙИБ ҲАҚ ТЎҒРИСИДА

### 107-САВОЛ

*Бу воқеъа ўн беш йиллар олдин бўлиб ўтган эди. Мен мактабда ўқиган кезларимда, бир дўкондан ҳар кун ширинлик харид қилар эдим. Пулим етмаганлиги сабабли мен учун арзимас бўлган миқдорда қарздор бўлиб қолар эдим. Йиллар ўтгач, ақлимни таниб, ўша дўкондордан қарздор эканлигимни тушуниб етдим. Қарзни узай десам, у одам ўша ерда ишламайди. Мен энди нима қилишим керак?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Аввало, мана шу арзимас деб аталган, тийинлардан тўпланиб қолган маълум бир қарзни сўрамаса ҳам эгаси орқасидан қувиб адо этиш лозим эканлигини ҳис этгани учун бу мухлисимизга ташаккур изҳор этамиз. Албатта, Ислому дийнига ошно бўлгандан кейин, дийнимиз кўрсатмаларини билгандан кейин, шундай улкан масъулиятни ҳис этишнинг ўзи улуғ бир неъмат ҳисобланади. Мана шу қарзнинг эгаси йўқ. Уни келиб сўрамайди ҳам. Қарздор ўзича уриниб, қидириб, эгасини топиб берай деб, қанча ҳаракат қилса ҳам тополмайди. Чунки у одамнинг қаерда эканлигини ва нима бўлганлигини билиб бўлмайди. Бундай ҳолатларда нима қилинади?

Уламоларимиз бундай ҳолатларда иложи борида ҳақ эгасини излаб топиш, суриштиришни тавсия қиладилар. Лекин излаб топишнинг иложи бўлмаса, ўша ҳақдорга берадиган миқдордаги маблағ бева-бечора, камбағалларга ўша ҳақ эгасининг номидан берилади. Шунда ҳақ унинг бўйнида қолмаган бўлади.

Оз бўлса-да, бировнинг ҳаққи бор, шуни адо этишим керак, деган маънода савол бериб, ҳаракат қилган кишиларнинг ичимизда борлиги ҳаммани хурсанд қилади. Чунки бировнинг ҳаққини емоқ, у хоҳ оз бўлсин, хоҳ кўп бўлсин, катта гуноҳ ҳисобланади. Мана шуни ҳаммамиз тушуниб

етишимиз керак. Афсуски, охирги пайтда буни ҳис этиб, амал қиладиган кишиларимиз камайиб кетмоқда. Лекин мана бу саволнинг берилиши орамизда бундай одамлар борлигидан гувоҳлик беради ва биз бундай кишилардан ўрнак олишимиз керак. *Валлоҳу аълам.*

### ҚАРЗ БЕРИШДА ПУЛ ҚАДРИ ТУШИШНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

#### 108-САВОЛ

*Ассалому алайкум, ҳурматли Шайх ҳазратлари!*

*Бир киши бошқа кишига қарз бераётганда инфляцияни ҳисобга олган ҳолда: «Пулни қайтараётганингда инфляция қийматини ҳам қўшиб берасан», деб шарт қўйиши рибо ҳисобланадими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Қарз олди-берди қилаётганда ҳамма нарсани ёзиб қўйиш ва икки тараф бир нусхадан олиши керак. Шунда барча маълумотлар қатори пулнинг қиммати тушиши эҳтимолини ҳам қайд қилиб қўйилса, жуда яхши бўлади. Бу иш шариатда кўрсатилган тадбир бўлиб, келажақда низо чиқишининг олдини олишга хизмат қилади. *Валлоҳу аълам.*

#### 109-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Ҳазрат!*

*Маълумки, бир нарсани бериб, эвазига шу маҳсулот жинсидан бўлган маҳсулотдан кўпроқ олинишига «рибо» дейилади. Масалан: 100 сўм бериб, 110 сўм қилиб олиш каби. Инфляцияни ҳисобга олиш дегани, бу—пул миқдорининг кўпайиши дегани-ку? Ҳазрат, илм бўлиши учун жавобингизни асослаб бериш мақсадига мўътабар китобардан далиллар келтирсангиз, бошқаларга ҳам фойдали бўлар эди.*

### ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Савол берувчининг далил сўраши айна берадобликдир. Бу масала мўътабар китобларда қайта-қайта зикр қилинган ҳақийқатдир.

Пул қадри тушишини салафи солиҳлар қандай муолажа қилганларини қуйидаги ривоятдан билиб оламиз.

عَنْ عَمْرٍو بْنِ شُعَيْبٍ عَنْ أَبِيهِ عَنْ جَدِّهِ قَالَ: كَانَتْ قِيَمَةُ الدِّيَةِ عَلَى عَهْدِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ ثَمَانِ مِائَةِ دِينَارٍ أَوْ ثَمَانِيَةَ آلَافٍ دِرْهَمٍ، وَدِيَةُ أَهْلِ الْكِتَابِ يَوْمَئِذٍ النُّصْفُ مِنْ دِيَةِ الْمُسْلِمِينَ قَالَ: فَكَانَ ذَلِكَ كَذَلِكَ حَتَّى اسْتُخْلِفَ عُمَرُ رَحِمَهُ اللَّهُ فَفَقَامَ حَطِييًّا فَقَالَ: أَلَا إِنَّ الْإِبِلَ قَدْ غَلَّتْ قَالَ: فَفَرَضَهَا عُمَرُ عَلَى أَهْلِ الذَّهَبِ أَلْفَ دِينَارٍ وَعَلَى أَهْلِ الْوَرِقِ اثْنَيْ عَشَرَ أَلْفًا وَعَلَى أَهْلِ الْبَقْرِ مِائَتِي بَقْرَةٍ وَعَلَى أَهْلِ الشَّاءِ أَلْفِي شَاةٍ وَعَلَى أَهْلِ الْحُلَلِ مِائَتِي حُلَّةٍ قَالَ: وَتَرَكَ دِيَةَ أَهْلِ الذِّمَّةِ لَمْ يَرْفَعَهَا فِيمَا رَفَعَ مِنَ الدِّيَةِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ.

*Амр ибн Шуъайб розияллоху анҳудан, у ўз отасидан, у бобоси розияллоху анҳудан ривоят қилади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида хуннинг қиймати саккиз юз дийнор ёки саккиз минг дирҳам бўлиб, аҳли китобнинг хуни ўша кунларда мусулмонлар хунининг ярмига тенг эди. Шундоқ ҳолда давом этиб келди. Токи, Умар халийфа бўлганидан кейин, у хутба қилиб:

«Билиб қўйинглар, туя қиммат бўлиб кетди», – деди. Сўнгра дияни тилла эгаларига минг дийнор,

кумуш эгаларига ўн икки минг дирҳам, қора мол эгаларига икки юзта қорамол, қўй эгаларига икки мингта қўй ва кийим эгаларига икки юзта кийим этиб белгилади. Аҳли зиммаларнинг хунини кўтармай, ўз ҳолида қолдирди».

*Абу Довуд ва Насаий ривоят қилишган.*

Ҳазрати Умар пул қийматининг ўлчови бўлган туянинг нархи ўсиб, пулнинг қадри пасайгани учун хуннинг қийматини зиёда қилгани ўзига хос ечим бўлган.

Ислоом давлатлари уюшмаси қошидаги Ислоом Фикҳи академияси бу масалани ўзининг Бирлашган Араб Амирликлари давлатида бўлиб ўтган мажлисида муҳокама қилиб қарор чиқарган. Ўша қарорнинг нусхасини Доктор Ваҳба Зуҳайлий ўзининг «Ал-Фикҳул Исламийю ва адиллатуху» номли китобида келтирган. Гапнинг хулосаси, қарз олди-бердида пул харид қувватини йўқотиши муаммосини тилланинг нархига келишиб олиш билан ҳал қилиш тавсия этилган. Аммо томонлар ўзлари рози бўладиган нарсанинг қийматига келишиб олсалар ҳам, зарари йўқ. Чунки ҳадисда туянинг қиймати асос қилиб олинган, тилланинг эмас. *Валлоҳу аълам.*

## 28-БОБ. ҲАДЯ ВА ҲИБА

### 110-САВОЛ

*Инсон илми бўлиши учун устознинг дуоси зарур бўлади. Ҳадя қилинсин, деган гапга келсак, устозим мендан бадавлатроқ. Менинг ҳадям улар учун арзимас бўлиши мумкин. Қандай йўл тутишим керак?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Аввало, устознинг дуосини олиш учун, албатта, ҳадя бериш шарт эмас. Ҳадя бермай дуо олса ҳам бўлади. Қолаверса, ҳадя берувчи ҳадя олувчидан бой бўлиши шарт ҳам эмас.

Агар молни у бериладиган шахс олдига уни улуғлаб ва меҳрини қозониш учун олиб борилса, ҳадя бўлади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: تَهَادَوْا فَإِنَّ الْهَدِيَّةَ تَذْهَبُ وَحَرَ الصَّدْرِ وَلَا تَحْقِرَنَّ جَارَةً لِحَارَتِهَا وَلَوْ شَقَّ فَرَسٌ شَاةً. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ.

*Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Ўзаро ҳадя қилинглар, чунки ҳадя кўнгилдаги вилли-ғашни кетказади. Қўшни аёл ўз аёл қўшнисини қўй туёғининг бир бўлагида ҳам ҳақир санамасин», – дедилар».**

*Бухорий ва Термизий ривоят қилишган.*

Дарҳақийқат, ҳадя олди-бердиси кишилар орасидаги турли кўнгил ғашликларини кўтаради. Биров бошқа бир кишига кўнгилда ҳиқду ҳасади бўлмагандагина ҳадя беради. Ҳадя олган эса, агар кўнгилда баъзи бир нарса бўлса ҳам, чиқариб юборади. Бу ерда ҳадянинг катта қимматга эга бўлиши шарт эмас. Ўша вақтларда ҳадылар, асосан, таом бўлган. Туёқни еб бўлмайди. Лекин шу нарса

ҳадя қилинса ҳам, беписандлик қилмаслик керак экан. Ҳадисда аёл қўшниларнинг зикр қилиниши бу масаладаги асосий гап-сўзлар аёллар томонидан чиқиши эътиборидандир. *Валлоҳу аълам.*

## 29-БОБ. МУЛК ВА ЭГАЛИК

### 111-САВОЛ

*Турли нарсаларнинг, масалан, китоб, мақола ёзиш, эшиттириш, кўрсатув тайёрлаш, ихтиролар қилиш ва шунга ўхшаш нарсаларларнинг муаллифлик ҳуқуқини—ҳаққини ҳимоя қилиш дунё бўйича кенг тарқалган. Ма на шу маънога Исломда қандай қаралади?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

### МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ТЎҒРИСИДА

Бу саволга жавоб беришдан олдин шуни айтиб ўтиш керакки, муаллифлик ҳаққи, ҳақийқатан, дунё бўйича тан олинган ҳаққ. Муаллифнинг ҳаққини поймол қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, балки бу нарса барча давлатларнинг қонуни бўйича жазога тортиладиган жиноят ҳисобланади. Ислом дийнида бунга қандай назар билан қаралади? Жавобни батафсил айтишдан олдин ҳозирги кундаги аҳволимизга назар солишимиз керак. Айниқса, дийни маҳкам тутишни даъво қилаётган, дийний адабиёт ва шунга ўхшаган нарсалар билан савдо қилаётган жамоани, ўша ишда иштирок этадиган одамларнинг ҳолатини алоҳида кўриш керак бўлади. Чунки бу соҳада муаллифлик ҳаққи нима эканлигини умуман эътиборга олмайдиган одамлар 100 бўлмаса ҳам 95 фоизни ташкил қилади. Улар: «Муаллифнинг ҳаққи йўқ, ким қўлига нима тушса, шуни кўпайтириб сотса, дийнга хизмат қилаётган бўлади», деган даъвони қилишади. Ўзларини тақводор қилиб кўрсатишади, намоз ўқиб, рўза тутаётганлик даъвосини

қилишади, Худонинг йўлида хизмат қилаётганлик даъвосини қилишади, лекин ўзларидан кўпроқ Аллоҳнинг йўлида хизмат қилаётган, китоб ёзаётган, кечалари ухламасдан кўзининг нурини тўкиб, йиллар давомида йиғиб-териб, ёзиб, китоб ҳолига келтириб, бозорга қўйган ёки сотиб ўз меҳнатининг самарасини бир оз кўрмоқчи бўлган кишиларнинг ҳаққини ваҳшийларча поймол этишади. Қўлга тушган китобни иложи борича ўғрилиқ йўли билан, суратини олиб, кўпайтириб, сотишга ҳаракат қилишади. Муаллиф бечора ўзи чоп қилдирган китобини сота олмай ўтираверади, улар ўғирликдан бўлганлиги ва ўзларига арзон ёки бепул тушганлиги учун, тезроқ пул қилиш мақсадида, хоҳлаган нарҳида сотиб, муаллифнинг ҳаққини поймол қилишади.

Шунингдек, овоз тасмалари, компьютер дискетлари ва бошқалар савдосида ҳам мана шу ҳолни кўриш мумкин. Буларнинг ҳаммаси жуда ҳам ноқулай бир ҳолат, ниҳоятда офир мусийбат ҳисобланади. Ана шу ҳолат, албатта, мусулмон уламоларини ҳам ташвишга солган ва Маккаи Мукаррамадаги Ислоҳ Фикҳи академияси мана шу масалани алоҳида кўриб чиқишга мажбур бўлган. Ҳозирги кунимизнинг кўзга кўринган катта уламолари аъзо бўлган бу фикҳ академиясида муаллифлик ҳаққи тўлалигича, батафсил кўриб чиқилганидан сўнг, мусулмон умматига, мўмин-мусулмонларга қарата ўзларининг қарорларини чиқариб, муаллифларнинг муаллифлик ҳаққлари тўғрисидаги баёнотни берганлар. Ана шу баёнотда қуйида биз сўзма-сўз таржима қиладиган маънолар ифода қилинган:

### *Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм*

«Баъзи пайтларда муаллиф ўзининг бутун умрини бир фойдали китоб таълиф қилишга сарфлайди. Ва ундан фойда кўриш учун нашр

қилади. Шунда бошқа бир одам келиб, ҳалиги китобдан бир нусхани олади-да, ҳозирги замонда чиққан осон воситалар орқали ё чоп қилади, ё суратга олдириб у ҳам сота бошлайди. Унинг сотиши, албатта, муаллифнинг йўлини тўсади, унга қарши бир одамга айлантиради, ана шунинг оқибатида ҳалиги одам ҳеч қандай таълифга аралашмасдан, заҳмати чекмасдан, бировнинг меҳнати самарасини кўришга ўтади. Баъзи бировлар бу китобни бепул тарқатишлари ҳам мумкин. Лекин ана шу бепул тарқатиши билан у ўзига шуҳрат қозонади, шуҳрат қозониш йўлида эса муаллиф бечоранинг чарчагани, ҳоригани, қилган меҳнати, хатти-ҳаракатининг ҳаммасини зоега чиқаради. Мана шу фикрни ихтиро қилувчилар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Бундай нарсалар бўлаверганидан кейин илми, заковатли, китоб таълиф қилишга, ихтиро қилишга қудрати етадиган одамларнинг ҳимматлари пасаяди. Чунки улар ўзларининг меҳнатлари самарасини кўрмайдилар, бошқалар унинг меҳнатини қўлидан юлиб, тортиб оладилар ва ўзларининг фойдасига ишлатадилар, тижорат қиладилар, муаллифнинг йўлини тўсадилар. Ҳолбуки, у «тижоратчилар» бу китобнинг ёки ихтиронинг дунёга келишида ҳеч нарса сарфлаганлари йўқ, буни хаёлларига ҳам келтирмаганлар. Замон ўзгариши билан, вазиятлар ҳам ўзгарди, янги-янги нарсалар чиқарилди, эндиликда ҳар ким ўзининг қилган меҳнатининг самарасини кўриши керак. Муаллиф ёки ихтирочи ҳам ўзи таълиф қилган асари ёки ихтиро қилган нарсасининг ҳаққдори бўлиши вожибдир. Бу ҳаққ ана шу муаллифнинг шаръий мулки ҳисобланади, бирор киши унга тажовуз қилмаслиги керак, унинг изнисиз кўчирмасликка, чоп қилмаслиги, сотмаслиги керак. Ана шу нарсаларнинг ҳаммаси — китоб бўлсин, бошқа бўлсин, асосан, шариатга тўғри келадиган, залолатга бошламайдиган нарсалар бўлиши шарт

билан, албатта. Шунингдек, ўша ёзилган нарсани нашр қилган ношир ҳам муаллифнинг шериги бўла олмайди, у фақат муаллиф нимага аҳдлашган бўлса, шу аҳдга ҳаққли холос, бошқа нарсага ҳаққи йўқ. Муаллифнинг изнисиз ношир китобнинг мазмунига ўзгартириш киритиши мумкин эмас ёки бирон ерини бошқача қилишга ҳаққи йўқ. Муаллифлик ҳаққи мерос бўлиб қолади, яъни муаллифнинг меросхўрларига ҳаққ ҳам мерос бўлиб қолади. Ана шу нарсаларнинг ҳаммаси халқаро шартномаларда ўз аксини топган, мана шу нарсаларнинг ҳаммасини мўмин-мусулмонлар амалга оширишлари керак, шариатга хилоф ишларни қилмаслик лозим, бу нарсаларнинг ҳаммасини жойига қўйиш вожиб ҳисобланади».

Мана, муаллифлик ҳаққи ҳақидаги Ислом Фикҳи академияси уламолари чиқарган қарор. Бу қарор жуда муҳим бир ҳужжат ҳисобланади. Ҳар бир мўмин-мусулмон кимса муаллифнинг ҳаққини, ихтирочининг ҳаққини ҳурмат қилиши керак. Муаллифнинг ҳаққини поймол қилиш худди бир одамнинг бир жойга тўплаб қўйган мол-мулкни ўғирлаш билан баробар бўлади. Ана шуни ўғирлаб, олиб чиқиб сотиб, пул қилган одам қанчалик гуноҳкор бўлса, муаллифнинг изнисиз ундан беркитиб, китобини чоп қилиб ёки бошқа асарини бошқа услуб билан кўпайтириб сотаётганлар бировнинг молини ботил йўл билан еяётган ва Қиёмат кунинда қоринларига оловни ейдиган шахслардан бўлади. Муаллиф изнисиз, ўғирликча унинг ҳаққини юлиб олиб, унинг ҳаққини тортиб олиб савдо қилаётганлардан нарса сотиб оладиганлар ҳам ўйлаб қўйишлари керак. Чунки бизнинг шариатимизда ўғирланган, ғасб қилиб тортиб олинган молларни сотиб олишга рухсат йўқ, улар ҳаром бўлади.

Шунинг учун, ана шундай ўғирлардан, муттаҳамлардан бировнинг ҳаққини тортиб олганларнинг маҳсулотини сотиб олишдан ҳам ҳазар

қилиш керак. Балки асл нухани, ҳалол, тер тўкиб, меҳнат қилиб, йиллар давомида бутун билимини, ақлини, заковатини, кучини, қудратини сарфлаб асар юзага келтирган инсоннинг китобини ва бошқа маҳсулотларни сотиб олиб, ўшалардан фойдаланилса, савоб йўлида тўғри иш қилиш бахтига муяссар бўлинади, ҳамма нарса ҳалол-пок, яхши бир суратда амалга ошган бўлади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ўзи барчаларимизга инсоф-тафвиқ берсин, жумладан, муаллифларнинг, ҳаққдорларнинг ҳаққини поймол қилиб, ўзларига осон мол, пул топиш йўлига кириб олганларга ҳам инсоф берсин, ҳаммамизни Аллоҳнинг шариатига амал қилиб, ҳалол, пок ризқ билан ризқланиб юришимизда Аллоҳ таолонинг Ўзи мададкор бўлсин. **Валлоҳу аълам.**

## ОИЛА ВА ТУРМУШ

## 30-БОБ. НИКОҲ БОБИ

## ҚАРИНДОШЛАР ОРАСИДА НИКОҲ МУМКИНМИ?

## 112-САВОЛ

Ассалому алайкум, Шайх жаноблари! Мен ЮНЕСКО ташкилоти қошида ташкил этилган «Ипак йўли» радиопроектида радиорепортёр бўлиб ишлайман. Асосан, аёллар масалалари, муаммолари бўйича репортажлар тайёрлайман. Яқинда қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ҳақида туркум репортажлар тайёрлаш учун Наманган вилоятида хизмат сафарида бўлиб қайтдим. У ерда аксарият оилаларда қариндошлар ўртасидаги никоҳни учратиш мумкин. Ака-укалар ҳам бир-бири билан қуда бўлишган. Тиббиёт ходимларининг айтишича, улардан ногирон фарзандлар туғилган, мана шундай оилалардан интервью ҳам олганман.

Галдаги репортажимни «Қариндошлар ўртасидаги никоҳга дийн вакилларининг муносабати» деган мавзуда тайёрламоқчи эдим. Шайх ҳазратлари, Сизга бир савол билан мурожаат қилмоқчи эдим, дийнимизда қариндошлар ўртасидаги никоҳга рухсат берилганми ва қандай ҳолларда? Мен баъзи дийндорлар билан гаплашиб кўрдим, лекин улардан ҳар хил жавоблар олаяпман. Шунинг учун Сиздан мана шу саволга аниқлик киритиб беришингизни илтимос қиламан. Олдиндан ташаккур!

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Бу масала Қуръони Каримда батафсил баён қилинган Аллоҳ таоло шундай деб марҳамат қилади:

حُرِّمَتْ عَلَيْكُمْ أُمَّهَاتُكُمْ وَبَنَاتُكُمْ  
وَأَخَوَاتُكُمْ وَعَمَّاتُكُمْ وَخَالَاتُكُمْ وَبَنَاتُ الْأَخِ وَبَنَاتُ

الْأَخْتِ وَأُمَّهَاتِكُمُ الَّتِي أَرْضَعْنَكُمْ وَأَخَوَاتِكُمُ  
 مِنَ الرِّضَاعَةِ وَأُمَّهَاتُ نِسَائِكُمْ وَرَبِّبَاتِكُمُ  
 الَّتِي فِي حُجُورِكُمْ مِّن نِّسَائِكُمُ الَّتِي دَخَلْتُم بِهِنَّ  
 فَإِن لَّمْ تَكُونُوا دَخَلْتُم بِهِنَّ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ  
 وَحَلَائِلُ أَبْنَائِكُمُ الَّذِينَ مِّنْ أَصْلَابِكُمْ وَأَن  
 تَجْمَعُوا بَيْنَ الْأُخْتَيْنِ إِلَّا مَا قَدْ سَلَفَ إِنَّ اللَّهَ  
 كَانَ غَفُورًا رَّحِيمًا ﴿٢٣﴾

«Сизларга оналарингиз, қизларингиз, опа-сингилларингиз, аммаларингиз, холаларингиз, ака-укаларингизнинг қизлари, опа-сингилларингизнинг қизлари, эмизган оналарингиз, эмикдош опа-сингилларингиз, хотинларингизнинг оналари, ўзингиз қовушган хотинларингизнинг қарамоғингиздаги қизлари ҳаром қилинди. Агар у (хотин)лар билан қовушмаган бўлсангиз, (қизларига уйланишингизда) гуноҳ йўқ. Ва пуштингиздан бўлган ўғилларингизнинг хотинлари, опа-сингилни қўшиб олмоғингиз ҳаром қилинди. Магар аввал ўтган бўлса, майли. Албатта, Аллоҳ мағфират қилувчи ва раҳимли Зотдир» («Нисо» сураси, 23-оят).

Бу ва бошқа оятларни, умуман, никоҳи ҳаром қилинган аёллар ҳақидаги барча далилларни ўрганиб чиқилганидан сўнг, уламоларимиз уларни қуйидаги икки гуруҳга тақсим қилганлар:

1. Никоҳи абадий ҳаром қилинган аёллар.
2. Никоҳи вақтинча ҳаром қилинган аёллар.

Никоҳи абадий ҳаром қилинган аёллар уч хил бўлади:

а) насаб йўли билан никоҳи абадий ҳаром қилинган аёллар;

б) эмизиш йўли билан никоҳи абадий ҳаром қилинган аёллар;

в) қудачилик йўли билан никоҳи абадий ҳаром қилинган аёллар.

**Насаб йўли билан никоҳи абадий ҳаром қилинган аёллар қуйидагилар:**

### **1. Она.**

Инсон онасига уйланиши ҳаром. «Она» деганда, момолар ҳам назарда тугилади. Бу ҳукмнинг ҳикматини шарҳлаб ўтиришнинг кераги ҳам йўқ. Ўз-ўзидан маълум нарса. Ўзининг туққан онасига эрлик қилиш нафақат инсон, балки ваҳший ҳайвон табиатига ҳам зид нарсадир. Ахир бола онанинг бир парчаси ҳисобланади. Бу нарсани ўйлашнинг ўзи ҳам офир.

### **2. Қиз.**

«Инсон» деган номга эга бўлган шахс учун ўз қизига уйланиш ҳаёлига ҳам келмаслиги аниқ ишдир. «Қиз» деганда, қиз набиралар ҳам кўзда тугилади. Ўз жигаргўшасига эрлик қилишни раво кўрган шахсни инсон ҳисоблаш тасаввурга ҳам сифмайди. Умуман, бу иш инсон табиатига мос эмас.

### **3. Опа-сингиллар.**

Мусулмон инсонга ўз опа-сингилларига уйланиш ҳаромдир. Бунда туғишган опа-сингил бўлса ҳам, ота бир бўлса ҳам, она бир бўлса ҳам, баробардир. Аввало, буларнинг аслари бир қондан, бир қориндан пайдо бўлиб, бир хил сугдан катта бўлганлар. Инсонийлик табиатининг ўзи уларнинг эру хотин бўлишларини кўтармайди. Уларнинг никоҳлари ўзларига ҳам, фарзандларига ҳам соғлиқ жиҳатидан зарар келтириши турган гап.

Бу ҳақийқатни тиб илми ҳам тасдиқлади. Дунёда илм ривож топган давлатлиги билан фахрланиб юрган катта давлатлардан бири ўша илмий тажрибалар асосида «кишилар соғлигига зарар экан» деб милодий 1967-санада яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳни манъ қилиш

ҳақида қонун қабул қилди. Бу иш мақтаниш йўли билан эълон ҳам қилинди.

Уларнинг бу мақтанишлари, бу илмий тараққиётлари оддий мусулмонлар учун кулгили бир ҳол эди. Чунки ўша илм даъвосини қилган катта давлат бу масалада мусулмонлардан роппа-роса ўн тўрт аср ортда қолган эди. Шунинг ўзи ҳам шариат йўлидан юрмаслик қанчалар хатарли эканини кўрсатиб турибди.

Опа-сингилларга уйланиш манъ этилишининг бошқа ҳикматлари ҳам бор. Чунки бундоқ никоҳдан кўплаб ижтимоий зарарлар келиб чиқади. Агар мазкур шахслар орасида никоҳ жоиз бўлса, улар бир оила аъзолари сифатида бирга яшаш ва инсоний алоқаларда бўлиш имконига эга бўлмай қоладилар. Чунки никоҳи жоиз эркак-аёл бир жойда туриши, бирга ёлғиз қолиши кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради. Хотин эрини унинг опа-сингилларидан ҳам қизғанадиган бўлиб қолади. Бу мулоҳаза никоҳи ҳаром қилинган бошқа тоифа аёлларга ҳам боғлиқдир.

#### **4. Аммалар.**

Мусулмон киши ўз аммасига уйланиши ҳаромдир.

«Амма» ота томонидаги аёл қариндошлардан, киши учун она ўрнига ўтадиган шахсдир. Амма билан никоҳда бўлиш отага нисбатан беодоблик бўлади, десак, хато қилмаймиз. Бунинг устига, амма билан никоҳда бўлиш соғлиқ, қариндошлик ва ижтимоий томонлардан ҳам кўплаб зарарларга сабаб бўлади.

#### **5. Холалар.**

Мусулмон киши учун ўз холасига уйланиш ҳам ҳаром ҳисобланади. Чунки хола она томон вакиллари ичида онанинг ўрнига ўтадиган шахсдир. Амма тўғрисида айтилган гапларнинг ҳаммаси холага ҳам тўғри келади.

#### **6. Ака-укаларнинг қизлари.**

Мусулмон инсон учун ака-укаларининг қизларига уйланиш ҳам ҳаромдир. Киши учун ака-уканинг

қизи ҳам ўз қизидек гап. Шунинг учун ҳам улар орасидаги никоҳ ҳаромдир. Одоб-ахлоқ, қариндошлик, соғлиқ, ижтимоий алоқаларга етадиган зарарлар туфайли бундоқ никоҳ ҳам ҳаром қилинган.

### **7. Опа-сингилларнинг қизлари.**

Мусулмон инсон ўз қиз жиянларига, опа-сингилларининг қизларига никоҳланиши ҳам ҳаром. Чунки қиз жиянлар ҳам худди қизидек гап.

Ушбу тоифадаги аёлларнинг никоҳи ҳаромлиги Қуръони Каримнинг «Нисо» сурасидаги ояти каримада очиқ-ойдин зикр қилинган.

**Эмизиш йўли билан никоҳи абадий ҳаром қилинган аёллар қуйидагилар:**

Ояти каримада бу тоифадаги аёллардан фақат икки тоифаси — эмиш туфайли ака бўлганлар ва эмиш туфайли опа-сингил бўлганлар зикр қилинган. Қолганлари эса, Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умумий қоидага айланиб қолган ҳадиси шарифларида зикр қилинган: **«Насаб туфайли ҳаром бўлганлар эмиш туфайли ҳам ҳаром бўлулар».**

Яъни насаб алоқаси бўйича қайси тоифа аёлларнинг никоҳи ҳаром бўлса, эмизиш орқали (бировнинг боласини бегона аёл эмизиши туфайли) ҳам ўша тоифа аёлларнинг никоҳи ҳаром бўлади.

Мисол учун, туққан онасининг никоҳи ҳаром бўлганидек, эмизган онасининг ҳам никоҳи ҳаром бўлади. Туғишган синглисининг никоҳи ҳаром бўлганидек, эмиқдош синглисининг никоҳи ҳам ҳаром бўлади ва ҳоказо.

Шу эътибордан қуйидагилар ҳаром бўлади:

1. Эмизган она. Бунга момолар ҳам қиради.
2. Эмиқдош қиз.

Бир одамнинг хотини бегона қизни эмизса, ўша қиз эмизган аёлнинг эрига ҳам қиз бўлади. Чунки аёлнинг сути эри билан бўлган жинсий алоқаси, ундан бўлган ҳомиласи туфайли пайдо бўлган. Шунинг учун эркак киши ҳам хотинини эмган болага сут орқали боғланади.

Бунга эмиш туфайли қизнинг қизи ҳам, ўғилнинг қизлари ҳам киради. Яъни кишига унинг эмиқдош қиз набиралари никоҳи ҳам ҳаромдир.

### *3. Эмиқдош опа-сингиллар.*

Мусулмон киши ўзи билан эмиқдош бўлган опа-сингилларига уйланиши ҳаромдир. Бу хилдаги опа-сингиллар эмиш йўли билан турли ҳолатларда юзага келиши мумкин.

1. Бир боланинг онасини бегона қиз эмса, улар орасида эмиқдошлик сабабли опа-сингилик ёки опа-укалик пайдо бўлади.

2. Бир бола бегона аёлни эмса, аёлнинг туққан қизлари боланинг эмиқдош опа-сингилларига айланади.

3. Бир бола ва бир қиз бошқа бир аёлни эмсалар ҳам, эмиқдош ака-сингил бўлади.

### *4. Эмиқдош аммалар.*

Бир ўғил бола бегона аёлни эмса, ўша аёлнинг эрининг опа-сингиллари унга эмиқдош аммаларга айланадилар ва боланинг уларга уйланиши ҳаром бўлади.

### *5. Эмиқдош холалар.*

Бир ўғил бола бегона аёлни эмса, ўша аёлнинг опа-сингиллари мазкур болага эмиқдош холага айланадилар ва уларга уйланиши ҳаром бўлади.

### *6. Эмиқдош ака-укаларнинг қизлари.*

Бола ўз онасини эмган бегона болалар билан, ўзини эмизган бегона аёлнинг болалари билан ва ўзи билан бирга бошқа бегона аёлни эмишган болалар билан эмиқдош ака-укага айланадилар. Ана ўша эмиқдош ака-укаларга бир-бирларининг қизларига уйланишлари ҳаром бўлади.

### *7. Эмиқдош опа-сингилларнинг қизлари.*

Эмиқдош опа-сингиллар ким эканлигини аввалда айтиб ўтдик. Уларнинг қизларига уйланиш ҳам ҳаромдир.

### *8. Эмиқдошлик қайноналар.*

Бунда хотинининг эмизган онаси ва момоси кўзда тутилган. У хотинга ақди никоҳ қилиши би-

лан, худди насаб жиҳатидан унга она ва момо бўлган аёллар унинг эрига ҳаром бўлганидек, аёлнинг эмиқдошлик она ва момолари ҳам ҳаром бўладилар. Ақди никоҳ бўлса, бас. У хотин билан бирга яшамай туриб ажрашиб кетса ҳам, барибир.

9. *Эмиқдошлик бўйича ўтай она ва момолари.*

Бошқача қилиб айтганда, бир кишига уни эмизган аёлнинг эрининг бошқа хотинлари ва уларнинг оналари ҳам ҳаром бўлади.

10. *Эмиқдош фарзандларнинг хотинлари.*

Бир одамнинг аёли эмизган боланинг хотини унинг эрига ҳаром бўлади. Чунки бу ҳолда эмиқдошлик ўрилнинг хотини, у эркакка эмиқдошлик келин бўлади. Насабий келинга уйланиш абадий ҳаром бўлгандек, эмиқдошлик келинга уйланиш ҳам абадий ҳаромдир.

11. *Хотинининг эмизган қизи.*

Бир киши хотин олди. У киши бошқа эридалик чоғида бир қизни эмизган эди. Ўша қиз янги эрга эмиқдошлик бўйича ўтай қиз бўлади. Агар эркак мазкур хотин билан эру хотин бўлиб, қовушиб яшаган бўлса, эмиқдош ўтай қиз унга абадий ҳаром бўлади. Агар хотинга ақди никоҳ қилиб туриб, бирга яшамай туриб ажрашиб кетса, унинг эмизган қизига уйланса, бўлади. Зотан, насаб масаласи ҳам шунга ўхшаш.

Эмиқдош қариндошлар билан никоҳда бўлиш ҳаром қилинишининг тўла ҳикмати, бошқа ҳукмларнинг тўла ҳикмати каби, фақат Аллоҳ таолонинг Ўзига маълум.

Аммо бу ҳукмнинг ҳозирча бизга маълум ҳикматлари ҳам бор. Гўдак фарзанднинг суяги ва эти она сути туфайли шаклланади. Бу, инсоннинг бутун вужудида эмган сугининг доимий таъсири бўлади, деганидир. Чунки суяк ва эт инсонда умр бўйи қоладиган ва ҳар лаҳзада вужудга ўз таъсирини ўтказиб турадиган нарсалардир.

Ана шундоқ таъсирга эга бўлган бир хил сутдан эмиб катта бўлган кишиларнинг никоҳ ало-

қасида бўлишлари ўта зарарли бўлади. Уларнинг ўз соғлиқларига ҳам, улардан пайдо бўладиган зурриётга ҳам катта мусийбат етказди.

Бунинг устига, аёл киши гўдакни эмизганда унга фақат сутинигина ўтказмайди, балки меҳр-муҳаббатини, ўзидаги ҳис-туйғуларни, руҳий-маънавий ҳолатларини ҳам ўтказди. Ана шундоқ нарсаларда шерик бўлган кишиларнинг никоҳ алоқасида бўлишлари яхши эмас.

Худодан юз ўтирганлар ҳам бу ҳақийқатни энди энди тушуниб келмоқдалар. Она сутидаги хислатларни тан олмоқдалар. Бир куни келиб Исломнинг бу ҳукмини ҳам тан олишлари турган гап.

**Қудачилик асосида никоҳи абадий ҳаром аёллар:**

*1. Ўтай оналар.*

Буларга ўтай момолар ҳам қўшилади. Отасининг отаси ёки онасининг отаси никоҳига олган аёллар ҳаммаси киради. Бу ерда оталик ҳурматини сақлаш бор. Отасига хотин бўлган аёл боласига ўтай она бўлади. Отаси билан никоҳ алоқасида бўлган аёл ота билан ақди никоҳ қилиши билан ўғлига абадул-абад ҳаромга айланади. Қуръони Карим оятида («Нисо» сураси, 22-оят) бу иш қаттиқ қораланганидан ҳам билиб олса бўлаверади:

وَلَا تَنْكِحُوا مَا نَكَحَ آبَاؤُكُمْ مِنَ النِّسَاءِ  
إِلَّا مَا قَدْ سَلَفَ إِنَّهُ كَانَ فَحِشَةً وَمَقْتًا وَسَاءَ  
سَبِيلًا

**«Оталарингиз ўз никоҳларига олган аёлларни сиз ўз никоҳингизга олманг! Аввал ўтган бўлса, майли. Бу иш, албатта, фоҳиша, ғазабнок иш ва қандай ҳам ёмон йўлдир!»**

*2. Фарзандларнинг хотинлари.*

Бунга ўғилларнинг ва ўғил набираларнинг хотинлари киради. Ўғил ва ўғил набиралар ўз

пуштидан бўлса ҳам, эмиқдошли орқали бўлса ҳам, ўғилнинг ўғли бўлса ҳам, қизнинг ўғли бўлса ҳам, барибир. Ўғил ва ўғил набирага хотин бўлган келинлар, ақди никоҳдан сўнг бевосита қайноталари ва катта қайноталарига абадий ҳаром бўлиб қоладилар. Чунки келин ҳам қиз кабидир.

### 3. Қайиноналар.

Хотиннинг онаси ва ота ҳамда она томонидан бўлган момоси ҳам эрга абадий ҳаром бўладилар. Қизга ақди никоҳ бўлиши билан она ва момолар бевосита куёвга ҳаром бўлиб қолади. Аввало, қайноналар ҳам онадирлар.

Муқаддас ҳисобланган никоҳ робитаси шарифдан улар ҳам она ўрнига ўтадилар. Иккинчидан, қайнонага унинг қизидан айрилиб туриб уйланиш мумкин бўладиган бўлса, она қизиникига кела олмайдиган бўлиб қолади. Қизи эрини ўз онасидан рашк қиладиган бўлиб қолади.

### 4. Ўғай қизлар.

Яъни хотиннинг бошқа эридан бўлган қизи ҳам эрга ҳаром бўлади. Бунга ўғай қиз набиралар ҳам киради. Бу масалада Қуръони Каримда бошқа тоифалардан фарқли равишда алоҳида тафсилот келган:

...وَرَبِّبِكُمُ الَّتِي فِي حُجُورِكُمْ مِّنْ نِّسَائِكُمُ الَّتِي دَخَلْتُمْ بِهِنَّ فَإِن لَّمْ تَكُونُوا دَخَلْتُمْ بِهِنَّ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ ...

«...ўзингиз қовушган хотинларингизнинг қарамоғингиздаги қизлари ҳаром қилинди. Агар у (хотин)лар билан қовушмаган бўлсангиз, (қизларига уйланишингизда) гуноҳ йўқ...»

Бир киши бир аёлга ақди никоҳ қилса-ю, бирга эру хотин бўлиб яшамай, қовушмай туриб у билан ажрашган бўлса, у аёлнинг бошқа эридан бўлган қизига уйланса, бўлади. Аммо она билан ақди ни-

коҳдан кейин эру хотин бўлиб яшаган (қовушган) бўлса, унинг бошқа эридан бўлган қизига уйланиб бўлмайди.

Чунки онасини хотин қилганидан кейин у аёлнинг қизи ҳам эркакка худди ўз қизидек бўлиб қолади. Агар онаси билан никоҳда бўлганидан кейин у билан ажрашиб қизини олиш мумкин бўлса, она билан қизнинг орасидаги алоқаларга футур етади. Она ўзининг иккинчи эрини бошқа эридан бўлган қизидан рашк қиладиган бўлиб қолади.

Уламоларимиз шу маънодаги масалада бир қоида ишлаб чиққанлар. У қоидада:

«Қизларга ақди никоҳ қилиш оналарни ҳаром қилади. Оналар билан қовушиш қизларни ҳаром қилади», дейилади.

Баъзи уламолар, ушбу қоидага биноан, бир одам аёл киши билан фосид никоҳ орқали ёки зино йўли билан қовушган бўлса ҳам, ўша аёлнинг қизи у эркакка ҳаром бўлади, деганлар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қудачилик алоқалари туфайли баъзи аёлларнинг никоҳи абадий ҳаром қилиниши ҳам Ислом шариатининг бошқа ҳукмлари каби улкан ҳикматларга асослангандир.

Аввало, қудачилик алоқалари Аллоҳ таоло томонидан берилган бир неъматдир. У орқали бир-бирига бегона кишилар қариндош бўладилар. Аллоҳ таолонинг номи, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари ва мўмин-мусулмонларнинг гувоҳлигида ўрнатилган алоқанинг ўзига яраша ҳурмат-эҳтироми бўлиши керак.

Шунинг учун ҳам Исломда қудачилик алоқаси керакли нуқталарда насаб алоқасига тенглаштирилган. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз ҳадиси шарифларидан бирида:

«Қудачилик яқинлиги ҳам худди насаб яқинлиги каbidир», деганлар.

Шунга кўра, насаб йўли билан қайси тоифадаги аёлларнинг никоҳи ҳаром қилинган бўлса, қудачилик йўли билан ҳам худди ўша тоифадаги аёлларнинг никоҳи ҳаром қилинган.

عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رضي الله عنه حَرَّمَ مِنَ النَّسَبِ سَبْعٌ وَمِنَ الصُّهْرِ سَبْعٌ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

*Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Насабдан етти ва қудачилиқдан ҳам етти (тоифа аёл) ҳаром қилинди».**

*Бухорий ривоят қилган.*

Шу билан бирга, қудачилиқ туфайли никоҳни ҳаром қилиш йўли билан, шак-шубҳалардан холий бўлган ҳолда қариндошлик алоқаларини ривожлантиришга йўл очилган.

**Никоҳи вақтинчалик ҳаром қилинган аёллар:**

Бу ҳолда эр киши учун маълум бир аёлга уйланиш маълум бир сабабга биноан вақтинчалик ҳаром бўлади. Агар ўша сабаб йўқ бўлса, у аёлга уйланса бўлаверади. Никоҳи вақтинчалик ҳаром бўлган аёллар қуйидагилар:

*1. Ўзи уч талоқ қилган аёл.*

Эр киши ўз аёлини бир талоқ ёки икки талоқ қилса, қайтадан ярашса, бўлади. Аммо уч талоқ қилгандан кейин ўша эр учун у аёл вақтинчалик ҳаромга айланади. Қуръони Каримнинг ҳукмига биноан, у аёл бошқа эрга тегиб, табиий ҳолатда, яъни ўлим ёки талоқ туфайли ажрашгандан кейингина биринчи эрга никоҳи ҳалол бўлади. Бунинг учун, албатта, иккинчи эр билан эру хотин бўлиб яшаши шарт. Иккинчи эр жинсий алоқага қодир бўлмаса, аёл қайтадан биринчи эрга ҳалол бўлмайди. Никоҳ тўғри никоҳ бўлиши ҳам шарт қилинган.

*2. Эри бор аёл.*

Эри бор аёлнинг ҳам, модомики, эр билан никоҳ алоқаси бор экан, бошқа эркак учун никоҳи ҳаром бўлади. Аллоҳ таоло эрли аёлларга уйланиш мумкин эмаслигини Қуръони Каримда баён қилган:

﴿ وَالْمُحْصَنَاتُ مِنَ النِّسَاءِ إِلَّا مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ ۖ ﴾

«Қўлингизга мулк бўлиб тушганлардан бошқа эрли аёллар ҳам (ҳаром қилинди)» («Нисо» сураси, 24-оят).

Эри бор аёлга никоҳ маъносида кўз тикиш ҳам жоиз эмас. У бировнинг ҳаққи ҳисобланади. Бу иш бировнинг ҳаққига нисбатан тажовузкорлик ҳисобланади. Агар ушбу ҳукм бўлмаса, оилаларнинг тинчи қолмайди. Насаблар аралашиб кетади.

### 3. Идда ўтирган аёл.

Эридан талоқ ёки вафот туфайли ажраб, идда ўтирган аёлга уйланиш ҳам ҳаром. Бундай аёлга ҳатто совчи қўйиш ҳам ҳаром экани маълум. Бу ҳолда аввалги эрнинг ҳурматидан ўтирилаётган идда чиққунча кутиб туриш керак бўлади.

Идда ўтирган аёлга уйланувчи одам, аввало, ўша ҳурматни оёғости қилган бўлади. Идда ичидаги аёл аввалги эридан ҳомила бўлган-бўлмаганини аниқлаш учун ҳам идда ўтирган бўлади. Иддадаги аёлга уйланган одам наслу насабнинг бузилишига ҳам сабаб бўлади.

### 4. Самовий дийнга эътиқод қилмайдиган аёл.

Бу гап мусулмон киши учун муслима, масиҳия ва яҳудия аёлдан бошқа аёлга уйланиб бўлмаслигини билдиради. «Самовий дийн» деганда, Ислом, масиҳий ва яҳудий дийнлари тушунилади.

Бошқа ҳар қандай дийнга эътиқод қилган ёки дийнсиз бўлган ҳеч бир хотинга уйланиб бўлмайди.

Шунингдек, Исломдан юз ўтирган, муртад аёлга ҳам уйланиб бўлмайди.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда мушрика аёлларга, то улар иймонга келмагунларича, уйланмасликни мусулмонларга қаттиқ тайинлаган:

﴿ وَلَا تَنْكِحُوا الْمُشْرِكَةَ حَتَّىٰ تُؤْمِنَ ۚ ﴾

**«Мушрика аёлларни иймон келтирмагунларича никоҳингизга олманг» («Бақара» сураси, 221-оят).**

Албатта, бу ҳукм ҳам беҳикмат эмас. Мушрика асл мусулмон кишига хотин бўлиши жуда ҳам қийин. Чунки ақийдадаги ихтилоф катта ихтилофдир. Хотин киши доимо эрига таъсир ўтказиб туради. Бу эса мусулмон киши учун ўта хавфлидир. Самовий китоби йўқ, турли бидъат-хурофотларга эътиқод қиладиган, Аллоҳ таоло ва Унинг Расули, қиёмат, савоб ёки гуноҳ каби тушунчалардан йироқ аёл билан бир ёстикқа бош қўйиш турли-туман муаммоларни келтириб чиқаради. Болалар масаласида ҳам мушкулотлар келиб чиқади. Бундай никоҳ туфайли эру хотин орасида тотувлик, хотиржамлик ва ўзаро ёрдам юзага чиқиши қийин. Эътиқоддаги ихтилоф доимо ўзини кўрсатиб туради. Икки томон доимо бир-биридан чўчиб, ўзи ёқтирмаган ҳолни кутиб туради. Аллоҳ таолога, Расулуллоҳга, қиёматга, ҳисоб-китобга ва шу каби нарсаларга иймони йўқ ёки нотўғри эътиқоддаги аёлдан яхшилик кутиб бўлмайди. У ҳар лаҳзада хиёнат қилиши мумкин.

Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло мушриклар билан никоҳ алоқаси ўрнатмаслик ҳақидаги амр келган оятдан кейинги оятда «Ана ўшалар дўзахга чақирурлар», деган.

Демак, мушрикага никоҳланиш билан мусулмон эркак дўзахга бўлган даъватга яқинлашган бўлади. Шунинг учун, «мусулмонман» деган одам бу ишни хаёлига ҳам келтирмаслиги керак.

Аллоҳ таоло мусулмонларга ғайридийн аёллардан фақат масийҳий ва яҳудий дийнига эътиқод қиладиганларига уйланишга рухсат берган, холос.

*Аллоҳ таоло:*

**«Бугунги кунда сизларга пок нарсалар ҳалол қилинди. Китоб берилганларнинг таоми сиз учун ҳалолдир. Сизнинг таомингиз улар учун ҳалолдир. Мўминаларнинг афифалари ва сиз-**

дан олдин китоб берилганлардан бўлган афифалар ҳам», деган.

Шу ҳукмга биноан, баъзи саҳобаи киромлар ҳам аҳли китоб-масиҳия ва яҳудия аёлларга уйланганлар.

Ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу Ноила бинти ал-Фироза ал-Калбия исми масийҳия аёлга уйланганлар. У аёл кейин ҳазрати Усмон билан яшаб туриб мусулмон бўлган. Ҳузайфа розияллоҳу анҳу ҳам Мадоин шаҳрилик яҳудия аёлга уйланганлар.

Чунки масийҳий ва яҳудий дийнидаги аёлларнинг ҳам Аллоҳга, илоҳий китобга, Набийларга, қиёматга, ўлгандан кейин қайта тирилишга, ҳисоб-китобга ва шунга ўхшаш бошқа нарсаларга иймони бўлади. Бу маънолар уни бошқалардан кўра Исломига яқинлаштиради. Шунинг учун, мусулмон эри билан яхшиликда яшаши мумкинлигига умид қилинади.

Шу билан бирга, барча мазҳаблар бўйича ҳам бундоқ никоҳ макруҳ ҳисобланади.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу ҳам ўз даврларида аҳли китоб аёлларга уйланган кишиларга уларни талоқ қилишни амр қилганлар. Кишилар, нима, уларга уйланиш ҳаромми, деб сўрашганда, «Йўқ, лекин мен улардан бузуқларига кўнгил бериб кетишингиздан қўрқдим», деганлар.

Ака-ука ва опа-сингилларнинг болалари бир-бирлари билан никоҳланишига шариатда рухсат бор. Аммо бегонадан бўлиши афзаллиги таъкидланади.

Уламоларимиз барча ҳужжат ва далилларни ўрганиб чиқиб ҳамда бошқа омилларни ҳисобга олиб, муносиб келин танлашда қуйидаги нарсаларга эътибор бериш кераклигини таъкидлаганлар:

1. Дийндорлик.
2. Серфарзандлик.

Бу сифат қариндош-уруғ аёлларга қараб билинади.

3. Аввал турмуш қурмаган бўлиши.
4. Дийндор ва қаноатли оиладан бўлиши.
5. Ҳасаби-насаби яхши бўлиши.
6. Ҳуснли бўлиши.

Эрнинг кўнгли тўқ бўлади. Муҳаббат қўяди. Бошқаларга қарамайди.

7. Қариндошлардан бўлмаслиги.

Қариндошга уйланса, болалари заифҳол бўлиши эҳтимоли кучли. Яна, Аллоҳ кўрсатмасин, келишмовчилик бўлиб қолса, қариндошлик алоқаларига футур етиши ҳам мумкин. Бегонадан бўлса, болалар соғлом туғилиши эҳтимоли кўпроқ бўлади. Куёв-келиннинг баҳонаси билан уларнинг қариндош-уруғлари ҳам қуда-анда бўладилар, ижтимоий алоқалар ривожланади. *Валлоҳу аълам.*

## НИКОҲСИЗ ТУРМУШ ҲАҚИДА

### 113-САВОЛ

*Бир таниш дугонам бир йилдан бери турмуш ўртоғи билан никоҳсиз яшайди. Сабаби: у иккинчи хотин. Домла шуну рўкач қилиб, уларга никоҳ ўқимаяпти. Яқинда фарзанд кўриши мумкин. Дугонам эса, никоҳсиз фарзанд кўришни истамайди. Шу вазиятда нима қилиш керак?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Ҳозирги кунда иккинчи хотин олаётган эркаклар аёлларнинг ҳаққ-ҳуқуқларини бузаётганлиги, иккинчи хотинликка ёшроғини топиб олиб, у билан бирга бўлиб кетиб, аввалги оиласи ва болаларига мутлақо қарамай қўяётганлари ва яна бошқа кўпгина мулоҳазаларни эътиборга олиб, билишимизча, имом домлалар иккинчи никоҳни қилмай туриш маъносида билиттифоқ бўлишган.

Шу гап борлигини камина ходимингиз ҳам эшитгандим. Кўпинча кишиларимиз шариат берган рухсатлардан фойдаланишга жудаям ишқибоз бўлишади-ю, лекин шариат кўрсатган мажбуриятларни адо этишдан мутлақо бош тортшади.

Бу ҳолат ҳозирги кунда баъзи бир кишиларнинг хотин устига хотин олиши маъносида ҳам содир бўлаётгани аниқ.

Иккинчи хотинга рухсат экан, деб рухсатдан фойдаланишни дийнга рўкач қилишади. Лекин иккинчи хотин олиш билан боғлиқ бўлган дийний мажбуриятларни мутлақо ўйлашмайди. «Иккинчи хотин олиш қоидаси» деган гап йўқ. Иккинчи хотинга эҳтиёжи тушганда, шариат қоидаларига мувофиқ, хотинлар ўртасида адолат қилиш шарти билан, Аллоҳ таоло рухсат берган. «Иккинчи хотиндан туғилган бола валади зино бўладими?» деганларга «Никоҳнинг шартларини тўлиқ бажариб, никоҳ боғланган бўлса, валади зино бўлмайди», дейишади. Никоҳсиз алоқадан туғилган бола эса, валади зино бўлади. Чунки унинг дунёга келишига сабаб бўлган эркак ва аёл зино қилган бўлса, улардан туғилган фарзанд шундай деб аталади. Шунинг учун, аёл бўлсин, эркак бўлсин, бу каби ҳаром ишлардан сақланиши лозим.

Саволда айтилаётган вазиятда икки тараф катта гуноҳ содир этган. Аёл никоҳсиз фарзанд кўришни истаса-ю, истамаса, нафсини тийиши керак эди. Тезда никоҳдан ўтишлари лозим.

Аллоҳ таоло шу нарсаларни яхши тушуниб амал қилишликни насийб этсин. **Валлоҳу аълам.**

## 31-БОБ. ЭМИЗИШ

### БОШҚА БОЛАНИ ЭМИЗИШ

#### 114-САВОЛ

*Аёл киши бошқа болани эмизиш учун эридан рухсат олиши шартми? Бунда ҳам бирор шарт-қошдалар борми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Ҳа, албатта рухсат сўраш керак. Бошқа чақалоқни эмизиш яхши иш, лекин ўша чақалоқ икки ёшдан кичик бўлса ва ўзини туққан онасидан бошқа бир аёлни эмиб, қонига сут кирадиган бўлса, уни эмизган аёл чақалоққа эмизикли она бўлади ва аёлнинг эри чақалоққа эмизикли ота бўлади. Ана шу маънода бировнинг фарзандини эмизаётган аёл ўзининг турмуш ўртовидан рухсат сўраб, бу қилинаётган савобли ишдан у кишини ҳам хабардор қилиб эмизса, ниҳоятда яхши бўлади. Шариат одоб-ахлоқларига амал қилинган бўлади ва қилган ишлари савоблидир. Ўз фарзандлари ёнига эмизикли бир фарзанд ҳам қўшилган бўлади. Аллоҳ таоло мана шу ниятда амал қилаётган оналарга ажру савобларни кўпайтириб берсин. *Валлоҳу аълам.*

## 32-БОБ. ТАЛОҚ

### УЗОҚ АЙРИЛИҚ ИЛА ТАЛОҚ ТУШАДИМИ?

#### 115-САВОЛ

*Қизимнинг турмуш ўртоғи беш ой олдин узоқ сафарга кетган эди. Баъзиларнинг айтишига қараганда, эр ва хотин олти ой давомида кўришмаса, қайтадан никоҳ ўқиши керак эмиш. Ҳақийқатан ҳам шундайми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Йўқ, ундай эмас. Ораларида талоқ масаласи кўрилмаган бўлса, бундай гапни кўтаришнинг ҳеч ҳожати йўқ. Турмуш тақозоси ва яна баъзи бир сабабларга кўра орада айрилиқ бўлса-ю, икки тараф бунга рози бўлсалар, талоқ масаласи кўрилмаган бўлса, ўз-ўзидан талоқ тушиб қолиши мутлақо мумкин эмас. Олти ой эр-хотин бир-бирини кўрмаса, талоқ тушиб қолади, деган гап ҳам катта мусийбатларимиздан биридир. Бу ҳам саводсиз кишиларнинг шариатга тиқилиши ва маҳмадоналик қилиши, ўзини билимдон кўрсатиш учун қилган ногўри ҳаракатидир. Бундай нарсалар кишиларни ташвишга солиб, шубҳалантиришга олиб келади. Бунга қуйидагича ҳолат ҳам далилдир. Бир эркак ўз ихтиёридан ташқари мажбур бўлиб сафарга кетган. Оила қаттиқ ташвишланмоқда. Сабаби – аёлнинг қариндошлари, балки эр-хотиннинг ўзлари ҳам, олти ой кўришмаса талоқ тушиб қолармикин, деган ўйдалар. Бундай одамларнинг сон-санови йўқ. Гапнинг эса ҳужжат-далили йўқ. Бунинг яна кўпчилик эътибор бермаётган оғир бир мусийбати бор. У ҳам бўлса, мана шундай тарзда бошқа ёққа кетган кишилар бир муддатдан кейин қайтиб келмасалар, «Энди олти ойдан кўп вақт ўтди, талоқ тушган бўлса керак», деган гумон билан хотин эрга тегиб кетишлиги ёки келиннинг ота-оналари эрга бериб юбориш ҳолатлари ҳам бўлмоқда.

Булар ҳаммаси шариатга хилоф ишлар. Ҳеч қаерда, ҳеч ким «Эр-хотин олти ойдан ортиқ кўришмаса, талоқ тушади», деган гапни айтган эмас. Талоқ эр кишининг хотинига: «Сен талоқсан», дейиши билангина тушади. Бошқа вақтда ўз-ўзидан талоқ тушиб қолиш ҳолатлари бўлмайди. Балки ажрашиш турлари бор. Бу алоҳида бошқа бир масала ҳисобланади.

Шунинг учун барча мусулмонлар яхши билиб олсинларки, эр маълум бир муддат оиладан узоқда юрган ҳолатда ҳеч қачон ўз-ўзидан талоқ тушиб қолмайди. Бу нарсани ҳамма яхши билиб олиши лозим. **Валлоҳу аълам.**

### 33-БОБ. ҲУЛУЪ ҲАҚИДА

#### АЁЛНИНГ ҲАМ АЖРАШ ҲАҚҚИ БОР



Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари, бир дўстим 10 йилдан бери фарзандсиз. Докторлар дўстимга бепуштлиқ диагнозини қўйишган, ҳозирги кунга келиб аёлнинг уйидагилари келинни ажратиб олишмоқчи, сабаб-фарзандсизлик. Эр-хотин ўртасидаги муносабатлар ҳозирги кунгача яхши эди, лекин ҳозир аёл эридан жавоб, яъни ажрашишни талаб қилмоқда. Аёл: «Бошқа эрга тегиб, фарзандли бўламан, умрим ўтиб кетмоқда», деб даъво қилмоқда. Шундай вазиятда эр хотинига жавоб бермаса, бўладими. Ўз навбатида, Ислом нуқтаи назаридан, аёл эрининг жавобисиз кетиб ажрашишга ҳаққи борми?

#### ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

«Ҳулуъ» сўзи луғатда «кийим ечиш» маъносида кўпроқ ишлатилади. Шариятда эса хотин кийимининг арз қилиб, бир нарса бериб эри билан ажрашишига «хулуъ» дейилади. Чунки эру хотин, Қуръон таъбири ила, бир-бирига кийим ўрнида бўлади.

Аллоҳ таоло:

فَإِنْ خِفْتُمْ أَلَّا يُقِيمَا حُدُودَ اللَّهِ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا فِيمَا افْتَدَتْ بِهِ تِلْكَ حُدُودُ اللَّهِ فَلَا تَعْتَدُوهَا وَمَنْ يَتَعَدَّ حُدُودَ اللَّهِ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ ﴿٣٣٩﴾

«Бас, агар иковларининг Аллоҳнинг чегараларида тура олмаслигидан қўрқсангиз, хотин берган эвазда иковларига гуноҳ йўқдир. Ушбулар Аллоҳнинг чегараларидадир. Бас, уларга тажовуз қилманг. Ва ким Аллоҳнинг чегара-

**ларида тажовуз қилса, бас, ўшалар, ана ўшалар, золимлардир» («Бақара» сураси, 229-оят), деган.**

Ушбу ояти карима асосида Ислом шариатида «хулуъ» ҳукми жорий қилинган. Эр-хотинда бирга яшаш иложи қолмаса, агар бирга турсалар, гуноҳ иш содир бўлиши муқаррар бўлиб қолса, хотин ажрашишни истаб эрига фидя – тўлов бериб ва уни рози қилиб ажрашиб кетса, бўлади.

Бу масалада «Мухтасари Виқоя»нинг соҳиблари қуйидагиларни айтади.

**Ҳожат тушганда, маҳрга яроқли нарса эвазига хулуъ қилса, бўлади.**

Бунга ҳозиргина ўрганган оятимиз ва қуйидаги ҳадиси шариф далилдир:

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رضي الله عنه أَنَّ امْرَأَةً ثَابِتِ بْنِ قَيْسِ أَتَتْ النَّبِيَّ ﷺ فَقَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا أَعْتَبُ عَلَيْهِ فِي خُلُقٍ وَلَا دِينٍ وَلَكِنِّي أَكْرَهُ الْكُفْرَ فِي الْإِسْلَامِ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: أَتُرَدِّينَ عَلَيْهِ حَدِيثَهُ قَالَتْ: نَعَمْ، قَالَ: اقْبَلِ الْحَدِيثَةَ وَطَلِّقْهَا تَطْلِيقَةً. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالنَّسَائِيُّ.

*Ибн Аббос розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*

**«Собит ибн Қайснинг хотини Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:**

**«Ё Расулаллоҳ, мен унга хулқда ҳам, дийнда ҳам бир айб қўя олмайман, лекин Исломда куфрон бўлишини ёқтирмайман», – деди.**

**Шунда Расулаллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Унга боғини қайтариб берасанми?» – дедилар.**

**«Ҳа», деди аёл.**

**Эрига: «Боғни қабул қилиб ол-да, уни бир талоқ қил», – дедилар».**

*Бухорий ва Насайй ривоят қилишган.*

Собит ибн Қайс розияллоҳу анҳу Набий сол-  
лаллоҳу алайҳи васалламнинг айтганларини қил-  
ди ва шу тарийқа Ислолда биринчи хулуъ собит  
бўлди.

Узоқ муддат фарзанд кўрмаганлик ҳам узр ҳи-  
собланади. Аммо ажрашга шошилмай, Аллоҳ тао-  
лодан биргалиқда нажот сўрашни ва даволанишни  
маслаҳат берамиз. *Валлоҳу аълам.*

117-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари! Менинг  
бир дўстим 6 ойдан бери рафиқаси билан яша-  
майди. Барча юк-молларини олиб кетган. Талоқ  
ҳам бермаган, загс ҳам қирқилмаган. Лекин  
яшаш нияти йўқ. Аёлнинг ҳозирда қилаётган  
гуноҳлари дўстимнинг зиммасидами? Бир дом-  
ла шундай дебди. Таловини бериши шартми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Албатта, аёл кишини бу ҳолда ташлаб қўйиш  
яхши эмас. Мен қайта ярашишларини илтимос  
қиламан. Агар бунинг мутлақо иложи қолмаган  
бўлса, эркак талоқ қилиши лозим бўлади. Талоқ  
қилмасдан, аёлни қийнаш мусулмончиликка тўғ-  
ри келмайди. Бу ҳолатда аёл масъул тарафларга  
арз қилиб, ажраш ҳаққига эга бўлади. *Валлоҳу  
аълам.*

### 34-БОБ. ИДДА ҲАҚИДА

#### 118-САВОЛ

*Ҳомиладор аёл талоғини сўраса, у идда мугданини эрининг уйида ўташи лозимми? Ёки бунда ўзи истаган ерда бўлиши мумкинми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Албатта, талоқнинг барча ҳолатларида, жумладан, ушбу мактубда айтилаётгандай ҳомиладор ҳолатида талоғини сўраган аёл ҳам идда муддатини эрининг уйида ўтказиши керак. Бу тўғрида барча уламоларимиз бир хил фикрдалар. *Валлоҳу аълам.*

### 35-БОБ. НАСАБ ВА ФАРЗАНД БОҚИБ ОЛИШ

**ЗИНОДАН ТУФИЛГАН БОЛА ВА СУНЪИЙ УРЧИТИШ**

#### 119-САВОЛ

*Ассалому алайкум, муҳтарам шайх жаноблари. Мен бир дўстимнинг илтимоси билан сизга иккита савол билан мурожаат қилмоқчийдим.*

*Дўстим бефарзандлиги учун бола асраб олмақчи, лекин у мурожаат этган туғруқхоналарда аксарият болалар ота-онасининг тайини йўқ, яъни зинодан бўлган экан. Дўстим: зинодан туғилган болалардан яхшилик чиқмайди, деб айтяпти, шу тўғрими? Бу болаларни савоб умидида боқиб олса, бўладими? Шариятда бунинг ҳукми қанақа?*

*Иккинчи саволим эса, сунъий ҳомиладорлик ила туғилган, яъни мутлақо бегона эркакнинг уруғи билан уруғлантирилиб дунёга келган бола зинодан туғилган бола ҳукмидами? Илтимос, шу мавзуъларни кенгроқ ёришиб берсангиз.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Бировдан яхшилик чиқиш-чиқмаслиги унинг кимдан туғилганига эмас, эътиқодга қараб бўлади.

1. Зинодан туғилган бола айбдор бўлмайди. Уни боқиш ва тарбиялаш мумкин ва савобли иш.

2. Бегона эркакнинг уруғидан урчитилган сунъий ҳомиладорлик зино билан баробар. Ундан туғилган бола ҳам зинодан туғилган ҳисобланади. *Валлоҳу аълам.*

### 36-БОБ. ВАСИЯТЛАР БОБИ

#### 120-САВОЛ

*Васият фарз бўлса, жаноза имоми «Марҳум ёки марҳуманинг васияти борми?» деб сўраши керакми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Имомнинг жаноза намозини ўқишдан олдин васият ҳақида сўраши шарт эмас. Аслида, васиятнинг ўзи ҳам фарз эмас. «Мерос» ояти нозил бўлганидан сўнг васият қилиш фарз бўлмай қолган. Чунки ушбу оятда Аллоҳ таолонинг ўзи мерос масаласини, кимлар меросхўрлар саналишини батафсил баён қилиб берган. *Валлоҳу аълам.*

## ТАЪҚИҚ ВА РУХСАТЛАР КИТОБИ

### 37-БОБ. ТАОМЛАР

#### 121-САВОЛ

*Ҳозирда дўконларга турли гўшт ва колбаса маҳсулотлари сотилмоқда. Бундай молларнинг баъзиларида «шаръий ҳалол» деган ёзув бор. Хусусан, бу ёзув четдан келган маҳсулотларга ҳам бор. Шу ҳақда фикрингизни билмоқчи эдим.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Бу савол ҳам мусулмонлар ичида кўп такрорланмоқда. Айниқса, мусулмон бўлмаган чет ўлкалардан келаётган ва устига «ҳалол» деб ёзилган маҳсулотлар бунга сабаб бўлмоқда. Одатда, бундай маҳсулотлар мусулмонларга қоида қилинган услублар асосида сўйиб, тайёрланиб, мусулмон давлатларга сотиш учун мўлжалланган бўлади. Баъзи мусулмон давлатлар ўзларининг мутахассисларини юбориб, у ҳалол ҳайвонлар қўйми, молми ёки товуқми эканини текшириб, уларнинг исломий асосда сўйилишига ҳаракат қилишади. Лекин ҳар бир нарсани, ҳар бир гўштни ёки устида «ҳалол» деб ёзилган колбасаларни сўраб-суриштирмасдан, «бу ҳалол» ёки «ҳаром» деб айтишга бировнинг ҳаққи йўқ. Шунинг учун, бундай маҳсулотларни сотиш учун олиб келаётган кишилар сўраб-суриштиришлари ва харидорларга бу ҳақда маълумот беришлари керак. Ҳозирги кунда алоқалар жуда осонлаштирилган. Шу савдо муассасаларининг Интернетдаги адресларини олиб, уларнинг ўзидан ҳам сўраб олса бўлади. *Валлоҳу аълам.*

#### «Е» МОДДАСИ ҲАҚИДА

#### 122-САВОЛ

*Маргарин, шоколад ва бошқа баъзи бир озиқ-овқат маҳсулотларининг ёрлиқ қоғозига унинг таркибига Е-322 моддаси борлиги ёзила-*

ди. Баъзиларнинг айтишига қараганда, бу чўчқа ёғи экан. Чиндан ҳам шундайми? Шунингдек, бизга номаълум бўлган мана шундай маҳсулотларнинг ҳалол эканлигига қандай ишонч ҳосил қилиш мумкин?

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Албатта, бу ҳозирги кунда кўп такрорланадиган саволлардан ҳисобланади. Фақат Е-322 эмас, балки шунга ўхшаган рамз билан ишора қилинган кўпгина моддалар бор. Ана ўша моддалар озиқ-овқат маҳсулотларини маълум бир савияда ушлаб турадиган ёки қандайдир бир бошқа вазийфаларни бажарадиган моддалар бўлади. Улар битта чўчқа ёғидан ташкил қилинган эмас, балки бир неча қоришма нарсалардан ташкил қилинган «желатин» ё шунга ўхшаган турли моддалар ҳисобланади. Уларнинг ичида чўчқа ёғи қўшиб ишлатилган бўлиши мумкин ёки таркибида кўпроқ ҳайвонларнинг суяклари ишлатилган бўлади ва ўшанинг ичида чўчқанинг суяги ҳам бўлиши мумкин.

Бу масала аввал бўлмаганлиги учун эски китобларда унинг жавобини топа олмаймиз. Лекин ҳозирги замон уламолари бу масалаларни пухта, ниҳоятда диққат билан ўрганишган. Улар мазкур озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлайдиган кишилар, ўша соҳа мутахассислари билан ўтириб, ушбу маҳсулотларнинг таркибларини, ўрганиб чиқишган ва ўз хулосаларини айтишган.

Бу масала бизнинг диёримизда, халқимизнинг орасида энди-энди суриштириб борилаётгани, мўмин-мусулмонлар бунга қизиқиб, ҳукмини ўрганишга интилаётганлиги сабабли, бу масалага батафсил тўхтаб ўтмоқчимиз ва бунда, асосан, Ислом фикҳи академиялари, тиббий илмлар бўйича ислом ташкилоти уламолари ва бутунги кунимизда кўзга кўринган фақиҳларнинг чуқур таҳлил қилиб ўрганиб чиққандан кейинги хулосаларини сизларга етказишга ҳаракат қиламиз.

Юқорида зикр этилганга ўхшаш савол бошқа уламоларга ҳам берилган. Бизга берилган саволда Е-322 дейилган бўлса, бошқаларда, мисол учун, «Мусулмон озчиликлар фикҳи» деб номланган китобдаги саволда Е-422, Е-553 деб рамз қилинган моддалар ҳақида сўралади. Унда ҳам бизнинг саволимиздаги каби «Мана шу моддалар ичига аралаштирилган озиқ-овқат маҳсулотларини еса, бўладими, бизга айтилишича, ана шу нарсаларнинг асли чўчқанинг ёни ёки суягидан эмиш?» деган саволлар берилган.

Жавобда айтиляптики, ана шу рақамланган моддаларнинг ҳаммаси ҳам асли чўчқанинг суягидан ёки ёғидан бўлавермайди. Баъзида ўша нарсаларсиз қилинган ҳолатлар ҳам бор. Лекин ҳаром нарсадан қилинган фаразни эътиборга олсак ҳам, фуқаҳоларнинг барчалари қарор қилишганки, «Агар нажас нарса бошқа нарсаларга аралашиб йўқ бўлиб кетса, унинг ҳукми ҳам ўзгаради».

Мисол учун: мусаллас, яъни маст қилувчи ичимлик жойида турган ҳолида маст қилувчи ичимлик ҳолидан ўтиб сиркага айланиб қолса, ҳалол бўлади. Аммо ўша маст қилувчи ичимликни атайлаб сиркага айлантириш уни ҳалол қилмайди. Ёки нажосат нарса куйиб кул бўлса, унинг ҳам ҳукми ўзгаради — покка айланади.

Шунингдек, нажосат нарса тузнинг ичига тушиб, туз уни еб юборса, унинг ҳам ҳукми ўзгаради. Мисол учун, бир ҳайвон, хоҳ у ит бўлсин ёки чўчқа бўлсин, туз конига қулаб тушган бўлса-ю, туз уни тамоман еб юборса, унинг итлик ёки чўчқалик хусусияти бутунлай йўқолади, у умуман вужудда бўлмай, йўққа айланиб кетади. Энди ўша ерда тузгина қолади, ана шу пайтда сифати ўзгарган бўлади ва исми ҳам қолмайди, ўзгаради. Шунга биноан, унинг ҳукми ҳам ўзгариб, нажосатдан покликка айланади.

Мана шу гаплардан хулоса чиқариб айтамикки биз бундай ҳолатларда нарсаларнинг аслига

қараб ҳукм чиқармаймиз, чунки маст қилувчи ичимликнинг асли ўзи узумдан ёки шунга ўхшаган ва шариатда рухсат берилган мубоҳ нарсалардан бўлади. Лекин ўша узум, ёки буғдой, ёки бошқа бир нарса ишлов бериш оқибатида узумлик, буғдойлик ҳолини ўзгартириб, маст қилувчи ичимликка айланади. Ана шу пайтда «бунинг асли узум эди, ичса бўлаверади» демаймиз. Чунки турган ҳолига қараб ҳукм чиқарамиз: «Бу узум эди, ҳозир хамрга-ароққа айланибди, ҳаром бўлди», деймиз. Ароққа айланиб турган ана шу нарса маълум бир муддат ўтиб, ўзгариб, сиркага айланиб қолса, «Бу асли ароқ эди, энди сирка бўлибди, ишлатмаймиз», демаймиз, балки: «Бу сирка, буни ишлатиш ҳалол, ўзи покдир» деган ҳукмни чиқарамиз.

Ҳозирги кундаги баъзи бир ғизо ёки даволарга чўчқанинг бирор нарсаси аралашган бўлса ҳам, лекин ўша аралашган нарса ўзининг асл хусусиятини йўқотган бўлади. Бошқача ибора билан айтганимизда, «кимёвий ўзгариш оқибатида бутунлай бошқа бир нарсага айланиб қолади». Энди унинг нопоклиги, нажаслиги қолмайди ва ўша нарса «чўчқанинг гўшти ҳаром» деб айтадиган ҳукмга ҳеч қандай дохил бўлмай қолади.

Мисол учун, моддалардан баъзилари ҳайвоннинг суягидан қилинади, гоҳида ўша суяк чўчқанинг суяги ҳам бўлиши мумкин. Бу ишдан хабардор бўлган, эътиқодли одамларнинг айтишича, ана ўша қўшилган модда-чўчқанинг ёғи ёки гўшти бўлган нарса кимёвий аралашув оқибатида ўзининг хусусиятини батамом йўқотган бўлади. Ана шундай нарсалардан баъзи вақтларда совун ёки тиш тозалайдиган пасталар қилиш мумкин ва булардан фойдаланиш жоиз. Чунки ҳали айтганимиздек, мазкур моддалар ўзининг асл моҳиятини йўқотган, ҳалол нарсага батамом қўшилиб кетган нарсалар бўлади.

Янаманашумаънодасизларнинг эътиборингизга 1995 йил 22–24 май кунлари Кувайт давлатида

бўлиб ўтган «Тиббий илмларнинг исломий муноззамаси» номли ташкилотнинг катта илмий анжумъанида озиқ-овқат маҳсулотлари ва баъзи дори-дармонларга қўшиладиган, асли ҳаром бўлган моддалар тўғрисида тақдим этилган 1112 саҳифали ҳужжатнинг охирида чиқарилган қарорнинг қисқача маъноси билан ҳам таништириб ўтишга ижозат бергайсиз:

### **«ҒИЗО ВА ДАВОДАГИ ҲАРОМ ҚИЛИНГАН ВА НАЖАС БЎЛГАН МОДДАЛАР ҲАҚИДАГИ ҚАРОР»**

1. Ҳар бир мўмин-мусулмон одам шариати исломия ҳукмларини ўзига лозим тутмоғи вожибдир. Хусусан, озиқ-овқат ва даво соҳасида бунга алоҳида эътибор бериш керак. Чунки мўмин-мусулмон одамнинг ейдиган нарсаси пок бўлмоғи, ичадиган нарсаси пок бўлмоғи, даволаниш учун истеъмол қиладиган дорилари пок бўлмоғи лозимдир.

Аллоҳ субҳану ва таолонинг раҳмати кенг. Ўз бандаларига раҳим қиладиган бу улуғ Зот ўзининг шариатига эргашиш йўлларини ҳам енгиллаштириб қўйган ва бу борада зарурат туғилганда баъзи бир нарсаларнинг риоясини эътиборга олишни шариатига киритган. Ана шундай қоидалардан бирида: «Зарур бўлган ҳолда, манъ қилинган нарсаларга рухсат берилади», дейилган.

Шунингдек, «ҳожат тушган пайтда, бу ҳожат заруратнинг ўрнига ўтади» деган қоида ҳам бор. Аслида, барча нарсалар мубоҳдир, илло, ҳаромлигига эътиборли далил бор нарсаларгина ҳаром ҳисобланади. Шунингдек, «барча нарсалар аслида ўзи пок» деб ҳисобланади, лекин «нажаслиги, нопоклигига ишончли далил келтирилган нарсаларгина пок эмас» деб ҳисобланади.

2. Ажнабий тиллардаги «алкоголь» сўзи араб тилида «ал-Куҳл» деб аталади, Лекин ажнабийлар ҳам алкогольни «ал-Куҳл»дан олишганлиги маълум

ва машқур. Ана шу алкоголь нарсалар шариат нуқтаи назаридан нажас ҳисобланмайди. Бу нарса «ҳамма нарсаинг асли покдир» қондаси асосида бўлган. Хусусан, ўша алкоголь нарсалар холис ўзи бўлса ҳам, бошқа нарса аралаштирилган бўлса ҳам, ёки сувга аралаштирилган бўлса ҳам, барибир.

Шу билан бирга, «хамр», яъни ароқ ва ичиб маст бўлиш учун тайёрлаб қўйилган барча нарсалар нажосат ҳисобланади. Шунга биноан, шариат нуқтаи назаридан алкоголь, яъни спиртли нарсалар тиббий ҳожат учун ишлатиладиган қилиб тайёрланган бўлса, улардан терини, яраларни ва тиббий асбоб-ускуналарни тозалаш учун, микробларни ўлдириш учун фойдаланиш мумкин.

3. Шунингдек, тиббий маънода ва тиббий ниятда тайёрлаб қўйилган спиртларни ҳиди яхши бўладиган атирлар учун ишлатиш жоиз. Чунки бу ердаги баъзи бир атирга қўшиладиган моддалар фақат ўша спирт билангина эриши мумкин.

Шунингдек, баъзи бир кремларга ҳам мана шу нарса ишлатилади. Бу ҳалиги «ичиладиган, маст бўлиш учун тайёрлаб қўйилган» хамр-ароқ ҳукмига кирмайди. Аммо, алкоголь нарса маст қилувчи модда бўлганлиги учун, уни ичмоқ, тановул қилмоқ мутлақо ҳаромдир.

4. Шунингдек, мўмин-мусулмонлар қараб, ўрганиб билиб олишлари керакки, ўзлари ичадиган ўша даволарда ва унинг таркибида ароқ моддаси, маст қилувчи ичимлик моддалари бўлмаслиги керак. Хусусан, болалар учун, ҳомиладор аёллар учун бериладиган нарсаларда. Яъни бевосита кайф учун тайёрланган алкоголь нарсалардай у спирт бўладими, ароқми ёки мусалласми — даво мақсадида фойдаланиш мутлақо мумкин эмас.

Шунингдек, яхши билиб қўймоқ лозимки, ҳозирги кунда тайёрланаётган баъзи бир дориларнинг таркибида жуда ҳам оз миқдорда алкоголь моддаси бўлиши мумкин. Бунда ўша модда маст қилиш ниятида эмас, балки дорини ушлаб туриш

ниятида ёки баъзи бир даволовчи моддаларни эритиб юмшатиш маъносида, сув ва бошқа нарсалар билан уларни юмшатиб бўлмаслиги юзасидан бир оз қўшилган бўлади. Буларни истеъмол қилса, жоиз, рухсат берилган.

Шунингдек, баъзи бир озиқ-овқат маҳсулотларига маст қилувчи ичимлик учун тайёрланган нарсалардан жуда оз миқдорда қўшилган бўлса ҳам истеъмол қилиш мутлақо мумкин эмас. Бунга баъзи бир шоколадларнинг, музқаймоқнинг турлари ва шунга ўхшаш махсус овқатлар киради. Баъзи бир газли ичимликлар ҳам бор, ана ўша нарсаларда маст қилувчи нарсалар – ароқми, коньякми ёки бошқа нарсалар қўшилган бўлади. Буларни ичишга мутлақо рухсат йўқ. Чунки шариат қоидаси бўйича: кўпи маст қилган нарсанинг ози ҳам ҳаром бўлади.

5. Баъзи бир озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш пайтида алкоголь моддаси жуда ҳам оз миқдорда ишлатилиши бор. Бунда унинг мазаси учун эмас, балки сув ёки бошқа нарсалар билан эримайдиган нарсаларни эритиш учун қилинган. Бу кўп тарқалган нарса бўлганлиги учун ва ўша озиқ-овқат маҳсулотини тайёрлаш пайтида қўшилган жуда оз миқдордаги алкоголь нарса ҳавога буф бўлиб таралиб кетиши эътиборидан бундай озиқ-овқатларни истеъмол қилишга рухсат берилган.

6. Баъзи бир озиқ-овқат маҳсулотлари борки, унинг таркибига чўчқанинг ёғи қўшилади ва у эриб бошқа нарсага айланиб кетмаган бўлади ҳамда ўз ҳолида мазкур озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида туради. Бунга мисол айтадиган бўлсак – баъзи бир пишлоқлар, мойлар, ёғлар ва шунга ўхшаган нарсалар бор. Баъзи печенье, шоколад ва музқаймоқларни қилишда чўчқанинг ёғидан фойдаланилади. Мазкур нарсаларда чўчқанинг ёғи ўзи туради. Бундай таомларнинг барчаси ҳаромдир. Уларни емоқ мутлақо мумкин эмас. Чунки аҳли илмнинг барчаси чўчқанинг ҳамма

нарсаси нажас эканлигига ва уни еб бўлмаслигига иттифоқ қилишган.

Яна бир қонун шуки: чўчқанинг моддасидан тайёрланган «инсулин» дориси қанд касалигига гирифтор бўлган беморлар учун даво сифатида ишлатилади ва уни, шаръий қоидаларга биноан, зарурат учун истеъмол қилиш мумкин.

7. Агар физо ва давога қўшилган ҳаром нарса бошқа моддаларга аралашиб, ўз хусусиятини тамоман йўқотса ва бошқа бир ҳолатга айланиб қолса, уларни истеъмол қилиш мубоҳ бўлади. Мана шу қоидага биноан, ҳайвонларнинг суягидан, терисидан ёки пайларидан қилинган «желатин» моддаси ҳалол ҳисобланади.

Шунингдек, чўчқанинг ёки ўзи ўлган ҳайвоннинг ёғидан қилинган совунлар таркибидаги чўчқа ёғи ёки ўзи ўлган ҳайвоннинг ёғи бошқа моддаларга – пок нарсаларга аралашиб, ўзининг хусусиятини батамом йўқотса, шакли-шамоили умуман қолмаса, ҳеч қандай аломати бўлмай бутунлай йўқ ҳолга айланиб кетган бўлса, ўшандан тайёрланган совунларни ҳам ишлатиш мумкин.

Шунингдек, баъзи бир суриладиган малҳамлар, кремлар, пардоз-андоз ашёлари таркибига чўчқанинг ёғидан қўшилган бўлиши мумкин, лекин ана ўша нарсани зийнат нарса бўлганлиги учун ишлатиб бўлмайди. Фақат ҳали айтганимиздек, бу нарса жуда оз бўлиб, ўша ёғ бутунлай бошқа нарсага айланиб кетганлиги, унинг асорати умуман қолмаганлиги аниқ бўлсагина, ишлатиш мумкин.

Шунингдек, кишининг ҳушини йўқотадиган, араб тилида «муҳаддир» деб аталадиган, бизда тиббий маъноларда ишлатиладиган нарсалар – нашаванд, наркотик моддаларнинг бирортасини тановул қилиб бўлмайди. Фақат тиббий маънода, муайян бир миқдорда, муайян бир шаклда, табиблар бошчилигида ва уларнинг тайинлаши асосидагина улардан фойдаланиш мумкин, холос».

*(Арабчадан сўзма-сўз таржима тугади.)*

Алоҳида таъкидлаб айтиб ўтишимиз керакки, юқорида келтирилган изнлар, рухсатлар фатво тарийқасида айтилган нарсалардир. Яъни, ўрганиб чиқиб, «мана шу нарса жоиз бўлади», деган хулоса чиқарилган. «Буни ҳамма истеъмол қилишга мажбур, қилмаса, бўлмайди» деган маъно мутлақо йўқ. Кишиларнинг ичида тақво йўлини тутиб, «мана шу нарсаларни ўзим истеъмол қилмайман, нима бўлса ҳам, ичида шубҳали нарса борлиги кўнглимни хира қияпти» деган одамлар бўлса, улар, албатта, тақво йўлини тутганлари афзал. Кўнгиллари тортган ҳолатда энг шубҳасиз нарсаларни истеъмол қилиб юришлари ўзларининг иши – тақволари.

Лекин уламолар рухсат бериб қўйган тарафни олиб «уламолар рухсат берган, мана шу нарсалардан истеъмол қилсак, жоиз экан» деб баъзи бир одамлар истеъмол қилса, тақво йўлини тутганлар уларни маломат қилмасликлари керак. Аксинча, фатво йўлини тутиб турганлар ҳам тақво йўлини тутганларни маломат қилмасликлари керак.

Ҳар ким, муфтийларнинг фатво беришлари билан бирга яна ўз қалбига ўзи фатво бериб, шариат ҳудудида турган икки тарафдан бирини олишга ҳаққи бор ҳисобланади.

Аллоҳим, барчаларимизнинг озиқ-овқатимиз, дори-дармонимиз ҳалол, пок бўлишини Ўзинг насийб этгин. Барчаларимизни Ўзингнинг севимли, солиҳ, тақводор бандаларингдан айлагин. *Валлоҳу аълам.*

### 123-САВОЛ

*Ассалому алайкум! Бизда бир савол бор эди. Ўқиганимиз бўйича, агар бир мусулмон ароқ ёки алкогольли ичимликлар истеъмол қилса, унинг иймони кетиб, 40 кунлик ўқиган намозлари, тутган рўзалари ва ибодатлари қабул бўлмас эмиш. Шу нарса қанчалик рост, изох берсангиз. Олдиндан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Бу саволингизга иккита ҳадис ва уларнинг шарҳи ила жавоб берамиз.

عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ:  
لَا يَزْنِي الْعَبْدُ حِينَ يَزْنِي وَهُوَ مُؤْمِنٌ، وَلَا يَسْرِقُ حِينَ يَسْرِقُ  
وَهُوَ مُؤْمِنٌ، وَلَا يَشْرَبُ حِينَ يَشْرَبُ وَهُوَ مُؤْمِنٌ، وَلَا يَقْتُلُ  
وَهُوَ مُؤْمِنٌ.

وَزَادَ فِي رِوَايَةِ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: وَالتَّوْبَةُ مَعْرُوضَةٌ بَعْدُ.  
رَوَاهُ الْحَمْسَةُ.

*Ибн Аббос розияллоху анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:**

**«Банда зино қилаётган пайтида унинг мўминлик ҳоли қолмас, ўфрилиқ қилаётган пайтида унинг мўминлик ҳоли қолмас, ичкилик ичаётган пайтида унинг мўминлик ҳоли қолмас ва қотиллик қилаётган пайтида унинг мўминлик ҳоли қолмас», – дедилар».**

*Абу Хурайра ушбу ҳадиснинг ривоятида:*

**«Сўнгра тавба кўндаланг қилингандир»ни зиёда қилди.**

*Бешовлари ривоят қилишган.*

**Шарҳ:** Гуноҳ иш қилиши туфайли банданинг иймонига футур етишини ушбу ҳадиси шарифдан англаб оламиз.

Зинокорлик, ўфрилиқ, майхўрлик ва қотиллик жуда оғир гуноҳи кабийралардандир. Бу ишларнинг барчасини Аллоҳ таоло қатъиян манъ қилган. Ана шунга қарамай мазкур гуноҳи азимларга қўл урган банданинг иймонига футур етишига шубҳа йўқ. Аммо иймонга футур етишликнинг даражаси бир неча хил бўлади. Агар банда мазкур жиноятларнинг ҳаромлигини, шариатнинг бу борадаги ҳукмини билиб туриб, қайсарлик ила

ўзича ҳалол санаб қилса, кофир бўлади. Бу ҳақда ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Аmmo банда бошқа ҳолатда мазкур ишларни қилса, ўша ишни қилаётган пайтида иймони ундан чиқиб туради. У ишни қилиб бўлганидан кейин афсус надомат чекиб, тавба қилса, иймони қайтиб кириши мумкин.

Бу маънони тушунишга имом Абу Довуд келтирган бошқа бир ривоят ёрдам беради. Унда:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: إِذَا زَنَى الرَّجُلُ خَرَجَ مِنْهُ الْإِيمَانُ  
كَانَ عَلَيْهِ كَالظِّلَّةِ فَإِذَا انْقَطَعَ رَجَعَ إِلَيْهِ الْإِيمَانُ.

«Агар киши зино қилса, иймони ундан чиқиб боши устида булутга ўхшаб туради. Қачонки, ўша ишдан тамомийла қайтса, иймони унга қайтиб киради», дейилган.

Бу ҳолат иймон нима эканлигини тушуниб етган киши учун катта аҳамият касб этади. Иймон инсон учун энг азиз нарсadır. У, ўзини билган одам учун жондан ҳам азиздир. Чунки жоннинг азизлиги, аслида, иймон биландир. Иймонсиз жоннинг ҳеч қандай қиймати йўқдир. Иймондан айрилиши, иймоннинг бир муддат ўз эгасидан ажраб чиқиб туриши овир мусийбатдир, аслида.

Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло ҳаром қилган ишларга мутлақо яқин йўламаслик керак.

Ҳаром нарса еган кишининг дуоси қирқ кунгача қабул бўлмайди.

عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ اجْعَلْنِي مُسْتَجَابَ  
الدَّعْوَةِ، قَالَ: يَا أَنَسُ أَطْبِ كَسْبِكَ تُسْتَجَابُ دَعْوَتُكَ فَإِنَّ  
الرَّجُلَ لَيَرْفَعُ إِلَيَّ فِيهِ اللَّقْمَةَ مِنْ حَرَامٍ فَلَا تُسْتَجَابُ لَهُ دَعْوَتُهُ  
أَرْبَعِينَ يَوْمًا. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا أَبَا دَاوُدَ.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга:

«Ё Расулаллоҳ, мени дуоси қабул бўладиганлардан қилиб қўйинг», – дедим. Ул зот:

«Эй Анас, касбингни пок қилгин, дуоинг қабул бўлур. Чунки бир одам орзига бир луқма ҳаромни солса, қирқ кунгача дуоси ижобат бўлмас», – дедилар», деб айтганлар.

Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.

Бу масала ҳақидаги тушунчангизни юқоридаги маълумотлар асосида тўғрилаб олинг. **Валлоҳу аълам.**

## 38-БОБ. СЎЙИШЛАР БОБИ

### 124-САВОЛ

*Аллоҳ йўлида қурбонлик қилишда ёки закот беришда қўй, мол, туя айтилган-у, нима учун от зикр қилинмаган?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ва саҳобаларнинг даврларида оддан қурбонлик қилинмаган ҳамда кўрсатмалар ҳам келмаган. Шунингдек, биз билган китобларда ҳам отни қурбонликка сўйиш ҳақида маълумот кўрмадик. Аксинча, қурбонлик ҳақидаги ҳукмда «анъом» деб тайин қилинган. «Анъом» деганда эса фақат туя, қорамол, қўй ва эчки тушунилади. От бу тоифага кирмайди. Аммо оддан закот бериш ҳақида гапирилган. 90-саволнинг жавобида бу ҳақда батафсил маълумот берганмиз. *Валлоҳу аълам.*

## 39-БОБ. ЛИБОСЛАР

### НЕГА ИПАК ЭРКАККА ҲАРОМ

#### 125-САВОЛ

*Ислом дийни аёллар ва эркакларга турли нарса, ҳолат ва ҳаракатларни ҳаром қилган. Хусусан, эркак кишиларга тилла буюмлар тақиш ва ипак кийимлар кийиш ҳаром. Савол шундай: Ипак кийим эркакларга нега ҳаром?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Эркак кишиларга, мўмин-мусулмон шахсларга ипак кийим кийишнинг ҳаром қилинганининг ҳикмати шуки, ипак нарса нозик бўлади, доимо нозикликни тақозо қилади, шунинг учун, ипак кийим кийган эркак киши ана шу ипакдек мулоийм бўлиб, ўзининг бўйнига юклатилган масъулиятлардан, куч-қудратли бўлиш, чапдаст бўлиш, жасур бўлиш, чаққон бўлиш каби эркак кишига хос, ипакнинг мулойимлигига зид бўлган сифатлардан маҳрум бўлиб қолишининг олдини олиш маъносида Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло эркакларга ипак либосни ҳаром қилган. Латофатли бўлишлари матлуб бўлган, юмшоқтабиат ҳамда таналари юмшоқ юриши матлуб бўлган аёлларимизга эса Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло бундоқ либосларни ҳаром қилмаган. Улар ипак либосларни кийсалар, улар билан безансалар, табиатларига мос бўлиб юрсалар, уларга тўлиқ рухсат бор. Аммо эркакларга эркакликларини сақлаш, чапдаст бўлиш, кучли бўлиш, мулойим-юмшоқ бўлишнинг зиддида юриш маънолари юзасидан ипак либосларни кийишлари манъ қилинган. *Валлоҳу аълам.*

#### 126-САВОЛ

*Кўчада йигитларнинг соч ва тирноқларини узун қилиб ўстириб юришганини ёки аксинча, қиз ва аёлларнинг сочи жуда калталигини кўриб қоламиз. Бу борадаги талаблар қандай?*

### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Бу маънода бизнинг боқий, мукамал дийнимиз Ислоннинг ўзига яраша кўрсатмалари бор. Албатта, инсоннинг ташқи қиёфаси гўзал бўлиши Ислонда талаб қилинган нарсалардан ҳисобланади. Шунинг учун суннати муттоҳҳарада бу маънодаги ҳолатларнинг қандай бўлиши ҳақида кўрсатмалар бор.

Аввал тирноқлардан сўз очадиган бўлсак, ҳар бир мусулмон эркак, аёл, йигит, қиз ҳафтада бир марта тирноқларини олмоғи керак. Уни узун қилиб ўстириб юриш Ислон одобига ва Ислон кўрсатмасига ҳамда суннатга мутлақо хилоф иш бўлади.

Энди соч ҳақида гапирадиган бўлсак, сочни эҳтиром қилиш тўғрисида ҳадиси шарифлар бор. «Сочни эҳтиром қилиш» дегани уни тоза тутиш, авайлаб, гўзал қилиб юриш маъносини тушунтиради.

Сочнинг узун-қисқалиги тўғрисида гапирадиган бўлсак, эркак кишининг сочи эркакларникига ўхшаган бўлиши лозим. Қисқа бўлиши тарғиб қилинишининг сабаби шуки, ғусл пайтида бирор толанинг тагига сув тегмай қолса, ўша жой жаҳаннам оташида куйиши ҳақида ҳадислар бор. Бир оз ўстириш эса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сочлари ўсиб, қулоқларининг юмшоғидан бир оз пастга тушиб турганлиги тўғрисидаги ривоятларга асосланган.

Аёлларнинг сочлари қадимдан узун бўлган. Шунинг учун уларга баъзи вақтда, ҳатто ғусл пайтида ҳам соч ўримларини ечмасликка руҳсат бериб, шариат тарафидан енгилликлар киритилган. Лекин аёллар билан эркакларнинг сочлари орасидаги фарқ бир-бирига ўхшаш бўлмаслиги керак. Яъни, аёл сочини эркакларникига ўхшатиб олмаслиги ва эркак киши сочини аёлларникига ўхшатмаслиги керак *Валлоҳу аълам.*

## 40-БОБ. МАЪСИЯТ

## 127-САВОЛ

Ҳадисда ўқишимча, инсонларни кулдиршиш учун ёлғон ишлатиш мумкин эмас. Лекин қизиқчилар ҳаётда бўлган воқеалар билан бирга ёлғондан тўқилган латифалар билан ҳам одамларни кулдиршади-ку, шундай ҳолатларда мусулмон одам тингламаслиги керакми? Ваҳоланки, тингловчи айтилаётган гапларнинг рост ёки ёлғонлигини билмайди.

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Бу ерда маълум таълимотларни билишимиз керак. Ҳазил-мутойиба пайтида ёлғон нарсаларни кўшмаслик Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг одатлари бўлган. У зоти бобаракот ҳам баъзи пайтларда ҳазил-мутойибаларни қилганлар. Лекин буларнинг ҳаммаси рост ва ҳақийқат бўлган. Агар биринчи бор эшитган кишида тушунмовчилик ҳолати бўлса ҳам, лекин аслини суриштириб келганда, ҳақийқат эканлиги маълум бўлади.

Мисол учун, бир киши келиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رضي الله عنه قَالَ: أَنَّ رَجُلًا أَتَى النَّبِيَّ صلى الله عليه وسلم فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ! أَحْمِلْنِي، فَقَالَ: إِنِّي حَامِلُكَ عَلَى وَدِّ النَّاقَةِ، فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ! وَمَا أَصْنَعُ بِوَدِّ النَّاقَةِ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صلى الله عليه وسلم: وَهَلْ تَلِدُ الْإِبِلَ إِلَّا التُّوقَ؟ رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Ё Расулаллоҳ! Мени миндилинг», – деди.

«Албатта, сени туянинг боласига миндираман», – дедилар.

«Ё Расулаллоҳ! Туянинг боласини нима қиламан?!», – деди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Туяни туя тувади-да!», – дедилар».

*Термизий ривоят қилган.*

عَنْ الْحَسَنِ قَالَ: أَتَتْ عَجُوزٌ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ، فَقَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، ادْعُ اللَّهَ أَنْ يُدْخِلَنِي الْجَنَّةَ، فَقَالَ: «يَا أُمَّ فُلَانٍ، إِنَّ الْجَنَّةَ لَا تَدْخُلُهَا عَجُوزٌ» قَالَ: فَوَلَّتْ تَبْكِي فَقَالَ: «أَخْبِرُوهَا أَنَّهَا لَا تَدْخُلُهَا وَهِيَ عَجُوزٌ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ فِي الشَّمَائِلِ.

*Ҳасандан ривоят қилинади:*

«Бир кампир Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Ё Расулаллоҳ! Аллоҳга дуо қилинг, мени жаннатга киритсин», – деди.

«Эй Умму Фалон! Жаннатга кампир кирмайди», – дедилар. Шунда кампир йиғлаб қайтиб кетди. Бас, у зот: «Унга айтинглар, Жаннатга қари ҳолатда кирмайди», – дедилар».

*Термизий ривоят қилган.*

Шунга ўхшаган ҳазил-мутойибаларда ҳам фақат ҳақийқат бўлган. Энди қизиқчиларнинг гапларига келадиган бўлсак, ёлғон ва кишиларга озор етказадиган даражада беодоблик маъноларидаги нарсалар бўлса, айтишдан ҳам, тинглашдан ҳам эҳтиёт бўлиш керак. Аммо юқоридагига ўхшаш латиф сўзлар, кишилар заковатини бир оз қўзғайдиган ҳолатлар бўлса, жоиз. Умуман, бу маънода ниҳоятда эҳтиёт бўлиш керак. *Валлоҳу аълам.*

## 128-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Шайх хазратлари. Мени бир нарса қийнаяпти. Ўз қиладиган ишим учун ойлик маош оламан. Баъзида «қўшимча» бў-*

либ туради, яъни: мен ўз ишимни қиламан, бу ишим учун пул сўрамасам ҳам, кўпинча, бериб кетишади. Лекин бу ишни унган пул олиш мақсадига қилганим йўқ, бу менинг ишим. Бунинг ҳукми қандай? Бу пуллар менга ҳалолми ёки порами? Раҳмат.

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Агар ўша пул бераётган одам ўз ихтиёри билан бераётган бўлса, ҳеч қандай зарари йўқ. У сизни ишни яхши бажарганингиз учун рағбатлантириш ниятида берган бўлади. Бу нарса пора эмас. Баъзилар уни «чой пули» деб атайдилар. Араблар эса, «бахшиш» дейдилар. Пора тамоман бошқа нарса. *Валлоҳу аълам.*

## ГУНОҲНИ БЎЙНИГА ОЛИШ



*Зиёфатда бир киши иккинчисини ароқ ичишга даъват қилиб: «Сен ичавер, гуноҳи менинг бўйнимга», дейди. Бир одам бошқа одамнинг гуноҳини бўйнига олиши мумкинми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Ҳозирги пайтда жамиятимизда, қадимдан мусулмон бўлиб келаётган буюк бир халқ ичида Аллоҳ ҳаром қилган, ўзига, оиласига, жамиятга ва бутун инсониятга зарар бўлган мана шундай нарсага пул сарфлаётган, уни ичиб, ўзини бало-офатга ураётган одамнинг Аллоҳ таолонинг ҳаққига журъат қилиб, бошқаларни ҳам ичишга чақириши ва гуноҳини бўйнига олишдек катта нобакорлик қилиши ҳаммамиз учун катта мусийбат ва ачинарли бир ҳолдир.

Бошқаларни ароқ ичишга даъват қилиш, агар баъзи кишилар гуноҳидан кўрқиб ичишдан бош тортсалар: «Сен ичавер, гуноҳи менинг бўйнимга», дейиш Аллоҳ таоло ҳузурида катта бир нобакорлик қилишга журъат этиш ҳисобланади. Гуноҳнинг ҳисоб-китоб вақти келганда, бировнинг гуноҳи-

ни олиш ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Балки ота боласини, она қизини танимасдан, ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади. Заррача гуноҳнинг ҳисоби бўлиб турганда, дод-вой деб, шайтонни айблашга уринади. Лекин шайтон ҳам ўзини оқлаб: «Мен сени мажбурлаганим йўқ, ўзинг менга эргашгансан», деган гапни айтади.

Шундай экан, бир одамнинг гуноҳини бошқаси олиши мутлақо мумкин эмас. Балки бу ерда бошқа бир қоида бор. Кимки ёмон бир суннатни бажариб ёки бир ёмонликка даъват этса-ю, бошқалар унинг чақиривига жавоб бериб, ўша ёмон ишни қилса, барча унга эргашганлар гуноҳи ўрнак бўлган шахснинг бўйнига осилади. Шу билан бирга, қилганларнинг гуноҳи заррача кам бўлмайди. Ўзи ичгани етмагандай, бошқани ҳам ичишга чақиргани учун гуноҳи чандон-чандон ошади. Унинг гапига кириб ароқ ичган ҳам гуноҳдан холий бўлиб қолмайди. Балки Аллоҳ таолонинг гапини қўйиб, бу кишининг гапини олгани учун жазосини тортади.

Шунинг учун, ёмонликни қилмаслик ва бировларни ёмонликка чақирмаслик керак. Гуноҳи менинг бўйнимга, деган гап мутлақо нотўғри эканлигини тушуниш керак. Бундай дейиш инсондан бўлган шайтон гапининг ўзгинасидир. Аллоҳ таоло бундай нарсалардан асраган бўлсин. Бундай ҳаром нарсани халқимиз ичидан йўқ қилишини Аллоҳ таолодан сўраб дуо қиламиз. **Валлоҳу аълам.**

## 41-БОБ. ИСМ ҚЎЙИШ

## ИСМ ВА ЛАҚАБ ҲАҚИДА

## 130-САВОЛ

*Кўпинча ёш болаларни исмини қисқартириб чақиришади ёки инсонни бир лақаб билан чақириш одатлари ҳам бор. Ислом дийни бу каби ҳолатларга нима дейди?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Бу ҳам катта саволлардан. Алоҳида эътибор берилиб, катта-катта мақолалар ва китобчалар ёзиладиган савол. Умумий тарзда айтадиган бўлсак, хоҳ ёш бола бўлсин, хоҳ катта киши бўлсин, номини қисқартириб айтиш яхши эмас. Хусусан, ёш болаларга бундай муомала қилиш уларнинг тарбиясига қаттиқ таъсир қилади.

Баъзи бир қисқартиришлар эса жуда ҳам қўпол тарзда бўлади. Агар қаттиқроқ қилиб айтдиган бўлсак, гуноҳга айланиб қолиши ҳам мумкин. Масалан, Абдулқаҳҳор деган номни Қаҳҳор ёки Абдуссаттор деган исмини Саттор дейишади. Бу ҳам қисқартириш. Лекин маънони тескарига айлантириб қўядиган даражадаги қисқартириш. «Саттор» дегани «гуноҳларни сатр қилувчи, тўсувчи бўлган Аллоҳ» дегани, «Абдуссаттор» дегани «Саттор сифатли Аллоҳнинг бандаси» деганидир. Энди ўйлаб кўрсак, бировнинг исми Абдуссаттор бўлса, Саттор сифатли Аллоҳнинг бандаси маъносидадир. Энди бандаси маъносига «абду» сўзини олиб ташлаб «Саттор» десак, «гуноҳларни сатр қилувчи сифатга эга бўлган Аллоҳ» деган бўламиз. Бу эса, мутлақо мумкин эмас.

Афсуски, одамларнинг тили ўрганиб қолган, бу ҳақда шунча гапирилса ҳам, эътибор берилмайди.

Шу шаклдаги қисқартиришми ёки бошқа шаклдаги қисқартиришми, кишиларнинг исмини қисқартириб чақириш беодоблик ва ношаръий иш бўлади.

Лақаб қўйишга келсак, бу ҳаром нарса. Чунки Қуръони Каримнинг «Хужурот» сурасида:

وَلَا تَنَابَرُوا بِلِقَابِ

«Бир-бирингизни лақаб билан атаманг», дейилган.

Одатда лақаб кишиларни масхара қилиш, нуқсонини уларга нисбат бериш учун ишлатилади. Лақаблар кўп, уни одам айтгани ҳам тортинади. Кўпинча, инсоннинг жисмоний нуқсонларини ёки ҳайвонларнинг номини лақаб қилиб қўйиб ишлатишади. Яна такрор айтамыз, Қуръони Каримнинг «Хужурот» сурасида бу нарсанинг мумкин эмаслиги очиқ-равшан баён қилинган. Бундай қилиш мутлақо мумкин эмас. Шунинг учун бу нарсаларга мусулмон одам, ёшу қари эътибор бериши керак. *Валлоҳу аълам.*

## ИСМ ЎЗГАРТИРИШ ҲАҚИДА

### 131-САВОЛ

*Фарзанд туғилгач ота-она унга суюб исм қўяди. Лекин йиллар ўтгач, унинг исмини исломий исмга ўзгартириш истаги туғилади. Шунда қандайдир қоуда ва маросимлар борми? Боланинг исмини ўзгартираётганда янгидан қулоғига азон айттириш ва ақийқа қилиш ҳақида шайх жаноблари нима дейдилар? Шунингдек, Шаҳзод исмини ўзгартирмоқчи эдик ва «Муҳибилло» исмининг маъносини айтиб берсангиз.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Албатта, ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчларидан бири ўша фарзандга чиройли, яхши исломий исм қўймоқдир. Бу ота-оналарнинг ниҳоятда масъулият билан қиладиган ишларидан бири ҳисобланади. Шаҳзод исмини бошқа мусулмонча исмга алмаштиришга келсак, бунинг алоҳида бир

маросими йўқ. Балки бу исмни қўйиб, бошқа бир исломий исм ихтиёр қилинади-да, ана ўшани айтиб, аввалгисини эсдан чиқариш, унутишга уриилади, шу билан, иш битади. Қандайдир алоҳида бир маросим қилиш ёки қандайдир алоҳида бир амалларни қилиш борасида махсус кўрсатмалар йўқ. Фақат яхши бир исмни ихтиёр қилиб, ноисломий исмни айтмай қўйиш, янгисини айтишга ўргатиш йўлга қўйилса, бўлди. Энди Шаҳзод исмини Муҳиббиллога ўзгартириш яхши бўлибди. «Муҳиббилло» дегани, «Аллоҳга муҳиб», «Аллоҳга муҳаббат қилувчи шахс» деган исм бўлади, бу албатта яхши. Аллоҳга муҳаббат маъносини англагувчи исмни қўйиш, аташ жуда бир гўзал амал ҳисобланади. **Валлоҳу аълам.**

132-САВОЛ

*Яна исм ўзгартириш ҳақида савол. Биз халқимиздаги бир анъанани биламизки, агар фарзанд хол билан туғилса ёки туғилганидан бир оздан сўнг хол ёки нор пайдо бўлса, фарзанднинг исмини ўзгартиришади. Асл исм унутилиб, Холида, Анора деб чақирилади. Савол шундай: исмни ўзгартириш юздаги холни йўқотадими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Албатта бу гаплар одамларнинг шахсий тушунчаси, холос. Шариат аҳкомлари ёки таълимотларига бу гапларнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бир исмни қўйган фарзандга хол туша бошласа, уни «Холида» деб номласа, хол йўқолиб кетиши тўғрисида ҳеч қандай ҳадис, таълимот, гап-сўз дийнимизда йўқ.

Хол чиқиши ёки яна бошқа бир ҳолатлар инсоннинг жисмидаги ўзгаришларга, хусусиятларга боғлиқ бўлади, исмга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Қандоқ исм қўйса, ўша исм яхши бир ҳолатда давом этавериши мумкин. Мана бу «Анора», «Нормурод» деган номларни ҳам, албатта, одамлар ўзларича ўйлаб қўйишган, бунинг дийний

таълимотларга ҳеч қанақа алоқаси йўқ, бундай эътиқодларга бормаслик керак. Балки ўша бола туғилганида қўйилган исм яхши исломий исм бўлса, мутлақо ўзгартирмасдан, кўнгилсиз ҳолатлар юз берганида, тиббий муолажалар билан тузатиш имкони бўлса, шунинг ҳаракатини қилиш керак ва доимий равишда Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан ўша ноқулай ҳолатни кетказишни сўраш лозим. Қисқаси, номни ўзгартириш билан бир нарса бўлиб қолиши бизнинг дийнимиз таълимотларида йўқ. **Валлоҳу аълам.**

## 42-БОБ. ҲАЙВОНГА МЕҲР БОБИ

### ЗАРАРКУНАНДА ЖОНЗОТЛАРНИ ЎЛДИРСА БЎЛАДИМИ?

#### 133-САВОЛ

*Кишига молиявий зарар етказадиган: ит, мушук, каламуш, сичқон каби жонзотларга нисбатан қандай чора кўриш мумкин? Бу саволни беришимга сабаб шуки, бир киши 9—10 та жўжани еган итни ўлдириб қўйибди. Охирабда шу ит учун жавоб қандай бўлади?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Доимо зарар етказадиган, фойдаси бўлмайдиган, зараркунанда баъзи ҳайвонларни ўлдиришга рухсат бор.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: أَمَرَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ بِقَتْلِ خَمْسِ فَوَاسِقَ فِي الْحِلِّ وَالْحَرَمِ الْفَأْرَةَ وَالْعُقْرَبُ وَالْغُرَابُ وَالْحُدَيْيَا وَالْكَلْبُ الْعُقُورُ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

*Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:*

«Набий солаллоху алайҳи васаллам бешта фосиқни: сичқонни, чаённи, қарғани, калхатни ва қутурган итни Ҳарамда ҳам, ундан ташқарида ҳам ўлдиришга амр қилдилар».

*Бешовлари ривоят қилишган.*

Бошқа ҳайвонлар етказадиган зарарни уларнинг эгалари кўтаради.

كَانَ لِلْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ نَاقَةٌ ضَارِيَةٌ فَدَخَلَتْ حَائِطًا فَافْسَدَتْ فِيهِ فَكَلَّمَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ فِيهَا فَقَضَى أَنْ حِفْظَ الْحَوَائِطِ بِالنَّهَارِ عَلَى أَهْلِهَا وَأَنْ حِفْظَ الْمَاشِيَةِ بِاللَّيْلِ عَلَى أَهْلِهَا وَعَلَى أَهْلِ الْمَاشِيَةِ مَا أَصَابَتْ مَاشِيَتَهُمْ بِاللَّيْلِ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ.

Баро ибн Озибнинг қочоқ туяси бор эди. Бир куни у бир боққа кириб, унга зарар етказди. Бу ҳақда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга гапирилди. Бас, у зот, кундуз куни боғларни муҳофаза қилиш уларнинг эгаларига, кечаси ҳайвонларни муҳофаза қилиш уларнинг эгаларига, ҳайвонлар кечаси етказган зарар уларнинг эгалари зиммасида бўлади, деб ҳукм чиқардилар».

*Абу Довуд ва Насаий ривоят қилишган.*

Ушбу ривоятда васф қилинган, кишиларнинг молу мулкига оид ҳодиса ва тортишувлар зироатчилик ва чорвачилик билан шуғулланувчи кишилар орасида содир бўлиб турадиган ишлардан ҳисобланади. Қаровсиз қолган ҳайвонлар қаровсиз қолган экинларни еб қўйиши, пайҳон қилиши оқибатида эгалари орасида молиявий жанжаллар чиқиб туради.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам чиқарган ҳукмда икки томонга ҳам тенг масъулият юклатилмоқда. Экин эгаси кундузи ўз экинини қўрисин. Ҳайвон эгаси кечаси ўз ҳайвонини қўрисин.

Икки ҳолатда ҳам ҳайвон қочиб кетиб, эгасининг беҳабарлиги орқасидан зарар етказиши ҳақида гап кетмоқда. Ҳайвон эгаси билиб туриб кундузи зарар етказса, ўзи тўлаб бермайди.

Ҳайвон эгасидан қочиб кетиб, унинг илмисиз кундуз куни экинга зарар етказгандагина, унинг эгаси етказилган зарарни тўламайди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам итларни беҳуда ўлдиришдан қайтарганлар:

لَوْلَا أَنَّ الْكِلَابَ أُمَّةٌ مِنَ الْأُمَّمِ لَأَمَرْتُ بِقَتْلِهَا كُلِّهَا  
فَاقْتُلُوا مِنْهَا الْأَسْوَدَ الْبَيْهِيمَ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيَّ.

«Агар итлар умматлардан бир уммат бўлмаганида, албатта, уларни ўлдиришга амр қилар

эдим. Улардан қоп-қорасини ўлдиришлар», дейилган.


*Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.*

Шунга кўра, итни бекордан-бекорга ўлдириш мумкин эмас. Фақат қутурган итни дарҳол ўлдириш керак.

Ўртоғингиз итнинг эгасини рози қилиши ва йўл қўйган хатоси учун истиғфор айтиши лозим. *Валлоҳу аълам.*

## 43-БОБ. АЁЛЛАРГА ОИД ҲУКМЛАР

### АЁЛНИНГ ОВОЗИ АВРАТМИ?



Ассалому алайкум, Шайх Ҳазратлари! Мен одамлар орасида «аёл кишининг овози аврат» деган гапларни кўп эшитаман. Шу масалага далиллар билан ойдинлик киритсангиз. Аллоҳ таоло қилаётган амалларимизни ҳусни мақбул айласин.

#### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Оддий ҳолатларда аёл кишининг овози аврат эмас. Бунга, саҳобай киромлар Оиша онамиздан парда ортида туриб саволларига жавоб эшитганлари далилдир. Агар аёл кишининг овози аврат бўлса, Оиша онамиз номаҳрам эркакларга овозларини эшиттирмас эдилар.

Аёл кишининг нозу карашма ила ёки майин товущда номаҳрамларга гапириши мумкин эмас. Бу ҳақда алоҳида оят нозил бўлган.

يٰۤاَيُّهَا النَّبِيُّ لَسْتَنَّ كَكَاحِدٍ مِّنَ النِّسَاءِ ۗ اِنَّ اَتَّقِيْنَ  
فَلَا تَخْضَعْنَ بِالْقَوْلِ فَيَطْمَعَ الَّذِيْ فِيْ قَلْبِهٖ مَّرْضٌ وَّقُلْنَ قَوْلًا  
مَّعْرُوفًا

«Эй Набийнинг аёллари! Сизлар аёллардан бирортаси каби эмассиз. Агар тақво қилсангиз, майин сўз қилманг, яна қалбида касали бор бўлган тамаъ қилиб юрмасин. Гапирганда яхши гапни гапиринглар» («Аҳзоб» сураси, 32-оят).

Гарчи ушбу оятда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёлларига хитоб этилган бўлсада, оятнинг ҳукми барча мўмина аёлларни ҳам қамраб олади. Яъни мўмина аёллар мунофиқ ва иймони заиф кимсаларнинг фисқу фужуридан эҳтиёт бўлиш учун бегоналарнинг олдида майн,

назокатли товуш билан гаплашмасликлари лозим экан. *Валлоҳу аълам.*

135-САВОЛ

*Ҳозирда кўп аёлларимиз тижорат қилишади. Улар орасида эрининг рухсатисиз бу ишни қиладиганлар ҳам бор. Аёлларнинг ҳафталаб бошқа юртга кетишлари, маҳрамсиз мусофир бўлиб юришларига Ислом дийни нима дейди?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Албатта, Ислом дийнида аёл киши эъзозланган. Доим эҳтиромда бўлиши, ўзининг аёллик латофатини кетказмаслиги учун аёлларга кўпгина имтиёзлар берилган. Шулардан бири — аёл кишининг нафақаси, барча-барча таъминоти — озиқ-овқат бўлсин, кийим-кечак бўлсин, турар жой бўлсин, таълим олиш, даволаниш, дам олиш ва бошқа нарсаларга кетадиган сарф-харажатлар бўлсин, барчаси эркакларнинг зиммасига юклатилган. Аёллар нафақа учун бир нарса топишга умрбод буюрилмаганлар, бу уларнинг иши эмас. Улар эркаклардан талаб қилиш ҳаққига эгалар. Шунинг учун аёлларда тижорат қилиш мажбурияти йўқ. Энди, ўша шариат рухсат бермаган ишни қилса, бунинг устига, уни эрининг рухсатисиз қилса, гуноҳ бўлиши турган гап. Бу гуноҳларга яна ҳафталаб бошқа юртларга маҳрамсиз кетиб қолиш гуноҳи ҳам қўшилиши мумкин. Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳга ва ва Қиёмат кунига иймон келтирган аёл киши учун уч кундан ортиқ маҳрамсиз чиқиши мумкин эмас — ҳаром», деганлар. Демак, маҳрамсиз аёл кишининг сафарга чиқиши мутлақо мумкин эмас, мана шу нарсаларни яхши ўйлаб, тушуниб олиш керак. Ҳозирги кунда аёлларнинг турли юртларга кетиб қолишлари, тижоратдан бошқа, ҳаром ишларни қилишлари катта бир мусийбатга айланиб қолган. Мана шу мусийбатнинг пайдо бўлишида, шундай

ноқулай ҳолатларнинг бўлиб туришида, асосан, эркаклар айбдор. Агар эркаклар ўз қизини, синглисини, опасини, хотинини, онасини нафақаси билан таъминлаб, барча нарсаларини муҳайё қилиб, уларнинг муаззаза, мукаррама бўлиб яшаб боришларини таъминлаганларида ва яхши бир раҳбар сифатида аёлларининг беҳуда сафарларга чиқишларига йўл қўймаганларида, балки унинг йўлига тўсиқ бўлганларида, мана шу нарсалар бўлмас эди. Бу ерда, демак, аёллар эрлари уларни нафақа билан таъминлай олмаганликлари учун ҳам шундай ношаръий сафарларга чиқишга, пул топишга уринаётган бўлишлари мумкин. Иккинчидан, баъзилари ўзбошимчалик қилиб, ҳавойи нафсига берилиб қилаётган бўлишлари мумкин. Бунга эркакларнинг индамай қараб туриши қўшилса, албатта, гап эркакларнинг ҳам айби борлигига бориб тақалади. Шунга ўхшаш барча ҳолатларда ҳам мана шу мулоҳазалар қилинади. Шунинг учун, бу иллатни йўқ қилишда, аввало, аёллар ўзлари жонбозлик кўрсатишлари, қолаверса, эркаклар зиммаларидаги масъулиятни сезишлари, аёлларининг кўчага чиқишига, маҳрамсиз ҳафталаб бошқа юртларда сафарларда юришига мажбур қилаётган нарса нима эканлигини билиб-ўрганиб, ана шу етишмовчиликни тўлдириш учун ҳаракат қилмоқликлари лозим бўлади. *Валлоҳу аълам.*

## МАҲРАМ ҲАҚИДА

### 136-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари! Ҳаж ва умра қилишда аёллар тан маҳрамлари билан боришади. Маҳрами бўлмаган аёллар кўпчилик ҳолатда «қиёматли отамсиз» ёки «сиз менга қиёматли уни бўлдингиз», деб бегона эркаклар билан ота-бола ёки опа-ука тутиниб ҳам сафарга жўнаётганлари ҳақида эшитяпмиз.*

Ундан ташқари, фарзанд сақлаб олаётган оилаларда, агар сақлаб олинаётган фарзанд насаб жиҳатидан эркак кишининг қариндоши бўлиб, хотинига номаҳрам бўлса, у ҳолда маҳрам масаласи қандай ҳал этилган?

Илтимос, аёлларнинг маҳрамлари ҳақида кенгроқ, апрофлича тушунча берсангиз.

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

«Маҳрам» деганда аёл кишининг эри ҳамда никоҳи ҳаром бўлган бошқа эркак қариндошлари тушунилади. Улар туғишганлик ёки қудачилик та-рафидан ҳам маҳрам бўлиши мумкин.

Аллоҳ таоло «Нур» сурасида:

وَلَا يُدَيِّنُ زَيْنَتُهُنَّ إِلَّا مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَلْيَضْرِبَنَّ  
 بِخُمْرِهِنَّ عَلَىٰ جُيُوبِهِنَّ وَلَا يُدَيِّنُ زَيْنَتُهُنَّ إِلَّا لِبُعُولَتِهِنَّ  
 أَوْ آبَائِهِنَّ أَوْ آبَاءِ بُعُولَتِهِنَّ أَوْ أَبْنَائِهِنَّ أَوْ  
 أَبْنَاءِ بُعُولَتِهِنَّ أَوْ إِخْوَانِهِنَّ أَوْ بَنِي إِخْوَانِهِنَّ أَوْ بَنِي  
 أَخَوَاتِهِنَّ أَوْ نِسَائِهِنَّ أَوْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُهُنَّ أَوِ التَّابِعِينَ  
 غَيْرِ أَوْلِيَ الْأَرْبَابَةِ مِنَ الرِّجَالِ أَوْ الْوَالِدِ الَّذِي لَمْ يَطْهَرُوا  
 عَلَىٰ عَوْرَاتِ النِّسَاءِ

«Зийнатларини кўрсатмасинлар, магар эрларига, ё оталарига, ё эрларининг оталарига, ё ўғилларига, ё эрларининг ўғилларига, ё ака-укаларига, ё ака-укаларининг ўғилларига, ё опа-сингилларининг ўғилларига, ё аёлларига, ё ўз қўлларида мулк бўлганларга, ё (аёлларга) беҳожат эркак хизматчиларга, ё аёллар авратининг фарқига бормаган ёш болаларга (бўлса, майли)» (31-оят) деган.

Аммо мўмина-муслима аёлнинг эркак маҳрамлари бу билан тугамайди. Оятда зикри кел-

маган маҳрамлар ҳам бор. Мисол учун, амакилар, тоғалар ва куёвлар. Шунингдек, эмиқдошлик орқали маҳрам бўлганлар бор.

Юқорида зикр қилинган маҳрамларнинг ҳаммаси абадий маҳрам ҳисобланадилар. Яъни уларнинг мазкур мўмина аёлга уйланишлари абадий ҳаром қилингандир.

Аммо маҳрамлиги вақтинчалик шахслар ҳам бўлади. Мисол учун, опа-сингилларининг эрлари вақтинчалик маҳрам саналади, яъни опа билан никоҳда турган эркакка унинг синглисига уйланиши ҳаром саналади.

Бошқа ҳолатларда ўзаро келишиб ёки бировнинг чиқарган қарори ва шунга ўхшаш нарсаларнинг бирортаси билан маҳрам бўлиш мумкин эмас. Бу, умуман бўлмаган ва бўлмайдиган иш. Жумладан, сиз саволингизда айтиб ўтган ҳолатлар ҳам. **Валлоҳу аълам.**

## 44-БОБ. ҲИЙНЛАР ВА ҚИМОР

### ИТ УРИШТИРИШ

#### 137-САВОЛ

*Биз яшайдиган жойда ҳар якшанба одамлар тўпланиб ит уриштиришади. Билсам, бу ўзига яраша қимор экан. Энг ёмони шуки, бу даҳшатли манзарани томоша қилиш учун ёш болалар ҳам йиғилишади. Шу каби ишларга Исломи дийни нима дейди?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Исломи дийни бу каби ишларни ҳаром қилган. Ит уриштириш, хўроз уриштириш, қўй суздирини бўладими, ҳар қандай ҳайвонни уриштириш орқали қимор ўйнаш ёки уриштириш орқали томоша уюштиришлар Исломида ҳаром қилинган. Чунки бу иш ҳайвонларга азоб бериб, инсонларнинг ҳузурланиши маъносидаги бир нарса. Агар шу ҳайвонларни уриштириш билан бирга орага қиморни қўшган бўлсалар, гуноҳнинг устига гуноҳ қилган бўладилар. Агар бу икки нарсага ёш болалар, катталарни чақириб, уларнинг бу ваҳшиёна манзараларни кўришларига сабаб бўлишса, гуноҳлари яна ҳам катталашади.

Минг афсуски, бундай ҳолатлар тез-тез содир бўлиб туради. Мана шунақа беҳуда ва ваҳшиёна ишлар қиладиган одамларимиз йўқ эмас. Ҳамма бунинг гуноҳ эканлигини тушуниб етмоғи ҳамда оиласи ва жамияти учун фойдали ишлар билан машғул бўлишни йўлга қўйиши керак. *Валлоҳу аълам.*

#### 138-САВОЛ

*Картада «гуррак», «казла» ўйнаш қимор бўладими? Мумкинми, мумкин эмасми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Орага пул тикиб карта ўйнаса, қимор бўлади. Пул тикмасдан ўйнаш намоз ва зикрдан қўйса, ҳаром бўлади. Бу — умумий ҳукм. Аммо эътибор

бериб қарасангиз, шундай ўйинларни ўйновчилар, одатда, Аллоҳни кам зикр қилувчи ва намозга бепарво кимсалар бўладилар. Ва яна, бундай ўйинлар вақтнинг зое кетишига сабаб бўлгани учун ҳам ҳаром ҳисобланади. *Валлоҳу аълам.*

## 45-БОБ. РАСМ ВА ТАСВИР

### РАСУЛУЛЛОҲНИНГ СУРАТЛАРИ БОРМИ?

#### 139-САВОЛ

*Айтишларича, Саудия Арабистонининг Макка шаҳрида Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суратлари бор экан. Фақат, юзларини кўрсатиш мумкин бўлмаганлиги учун, парда тортиб қўйилган экан. Шу гап ростми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Йўқ, бу гап рост эмас. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётлик пайтларида у кишининг суратлари чизилмаган ва олинмаган. Балки олинishi мумкин ҳам эмас. Бу гаплар одамлар ўйлаб топган уйдирма бўлиб, мутлақо нотўғридир. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам, саҳобаи киромлар, мўътабар олимларимиз ва ўша вақтда ўтган шахсларнинг суратлари чизилмаган. Сурат мутлақо ҳаром бўлган. Шунинг учун, бунақа гапларни кўтариб юрмаслик керак. Чизилган бўлса, нотўғри иш қилинган бўлади. Мисол учун, баъзи бир жойларда Алавий номли тоифалар томонидан ҳазрати Алининг суратларини чизиб қўйишган. Ҳар ким, қандайдир бир шакл маъносида ҳар хил қилиб чизади. Булар ҳам мутлақо мумкин эмас. Шариатда бунга умуман рухсат берилмаган. Бундай гаплар қанча бўлса ҳам, ким айтса ҳам, ишонмаслик ва эътиқод қилмаслик ҳамда буни «бўлиши мумкин эмас» нарса сифатида қабул қилиш керак. *Валлоҳу аълам.*

## 46-БОБ. ЁЗУВЧИЛИК ВА АДАБИЁТ

### УМАР ХАЙЁМ РУБОИЙЛАРИ

#### 140-САВОЛ

Ассалому алайкум! Нафақат биз учун балки, МДХ мамлакатларининг севимли шоири деб ҳисобланган Умар Хайём асли ким? Унинг шеърларида кучли фалсафа яширинган бўлса-да нега май ҳақида кўп ёзган? Айниқса, унинг бир тўртлиги мени ўйга солади. Бу шеъри қуйидагича:

Азалдан лойимни қорганда худо,  
Биларди феълимдан не бўлур пайдо.  
Ҳикматидан ташқари эмас гуноҳим,  
Хўш, нечун маҳшарда беради жазо?

Бу шеър шаккокликми, дийнсизликми ёки кучли фалсафами? Бу ҳақда шу кунга қадар ҳеч ким менга жўяли жавоб бермади ва умидим сиздан, ҳурматли Шайх жаноблари.

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Бу саволингизга бир неча йил аввал чоп этилган «Тарих омонатдир» номли китобимдаги ёзганларим билан жавоб бераман.

Адабий асарлар халқ оmmasига катта таъсир ўтказиши ҳаммага маълум. Уларнинг асосий вазифаси инсонларнинг маънавий дунёсини бойитишдан иборат. Дарҳақийқат, адабиёт кишиларда юксак инсоний қадриятлар, ахлоқ-одоб, яхши сифатларни шакллантириши, борларини ривожлантириши каби эзгу ният ва ишларга хизмат қилмоғи даркор. Исломиё адабиёт айнан ана шу мақсадларга хизмат қилиши ила бошқаларидан яққол ажралиб туради. Аммо, ҳамма соҳаларда бузғунчилик бўлганидек, баъзи инсонлар адабиётдан мазкур олий қадриятларга эришиш йўлида эмас, балки одобсизлик, фаҳш ишлар, даҳрийлик ва ҳоказоларда фойдаланишга уриниб, бузғунчилик қилганлар ва қилмоқдалар.

Мусулмон дунёси ўзининг буюк шоирлари билан ҳам машҳурдир. Одатда, мазкур шоирлар ўзларининг юксак маънавий асарлари билан донг таратганлар. Дунёда мусулмон шоирлар ҳақида сўз кетганида, пурҳикмат, инсонни юксак ахлоқий ва маънавий чўққиларга чорловчи шеърий асарлар ҳақида сўз кетишини ҳамма тушуниб қолган.

Аммо баъзи ҳолларда адабий дунёда исломий адабиёт ҳақидаги тасаввур бузилди. Ҳамма «Умар Хайём рубоийлари» деб аталмиш шеърий асарлар ҳақида кенг миқёсда гапира бошлади. У рубоийлар дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинди. Ҳамма жойларда ўқила бошланди. У рубоийларга машҳур бастакорлар куй басталаб, хонандалар кўшиқ қилиб айтишди. Мазкур рубоийларнинг одамларни ўзига ром қилишининг асосий сабаби, уларда майхўрликнинг мадҳ этилиши ва унга даъват қилиниши, ҳаётлик чоғида маза қилиб, иложи борича лаззатлардан баҳраманд бўлиш ва бу борада ҳеч кимга, ҳеч нарсага эътибор бермаслик каби нарсалар эди. Шу билан бирга, бу рубоийларда куфр, даҳрийлик ва бир қанча бузуқ мазҳаблар мафкураси ҳам ўз ўрнини олган эди. Мазкур мафкурага берилган ва айшу ишрат, майхўрликка мойил кишилар Умар Хайёмдек катта устоз топганларидан хурсанд бўлиб, унинг шуҳратини ўз мақсадлари йўлида ишлатишар эди. Бу беодобликка қаршилар эса, Умар Хайёмни кофир, даҳрий, «ботиний», шариатни оёқости қилувчи, деб фатво чиқаришарди. Учинчи бир тоифа эса, Умар Хайёмдек одам бунчаликка бормайди, у сўфийлик мазҳабида экан, ёзган шеърлари рамзий, бунини тушуниш учун алоҳида тайёргарлик керак, дейишарди. Аммо бу фикрга ҳеч ким эътибор бермас, ҳамма Ислом дийни белгилаган чегарадан чиққан шоир топиб олганидан хурсанд бўлиб, уни кўкларга кўтариб мақташ билан бирга, «Умар Хайём рубоийети» деб номланган асарларни кенг тарқатишга, улардаги

чақирикларга амал қилишга ошиқарди. Шу билан бирга, ислоний одоб-ахлоқ доиралари парчаланиб борар эди. Бу рубоийёт, эски совет империясида ҳам кенг тарғиб қилинди. Қайта-қайта чоп этилди. Чунки бу жамият дунёдаги энг ароқхўр жамият эди. Рубоийлардаги майхўрлик мавзуи уларга жуда ёқарди. Шундай қилиб, ароқхўр жамиятнинг энг ароқхўр шоирлари «Умар Хайём рубоийёти» деб аталмиш асарларни турли тилларга, жумладан, ўзбек тилига ҳам таржима қилишди. Ҳеч ким бу рубоийлар ҳақида жиддий ўйламас, илмий асосда баҳс қилишни ҳаёлига ҳам келтирмас эди.

Аммо вақти етиб ана шундай инсон ҳам топилди. Бу инсон бизнинг улуғ ватандошимиз, аллома Абу Наср Мубашшир Тарозий эдилар. У киши биринчи бўлиб: «Бу рубоийёт Умар Хайёмники эмас, балки бошқалар томонидан тўқилиб, у кишига нисбат берилган», деб чиқдилар ва бу фикрни «Кашфул лисом ар-рубоийяти Умарул Хайём», яъни «Умар Хайём рубоийларидан пардани очиш» номли китобларида илмий асосда баён қилиб бердилар.

Аллома Тарозий бу китобни ҳижрий 1375-сана, 13-жумъадус-соний (1956 йил 26 январь), пайшанба куни ёзиб битирганлар.

У киши Умар Хайём ҳақида аввал айтилган фикрларга эътибор бермай, унинг ҳаёти ва фаолиятини аввал бошдан, асосий ва ҳақийқий манбаълардан ўрганиб чиқиб, Умар Хайёмни машҳур қилган рубоийлар уники эмаслигини исбот қилганлар.

Абул Фатҳ Фиёсуддийн Умар ибн Иброҳим Хайём Найсобурий билан ҳамаср, ҳамдарс бўлган ва ундан кейин яшаган барча тарихчи ва олимлар, жумладан, унинг шогирди Абу Ҳасан Аҳмад ибн Умар ибн Али ан-Низомий ал-Арузий Самарқандий ўзининг «Чор мақола» асарида, Шамсуддийн Муҳаммад ибн Маҳмуд Шаҳрузурий «Нузҳатул арвоҳ ва равзатул афроҳ» асарида, Зоҳруддийн Байҳақий «Ҳуқомоул Ислому» кито-

бида у кишининг тақво билан яшаб, оқибати яхши ҳаёт ўтказганлари, улуғ ва муътабар бир инсон эканликларини таъкидлашган. Умар Хайём катта илм эгаси, фалакиёт, риёзиёт, тиб каби илмларда ўз замонасининг пешқадами бўлган.

Машҳур инглиз тарихчиси Гибон ва немис олими Карл Брокелман Умар Хайём тузган тақвим (календарь) ҳозирги амалдаги Георгий календаридан афзал эканини тан олишган. Шунингдек, бошқа илмларда ҳам Умар Хайём нодир асарлар яратган.

«Кашфул лисом» китоби муаллифи Аллома Тарозий ҳазратлари юқорида зикр этилган далилларни ўз китобларида аниқ ҳужжатлар билан исботлаб келтирадилар. У киши, шу билан бирга, Умар Хайём ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берган, унга асрдош ва кейин яшаган олимлардан бирортаси унинг шоир бўлганлиги ва рубоийлар ёзганини зикр қилишмаганини ҳам, мазкур номаълум рубоийёт Умар Хайёмники эмаслигига далил қилиб келтирадилар. Аллома Тарозийнинг фикрича, Умар Хайём бўш вақтларида кўнгил ёзиш учун шеър машқ қилиб кўрган бўлиши мумкин, лекин асосий иши шоирлик бўлмаган.

Тарозий ҳазратлари мазкур рубоийёт Умар Хайёмники эмаслигига яна бошқа далиллар келтирадилар. Умар Хайём ўз даврининг энг машҳур кишиларидан бўлган ва подшоҳлар, амирлар, уламолар, фузалолар билан доимо бирга бўлган. Демак, агар унга нисбат берилаётган рубоийларга ўхшаш бирор нарса ёзган бўлса, дарҳол ҳаммага машҳур бўларди. Исломга вайратли кишилар эса, буни эътиборсиз қолдирмасдан, раддия берар эдилар. Ҳолбуки, Арузий Самарқандий, Алломай Замахшарий, Қози Насавий, имом Абу Ҳасан ал-Ғаззолий ва хусусан, Ҳужжатул Ислом имом Абу Ҳомид Ғаззолий каби кишилар Исломга футур етказадиган ҳар бир фикрни қаттиқ танқид остига олишлари билан машҳурлар. Улар Умар Хайём

билан бирга яшаб, муносабатда бўлганлар ва у киши ҳақида фақат яхши гапларни айтганлар.

Аллома Тарозий ҳазратлари Умар Хайёмнинг поклигини, рубоиёт унга нисбатан тўхмат эканлигини исботлаш учун яна бир кучли далил келтирадilar. Умар Хайёмнинг ҳақийқий фикри, фалсафаси ва айтган гапларини ишончли манбаълардан келтириб, улар рубоийларда келган фикрга тамомийла зид, балки соф исломий фикрлар эканини исбот қиладилар.

Табиийки, «Ундай бўлса, қандай қилиб Умар Хайём шоир сифатида танилиб, рубоиёти бутун дунёга машҳур бўлиб кетган?» деган савол пайдо бўлади. Бу саволга аллома Тарозий ўз китобларида жавоб берадилар. У кишининг ёзишларича, Умар Хайём ҳақида биринчи бўлиб милодий 1700 йили инглиз олими, Оксфорд дорулфунунининг устози Томас Гайд, кейинроқ, Фон Гомер Биргестел ва Меме Николослар ёзадилар.

Милодий 1856-санада инглиз шоири Эдвард Витз Геральд етмишта рубоийни таржима этиб, нашр қилганидан сўнг, бир қанча омиллар сабабли, ҳаммага машҳур бўлиб кетди. Геральд бу таржима ҳақида ўз устози Говлга ёзган мактубида, «Мен бу рубоийларни ўз аслидек тажрима қилмадим, баъзи жузъиётларини сақлаб қолган ҳолда, бир-бирига аралаштириб ўзгартирдим», деб таъкидлаганини ҳам аллома Тарозий келтирдилар. Бу таржимага Фарбада шундай аҳамият берилдики, у барча юртларда қайта-қайта чоп этилди. У, рубоиётнинг асли деб қабул қилинди. Сўнгра араб, урду, турк ва бошқа шарқ тилларига ҳам инглизчадан таржима қилинди.

Сўнгра Умар ибн Иброҳим Найсобурийга замондош ва у кишининг ҳаёти ҳақида маълумот тўплаган олимларнинг асарларидан иқтибослар келтириб, Умар Хайём аслида Умар Хайёмий эканлиги, Хайём эса, Алоуддийн Али ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Халоф ал-Хуросоний номли форс

шоирининг лақаби эканлигини таъкидлайдилар. Худди шу жойда чалкашлак бўлган бўлса керак, дейдилар. Умар Хайём ўз даврида ботинийларга қарши қаттиқ кураш олиб борган ҳукмдор Низомулмулкнинг яқин дўсти эди. Ушбу эътибордан ботинийлар ундан ўч олиш мақсадида турли рубоийларни ёзиб, Умар Найсобурийга нисбат берган бўлишлари мумкин, дейдилар.

Бу фикрнинг далили сифатида, рубоийларнинг энг қадимий қўлёзмасини нашр қилаётганларнинг ўзлари тан олишларича, ушбу китоб Умар Хайёмнинг вафотидан сўнг уч юз элик йил кейин ёзилган эканини эслатиб ўтадилар.

Демак, ғарблик шарқшунослар сиёсатнинг ажралмас бир қисми сифатида, маданий мустамлака усулида, аслининг тайини йўқ, рубоийларни олиб, Умар Хайёмга нисбат берганлар ва шу йўл билан кишиларни Исломдан узоқлаштиришга, фисқу фасодга бошлашга уринганлар. Ҳозирги кунда Британия кутубхонаси музейида Геральд таржимасининг 153 хил нашридан намуналар кўйилгани ҳам уларнинг бу ишга қанчалик аҳамият берганларини кўрсатиб турибди.

Ана шундай бир пайтда аллома Тарозий ҳазратлари «Кашфул лисом ар-рубоийят Умарул Хайём» китобини ёзиб чиқишлари ўз давридаги жамоатчилик фикри, олим ва шоирлар, тарихчилар, шарқшунослар, қолаверса, маданий мустамлакачилик сиёсатига қарши катта инқилоб эди.

Муаллифнинг ўғиллари доктор Абдуллоҳ Мубашшир Тарозийнинг айтишларича, оталари бу китобни ёзишдан олдин Қоҳирадаги илмий анжумъанлардан бирида худди шу мавзуда маъруза қилганлар. У киши гапларини тугатганда, ҳамма жим тураверган. Чунки маърузачини қўллайлик, десалар, у ҳозиргача бўлган гапларга бутунлай тескари гапларни айтди. Танқид қилайлик, десалар, ҳужжатлари шунчалик кучлики, унга қарши оғиз очиб бўлмайди. Фақат бошқа ерда қилинган

иккинчи маърузадан кейингина, Аллома Тарозийни қўллаб бошладилар ва у кишидан бу борада китоб таълиф этишини илтимос қилишган.

Аллома Тарозий китобларининг нашр этилиши Ислом олами маданий ҳаётида катта воқеъага айланди. Кўпчилик у кишини қўллаб китоблар, мақолалар ёздилар. Эронлик машҳур адабий танқидчи олим Али Даштий, Устоз Саъийд ал-Омудий, Устоз Анвар Жундий, Устоз Абдуллатийф ал-Жавҳарий ва бошқалар шулар жумласидандир.

Баъзи олимлар Аллома Тарозийнинг «Кашфул лисом ар-рубойят Умарул Хайём» китобини янги асрдаги исломий уйғонишга сабаб бўлган ўттиз китобнинг бири деб ҳисоблайдилар.

Илмий тажрибалар ҳам аллома Тарозийни қўллаб чиқди. Қоҳирада чиқадиган «ал-Аҳром» рўзномаси ўзининг 1978 йил 6 декабрь сониди: «Лондондаги Умар Хайём рубоиёти қўлёзмаси сохта экан» деган хабар босиб чиқди. Хабарда қуйидагилар баён қилинади: «Илмий текширишлар Лондондаги Кембриждорулфунунида сақланаётган «Умар Хайём рубоиёти» дейилган қўлёзмалар сохта эканлигини исботлади. Бу қўлёзмалар милодий 1200-санада ёзилган, деб эълон қилинар эди. У кўп йиллардан бери илмий изланишларга асос ҳисобланарди. Энди эса, фақат юз йил аввал ёзилганлиги маълум бўлди. Кембриж дорулфунуни бу қўлёзмаларни уларни Эрондан топган марҳум устоз Артур Арбортистан сотиб олган эди». *Валлоҳу аълам.*

### КИТОБЛАР ҲАҚИДА



*Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари! Мен китоб ўқишга жуда қизиқаман. Қўлимга тушган китобни ўқиб кетавераман. Яқинда «Шарқ зиёкори»дан «Ислом энциклопедияси» номли китоб сотиб олдим. Ўқиб кўрсам «Авесто», «Буддизм» тўғрисида маълумотлар бор экан.*

Тўғриси, буларнинг Исломга нима алоқаси бор экан, деган фикр келди.

**Саволим:** Ҳозирги кунда адабиётлар жуда кўпайган, уларнинг ҳаммаси ҳам ишончли эмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Шу маънода, қандай китобларни олиб ўқишимиз керак-у, қайси китобларни ўқишдан эҳтиёт бўлишимиз лозим. Сиз қайси китобларни тавсия қилган бўлардингиз?

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Сиз жуда ҳам долзарб масалани кўтарибсиз. Бу ҳолат кўпчиликнинг бошини қотириб турибди. Дийний адабиёт борасида ҳамма нарса аралаш бўлиб кетган. Сизга ўхшаш китобхонларнинг дийнимизга бўлган муҳаббати баъзи кишиларга турли мақсадларига эришиш учун баҳона бўлиб қолган. Умида каттароқ мақола ёзмаган шахс дийний соҳада катта китоб ёзадиган бўлди. Умида пешонаси сажда кўрмаган зот ибодат ҳақида қасида тўқийдиган бўлди. Умида бирор зикр ҳалқасини кўрмаган жаноб тасаввуф ҳақида сафсата сотадиган бўлди. Қўйинг-ки, бу соҳада ташвишларимиз кўп. Ватандошларимиз қайси китобни танлашни билмай хуноблар.

Шу боис, баъзи аҳли илмлар билан озгина бўлса ҳам фаолият кўрсатишга ҳаракат қилдик. Қўлимиздан келганича баъзи китоблар ҳақида кишиларга маълумотлар бердик. Сизга ҳозир «фалон китобни ўқинг», деб маслаҳат беришимиз ҳам қийин. Чунки қайси китобларни ўқиганингиз ёки ўқимаганингизни билмаймиз. Эҳтимол, келажакда ушбу тўпламда китоблар ҳақида маълумотлар бериб бориш ҳақида ҳам ўйлаб кўрармиз.

Ҳозирча, мен ўзим ёзган ёки шарҳ қилган китобларни тавсия қила оламан, холос. Иложи бўлса, таниш аҳли илмлардан бу борада маслаҳат олиб туришга одатланинг.

Аллоҳ таоло барчамизни ҳидоятдан айирмасин. **Валлоҳу аълам.**

142-САВОЛ

**Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари! Сизга қуйидагича саволларим бор:**

**«Дуоларга инган хислатлар» китобида: «Баъзи дуоларни ўзи билан олиб юриш мумкин ва яхши», дейилган. Шулар ҳақида гапириб берсангиз. Жавобларингиз учун олдиндан раҳмат.**

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Ҳозирги кунда бозорларда сотилаётган дийний китобларнинг ҳаммасини ҳам ишончли ва фойдаланиш мумкин деб бўлмайди.

Абдуллоҳ ибн Муборак раҳматуллоҳи алайҳининг: «Илм дийндир, шунинг учун дийнингизни кимдан олаётганингизга қаранглар!» деган сўзларига кўра, мусулмон киши ўқиётган китобининг қандай экани ва унинг муаллифи кимлигини яхши билмасдан туриб унга суяниши дуруст бўлмайди.

Хоссатан, дуо ва зикр масаласида ҳам ишончли манбаълардан фойдаланиш лозимдир. Ҳозирги кунда шу мавзуъга доир ўзбек тилида нашр қилинган «Ал-азкор», «Исми Аъзам (дуолар тўплами)» каби китоблардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Энди, дуоларни ўзи билан олиб юриш масаласига келсак, ёдлаш учун олиб юриш мумкин. Тумор шаклида олиб юриш жоиз эмас. **Валлоҳу аълам.**

143-САВОЛ

**Муҳтарам Шайх ҳазратлари! Сизга иккита саволим бор эди. Яқинда ёши улутроқ бир одам, аниқроғи, ибодатда бўлмаган мусулмон менга иккита китоб берди. Улар Полцша ёзувчиларидан бири Зенон Косидовскийнинг китоблари, номи «Сказания евангелистов» ва «Библейские... (адашмасам) истории». Шу одам менга «Қайта-қайта ўқигин», деб тавсия қилди. Китобларни кўз югуртириб, варақлаб чиқдим. Муаллиф ижоди Польша социализм даврини кечираётган**

пайтга тўғри келгани учунми, Инжил китоби ва улардаги воқеъа, ўғитлар бир оз танқидий равишда ва умуман тор доирада ёритилган, бу китоб «тарихий манбаъ»дан ўзга нарса эмас, дея баҳо берилган. Саволим шуки, бу каби китобларни ўқиш мумкинми? Инжил борасида бир ҳадисни эшитгандим, Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кун Умар розияллоҳу анҳунинг қўлларида Инжилни кўрганларида: «Эй, Умар, агар ҳозир Мусо алайҳиссалом тирик бўлганида ҳам, мен гаъват қилаётган дуйнга эргашишдан бошқа чораси бўлмас эди», деган эканлар. Яъни уни ўқиш мусулмонга жоиз эмас. Лекин мен тасвирлаган китоблар-чи? Ишхонада бир аҳли китоб аёл совға сифатида насроний китоблардан берганди, улар ҳаттоки ўзбек тилига ҳам ўтирилган. «Сулаймоннинг ҳикматлари китоби», «Шоҳ Дониёр» Бу китоблар Инжил бўлаклари ҳисобланади, шундайми?

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Аслида, ўзингиз мисол келтирган ҳадисда барча саволларингизга жавоб бор. Ҳазрати Умардек зот учун Инжилни ўқиш таъқиқлангач, бошқа гапга ҳожат борми? Агар Инжил ва Тавротнинг асл, ўзгармаган матни, мабодо, топилиб қолса ҳам, Аллоҳ таолонинг Ўзи Қуръони Каримда таъкидлаганидек, Қуръон нозил бўлиши билан, ундан олдинги барча китоблар амалдан қолган.

Шаръий ҳукмлар учун фақат Қуръони Карим асос ҳисобланади. Бу ҳақда Аллоҳ таолонинг ўзи шундай деб марҳамат қилган:

وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ مُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ  
الْكِتَابِ وَمُهَيْمِنًا عَلَيْهِ فَاحْكُم بَيْنَهُم بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ

«Ва Биз сенга китобни ҳақ ила, ўзидан олдинги китобни тасдиқловчи ва унинг устидан назорат этгувчи қилиб нозил қилдик. Бас, улар

орасида Аллоҳ нозил этган нарса ила ҳукм юрит» («Моуда» сураси, 48-оят).

Аллоҳ таоло «Оли Имрон» сурасида:

وَمَنْ يَبْتَغِ غَيْرَ الْإِسْلَامِ دِينًا فَلَنْ يُقْبَلَ مِنْهُ وَهُوَ فِي  
الْآخِرَةِ مِنَ الْخَاسِرِينَ ﴿٨٥﴾

«Ким Исломдан бошқа динни хоҳласа, бас, ундан бу ҳаргиз қабул қилинмас ва у охиратда зиён кўргувчилардан бўладир» (85-оят).

Яъни Аллоҳнинг ҳузурида мақбул бўлган ягона Ислом динининг охирги ва мукамал кўриниши Муҳаммад алайҳиссаломга юборилган ҳақиқий Ислом динидир. Шунинг учун, мусулмонлар Инжил ёки Тавротни эмас, фақат Қуръони Каримни ва унга боғлиқ кейинги китобларни ўқишлари керак. Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида:

فَوَيْلٌ لِلَّذِينَ يَكْتُمُونَ الْكِتَابَ بِأَيْدِيهِمْ ثُمَّ يَقُولُونَ هَذَا  
مِنَ عِنْدِ اللَّهِ لِيَشْتَرُوا بِهِ ثَمَنًا قَلِيلًا فَوَيْلٌ لَهُمْ مِمَّا  
كَتَبَتْ أَيْدِيهِمْ وَوَيْلٌ لَهُمْ مِمَّا يَكْسِبُونَ ﴿٧٦﴾

«Китобни ўз қўли билан ёзиб, сўнгра уни арзон баҳога сотиш учун: «Бу Аллоҳнинг ҳузуридан», дейдиганларга ҳалокат бўлсин! Уларга қўллари билан ёзган нарсаларидан ҳалокат бўлсин! Уларга топган фойдаларидан ҳалокат бўлсин!»

Ояти карима зикр қилган «арзон баҳо» ҳақида Имом Ҳасан Басрий: «Арзон баҳо – дунё ва унинг нарсаларидир» деган эканлар. Дунёга молу бойлик, мансаб ва бошқалар киради.

Бас, шундай экан, бугунги кунда «Таврот», «Инжил» ёки «Муқаддас китоб» номи ила нашр этилаётган бирорта китобни, хусусан, у китобларга ёзилган шарҳларни, ўқимаслик лозим. Сиз айтиб ўтган китоблар ҳам шулар жумласидан.

Бу каби китобларни ўқимаслик керак. Улар миссионерлар томонидан мусулмонларни дийндан чиқариш мақсадида тайёрланган. Улардан сақланиш ва бошқа яқинларни, таниш-билишларни ҳам сақланишга чақириш лозим. Саволда зикр қилган барча мулоҳазаларингиз тўғри. Сизга ташаккур. *Валлоҳу аълам.*

## 47-БОБ. ИЖТИМОЙ АЛОҚАЛАР

### УЧРАШУВГА КЕЧ ҚОЛИШ ҲАҚИДА

#### 144-САВОЛ

*Бирга ишлайдиган ҳамкасбим учрашувларга муттасил равишда огоҳлантирмай бир, бир ярим соат кечикиб келади. Шу пайтга менинг жаҳлим чиқади. Лекин унга ҳеч нарса демаяман. Куттирган одам менга зулм қилган ҳисобланадими? Узр, балки бу майда саволдир.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Албатта зулм қилган ҳисобланади. Мухлисимиз саволнинг охирида: «Узр, балки майда саволдир», дебдилар. Йўқ, бу майда савол эмас. Бу-катта савол. Чунки катта ишлар майда ишлардан бошланади. Агар ўзи ваъда қилган учрашувга бир, бир ярим соат кечикиб келадиган бўлса, бу нарса катта саволга арзигулик тасарруфдир. Чунки бундай тартибсизлик, ваъдага вафо қилмаслик, ўзи билан ҳамкорлик қилаётган кишиларнинг ҳам қадрини билмаслик, вақтининг эҳтиромини қилмаслик ва яна бошқа ҳолатлар жуда катта иллатлардан ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам дийнимизда ваъдага вафо қилиш доимий равишда таъкидлаб келинган. Ваъдага вафо қилмаслик эса, энг ёмон ахлоқ сифатида қораланган.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ قَالَ: الْعِدَّةُ دَيْنٌ. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Ваъда қарздир», – дедилар.**

*Тобароний ривоят қилган.*

Қарзни узишга қандай ҳаракат қилинса, берилган ваъдани адо этишга ҳам худди шундай ҳаракат этиш лозим бўлади.

Берилган ваъдани адо қилмаслик эса мунофиқларнинг сифатидир.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: ... وَإِذَا وَعَدَ أَخْلَفَ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«...Қачон ваъда берса, хилоф қилади», – дедилар.**

*Икки Шайх ривоят қилишган.*

Шунинг учун, каттами, кичикми, эркакми, аёлми – бундай нарсаларга алоҳида эътибор билан қараши керак. Берилган ваъдани ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилиши керак. Белгиланган учрашувларга кечикиб келиш ўзини беҳурмат қилиш бўлади. Қолаверса, бу ўзгаларни ҳам ҳурмат қилмаслик, уларнинг вақтини зое кетказишдир. Ва натижада ҳурмати йўқолиши, бировларнинг олдида ваъдабоз инсон сифатида қадрсиз бир ҳолга тушиб қолиши мумкин. Аллоҳ таоло бундай ҳолдан ўзи асрасин ҳамда ваъдага вафо этадиганлардан қилсин. *Валлоҳу аълам.*

## САЛОМ БЕРИШ ҲАҚИДА

### 145-САВОЛ

Ўзимдан катта одамга салом берсам, алик олмайди ёки менсимайгина қўл узатади. Саволим шуки, ўша одамга салом бермаслигим мумкинми?

### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Мусулмон одам ҳолатдан келиб чиқиб, ўзи таниган-у, танимаган кишига салом бериши суннат ва одоб ҳисобланади. Саҳобаи киромлар ривоят қилиб айтадилар-ки:

«Биз доимий равишда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан йўлиқсак, аввал салом беришга ҳаракат қилар эдик. Лекин у зот биздан аввал салом бериб улгурар эдилар».

Ҳаммамиз яхши билишимиз лозимки, салом бериш суннат бўлса, алик олиш вожиб бўлади. Сиз бир кишига салом бердингизми, Ислом одобини адо қилдингизми, мусулмонлик ҳаққини бўйнингиздан туширддингизми, сиз шунга савоб оласиз. Саломингизга алик олган киши одоб юзасидан, суннат юзасидан, шариат юзасидан ўзига тушган масъулиятни адо этган бўлади. Энди, алик олмаса, беодоблик қилиб, вожиб нарсани тарк этган бўлади. Сиз эса, ундан ўксимаслигингиз ва салом бермай қўйсам бўлармикин, деган хаёлга бормаслигингиз керак. Балки салом беришда бардавом бўлинг, бунга савоб ёзилади. Алик олмаган одамнинг эса гуноҳи ўзига. Шунинг учун бу одобга амал қилиб боришни тавсия қиламиз. **Валлоҳу аълам.**

## 48-БОБ. ТУШ ТАЪБИРИ ҲАҚИДА

### 146-САВОЛ

*Ислом дуйнининг тушни таъбир қилишга муносабати қандай?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Туш инсон ҳаётининг ажралмас қисми ҳисобланади. Туш ҳақида ҳар хил гап-сўзлар ва тушунчалар бор. Ислом нуқтаи назаридан тушга қарайдиган бўлсак, албатта бу нарса Қуръони Каримда ҳам, Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида ҳам муолажа қилинган.

Қуръондаги «Юсуф» сураси туш кўришдан бошланиб, ана шунга бағишланган сурадир. Набийимиз солаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари кўп туш кўрганлар ва туш тўғрисида кўпгина ҳадисларни айтганлар. Жумладан, тушнинг таъбири тўғрисида ҳам бир қанча ҳадислар бор.

Ҳадис китобларига қарайдиган бўлсак, бу тўғрида алоҳида боб ҳам бор. Биз ёзиб охирига етказган 39 жуздан иборат «Ҳадис ва Ҳаёт» номли силсила китобининг бир жузи ҳам «Туш ва амсоллар ҳақида» деган номни олган.

Мана шу китобда туш ҳақидаги Исломий таълимотларни жамлаб ва тартибга солиб, ватандошларимизга тушунтиришга ҳаракат қилганмиз.

Туш тўғрисида қисқача маълумот берадиган бўлсак, туш уч хил бўлади. Биринчиси: алғовдалғов ва бузуқ тушлар бўлиб, шайтон томонидан амалга оширилади.

Иккинчиси: шарт-шароитлари вужудга келган пайтда башорат сифатида қабул қилинадиган тушлар.

Учинчиси: инсоннинг уйғоқлик пайтида, айниқса, уйқудан олдинги суҳбатлари ёки уйлаган фикрлари, хаёлига жойлаб олган турли ҳодисаларнинг давомини тушида кўриш ҳодисалари ҳам бўлади.

Ёмон туш кўрган одам уйғониб кетганидан кейин чап тарафига уч марта туфлайди-да, Аллоҳ

таолодан паноҳ сўраб, тушини ҳеч кимга айтмай юради. Чунки ҳадисда келишича, тушни айтилса, биринчи таъбир қандай бўлса, ўша ёққа қараб бурилади. Яхши тушни ҳам, айтиладиган бўлса, илми одамларга ёки ўзининг яхши кўрадиган одамларига айтиши керак. Чунки илми киши ва яхши кўрган одами доимо тушни яхшиликка таъбир қилишга ўтади ва иншоаллоҳ, унинг оқибати яхши бўлади, деган умидда бўлади.

Шу билан бирга, тушни кўрганида ҳеч нарсага қарамай таъбир қилиш жоиз эмас, балки туш таъбирининг ўз шартлари бор. Жумладан, тушнинг ҳақийқийси, яъни башорат бўладигани киши тоҳарат билан ётган бўлиб, ўйламаган нарсаси тушига кириб, кун билан тун ораси яқинлашган, яъни тонг пайтида кўрган тушлари таъбирга лойиқ ҳисобланади.

Умуман олганда, туш кўриш мавсуми ва яна бошқа кўп нарсалар таъбир қилишда эътиборга олиниши керак бўлган омиллардандир. Бу тўғрида алоҳида китоблар ҳам бор. Менда ҳам бу мавзуъда катта иккита жиддли китоб бор. Лекин туш ҳамма нарсага боғлиқ, тушга қараб иш қилиш керак, деб тушуниб қолмаслик лозим. Туш жуда бўлганда бир аломат, ишора маъносида бўлади, холос. **Валлоҳу аълам.**

## ТИБ КИТОБИ

### 49-БОБ. ДАВОЛАШ

#### ОФИР БЕМОРДАН ТИББИЙ ЖИҲОЗНИ УЗИШ ҲАҚИДА

#### 147-САВОЛ

*Ассаломуалайкум, Ҳазрат! Касалхоналарнинг реанимация бўлимида қанчадан-қанча инсонлар кома ҳолатида ётишибди. Шулардан биттасининг қариндоши домлага шундай мурожаат қилибди: «Хотиним мана қанчадан бери ўзига келолмай кома ҳолатидадир. Аппаратлар воситасида сунъий юрак ишлатиб жонини сақлаб турибмиз. Докторларнинг эътирофича, бундай касалларни чет элда амалиёт қилса, балки тузалиши мумкин экан, аммо бизда эмас. Бизда бундай касалга даво йўқ. Агар биз мана шу аппаратнинг битта симини чиқариб қўйсак, у одам вафот этади. Шу ҳолатда мен хотинимни бекорга қийнаб, жонини сунъий сақлаб қўймаётганмикинман?» Саволим шуки, юқоридagi ўлими аниқ беморнинг ҳаётини сунъий сақлаб туриш жоизми? Ё табиий ўз ҳолатига ташлаб қўйиш керакми?*

#### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Ислом Фикҳи академияси олимлари ва бошқа уламолар бундай ҳолатдаги одамдан тиббий жиҳозларни олишга қуйидаги икки шарт юзага келганда рухсат берганлар:

1. Юраги ва нафас олиши бутунлай тўхтаганда ва табиблар: бу тўхташ охиргиси, бу икки аъзо ҳеч қачон қайта ишламайди, деганда.

2. Миянинг фаолияти ҳам бутунлай тўхтаган ва мутахассислар: у қайта ишламайди, дейишганда ҳамда мия бўшашиб, тарқалаётганда.

Фақатгина мазкур ҳолатда тиббий ускуналар ишлашини тўхтатиш мумкин. **Валлоҳу аълам.**

## 148-САВОЛ

Ҳозирги кунда болалар туғилганида улар билан қўшилиб тушадиган йўлдошдан, яна шунга ўхшаш ҳомилани олдириб ташлаш пайтида чиқадиган чиқиндилардан дорилар тайёрланаётганлиги, муолажага мана шу нарсалардан фойдаланилаётганлиги маълум. Ислом нуқтаи назаридан шу ишни қилиш жоизми?

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Ҳозирги кун одатига кўра бу нарсаларни, албатта, мусулмон бўлмаганлар қилади. Мусулмонлар ундан хабардор бўлганидан кейин «Дийнимизда бунинг ҳукми нима экан, қилса бўлармикан ёки йўқми?» деган маънода саволлар пайдо бўлди. Мазкур савол берувчи муҳтарам шахснинг ҳолатлари ҳам ана шу. Бунга жавоб бор. Маккаи Мукаррамадаги «Робитатул Олабил Исломи» ташкилоти ҳузурида иш олиб борувчи Ислом Фикҳи академияси ўзининг ҳижрий 1424-сана, 19–23-шаввол кунлари бўлиб ўтган мажлисида бир қанча масалалар қатори мана шу масалани ҳам кўриб чиққан. Кўриб чиқиб, Ислом Фикҳи академияси аъзолари бу масала бўйича керакли қарорларни қабул қилганлар. Инсоннинг жисмидаги ҳужайралардан ҳозирги кунда турли мақсадларда, хусусан тиббий мақсадларда, фойдаланишни уламолар йўлга қўйганлар. Бу нарса баъзи бир беморликларни даволаш ёки турли илмий тажрибаларни олиб бориш учун ишлатилиши мумкин. Тажрибаларни ўтказиб, ҳар хил ҳолатларга солиб кўриб, маълум бир касалликларни даволаш имкони бор. Ана шу маънода, мисол учун, саратон (рак) касалини тузатишга ҳам ишлатиш мумкин экан. Қанд касалиги, буйрак, жигар касалликларини тузатишда ҳам инсондан олинган ҳужайраларни ишлатиш имкони бор экан. Бу ҳужайралар бир неча тарафлардан бўлар экан. Биринчиси: ҳомила янги пайдо бўлган ҳолатдагиси

бўлса, ана шундан ҳужайраларни олса, уни турли нарсаларга аралаштириб, бу нарсани муолажага ишлатиш мумкин экан. Мисол учун, ҳозирги кунда болаларни пробирка (найча)ларда урчитиш тажрибалари бор. Ана шундан ортиб қолган жисмларни, ҳужайраларни олиб, юқорида айтилганидек тажрибага қўйиш ёки даволаш ишларида ишлатиш мумкин экан. Иккинчиси: баъзи бир ҳомилалар ўзи тушиб кетиши ёки жиддий шаръий сабаб ила олиб ташланиши мумкин, ўша ҳомиладан ҳам ҳужайраларни олиб муолажа учун ишлатиш мумкин экан. Учинчиси: дастлаб айтганимиздек, бола туғилганида у билан қўшилиб тушадиган йўлдоши, киндик ипидан ҳам ҳужайраларни олиб ишлатиш мумкин экан. Тўртинчиси: ёш болалар ёки катта ёшдаги тирик одамларнинг баъзи бир жойларидан ҳужайраларни олиб, юқорида айтилган мақсадларда ишлатиш мумкин экан. Мана шу ҳолатларни Ислоом Фикҳи академияси уламолари диққат билан ўрганганлар, бу соҳа мутахассисларининг гапларига қулоқ останлар, уларга саволлар берганлар ва охири фатво чиқарганлар. Ўша фатвода айтиладики: биринчидан, инсоннинг ҳужайрасини олиш, уни ривожлантириш ва муолажа (даволаш) учун ҳамда турли илмий тажрибаларга ишлатиш мумкин. Шарт шуки, ўша ҳужайраларни олиш рухсат берилган, шаръан жоиз бўлган манбаъдан бўлсин. «Бу манбаълар қандай манбаълар?» дейилса, биринчиси: катта ёшдаги тирик юрган кишилардан ҳужайраларни олиб ишлатиш уларнинг ўзининг розилиги билан ва ўша жисмидан керакли ҳужайрани олганда ўзига зарар етмаслик шarti билан; иккинчиси: худди шу нарсаларни ёш болалардан ҳам олиш мумкин, бу ҳам шаръий бир мақсад учун бўлиши керак. Бунда ўша нарсаларни олгандан кейин мазкур болага зарар етмасин ва ота-онасининг рухсати бўлсин; учинчиси: ана шундай ҳужайраларни киндикка уланиб ту-

радиган йўлдошдан олиш мумкин. Албатта, уни ишлатишга ота-онанинг розилиги бўлиши шарт; тўртинчиси: ўз-ўзидан тушиб кетган ҳомилалардан ҳужайраларни олиб, юқорида зикр қилинган мақсадларда ишлатиш мумкин. Албатта, бунда ҳам ота-онанинг розилиги керак. Шунингдек, найча-пробиркада уруғликни олиб, урчитиб, ҳомила ҳосил қилиб, кейин онанинг раҳмига қўйиб қўйиш ишлари бажарилган бўлса-ю, ўша найчада баъзи бир чиқиндилар қолган бўлса, буни ҳам ота-онанинг розилигини олиб, кейин ишлатиш мумкин. Энди, шу нарсаларни олиш, уларни ҳужайра сифатида ишлатиш мумкин бўлмаган ҳолатларидан биттаси: ҳомилани шаръий узурсиз олиб ташланса, унда мазкур нарсани қилиб бўлмайди, иккинчиси: ота-онанинг рухсатисиз қилиб бўлмайди, буларга ҳам эътибор бериш лозим бўлади. Бу нарсалар ўта илмий масалалар бўлса ҳам, барибир, савол туғилганидан кейин ҳаммамиз билиб қўйишимиз лозим нарсалардир. **Валлоҳу аълам.**

## 50-БОБ. ҲОМИЛА ВА АБОРТ

### ҲОМИЛАНИ ОЛДИРИШ ҲАҚИДА

#### 150-САВОЛ

*Аборт қилишни гуноҳ санаймиз. Спираль қўйишликни ҳаром деб эшитдим. Шариат нуқтаи назаридан жавоб берсангиз.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Саволингизда келган маъно айнан бу масаладаги шариат ҳукмининг хулосасидир.

Ҳомилани олдириб ташлаш бировнинг жонига суиқасд қилишдир. Агар олиб ташланмаса, у ҳам тўлақонли инсон бўлар эди. Шунинг учун, ҳомилани олдириб ташлашга шариатда рухсат йўқ.

Аёлларнинг ҳомилани манъ қилувчи воситаларни ишлатишлари ҳам ўзларидаги бола кўриш қобилиятини йўққа чиқаришдир. Одатда, «Бола кўпайса, боқа олмай қийналаман, болани тарбиялаш оғир, у билан машғул бўлиб, ўйин-кулгидан қоламан» каби баҳоналар ила фарзанд кўришдан қочилади. Бу ҳам гуноҳ ҳисобланади.

*Аллоҳ таоло Қуръони Каримда:*

وَلَا تَقْتُلُوا أَوْلَادَكُمْ مِمَّنْ أَمَلْتُمْ مَخْنُ نَزْرُقُكُمْ وَإِيَّاهُمْ

«Очликдан қўрқиб, болаларингизни ўлдирманг. Биз сизларни ҳам, уларни ҳам ризқлантисурмиз» («Анъом» сураси, 151-оят), деган.

*У зот бошқа бир оятда яна:*

وَلَا تَقْتُلُوا أَوْلَادَكُمْ خَشِيَةَ إِمْلَاقٍ مَّخْنُ نَزْرُقَهُمْ وَإِيَّاكُمْ إِنَّ قَتْلَهُمْ كَانَ خِطْئًا كَبِيرًا

«Болаларингизни фақийрликдан қўрқиб ўлдирманг. Биз уларни ҳам, сизларни ҳам ризқлантисурмиз. Албатта, уларни ўлдириш катта ҳатодир» («Исро» сураси, 31-оят), деган.

Жоҳилият даврида арабларда фақийрлик ва очликдан кўрқиб фарзандни тириклай кўмиб юбориш одати бор эди. Ҳозирги замон жоҳилиятида ҳам очлик ёки кўп сарф-харажатдан қочиб фарзандни туғмаслик, битта ёки иккитадан орттирмаслик одати кенг тарқалган. Бу, аввало, эътиқод бузуқлигига бориб тақалади. Аллоҳ таолога иймони йўқ ёки бузуқ ақийдадаги, Аллоҳ таоло ҳаммага ризқ беришга қодирлигини инкор этадиган одамгина фақийрликдан кўрқиб ўз болаларини ўлдириши, яъни туғилишни тўхтатиши мумкин.

«Албатта, уларни ўлдириш катта хатодир».

Катта гуноҳдир. Аллоҳнинг розиқ эканлигига иймон келтирмасликдир.

Бугунги куннинг мусулмон уламолари онанинг ҳаёти хавф остида қолганда ва ҳомилага жон кирмасдан олдин уни олдириш мумкинлигини таъкидлайдилар. Шунингдек, онанинг ҳаёти хавф остида қолганда ҳомилани манъ қилувчи воситаларни ишлатишга рухсат бор, дейдилар. *Валлоҳу аълам.*

## ҲОМИЛАДОРЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ



*Ассалому алайкум, ҳурматли Шайх ҳазратлари! Мен уйланганман, аёлим ҳомиладор, яқинда фарзандли бўламиз. Шу борада саволим бор эди. Аёлим она бўлганидан сўнг маълум бир муддат жинсий алоқада бўлолмайман ва алоқага рухсат бўлганида яна ҳомиладор бўлиб қолиш эҳтимоли бор, ваҳоланки, фарзандимиз ҳали анча кичкина ва аёлимга қийин бўлишини ўйлаган ҳолда вақтинчалик ҳомиладор бўлмаслик учун ҳозирда «спираль» деган нарса аёл ичига жойлаб қўйиладу, буни қўллаш жоизми? Шу масалани, яъни «вақтинчалик ҳомиладан муҳофазаланиш» масаласини ойдинлаштириш имкони борми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Ҳадисларда бу иш «азл» деб аталади. Бу нарса эркак жинсий алоқанинг сўнгида урувликни таш-

қарига тўкиши билан ҳосил бўлган. Ҳанафий, Моликий ва бир қавлда шофеъий мазҳабларида: аёлнинг беморлиги ва эмизикли боланинг соғлигига зарар етиши аниқ бўлганида, аёлнинг изни билан азл қилиш жоиз, дейилган. Демак, эру хотин келишиб, адолатли табибларнинг зарар ҳақидаги гувоҳликларини олиб, фақат вақтинча, ҳомилани манъ қилувчи воситаларни ишлатса бўлади. Ҳеч кимнинг ёдидан чиқмаслиги лозим бўлган ҳақийқат — Исломда наслни чеклаш мутлақо мумкин эмаслигидир. **Валлоҳу аълам.**

## ТУҒУРУҚХОНАДАГИ ИШЛАР

### 151-САВОБ

*Мен яхши ниятлар билан хусусий туғуруқхона очган эдим. Лекин баъзига, ўзимиз устамаган ҳолда, ҳали дунёга келмаган болаларни оналаридан жудо қилишимизга тўғри келади. Айтинг-чи, тиббиётдаги бу вазийфани бажариш мени гуноҳкор қилиб қўядими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Ҳозир қонунан ҳам ҳомилани олиш таъқиқланган, шариатда ҳам ҳомилани олишга рухсат йўқ. Хусусан, турмушга чиқмаган қизлар бўлса, зино қилиб, гуноҳкор бўлиб турган бўлса, уларнинг айбини беркитиш маъносида қилинадиган ҳомилани олиш каби ҳолатлар тўғри иш эмас. Шунинг учун, шариатнинг кўрсатмаларини ҳам, қонуннинг тарафларини ҳам бузмаслик керак бўлади. Инсонларга яхшилик қилиш ниятида очилган бўлса, туғишига ёрдам берсинлар, ана шу — яхшилик. Боласини тушиб кетишидан сақлаб қолиш амалиётлари бор, муолажалар, даволашлар бор, хуллас, савоб бўлувчи бошқа яхши ҳолатлар кўп. Туғуруқхоналарда савоб учун ҳаракат қилиш керак.

Зинодан бола орттирганларнинг ҳомиласини яширинча, шариат ва қонунга хилоф равишда олиб ташлашда қилинаётган ишлар савоб бўлмайди, аксинча, гуноҳ бўлади. **Валлоҳу аълам.**

## АХЛОҚ КИТОБИ

### 51-БОБ. САЛОМ БЕРИШ ҲАҚИДА

#### КЕЛИН САЛОМ ҲАҚИДА

#### 152-САВОЛ

*Ассалому алайкум. Сизларга бўлган чуқур эҳтиромим ва самимий эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз.*

*Мен хоразмликман. Шу боис, ҳудудий анъана ва урф-одатлардан келиб чиққан ҳолда, ижозатингиз билан қуйидаги бир неча савол билан мурожаат қилмоқчи эдим:*

*1. Бизда шундай одат борки, келинлар қайнотаси, қайнонаси ва ҳоказоларга қўлини тиззасигача қилиб эгилган ҳолда (ушбу ҳолат зоҳиран кишининг намоздаги рукуъ қилган ҳолатига жуда ўхшайди) салом беради. Бу Ислом нуқтаи назаридан қандай? Мен ушбу ҳолатни хат орқали тасаввурингизда гавдалантира олмаган бўлсам, хоразмлик биронта кишидан тўлиқ тушунча ҳосил қилган ҳолда жавоб беришингизни интизорлик билан кутаман.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Қўлини тиззасигача қилиб эгилиш намозда бўлади. Аммо одам, ҳайвон ва жамоdotга уларни улуғлаб бу каби эгилиш ҳаром, залолат ва жаҳолат ҳисобланади. Қавмнинг катталарини кўрганда бу каби эгилиш ҳаром эканлигига фуқаҳолар иттифоқ қилишган. Агар мазкур эгилиш одамларни улуғлаш учун эмас, бошқа қавмларга тақлид тарзида бўлса, макруҳдир. Аммо, келинлар, умуман, ёшлар катталарга одоб билан дийнимизда кўрсатилган таълимотлар бўйича салом бериб, эҳтиромларини қилмоқликлари керак. Оддий ҳолатдаги, яъни бошни бир оз эгиб, ҳаё-ибо билан қилинган келин салом инсонга сажда қилиш эмас, гўзал одатдир. **Валлоҳу аълам.**

## СЕВГИ ҲАҚИДА

### 153-САВОЛ

*Меҳрибон ва раҳимли Оллоҳ номи билан бошлайман. Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари!*

*Сизга саволим шуки, Оллоҳнинг бандасига бўлган сеvgи Оллоҳ инъомими ёки шайтон ҳийласими?*

*Иккинчи саволим: Оллоҳ йўлида севиш қандай бўлади? Жавобингизни кутаман. Жавобингиз учун олдиндан катта раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Аллоҳнинг бандасига бўлган сеvgи шариатга хилоф бўлмаган ҳолда бўлса, Аллоҳ таолонинг инъомидир. Аллоҳнинг бандасига бўлган сеvgи шариатга хилоф ҳолда бўлса, шайтон ҳийласи ва гуноҳнинг уясидир.

«Аллоҳ учун севиш», «Аллоҳ йўлида севиш» каби ибораларнинг шаръий маъноси бир кимсани унинг иймонлилиги ва Аллоҳ таолога бўлган тақвоси учун севишни англатади.

Умуман, инсоннинг Аллоҳ таолога боғлиқ сеvgисини шартли равишда уч хил кўринишда таърифлаш мумкин:

**1. Аллоҳни севиш.** Яъни Аллоҳ таолонинг барча амирларини севиб бажариш, қайтарган нарсаларидан қатъий қайтиш, ҳар доим тақвони лозим тутиш ҳамда Унинг элчиси ва ҳабиби бўлмиш Муҳаммад алайҳиссаломга шубҳасиз ишониб, дийнда у кишига эргашиш, у кишини ўзига йўлбошчи, дўст, валий деб билиш, инсониятнинг энг афзали сифатида севиш ва қадрлаш.

**2. Аллоҳ учун севиш.** Яъни Аллоҳ таоло Қуръони Каримда мақтаган сифатларга эга инсонларни, Аллоҳ таоло учун суюкли бўлган солиҳ бандаларини севиш, улардан бўлишга интилиш.

**3. Аллоҳнинг махлуқларини севиш.** Яъни бутун борлиқни, ундаги жамийки мавжудотларни улар ҳам ўзи каби махлуқ бўлганлари учун севиш, иймон, ақл ва қалб кўзи билан борлиққа теранроқ назар солиш, мушоҳада қилиш, ҳар бир махлуқда Аллоҳ таолонинг қудратини яратувчанлигини кўра олиш, махлуқларни ўрганиш орқали Холиқни янада яхшироқ таниш ва кучлироқ севиш. *Валлоҳу аълам.*

## 52-БОБ. ТАСАВВУФ ҲАҚИДА

### 154-САВОЛ

*Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбандий тарийқати ҳақида ҳазрат Муҳаммад Соғиқ Муҳаммад Юсуфнинг фикрларини билмоқчи эдим. Шунингдек, зикр, руҳий мақомлар, латоифлар хусусида ҳам тушунтириш берсангиз.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд розияллоҳу анҳунинг номларини тилга олган тарийқат уламолари, мутасаввифлар ва бошқа соҳанинг мутахассислари нақшбандийлик Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига ва саҳобаларининг амалларига жуда яқин тарийқат эканлигини тан олишган. Бу фикрлар бир неча китобларда ифодасини топган илмий гап ҳисобланади. Ана шу илмий фикрлар яхшилаб ўрганилса, аслида Нақшбандия тарийқати ўзининг асл моҳиятида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига энг яқин тарийқатдир. Лекин шу тарийқатнинг баъзи бир одамлари унинг бу ҳолатидан чиқиб, баъзи бидъат, хурофот аралашшига сабаб бўлганлар. Худди ана шу хурофотларнинг ва баъзи бир нотўғри йўлларнинг аралашшига сабаб бўлган тоифалар охирги пайтларда кўпайганлиги кишиларда тасаввуф ҳақида, жумла-

дан, Нақшбандия тарийқати ҳақида ҳам нотўғри фикрлар пайдо бўлишига ва ҳозиргидай саволлар тез-тез такрорланишига сабаб бўлиб қолди.

Шунинг учун билиб қўйишимиз керакки, тарийқат йўли изланадиган бўлса, тасаввуф ҳақидаги илмий йўналишга Қуръони Карим, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари, саҳобаларнинг амалари ва таниқли руҳий тарбия устозларининг кўрсатмалари асосида қайтадан назар солишимиз ва уни бидъат-хурофотлардан тозалаб олишимиз лозим бўлади.

Зикр, аслида, Аллоҳни зикр қилишдир. Бу ҳар бир мусулмоннинг вазийфаси бўлиб, Аллоҳнинг зикрисиз иш битиши мумкин эмас. Шунга ўхшаш, руҳий тарбия ҳам ҳар бир мусулмон ўзи учун вазийфа сифатида қабул қиладиган ишлардан биридир. Чунки руҳий тарбия бўлмаса, ибодатнинг ҳам ҳаловати бўлмайди. Аслида, тасаввуф уламолари тарқатган «шайх», «пир» маъноси ҳам шу «руҳий тарбия устози» деган маънони билдиради. «Мурид» эса, шу устозга эргашган «шогирд» маъносини беради. Бошқа илмларни устозлардан ўрганилгани каби, руҳий тарбияга оид нарсани ҳам ана шу ишни яхши билган, Қуръон ва суннат асосида иш олиб борадиган каттароқ устозлардан ўрганиш йўлга қўйилган. Бу нарса ҳозирги кунда долзарб масала бўлганлигидан ҳамда тасаввуф ҳақида саволлар қайта-қайта такрорланганини эътиборга олиб, ожизона ҳаракат қилиб, қурбимиз етганича Қуръон ва суннат асосида, буюк мужтаҳид уламоларимиз, тарийқат аҳли ва руҳий тарбия устозлари китобларидан фойдаланган ҳолда «Тасаввуф ҳақида тасаввур» номли бир китоб ёзган эдик. Алҳамдулиллаҳ, ундан фойдаланганлар ўз ташаккурларини изҳор этишмоқда. Сизга ҳам ўша китобни ўқиб чиқишни маслаҳат бераман. Чунки сиз сўраган саволларга ўша китобда батафсил жавоб берилган. **Валлоҳу аълам.**

## АЛЛОҲГА ТАВАККАЛ ҚИЛИШ

### 155-САВОА

*Мусулмон инсон Аллоҳга таваккал қилиши кераклиги ҳақида биламиз. Лекин кўпинча атрофимиздагилар буну тушунишмайди. Аллоҳ таолога таваккал қилишни атрофдагиларга тушунтириш ёки тушунтирмаслик ҳақида шайх жанобларининг фикрларини билмоқчи эдик.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Аллоҳга таваккал қилиш маъноси «Аллоҳга суяниш» дегани. Ҳар бир ишда, ҳар бир ҳаракатда фақат Аллоҳ таолонинг ўзига суянган ҳолда, ҳар бир иш Аллоҳ таолонинг ёрдами билан бўлишини эътиқод қилган ҳолда яшаш ҳар бир мусулмонга матлуб нарсадир. Бошқа кишиларнинг бу маънони тушуниш ёки тушунмаслигидан сизнинг эътиқодингизга ҳеч қандай зиён бўлмаса керак. «Бу гапни фалончи тушунади, шунинг учун Аллоҳга таваккал қиламан, пистончи тушунмайди, бу пайтда таваккал қилмай, унинг тушунчасига муносиб бир иш қиламан» деган гап мўмин-мусулмон одамда бўлмаслиги лозим. Балки Аллоҳга таваккал қилиб яшаш лозим ва лобудлигини яхши англаган ҳолда, одамларнинг таъна-маломатларига парво қилмаслик керак. Одамларнинг раъйига, фикрига уларнинг тушунишига, англашига қараб шариатнинг талабини ўзгартириб борилмайди. Бошқалар тушунмаса, тушунтиришга ҳаракат қилиш керак, иншоаллоҳ, улар ҳам тушуниб, бу ҳақийқатдан манфаат топсалар, ниҳоятда яхши бўлади. *Валлоҳу аълам.*

## 53-БОБ. ЯХШИЛИК ВА СИЛАИ РАҲМ

## 156-САВОЛ

*Ота-онамга оқ бўлмаслик учун нима қилай? Сизга тушунарли бўлиши учун баъзи нарсаларни билишингиз керак. Ота-онам айтган нарсаларни кучим етганича қиламан. Баъзиларига кучим ҳам, қувватим ҳам етмайди. Кейин уришишади, иш қилмайсан деб. Ота-онамни қанчалик ҳурмат қилишимни ёлғиз Аллоҳ билади. Худо хоҳласа, охиратда ўзимнинг барча яхши ва солиҳ амалларимни ота-онамга бераман деган ўйда юрардим. Кейин билсам, охиратда ҳар ким ўз амали билан экан.*

*Ҳозир шундай фикр келиб қолган: тирик юрган ота-онамга ўзимнинг барча солиҳ амалларимни бағишласам бўладими?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Тирик одамларга, хусусан, балоғатга етмаган болаларнинг ибодатлари ва савоблари ўтади.

Сиз эса, ота-онангизга Аллоҳнинг дийнида кўрсатилган яхшиликларни қудратингиз етганича қилаверинг. Қурбингиз етмаганига узр айтинг. Ота-она ҳам боласидан унинг тоқатидан ташқари нарсани талаб қилмаслиги керак.

## ОТА-ОНА ҲАҚҚЛАРИ

Ота-онани ҳурматлаш, эъзозлаш масаласида ҳеч бир тузум ёки тарбия воситаси Исломга тенг ҳам, яқин ҳам кела олмайди. Ота-онанинг ҳурмати, фарзанд устидаги ҳаққи тўғрисидаги оятлар, ҳадислар, исломий ҳикматлар, мусулмонлар ҳаётидаги тажрибалар дунё тарихида бу борада мисли кўрилмаган олиймақом нарсалар экани маълум ва машҳурдир.

Ислом фарзандлар зиммасида ота-оналарнинг бир қанча ҳаққ-ҳуқуқлари борлигини таъкидлайди. Бу масала Қуръони Каримда, Суннати набавияда

ва Ислому тарбияси ҳақидаги китобларда алоҳида баён қилинган.

Мазкур ҳаққ-ҳуқуқлар асосан учта муҳим қисмдан иборатдир:

*Биринчи қисмдаги ҳаққлар:*

Фарзандлар ўз ота-оналарига яхши муомалада ва ширинсухан бўлишлари, уларга меҳрибонлик кўрсатишлари, доимий эҳтиром билан уларни тақдирлаб туришлари, Аллоҳ таолонинг шариати-га зид бўлмаган барча буйруқ, талаб-истакларини бажармоқлари лозим.

*Аллоҳ таоло «Исро» сурасига:*

﴿وَقَضَىٰ رَبُّكَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا ۗ إِنَّمَا يُبَلِّغُنَّ عِنْدَكَ الْكِبَرَ أَحَدُهُمَا أَوْ كِلَاهُمَا فَلَا تَقُلْ لَهُمَا أُفٍ وَلَا تَنْهَرْهُمَا وَقُلْ لَهُمَا قَوْلًا كَرِيمًا ﴿٢٣﴾ وَأَخْفِضْ لَهُمَا جَنَاحَ الذَّلِيلِ مِنَ الرَّحْمَةِ وَقُلْ رَبِّ ارْحَمْهُمَا كَمَا رَبَّيْتَنِي صَغِيرًا ﴿٢٤﴾﴾

«Роббинг фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингни ва ота-онага яхшилик қилишингни амр этди. Агар ҳузурингда уларнинг бирлари ёки икковлари ҳам кексаликка етсалар, бас, уларга «уфф» дема, уларга озор берма ва уларга яхши сўз айт! Икковларига меҳрибонлик ила хокисорлик қанотингни пастлат ва «Роббим, алар мени кичикликда тарбия қилганларидек, уларга раҳм қилгин», деб айт» (23–24-оятлар), деган.

Аллоҳ таолонинг ота-онани бунчалар эъзозлашининг алоҳида ҳикмати бор: онангиз сизни ҳомиладорлик пайтида қорнида, турилганингиздан сўнг бағрида авайлаб кўтариб юради, сутини, меҳрини, қалб кўрини бағишлаб парваришлайди, сизни деб оромидан кечади. Отангиз ҳам сизнинг комил инсон бўлиб етишувингизда ўз ҳиссасини қўшади.

*Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг «Луқмон» сурасига:*

وَوَصَّيْنَا الْإِنْسَانَ بِوَالِدَيْهِ حَمَلَتْهُ أُمُّهُ وَهْنًا عَلَىٰ وَهْنٍ  
 وَفِصْلَهُ فِي عَامَيْنِ أَنِ اشْكُرْ لِي وَلِوَالِدَيْكَ إِلَىٰ الْمَصِيرِ ﴿١٤﴾

«Биз инсонга ота-онаси ҳақида тавсия қилдик: онаси уни заифлик устига заифлик билан кўтарди; уни сутдан ажратиш икки йил ичидадир: «Менга ва ота-онага шукр қилгин. Ва қайтиш фақат Менгадир» (14-оят), деган.

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасига:

وَإِذْ أَخَذْنَا مِيثَاقَ بَنِي إِسْرَائِيلَ لَا تَعْبُدُونَ إِلَّا اللَّهَ  
 وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا وَذِي الْقُرْبَىٰ وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسْكِينِ  
 وَقُولُوا لِلنَّاسِ حُسْنًا وَأَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَآتُوا  
 الزَّكَاةَ

«Бани Исроилдан «Аллоҳдан бошқага ибодат этмайсиз, ота-онага, қариндошларга, етимларга, мискинларга яхшилик қиласиз ва одамларга яхши гаплар айтинг, намозни қоим қилинг, закот беринг» деб аҳду паймон олганимизни эсланг» (83-оят), деган.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу:

«Қайси бир мусулмон фарзанди савоб умиди билан эрталаб ота-онасини зиёрат қилса, Аллоҳ таоло унга жаннатнинг икки эшигини очади. Агар улардан бирини зиёрат қилса, унга жаннатнинг бир эшигини очади. Бола ота-онасидан қайси бирини хафа қилгудай бўлса, уни рози қилмагунича, Аллоҳ таоло ундан рози бўлмайди», — дедилар.

Шунда бир киши: «Агар ота-она болага зулм кўрсатган бўлса-чи?» — деб сўради.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу:

«Агар улар болаларга зулм кўрсатган бўлса ҳам, бола уларни ранжитмаслиги керак», — деб жавоб бердилар.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ، فَقَالَ: إِنِّي أُرِيدُ أَنْ أُجَاهِدَ، فَقَالَ: أَحْيِي أَبَوَاكَ؟ قَالَ: نَعَمْ، قَالَ: فَفِيهِمَا فَجَاهِدْ. رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ.

*Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бир киши келиб, урушга ижозат сўради.

Шунда у зот:

«Ота-онанг ҳаётми?» – деб сўрадилар.

«Ҳа, ҳаёт», – деди.

«Ота-оналаринг ҳақида жидду жаҳд қил», – дедилар».

*Тобароний ривоят қилган.*

Яъни: «Ота-онангнинг кўнглини олиш учун жон-жаҳднинг билан ҳаракат қил», дедилар.

*Иккинчи қисмдаги ҳаққлар:*

Ота-она ўзига тўқ бўлса ҳам, уларнинг нафақотини яхшилаш, ҳадялар бериб туриш, уларни сўрашга муҳтож қилмай ёки миннат қилмай иззат кўрсатишдир.

Оталари заифлашган, қартайган вақтларида фарзандлари уларнинг ҳаққини адо қилишларини Ислом биринчи ўринга қўяди.

Ислом шариати жисмоний моддий ва маънавий жиҳатдан қодир фарзандларга ўзларининг ожиз бўлган ота-оналари ҳаққини кафолатга олишни ҳукм этади. Ишни уларнинг ўзларига топширмайди, балки бу кафолат фарздирки, агар вақтида вафо қилмаса ҳам кейинчалик қазоси вожиб бўлади.

Бола ота-онасига қанчалик эҳсон қилмасин, қанчалик ўзидан ортиқ кўрмасин, ҳеч вақт ўзи дунёга келишига сабаб бўлган мукофотни қайтара олмайди.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَالَ: لَا يَحْزِي وَلَدَ وَالِدِهِ إِلَّا أَنْ يَجِدَهُ مَمْلُوكًا فَيَشْتَرِيهِ فَيَعْتِقَهُ.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Бола отаси мукофотини қайтара олмайди. Фақат, отаси қуллик азобида юрган бўлса, фарзанд уни сотиб олиб, озод қилсагина, мукофот бўлиши мумкин», – дедилар».

عَنْ أَبِي بُرْدَةَ عَنْ أَبِيهِ قَالَ: كَانَ ابْنُ عُمَرَ يَطُوفُ بِالْبَيْتِ فَرَأَى رَجُلًا يَطُوفُ حَامِلًا أُمَّهُ وَهُوَ يَقُولُ: إِنِّي لَهَا بَعِيرُهَا الْمَذْلُلُ... إِنْ أَدْعَرْتُ رَكَابَهَا لَمْ أَدْعَرْ. أَتْرَانِي يَا ابْنَ عُمَرَ جَزَيْتُهَا، قَالَ: لَا وَلَا زَفْرَةَ وَاحِدَةً. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Абу Бурдадан, у отасидан ривоят қилинади:

«Абдуллоҳ ибн Умар яманлик бир киши онасини елкасига опичлаб, Каъбани тавоф қилдириб юрганини кўрди. У одам байт ўқирди:

«Онаизори учун бўйнини эккан теваман, Тева минган она ҳорса-да, мен ҳоримам».

У Абдуллоҳга қараб:

«Эй, Абдуллоҳ ибн Умар. Мана шу хизматим билан мен онамнинг ҳаққини адо қила олдимми?» – деди.

Абдуллоҳ ибн Умар:

«Йўқ, тўлроқнинг битгасини ҳам», – деди.

Бухорий ривоят қилган.

Учинчи қисмдаги ҳақлар:

Фарзанд ота-она хизматида доимо шай туриши, ҳатто мушрик бўлсалар ҳам уларнинг розилигини топиши, вафотларидан сўнг шариат ҳукмига кўра ҳаққларини адо этиши лозим.

Шунга кўра, ота-она томонидан яқин қариндошлик алоқаси бор кишилардан ҳам алоқани узмаслик вожиб. Яна ота-она ҳаққларига ҳаёт вақтларида ҳам, вафотларидан кейин ҳам дуода бўлиб туриш керак.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: إِذَا مَاتَ الْإِنْسَانُ انْقَطَعَ عَنْهُ عَمَلُهُ إِلَّا مِنْ ثَلَاثَةٍ: إِلَّا مِنْ صَدَقَةٍ جَارِيَةٍ أَوْ عِلْمٍ يُنْتَفَعُ بِهِ أَوْ وَلَدٍ صَالِحٍ يَدْعُو لَهُ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيَّ.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Қачон одам боласи вафот этса, унинг амаллари кесилади. Фақат уч нарсадан: садақан жориядан, манфаатланадиган илмдан ва унинг ҳаққига дуо қилиб турадиган солиҳ фарзанддан кесилмайди», – дедилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Яъни садақан жория (оқиб турувчи садақа) Аллоҳ таолонинг ризолиги учун қурилган ва кўпчиликка хизмат қилувчи масжид, мадраса, кўприк, йўл ва бошқа бинолар, жамият манфаати учун ёзиб қолдирилган илмий асарлар ва ўзидан кейин хайр-дуода бўлувчи фарзанди солиҳ қолдирган бўлса, ана шулар воситасидаги савоб вафотидан сўнг ҳам давом этади, деганларидир.

عَنْ أَبِي أُسَيْدٍ قَالَ: كُنَّا عِنْدَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ رَجُلٌ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، هَلْ بَقِيَ مِنْ بَرِّ أَبِي شَيْءٌ بَعْدَ مَوْتِهَا أَبْرُهُمَا؟ قَالَ: نَعَمْ، خِصَالُ أَرْبَعٍ: الدُّعَاءُ لَهُمَا، وَالِاسْتِغْفَارُ لَهُمَا، وَإِنْفَاذُ عَهْدِهِمَا، وَإِكْرَامُ صَدِيقَيْهِمَا، وَصِلَةُ الرَّحِمِ الَّتِي لَا رَحِمَ لَكَ إِلَّا مِنْ قَبْلِهِمَا. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Абу Усайддан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эдик. Бир киши келиб:

«Ё Расулalloҳ! Ота-онамга вафотларидан кейин ҳам мен қила оладиган эзгу амаллар қолдими?» – деди.

«Ҳа, тўрт хислат бор: уларнинг ҳаққига дуо қилиш, гуноҳларини кечмакни Аллоҳ таолодан сўраш, уларнинг насийҳат ҳамда шаръий васиятларини бажариш, дўст-биродарларини иззат-икромда тутиш ва ота-она тарафидан бўладиган қариндошликни давом эттиришдир», – дедилар.

Бухорий ривоят қилган.

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رضي الله عنه، أَنَّ رَجُلًا قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّ أُمَّي تُوَفِّيْتُ وَلَمْ تُوصَ، أَفَيَنْفَعُهَا أَنْ أَتَصَدَّقَ عَنْهَا؟ قَالَ: نَعَمْ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши:

«Ё Расулalloҳ! Онам вафот этди, лекин васият қилмади. Мен унинг номидан садақа берсам, фойдаси тегадими?» – деди.

«Ҳа», – дедилар.

Бухорий ривоят қилган.

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رضي الله عنه، أَنَّ رَجُلًا مِنَ الْأَعْرَابِ لَقِيَهُ بِطَرِيقِ مَكَّةَ فَسَلَّمَ عَلَيْهِ ابْنُ عُمَرَ وَحَمَلَهُ عَلَى حِمَارٍ كَانُ يَرْكَبُهُ وَأَعْطَاهُ عِمَامَةً كَانَتْ عَلَى رَأْسِهِ فَقَالَ ابْنُ دِينَارٍ: أَصْلَحَكَ اللَّهُ، إِنَّهُمْ الْأَعْرَابُ وَهُمْ يَرْضَوْنَ بِالْيَسِيرِ، فَقَالَ عَبْدُ اللَّهِ: إِنَّ أَبَا هَذَا كَانَ وَدًّا لِعُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ وَإِنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ

ﷺ يَقُولُ: إِنَّ أَبْرَّ الْبِرِّ صَلَّةُ الْوَالِدِ أَهْلَ وَدِّ أَبِيهِ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ  
وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Ибн Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади:  
«Бир аъробий Макканинг йўлида у киши-  
га учраб қолди. Ибн Умар унга салом бериб,  
уни эшакларига миндириб олдилар. Кейин унга  
бошларидаги саллани бердилар. Шунда Ибн  
Дийнор унга:

«Аллоҳ ишингни ўнгласин. Булар-аъробий-  
лар. Улар оз нарсага ҳам рози бўлишаверади», –  
деди.

Абдуллоҳ бунга жавобан:

«Бунинг отаси Умар ибн Хаттобнинг оғайниси  
эди. Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васал-  
ламнинг: «Албатта, яхшиликларнинг яхшилиги  
бола отасининг оғайнисига сила қилишидир» –  
деганларини эшитган эдим», – дедилар».

Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилиш-  
ган.

وَجَاءَ رَجُلٌ مِنْ بَنِي سَلَمَةَ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ هَلْ بَقِيَ  
مِنْ بَرِّ أَبِي شَيْءٍ أَبْرَهُمَا بِهِ بَعْدَ مَوْتِهِمَا؟ قَالَ: نَعَمْ، الصَّلَاةُ  
عَلَيْهِمَا وَالِاسْتِغْفَارُ لَهُمَا وَإِنْفَاذُ عَهْدِهِمَا مِنْ بَعْدِهِمَا وَصَلَّةُ  
الرَّحِمِ الَّتِي لَا تُوصَلُ إِلَّا بِهِمَا وَإِكْرَامُ صَدِيقِهِمَا. رَوَاهُ أَبُو  
دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Бани Саламадан бир киши келиб:

«Ё Расулаллоҳ! Ота-онамининг вафотларидан  
кейин уларга қилишим керак бўлган бирор ях-  
шилиқ қолдимиз?» – деди.

«Ҳа. Уларнинг ҳақиқага дуо қилиш, уларга ис-  
тиффор айтиш, улардан кейин аҳдларига вафо

қилиш, улар воситаси ила қилинадиган силаи раҳми қилиш ва уларнинг дўстларини икром қилиш», – дедилар».

*Абу Довуд ва Байҳақий ривоят қилишган.*

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رضي الله عنه عَنِ النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم قَالَ: رِضَا الرَّبِّ فِي رِضَا الْوَالِدِ وَسُخْطُ الرَّبِّ فِي سُخْطِ الْوَالِدِ.

*Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Роббнинг розилиги ота-онанинг розилигидадир. Роббнинг норозилиги ота-онанинг норозилигидадир», – дедилар».**

Шунинг учун, Аллоҳ таолони рози қиламан, деган киши Аллоҳ таоло чизган чегарада ота-онасини рози қилишга ҳаракат этиши лозим. Аллоҳ таолони норози қилмайман, деган одам Аллоҳ таоло чизган чегарада ота-онасини норози қилмасликка интиломори лозим.

عَنِ الْحَسَنِ رضي الله عنه قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صلى الله عليه وسلم: لَا طَاعَةَ لِمَخْلُوقٍ فِي مَعْصِيَةِ الْخَالِقِ.

*Ҳасан розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Холиққа маъсиятда махлуққа тоат йўқ», – дедилар».**

Яъни бандани рози қиламан деб, Аллоҳ таолони норози қиладиган нарсани қилиб бўлмайди.

Мусулмон фарзанд ота-онасини рози қилиш учун барча яхшиликларни қилиши матлуб. Аммо бу ишлар шариат кўрсатмаларидан заррача ҳам четга чиқмаслиги лозим. Акс ҳолда банд Аллоҳ таолонинг олдида гуноҳкор бўлиб қолади. **Валлоҳу аълам.**

## 157-САВОЛ

**Ассалому алайкум шайх ҳазратлари! Фарзанднинг ҳам ота-онасида ҳаққи борлигини эшитганмиз. Имкон бўлса мана шу ҳақларни батафсил айтиб берсангиз. Аввалдан раҳмат.**

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Исломда фарзандлар зиммасига ота-онани ҳурмат қилиш юклатилгани каби ота-онанинг зиммасида ҳам фарзанднинг ҳақлари борлиги тўғрисида таълимотлар келган.

Ислом таълимоти бўйича фарзанднинг ота-онадаги ҳаққи у ҳали дунёга келмасдан аввал бошланади. Яъни Исломда ёш йигит-қизларга бўлажак ота-онанинг зиммасида энди туғилажак фарзанд олдида ҳам маълум бурчлар борлиги тушунтирилади.

Ҳар бир ёш инсон, йигит бўлсин, қиз бўлсин, Ислом таълимотига амал қиладиган бўлса, ўзининг бўлажак фарзанди олдидаги ҳаққини оила қуришга тайёргарлик кўришдан бошлаб адо этиш йўлига киради.

Билиб-билмай, фарзандининг туғилишига сабаб бўлувчи шахсни, унинг тарбиясига сабаб бўлувчи шахсни танламасдан, кўзига кўринганига уйланаверган эркак ёки кўзига кўринганига тегиб кетаверадиган аёл фарзандининг ҳаққини адо этмайдиган одамлар ҳисобида бўлади.

Фарзандимнинг ҳаққини адо этаман, деган эркак эса фарзандига аввало ички дунёси гўзал, ҳар тарафлама мукамал бўлган она танлайди. Аёл ҳам худди ана шундай етук ота танлайди.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ:  
تَخَيَّرُوا لِنُطْفِكُمْ وَأَنْكِحُوا الْأَكْفَاءَ وَأَنْكِحُوا إِلَيْهِمْ. رَوَاهُ ابْنُ  
مَاجَةَ وَالْحَاكِمُ.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:  
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:  
«Нутфаларингизга танловни яхши қилинг.  
Тенгингизга никоҳланинг ва уларга никоҳланг»,  
дедилар».

*Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилган.*

Яъни ота-онанинг хусусиятлари, жисмоний, маънавий, руҳий жиҳатлари фарзандга ўтиши, фарзанд ота-онага ўхшаган хислатларга эга бўлган ҳолда туғилиши бу ҳадисда собит бўлган, тажрибада аниқланган ва ҳаммага маълум нарсадир.

Шунинг учун оила қурилар экан, кишилар туғилажак фарзандларни ҳам ўйлаб, бўлажак умр йўлдошининг ахлоқига, инсонийлигига ва бошқа тарафларига қараши керак.

Исломда эса никоҳда асосан иймон эътиқодига, дийндорлигига қараш шарт қилиб қўйилган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: تُنْكَحُ الْمَرْأَةُ لِأَرْبَعٍ: لِمَالِهَا، وَلِحَسَبِهَا، وَجَمَالِهَا، وَلِدِينِهَا، فَاظْفَرْ بِذَاتِ الدِّينِ تَرَبَّتْ يَدَاكَ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا التِّرْمِذِيَّ.

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллалоҳу алайҳи васаллам:

«Аёлнинг тўрт хислати учун никоҳига қизиқилади: моли учун, жамоли учун, насаби учун ва дини учун. Диндорини танлагин, қўлинг тупроққа қоришгур», дедилар.

*Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.*

Айни пайтда бўлажак фарзанднинг отасини — куёв танлашда ҳам худди шу мезондан фойдаланилади. Қуйидаги ҳадиси шарифда бўлажак куёвнинг ҳам дийндор бўлиши, иймон-эътиқодли бўлиши лозимлиги таъкидланган:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: إِذَا آتَاكُمْ  
مَنْ تَرْضَوْنَ حُلُقَهُ وَدِينَهُ فَزَوِّجُوهُ إِلَّا تَفْعَلُوا تَكُنْ فِتْنَةً فِي  
الْأَرْضِ وَفَسَادٌ عَرِيضٌ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَهَ.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллалоху алайҳи васаллам:

«Агар дийнидан ва хулқидан рози бўлган кишингиз қизингизнинг қўлини сўраб келса, уларни уйлантиринг, агар бу ишни қилмасангиз, ер юзида катта фасод иш қилган бўласиз», дедилар.

*Термизий ва Ибн Можа ривоят қилган.*

Тарихдан маълумки, дунёга доврўғи кетган алломаларнинг оталари ўта тақводор, аҳли аёлига бир луқма ҳам ҳаром едирмаган, оналари бетаҳорат эмизмаган фарзандлар бўлишган.

Мана шуларнинг ҳаммаси эътиборга олинса, фарзанд йўқлигида унинг қайғусини қилгандан кейин, оила қуриб бирга яшай бошлаганда энди бўлажак фарзанднинг икки дунёдаги хайрли оқибатига замин тайёрлашга тушиш лозимлиги келиб чиқади. Бўлажак ота ҳам, она ҳам Аллоҳдан доимий равишда: «Аллоҳим! Менга солиҳ, соғлом, яхши фарзанд бергин» деб сўраб юриши ва шу маънодаги шариатда кўрсатилган ишларни қилиб бориши зарур бўлади. Бу эса уларнинг дунёга келадиган фарзанд олдидаги бурчларидир.

Агар Аллоҳ таоло Ўзи марҳамат кўрсатиб, фарзанд берса, аёл ҳомиладор бўлса, ота-она бу неъматнинг шукронасига яхши ният ва истаклар билан ҳалоллик ва покликни янада кучайтириши лозим бўлади. Ибодатда бардавом бўлиб, бўлажак фарзанднинг иймон-эътиқодини, бахт-саодатини Аллоҳ таолодан сўраб туриш лозим.

Исломда ҳар бир неъматнинг шукронаси адо этилгани каби, энг улуғ неъмат — фарзанд неъматини ато этилганда ҳам шунга яраша иш кўрилади. Ҳомиладор аёлларга эътибор кучайтирилади, уларнинг жисмоний ва руҳий ҳолатларини яхшилашга уринади. Бу ҳам бўлажак фарзанднинг ҳаққидаги ҳаракат ҳисобланади.

Афсуски, кўпчилик бу ишни эътиборсиз қолдиради. Ваҳоланки бу нарса Ислом таълимотида муҳим ўрин тутувчи нарсадир, уларни яхши билишимиз керак.

Фарзанд туғилганда ота-онанинг аввалги бурчи Аллоҳга шукр қилиш, агар туғилган фарзанд қиз бўлса, хурсандчиликни кўпроқ даражада изҳор қилишдир. Чунки Аллоҳ таоло Қуръонда фарзанд беришни зикр қилганда аввал қизларни ёдга олган. Айни Қуръони Карим нозил бўлаётган даврларда мусулмон бўлмаган қавмлар қиз фарзанд кўрса ниҳоятда хафа бўлиб, улардан шумланиб, ҳатто ёш қизчаларни тириклайин кўмиб юбориш одатларигача етиб боришган эди.

Ислом бу бадбахтликка қарши ўлароқ қиз кўрганда ўфиллик бўлгандан кўра кўпроқ хурсанд бўлишни, шодликни янада бўрттириб кўрсатишни шариатга киритган ва бу билан қизларнинг ота-онанинг зиммасидаги ҳаққи яна ҳам кўпроқ бўлишини таъминлаган.

Фарзанднинг ота-онадаги ҳақларидан бири фарзанд туғилгани шукронасига ақийқа маросимини қилишдир.

Ақийқа ҳар бир боланинг соғ-саломат, тинч-омон ўсишига гаров бўладиган бир омилдир.

Болага чиройли исм қўйиш ҳам ота-онанинг бурчларидандир. Ҳар бир ота-она фарзандига мусулмонча яхши исм қўйиш мажбуриятидандир, токи бола катта бўлиб, ақлу ҳушини топганда ўз исмидан уялмайдиган бўлсин, исми эса яхши маъноларни ифодаладиган бўлсин.

Ота-онанинг фарзанд олдида энг буюк бурчларидан бири фарзандни ҳалол-пок ризқ билан таъминлашдир. Боланинг емоғига ва киймоғига кетадиган ҳар бир сарф-харажатни ҳалол йўл билан топиб сарфламоқ лозим.

Зеро, бола ёш чоғида унга озуқа бўладиган ҳар бир нарса унинг суяги, қони, эти, руҳининг шаклланишига сабаб бўладиган нарсадир. Ана шундай пайтда озуқанинг ҳалол бўлиши ўта муҳим нарса ҳисобланади.

Шу билан бирга боланинг ота-онадаги энг улур ҳақларидан бири ота-она болани иймон-эътиқод, одоб-аҳлоқ йўлида тарбия қилмоғидир.

Тарбия чин исломий бўлиши, эътибор билан амалга оширилиши лозим. Ота-она ана шу нарсаларга эътибор бермоғи, болаларнинг ҳаққини адо этмоғи лозим.

Фарзанднинг ота-онадаги ҳақларидан яна бири насабдир. Никоҳнинг асл мақсадларидан бири ҳам, оила қуришнинг асл мақсадларидан бири ҳам насабни сақлашдир. Бусиз оила ҳам, жамият ҳам бўлмайди. Ота-онанинг оиласи исломий эҳтиқод асосида, никоҳ асосида қурилгандагина, улар ҳалол-пок яшагандагина фарзанднинг насаби аниқ ва пок бўлади.

Демак, ҳар бир ота-она ўз фарзандини ҳалол-пок насабга мос бўлишини таъминлаш мажбуриятидадир.

Яна шунга ўхшаш нарсалардан бири ҳомийлик қилишдир. Ҳар бир бола — ўғил бўлсин, қиз бўлсин — етти ёшга киргунича бировнинг ҳимоясига муҳтождир. Яъни бола доимо овқатланиш, кийиниш, ювиниш ва бошқа ҳолатларда катталарнинг ёрдамига муҳтож бўлади. Уни парваришлаш, саломатлигини асраш ва бошқа ишларни ота-онаси қилиши лозим.

Аллоҳ асрасин, агар ота-она вафот этиб, бола етим қолса, бу ишларни ота-онанинг яқин қариндошлари амалга ошириши вожиб бўлади.

Бундан ташқари, болага валийлик қилиш ҳам лозим бўлади. Яъни болалар етти ёшдан балофат ёшига етгунча валийга, ўзидан катта раҳбарга муҳтождирлар. Бу ҳам ота-она тарафидан бажариладиган вазифалардандир.

Нафақани, яъни фарзандга сарфланадиган харажатларнинг ҳаммасини таъминлаш отанинг бурчидир. Бунга озиқ-овқат, кийим, турар жой, таълим-тарбия, даволаниш, дам олиш учун кетадиган сарф-харажатлар киради.

Фарзанд балофатга етгач, уйлантириб, оилали қилиб қўйиш ҳам ота-онанинг зиммасидаги бурчдир.

Мана шу нарсалар амалга ошиб бораётган бўлса, ота-оналар болалари олдидаги бурчларини адо этаётган бўладилар. *Валлоҳу аълам.*

### 158-САВОА

*Ота ўз боласидан кечса, бола отанинг олди-га ялиниб борса, лекин ота кечирмаса, у ҳолда нима бўлади?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Ота ўз боласидан қай тарзда кечганлиги бу ерда муҳим бир омил ҳисобланади. Агар отанинг норозилиги ношаръий бўлса, шариатда кўрсатилмаган сабабларга кўра фарзандидан норози бўлаётган бўлса, унда иш енгилроқ бўлади. Лекин бола отани шариат кўрсатган таълимотларга хилоф қилган ҳолатда норози қилса, унда иш оғир бўлади. Шу билан бирга, нима бўлганда ҳам воқеъа бўлганидан кейин, отанинг ҳаққ ёки ноҳаққ норозилиги юзага чиққанидан кейин фарзанд ялиниб бориши, отасидан кечирим сўраши жуда улуғ нарса. Ана шундай пайтда, албатта, оталар меҳр-шафқат кўрсатишлари, фарзандларининг ёшлигини, бебошлигини, яна қандайдир бир узрларини қабул қилиб, бош эгиб борган, кечирим сўраб турган фарзандни ноумид қилмасликлари жуда яхши бўлади. Энди,

ота кечирмади, нима бўлади, ялиниб борган фарзандни кечирмаса, нима бўлади, деган ҳолат. Бунда отанинг розилиги шариат доирасида бўлса, унда фарзанднинг ҳоли Аллоҳ таолонинг ўзига ҳавола қилинади. Аммо ота ношаръий ишлар юзасидан фарзандидан норози бўлаётган бўлса, ундай норозиликнинг ўрни йўқ бўлади. Мисол учун, ҳозирги кунда кўпгина кишиларнинг ана шунақа норозилиги бор. Фарзандлар шаръий иш қилганликлари учун норози бўлаётган баъзи бир ота-оналар бор. Албатта буларнинг норозилиги ноўрин ҳисобланади. Мисол тарийқасида айтадиган бўлсак, баъзи бир ёш келин-куёвлар ўз арз-ҳолларини айтишларича, куёвнинг отаси ўғли билан келинни чўчқанинг гўштидан колбаса қиладиган цехда ишлашга мажбур қиляпти. Улар узр айтса, «Мен сенлардан норозиман, отангман» деган гапларни қиляпти. Шунга ўхшаш ҳаром, ношаръий, қонунда манъ қилинган ишларни, ҳам шариат, ҳам қонун «йўқ» деб турган нарсани «қиласан, қилмасанг мен норози бўламан, отангман» дейдиган бўлса, албатта бундай норозиликнинг ўрни йўқ. Умуман, Аллоҳ таолонинг Ўзи сақласин, ота-оналар ва фарзандлар орасида келишмовчиликлар чиқишини Роббул олабийннинг Ўзи йўқ қилган бўлсин. Лекин ота ҳам, болалар ҳам ҳар бир ишнинг ўлчови албатта шариат асосида бўлиши, ана шунга мувофиқ тарзда иш тутишлари лозимлигини унутмасликлари керак. *Валлоҳу аълам.*

## ТУРЛИ МАВЗУЪЛАРДАГИ САВОЛЛАР

### ҲИДОЯТ АЛЛОҲНИНГ ИХТИЁРИДАДИР

#### 159-САВОЛ

*Бир тажрибали жарроҳ дўстим бор. У менга ҳар доим инсон танасини ўргангани сари Аллоҳ таолонинг мўъжизаларига дуч келаётгани ҳақида сўзлайди. Лекин унинг ўзи ибодатга эмас. Ваҳоланки, у алақачон иймонга келиши керак эди. Шунинг сабабини тушуна олмайман.*

#### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Олим одам инсофли ҳамда мулоҳазали бўлса, илм ўз соҳибини албатта иймонга ва у тақозо этадиган амалга олиб келади. Тажрибавий илмлар улуғланаётган ва ҳар бир нарсани ўшалар асосида олиб боришга уринилаётган ҳозирги пайтда саволда зикри келган жарроҳ биродаримиз каби кишилар ўзларининг илмий кашфиётларидан сўнг Аллоҳ таолонинг биру борлигига, қудрати-ю илмининг чексизлигига ва бошқа камолот сифатларига ишонишлари турган гап.

Ҳатто дунёдаги катта илмий мукофотларни олган уламолардан жуда кўпчиликлари Аллоҳ таолога иймон келтирганликлари ва дийннинг ҳақийқат эканлигини тушуниб етганларини ўзлари таъкидлаб, гувоҳлик берганлар. Мазкур жарроҳ биродаримиз ҳам ўзларининг фаолияти сабабли инсон танасини ўрганиб, булар ўз-ўзидан бўлиб қолган нарса эмаслиги, балки Қудратли ва Алийм — чексиз илмли Аллоҳ таолонинг санъати эканлиги, оламнинг яратилиши бир мўъжиза эканлигини тушуниб етганларидан сўнг мана шу нарсаларнинг яратувчиси бўлган Аллоҳ таолога иймон келтиришлари ва иймон тақозоси туфайли ибодатга киришлари керак эди.

Савол соҳиби «Нима учун шундай бўлмади?» деган саволни берибдилар. Бундай бўлмаслигининг бир неча сабаблари бор. Шулардан бири мана шу

маълумотларга эга бўлган одамнинг инсофсизлиги бўлади. Илмнинг ўзи ҳар томонлама таъкидлаб турибди. Лекин инсоф қилиб Ислом йўлига юрмаяпти. Иккинчиси эса, шу кишиларнинг онгига ёшлигидан ўрнашиб қолган нотўғри бир тасаввур, хусусан, коммунистик тушунча изсиз кетмагани ва одамлар шу тушунчалардан ҳалигача қутула олишмагани ҳамда ҳидоят йўлига тушиб кетишлари ниҳоятда қийин бўлаётганидандир.

Яна айтиш керакки, ҳидоят Аллоҳ таолонинг ихтиёридадир. Агар бандалар ихлос қилиб, бу нарсаларни Аллоҳ таолонинг Ўзидан сўрасалар, ҳидоятга солиши мумкин. Аллоҳ таоло бу саволда зикрлари келган жарроҳ биродаримизни ҳам, бошқа илм соҳибларини ҳам ва ҳаммамизни Ўзи ҳидоятга бошлаб, ибодатда собитқадам бўлишимизни насийб қилсин. *Валлоҳу аълам.*

## СУЛҲ ҲАҚИДА

### 160-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Шайх ҳазратлари! Сизнинг дийн йўлида қилаётган ишларингизга муваффақият тилаган ҳолда бир савол бермоқчи эдим. Айтинг-чи, Мадийна даврида мусулмонлар ва мушрикларни сулҳга чақирувчи ҳаракатлар ёки оятлар бўлганми? «Магина конституцияси» деб номланувчи сулҳ ҳақида маълумот берсангиз.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Албатта, бўлган. Мисол учун айтадиган бўлсак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Ҳудайбияда мушриклар билан тузган сулҳлари ҳаммага маълум ва машҳур.

Расулуллоҳ алайҳиссалом жойлашиб-ўрнашиб бўлганларидан сўнг Бадийъ ибн Варқо ал-Хузозий ўзининг бир неча қабиладошлари ҳамроҳлигида келди. Набий алайҳиссалом ила сўзлашиб:

«Нима учун келдинглар?» — деб сўради.

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам уруш учун келмаганликларини, Байтуллоҳнинг зиёратига, уни улуғлаб келганликларини таъкидладилар. Элчилар Қурайш ҳузурига қайтиб бординлар. Ва:

«Эй қурайшийлар, сизлар Муҳаммад хусусида шошиляпсизлар, у уруш учун келгани йўқ, Байтуллоҳнинг зиёратига келган», — дедилар.

Қурайш эса, элчиларини тухмат қилиб ҳайдашди ҳамда:

«Агар урушни хоҳламай келган бўлса ҳам, Аллоҳга қасамки, у бизни босиб ўтиб кирмайди, араблардан гапга қолишни хоҳламаймиз», — дейишди.

Сўнгра Қурайш Набий алайҳиссаломнинг ҳузурларига Суҳайл ибн Амрни юборди, унга: «Сен бориб Муҳаммад билан сулҳ туз, сулҳда, албатта, бу йил бизнинг устимизга (Маккага) кирмай кетиши бўлсин, яна, араблар бизнинг устимизга куч ишлатиб кирди, деб гапиришмасин», — дедилар.

Набий алайҳиссалом Суҳайл ибн Амрнинг келётганини кўрганларида: «Аллоҳ ишимизни енгиллаштирадиганга ўхшайди», — дедилар.

(«Суҳайл» сўзи луғавий жиҳатдан «осон», «енгил» деган маъноларни англатади.)

Яна: «Улар бу одамни юборишларидан, сулҳ тузишмоқчи шекилли», — дедилар.

Суҳайл Расули Акрамнинг ҳузурларига келиб узоқ гаплашди, улар тортишдилар ва охири сулҳ тузилди.

Сулҳни ёзишга Расулуллоҳ алайҳиссалом ҳазрати Али ибн Абу Толибни чақирдилар ва:

**«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм, деб ёз»,** — дедилар. Суҳайл:

«Мен бунақа гапни билмайман, «Бисмикааллоҳумма» деб ёз», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бисмикааллоҳумма»** деб ёз», — дедилар. Ҳазрати Али ёздилар. Сўнгра у зот: **«Ёз: «Бу, Аллоҳнинг Расули Муҳаммад**

**ва Суҳайл ибн Амр тузган сулҳ...»** – дедилар. Шунда Суҳайл:

«Агар сени Аллоҳнинг Расули деб шаҳодат берганимда, сен билан урушмас эдим. Шунинг учун, исмингни ва отангни исмини ёзди», – деди.

Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Ёз: Бу, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ва Суҳайл ибн Амр тузган сулҳ...»** – дедилар. Шу тарийқа улар қуйидагиларга келишдилар:

1. Ўн йилгача уруш бўлмайди. Одамлар омонда бўлиб, бир-бирларига ёмонлик қилишдан тийилдилар.

2. Кимки Қурайшдан Муҳаммаднинг олдига келса, уни қайтариб беради.

3. Кимки Муҳаммаднинг олдидан Қурайшга келса, уни қайтариб бермайди.

4. Ким Муҳаммад билан аҳднома тузиб, шерик бўлса, бўлаверади.

5. Ким Қурайш билан аҳднома тузиб, шерик бўлса, бўлаверади.

6. Бу йил Муҳаммад ва саҳобалари Маккага кирмай, қайтиб кетадилар.

7. Келаси йили келишиб, қиличларини қинида сақлаган ҳолда киришади, уч кун туришади, бу вақтда мушриклар Маккадан чиқиб туришади.

Аввал ҳам айтиб ўтилганидек, Мадийнаи Мунавварада яҳудийлар ҳам яшашар эди. Улар ҳам янги Ислом жамияти билан ўзаро алоқада бўлишлари турган гап эди. Шунинг учун Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам улар билан аҳднома туздилар.

Икки тарафнинг келишуви билан ёзилган бу аҳдномада кўпгина масалалар батафсил баён қилинди. Жумладан, яҳудийларга ўз дийнларида туришлари кафолати, молу мулклари кафолати, уларнинг ҳаққ-ҳуқуқлари ва масъулиятлари батафсил зикр этилди.

Мана шу яҳудийлар билан тузилган шартнома «Мадийна васийқаси» номи билан машҳур бўлган. **Валлоҳу аълам.**

161-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Шайх жаноблари! Эшитишимизча, бой-бадавлат, яхши яшаган инсонлар камбағал яшаган инсонлардан 500 йилдан кейин жаннатга кирар эканлар. Агар улар вақтида намоз ўқиб, вақтида закот ва садақа берсалар ҳам шундайми?*

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Мусулмон киши турмушини яхши таъмин қилиш учун имкониятидаги барча ҳалол воситаларни ишга солиб, ҳаракат қилаверади. Аммо ризқ бериш Аллоҳ таолодан эканини ҳеч қачон унутмайди. Шунинг учун, ўзига берилган ризқ-насийба Аллоҳ таолонинг иродаси ила бўлган, деб билади. Оз бўлса, норози бўлмайди, кўп бўлса, ҳовлиқиб кетмайди.

Қўлига мол-дунё келганда ҳам ҳовлиқмасдан, тўғри йўлда сарфласа, ибодатини вақтида қилса, улкан савобларга эга бўлади. Аммо дунёга берилиб, йўлдан озса, ҳаром-хариш ишларни қилса, мол топиш учун гуноҳ йўлларга ҳам кираверса, унда синовдан ўта олмаган бўлади ва гуноҳига яраша жазосини олади.

Исломда инсоннинг қадри мол-мулкига қараб эмас, мол-мулкнинг қадри унга молик бўлган инсонга қараб белгиланади. Агар мол-мулк тақводор киши қўлида бўлса, яхши мол-мулк бўлади. Аммо мол-мулк фосиқ ва фожир киши қўлида бўлса, ёмон мол-мулк бўлади.

Тақводор, аҳли солиҳ одам мол-дунёси бўлса ҳам, бўлмаса ҳам яхшидир. Фосиқ ва фожир одам эса, ҳар икки ҳолда ҳам ёмондир.

Мулоҳаза қиладиган бўлсак, ҳадиси шарифларда фақийр ва мискинларга ваъда қилинаётган мартабалар уларнинг айнан фақийр-мискин бўлганлари учун эмас, балки фақир-мискинликка сабр қилиб, тақводор бўлиб ва амали солиҳларни қилиб юрганлари учундир. Албатта, мискин-фақийрлик уларга кўпгина кўнгли синиқлик ва ма-

шаққатлар келишига сабаб бўлган. Бу ҳадиси шарифлардаги маънолар эса уларни сабрга, қаноатга ва ибодатга чорлайди. Шу билан бирга, уларнинг кўнгилларини кўтаради.

Албатта, бундан «қасддан фақийр бўлишга уриниш лозимдир» деган маъно келиб чиқмайди. Зотан, Исломиё таомилга кўра, шукр қилувчи бой сабр қилувчи мискиндан афзалдир. Чунки мискин, хоҳласа-хоҳламаса, сабр қилишга мажбур. Бой кимсанинг ўзига берилган давлатдан, имкониятдан ҳовлиқиб кетмай, шукр қилиш ва бу неъматларни ўз ўрнида сарфлаши эса, аслида, ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайдиган иш. *Валлоҳу аълам.*

### АБДУЛЛОҲ ИБН УБАЙ ҲАҚИДА



162-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Шайх Ҳазратлари! Сизга қуйидаги савол билан мурожаат қилмоқчи эдим:*

*Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул мунофиқларнинг ашаддийларидан эди. У киши Макка фатҳидан сўнг қандай аҳволда эди? Айтмоқчиманки, Мағийна даврида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу киши билан муроса қилишлари сиёсий жиҳатдан зарурий эди. Аммо Макка фатҳидан сўнг аҳвол ўзгарган эди-ку! Бу ҳолда ҳам Ибн Убай мунофиқлигича қолганми?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Мунофиқларнинг бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул сиз айтган вақтгача етиб келмай, мунофиқлик ҳолида ўлиб кетган. *Валлоҳу аълам.*

### ДОРУЛ АҲД



163-САВОЛ

*Ассалому алайкум, Ҳазрат! Мен Дорул аҳд ҳақида эшитмаган эканман. Илтимос, бу ҳақда қаердан маълумот олишим мумкинлигини айт-*

сангиз, ҳар ҳолда, илм бўлар эди. Кейин яна бир савол: бу терминлар ҳозир ҳам ишлатилиши тўғрими?

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

«Дорул аҳд» ҳақида фикҳ китобларимизда маълумотлар бор. Уни «дорус сулҳ», «дорул муоҳада» ва «дорул муводаъа» деб ҳам атайдилар. Қисқача қилиб айтганда, мусулмонлар билан аҳднома тузган бошқа дийн вакилларининг диёрлари «дорул аҳд» бўлади. «Аҳд»нинг маъноси кўп бўлиб, араб тилида «омонлик», «зиммага олиш», «муҳофаза қилиш», «ҳурматини риоя қилиш» ва «мийсоқ» маъноларини ҳам билдиради. Ҳозирги кунда уламоларимиз бу масалага кўпроқ аҳамият бермоқдалар. Ўтган йили Кувайт давлатида бўлиб ўтган илмий анжумъанда ҳам бу масалага алоҳида тўхталиб ўтилди.

Бу масалани «Ал-Умм», «Аҳкомус-Султония», «Кашшофул қиноъ», «Ал-Мавсуъа ал-фиқҳийя» ва бошқа китоблардан ўрганиш мумкин. Ушбу атама-ларни ҳозир ҳам ишлатиш тўғри. *Валлоҳу аълам.*

### ДЎСТАЛИШИШ ҲАҚИДА

#### 164-САВОЛ

*Ассалому алайкум, ҳурматли Шайх ҳазратлари! Исломда Аллоҳ таолонинг йўлида дўстлашиш ва қиёматли дўст тушунчаси бор. Булар бир хил дўстликми ёки бошқа-бошқа дўстликми? Бу дўстликнинг шарт-шароитлари ва масъулиятлари ҳақида маълумот берсангиз. Қиёматли дўст ягона бўладими ёки кўпроқ ҳам бўладими? Аллоҳ таоло сизлардан рози бўлсин, омин!*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Аллоҳ йўлида дўстлашиш ва қиёматли дўстлар — бир хил дўстлик. Мўмин-мусулмонлар орасидаги дўстлик ва муҳаббат Аллоҳ таоло учун бўлгандагина, улар комил иймон ҳаловатини топадилар. Бу муҳаббат икки томоннинг Аллоҳ таолога бўлган

муҳаббатидан келиб чиққан муборак муҳаббатдир. Чунки уларни биродар қилган, дўстлаштирган зот Аллоҳ таолонинг Ўзидир. Шунинг учун ҳам, мўминларнинг ўзаро муҳаббатлари Аллоҳ таоло учун бўлмоғи лозим. Дунё ва унинг матоҳлари учун бўлган муҳаббат орқали ҳеч қачон иймон ҳаловатини топиб бўлмайди. Аллоҳ таолонинг йўлидаги дўстлар қанча кўп бўлса, шунча яхши. **Валлоҳу аълам.**

## ЁМОННИНГ КАСОФАТИ

### 165-САВОЛ

*Биламизки, баъзи инсонлар умри давомида ёмонлик қилиб ўтадилар, лекин баъзан уларнинг ўзи жазоланганлигини кўрмаймиз. Одамлар эса, бу жазо унинг фарзандларига уради, дейишади. Савол шуки, ёмон одамнинг касофати фарзандларига урадими? Ва бу қандай юз беради?*

#### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Ёмон ишларнинг касофати фарзандга уриши ҳаётий тажрибадан келиб чиққан. Ўша ёмонлик қилиб юрган инсон ўзига зарар қилади, қолаверса, унга етаётган зарар яқин кишиларига, жумладан, унга энг яқин бўлган фарзандларига уриши турган гап. Яъники, ўша ёмонлик қилиб юрган одамнинг ёмонлигидан фарзандлари зарар кўради. Зарар кўриши ҳар хил бўлиш мумкин. Мисол учун, ароқхўр одам ароғини ичиб, тоғанини шу ҳаром нарсага сарфлаб юраверса, фарзандлари қаровсиз қолади, таъминотсиз қолади, нафақасиз қолади. Улар ароқхўр оталарининг мастлигида билиб-билмай қилган ишларидан зарар тортади, калтагини ейди, уятга қолади, тарбиясиз ўсади ва ҳоказо. Шунга ўхшаш бошқа номаъқулчиликларни қилганларнинг ҳам ана шу тарзда зарари фарзандларига, аёлларига, яқин кишиларига етади. Ана шу ҳолат ёмоннинг касофати бошқаларга

уришидир. Бошқа тарафдан эса, ўша ароқхўр кимсанинг фарзандлари диёнатли, солиҳ инсонлар бўлиб етишганда ҳам оталари туфайли руҳан эзилиб юрадилар.

Аллоҳ таоло ўша ёмон одамга берадиган жазосини унинг солиҳ фарзандларига буриб юбормайди. Ўзи диёнатли, солиҳ Аллоҳ таолонинг итоатига юрган мўмин-мусулмонлар оталарининг гуноҳи учун жазоланмайдилар, иншааллоҳ. *Валлоҳу аълам.*

## ШАЙТОН ВАСВАСАСИ

### 166-САВОЛ

*Инсон қалбини шайтон васваса қилиб турли ишларга, ҳаром ўйлаш ёки сўзлашга ундаса, бундай вазиятлардан қандай чиқиб кетиш мумкин?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Аввало, бундай вазиятларга тушмасликка ҳаракат қилиш лозим. Бунинг учун иймон-эътиқодда мустаҳкам ва ибодатда собитқадам бўлиш керак. Мана шундай ҳолатда инсон шайтондан ва унинг васвасасидан узоқда бўлади. Баъзи бир ҳолатларда бу каби хаёллар келиб қолса, дарҳол: «Аъзузу биллаҳи минаш-шайтонир рожийм»ни кўп-кўп айтиш керак. «Астағфируллоҳ» деб айтиб, тоҳарат олиб икки ракъат намоз ўқиб қўйиш керак. Мана шу нарсалар амалий равишда шайтон васвасасидан узоқлашишга олиб борадиган ишлардир.

Энг муҳими, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсадан хабардор Зот эканлиги, қалблардаги бўлиб турган нарсаларни ҳам билиб турувчи Зот эканлигини эсда тутиш керак.

Ибодатга ихлос қилиб, берилиб бораётган пайтда ҳам кўпчиликда васваса ҳолати пайдо бўлади. Бунда турли бўлмағур фикрлар хаёлга келади. Ҳатто, иймон ва эътиқоднинг фойдаси борми ўзи, деган фикрларгача бориши мумкин. Ана шу пайтда инсон ниҳоятда офир ҳолатга тушиб

қолади. Чунки аввал ўзи эътиқод қилиб, ишониб, қўлдан келганича ибодат қилди. Энди хаёлига бутунлай тесқари, инсон ўйлаганда ларзага тушиб кетадиган ўйлар келади. Буни қандай тушуниш керак дейилса, ҳадисда айтилганидай «Бу – иймон ҳақийқатининг бошланиши»дир.


Буни тасаввуф уламолари шарҳлаб айтишадикки, шайтон инсонга бўлган муносабатда уларни учга бўлади.

Биринчиси: шайтоннинг йўлига юрган, унга оғайни бўлиб қолган кишилар. Уларни васваса қилишнинг ҳожати ҳам йўқ. Чунки улар шайтоннинг измидаги шахслар.

Иккинчиси: иймонда, ибодатда, тақво бобида маълум бир даражага етган, қалблари покланган, шайтон васвасаси уларга мутлақо таъсир этмайдиган даражадаги кишилар. Шайтон улардан умидини узган.

Учинчиси эса: қалби покланиб бораётган кишилардир. Шайтон уларга васваса солади. Чунки шайтон буларнинг қалби поқлар гуруҳига қўшилиб қолишини хоҳламайди. Шундай ҳолатга тушиб қолган кишилар яхши билишлари керакки, бундай ҳолатдаги васваса иймон-эътиқод аломатидир. Шайтон сизнинг ҳам ўзининг измидан чиқиб, тўғри йўлга бутунлай кириб қолишингиздан хавфлангани учун типирчилаб қолган бўлади. Шундай пайтда ибодатни яна ҳам кучайтириб, иймонни мустаҳкамлаб, тавба ва истиффорни кўпроқ айтиб, зикру тасбеҳларни бир оз давом эттирилса, шайтон васвасаси, иншоаллох, мутлақо йўқ бўлади. *Валлоҳу аълам.*

## ШАЙТОН ИНСОННИНГ ХАЁЛИДАН КЕЧГАН НАРСАЛАРНИ БИЛАДИМИ?



*Шайтон инсоннинг хаёлини биладими? Бўлма-са, у қандай қилиб инсоннинг хаёлини бузади?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Шайтон инсоннинг хаёлини билиши тўғрисида маълумотлар йўқ. Балки шайтоннинг иши инсонни васвасага солиш, уни йўлдан оздириш, Аллоҳ таолонинг тоатидан, ибодатидан чиқариш, гуноҳ ишларга чорлашдир. Бунинг учун инсоннинг хаёлидаги нарсани билиши ёки хатти-ҳаракатларидан хулоса чиқариши шарт эмас. Балки у ўз фаолиятини, ифвосини, васвасасини барча вақтда қилишга уринади. Шунинг учун, доимий равишда шайтоннинг шарридан паноҳ тилаб турмоқ мўмин-мусулмон инсон учун ниҳоятда зарурдир. Шайтон чексиз билимга эга эмас, одамларнинг хаёлидаги нарсани ҳам билиб олиши зарур нарса ҳам эмас, шунинг учун биз шайтонга нисбатан бўладиган тушунчамизда уни ҳамма нарсани биладиган, ҳамма нарсани сезадиган бир улуғвор нарса эмас, балки доимо ёмонликка бошловчи, васваса қилувчи, йўлдан оздирувчи, гуноҳга чорловчи ниҳоятда ёмон энг ашаддий душман эканлигини тушуниб етишимиз керак. *Валлоҳу аълам.*

### ТЕПКИ ҲАҚИДА

#### 168-САВОЛ

*Эгизакларнинг онаси тепса, тепки кетадими? Менинг Фотима ва Зухра, яъни эгизак фарзандларим бор. Кўпинча, таниш-билишлар фарзандларининг бўйнига тепки келганда уйимга олиб келиб, тептиришади. Айтишларича, эгизак туққан оналарнинг тепкиси тепки касаллигига даво бўлар эмиш. Мен эса буни «Исломга зиг эмасмикин» деб ўйлайман.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Бу маънода Исломда ҳеч бир кўрсатма йўқ, яъни «Эгизак фарзанд туққан аёлнинг тепкиси болаларнинг бўйнига чиқадиган «тепки» деб аталадиган беморликка даво бўлади» деган маъно ҳеч қаерда йўқ. Бу нарса дийний, маърифий, эътиқодий китобларимизда ҳам йўқ, мусулмон

табибларнинг муолажа услубларида ҳам йўқ. Бу гап халқ ичида одатланиб қолинган нарсалардан бири бўлиб, маълум бир шаҳар, маҳалла, қишлоқ ёки юртнинг ўзига хос одати деб тушунишимиз мумкин, холос. Шаръий маънода бунга ҳеч қандай далил, ҳужжат, суюнадиган муснад йўқ. **Валлоҳу аълам.**

### ҲАШАРОТЛАРНИ ЎЛДИРСА, БЎЛАДИМИ?

#### 169-САВОЛ

*Баъзан уйда турли майда ҳашаротларни ўлдиришга тўғри келади: масалан, чивин, пашша, суварак ва ҳоказо. Лекин «Қиёматда ҳар бир ҳашарот ҳам уни бесабаб ўлдирган инсондан ўз қасдини олади», дейишади. Шунингдек, «Ўргимчакни ҳам ўлдириш мумкин эмас» деган гапларни эшитганмиз. Ҳашаротларни ўлдириш ёки ўлдирмаслик ҳақида Ислом дийнида қандай кўрсатмалар бор?*

#### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Мазкур, яъни номлари зикр этилган зараркунанда ҳашаротлар инсонга зарар етказиб турган бўлса, уларни ўлдиришда ҳеч қандай айб йўқ. Лекин ўзи табиий ҳолда, инсоннинг уйида эмас, турар жойида эмас, экинзорида эмас, бошқа ерда безарар ҳолда юрса, уни ўлдириб бўлмайди. Аммо чивин борми, пашша борми, суварак борми, ўргимчак борми ёки бошқа нарса хонадонга кириб зарар етказаётган бўлса, инсоннинг мол-мулкига, зироатига зарар етказаётган бўлса, уни ўлдиришда ҳеч қандай айб йўқ. Аксинча, баъзи бир вақтларда, зараридан ҳимояланиш маъносиде ўлдириш зарур бўладиган ҳолатлар ҳам бор. **Валлоҳу аълам.**

#### 170-САВОЛ

**1. Бир куну набира кўришим муносабати билан туяруқхонага бордим. У ерда икки йигит шифокорлар кийимида сигарет чекиб турган эди.**

**Бундай ёқимсиз ҳолни кўриб ҳаловатим йўқолди. Шу каби воқеъларга шариятнинг муносабати қандай?**

**2. Кейинги пайтда мактабларда бир янгилик пайдо бўлиб қолди. Яъни Авлиё Валентин куни. Бу нарса февраль ойида нишонланади. Шу куни қиз ва йигитлар бир-бирларига муҳаббат изҳор қилиб хат ёзишар экан. Шунини ўқитувчиларнинг ўзлари уюштирар эмиш. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариятларида бу ишлар қандай баҳоланади?**

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

1. Сиз айтган ҳолат чиндан ҳам ачинарли. Туғуруқхонада эркак кишиларнинг ишлаши мумкин эмас. Шарият ҳукми бўйича, оддий ҳолатларда ҳам муслима аёл ўта ноилож қолгандагина эркак табибга кўринишига истисно тарийқасида руҳсат берилган.

Бу ерда масаланинг иккинчи тарафи ҳам бор. Аёллардан етарли даражада тиббиёт ходимлари тайёрлаш керак. Бу масалага ҳаммамиз эътибор билан қарашимиз лозим.

2. «Валентин куни» деган нарса халқимизга мутлақо бегона нарса. Сиз айтган ҳолат ёшларни бузуқликка чорлашдан бошқа нарса эмас. Валентин куни тарихига назар солишнинг ўзи бу иш маъқул эмаслигини кўрсатиб туради. Ўқув юртларида ҳам, бошқа ерларда ҳам бир нарсани қилишдан олдин унинг фойда-зарарлари, дийнимизга, диёнатимизга, урф-одатимизга тўғри келиш-келмаслигини ўйлаб кўришимиз лозим. **Валлоҳу аълам.**

171-САВОЛ

**1. Нима учун ой Ислом рамзи сифатида танланган? У нимани англатади?**

**2. Одам алайҳиссалом ва Момо Ҳаввонинг қабрлари қаерда?**

**ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

1. Мусулмонлар Истанбулни фатҳ қилиш жангининг бошланишига янги ой чиқишини белги қилиб олишган. Янги ой чиқиши билан, бирдан ҳаракат бошлашган ва мақсадга эришишган. Шундан буён ҳилол мусулмонларнинг рамзига айланган.

2. Қуръони Каримда отамиз Одам алайҳиссаломнинг вафотлари ҳақида гап йўқ. Бу ҳақда тарихчилар ўз мулоҳаза ва илмий изланишарининг натижаларини қуйидагича баён қиладилар.

Одам алайҳиссалом минг йил яшаб, сўнгра вафот этдилар. У киши ўзлари жаннатдан биринчи тушган ерлари, Ҳиндистондаги тоғ яқинига дафн қилиндилар.

Бошқа бир гапларга қараганда, Маккаи Мукаррамадаги Абу Қубайс тоғига дафн қилинганлар. У кишини ювиш, кафанлаш, жанозаларини ўқиш, қабрларини қазिश ва дафн қилиш ишларини фаришталар амалга оширганлар.

Момо Ҳавво Жидда шаҳрида дафн қилинганлари ҳақида тахминлар бор. *Валлоҳу аълам.*

### 172-САВОЛ

*Бир ривоятда: Одам Ато ва Момо Ҳавво ер юзига тушганларидан кейин 200 йил ўтиб Макка атрофидаги Сафо ва Марва тоғининг ўртасидаги Арафот тоғида 9-зулҳижжада учрашадилар. Шунинг учун бу кун ва тоғнинг номи «Арафот» деб аталди, дейилган.*

*Иккинчи ривоятда: бу икковлари Муздалифада учрашишди. Шунинг учун унинг иккинчи номи Жамъ деб аталади, деб келган.*

*Арафот тоғида Иброҳим алайҳиссалом хотинлари Ҳожар онамиз ва ўғиллари Исмоил алайҳиссалом билан бир неча йилдан кейин қайта учрашишади.*

*Шунинг учун бу тоғнинг номи «Арафот» деб аталди. Мана шу иккала ривоятнинг қайси бири тўғри?*

### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Бу каби гапларни тарихчилар келтирган. Уларнинг қай бири тўғри эканини билиш биздан талаб қилинмаган. Билганларга савоб ҳам ваъда қилинмаган.

Бунинг устига, мазкур гапларни тушуниш учун кўп нарса талаб қилинмайди. Одам алайҳиссалом билан Момо Ҳавво Арафотда учрашиб, кечқурун Муздалифага тушиб ётишган.

Иброҳим алайҳиссалом оилалари ҳақида ҳам шунга ўхшаш гапни айтиш мумкин. Бир ернинг шундай аталишига икки ҳодиса сабаб бўлса, ҳеч қиси йўқ. *Валлоҳу аълам.*

### 173-САВОЛ

*Фарзи айн, фарзи кифоя ва фарзи хилофийя амалари қандай собит бўлган ва нималарга асосланади?*

### **ЖАВОБ: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

Шариат қилишни жазм ила, шубҳасиз ва қатъий далил билан талаб қилган иш фарздир.

Бунга қуйидаги мисолларни келтириш мумкин:

Қуръони Карим ила собит бўлган фарз амалга Исломнинг беш рукнига ўхшаш амаллар киради.

Мутавотир ва машҳур суннат ила собит бўлган фарзга намозда қироат қилиш кабилар мисол бўлади.

Ижмоъ ила собит бўлган фарзга тўрт хил таом-буғдой, арпа, хурмо ва тузнинг баъзисини баъзисига насыяга сотиш ҳаромлиги кабилар киради.

Фарз амални қилиш лозим ва лобуддир. Уни қилган одам савоб олади. Қилмаган осий бўлиб, иқобга қолади. Фарзни инкор қилган кимса кофир бўлади.

Фарз икки қисмга бўлинади:

Биринчиси — фарзи айн.

Иккинчиси — фарзи кифоя.

Фарзи айн ҳар бир мусулмон шахсан бажариши лозим бўлган ишдир. Уни биров учун бошқаси

адо этгани билан бўлмайди. Бунга намозни мисол қилиш мумкин. Балоғатга етган ҳар бир мўмин инсон беш вақт намозни ўқиши фарзи айн. Ўқимаган одам гуноҳкори азим бўлади.

Фарзи кифоя эса, баъзи бир мусулмонлар адо этса, бошқалар учун ҳам кифоя қиладиган ишдир. Бунга мисол жаноза намозидир. Бир мусулмон вафот этса, уни ювиб-тараб, жанозасини ўқиб кўмиш ҳамма мусулмонлар учун фарз бўлади. Аммо фарзи кифоя бўлгани учун, баъзи мусулмонлар жанозасини ўқиса, кифоя қилади. Бошқалардан фарз соқит бўлади.

«Фарзи хилофия» истилоҳи тил жиҳатидан нотўғри. Ундай нарса ҳақида бизда маълумот йўқ. **Валлоху аълам.**

### 174-САВОЛ

*Мен ўзимни мусулмон деб ҳисоблайман. Иймон заифлигиданми, балки шайтон фитна-сими, турли сабаблар билан, намоз ўқийдиган пайт бўлганида, ибодатни адо эта олмай қоламан. Иймонимни мустаҳкамлаш учун қандай маслаҳат берасиз?*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

### ИЙМОННИ МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАСИ

Албатта, мусулмон банда Аллоҳ таоло тарафидан ўзига юклатилган барча фарзу вожиб ибодатларни адо этмоғи шартдир. Шу жумладан, энг асосий ибодатлардан ҳамда дийн устунни бўлмиш намозни ўз вақтида ўқимоқ ҳар бир вояга етган, ақли ва комил мусулмонга фарздир. Бунга шайтонни сабаб қилиш баҳонадан бошқа нарса эмас. Банда намозни ўқимаслик каби гуноҳга йўл қўяр экан, бунга шайтонни сабаб қилишига ҳеч қандай йўл йўқ. Балки ўзини гуноҳкор ҳисоблаб, тавба қилиб, уни иккинчи марта такрорламасликка ҳаракат қилиши керак.

Иймонни мустаҳкамлаш учун Аллоҳ таолони ҳар лаҳза зикр қилиб туриши лозим. Аллоҳ таоло, Ўзининг чексиз илми билан, банданинг қилаётган амалларидан хабардор эканлигини ҳар бир мусулмон сезиб туриши керак. Шундагина банда намозни тарк қилиш қанчалар гуноҳлигини тушуниб етади. Иймонни мустаҳкамлаш учун эса, яна бир бор айтамиз, зикр, Қуръон тиловати ва мусулмонлар билан суҳбатда бўлиш, жамоатга қўшилиш ва шунга ўхшаш — иймонни мустаҳкамлайдиган, сайқаллайдиган — ҳолатларда бўлишга ҳаракат қилмоғи лозим.

Шу билан бирга, банда ҳар доим ўзининг ҳисоб-китобини қилиб туриши керак.

وَيُرَوَى عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ قَالَ: حَاسِبُوا أَنْفُسَكُمْ  
قَبْلَ أَنْ تُحَاسَبُوا...

*Умар ибн Хаттоб розияллоху анху:*

**«Бир куни келиб сенинг ҳисоб-китобинг қилинганча, сен ўзинг ҳисоб-китобингни қилиб тур...»**, деб айтганлар.

Демак, ҳар куни банда: «Бугун нима иш қилдим? Қанча савоб, қанча гуноҳ қилдим», деган маънода ўзининг ҳисоб-китобини қилиши керак. Ва келгуси кунини бугунги кундан афзалроқ қилиб ўтказишга ва ҳар куни олдинги кунидан баракали, хайрлироқ бўлишига ҳаракат қилиши лозим.

Аллоҳ таоло ҳамма ибодатларни, жумладан, намозларни ҳам ўз вақтида адо этишни барчаларимизга насийб қилган бўлсин. **Валлоҳу аълам.**

### 175-САВОЛ

**Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ!**

**Муҳтарам шайх ҳазратлари! Қуйидаги ҳадисда келган тушунчаларни тушунтириб берсангиз, илтимос. Баъзи луват маъноларига тушунмадим. Яъни «муҳкам оят, қоим суннат**

ва одил фаризат» деганини. Ҳадиснинг матни қуйидагича:

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Илм учтадир. Улардан бошқаси зиёда фазилатдир. Муҳкам оят, қоим суннат ва одил фаризат», дедилар».

Абу Довуд ва Ибн Мажалар ривоят қилишган.

*Жавобингиз учун аввалдан раҳмат.*

**ЖАВОБ:** Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Агар «Ҳадис ва Ҳаёт»нинг 12-жузини ўқиганингизда бу ҳадиси шарифнинг ҳам, ундаги сўзларнинг маъноларини ҳам билиб олган бўлар эдингиз.

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ:  
الْعِلْمُ ثَلَاثَةٌ وَمَا سِوَى ذَلِكَ فَهُوَ فَضْلٌ: آيَةٌ مُحْكَمَةٌ، أَوْ سُنَّةٌ  
قَائِمَةٌ، أَوْ فَرِيضَةٌ عَادِلَةٌ. رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالْحَاكِمُ.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Илм уч хилдир. Ундан зиёдаси фазлдир: муҳкам оят, қоим суннат ва одил фаризат», дедилар».

Абу Довуд ва Ҳоким ривоят қилган.

Ушбу ҳадиси шарифда Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шаръий-исломий илмларнинг жавҳари — ўзагини баён қилиб бермоқдалар:

«Илм уч хилдир».

Бу ердаги «илм»дан мурод шаръий илм эканини кейинги иборалардан тушуниб оламиз. Уларда оят, суннат ва фарз ҳақида гап кетмоқда, демак нима дейилмоқчи эканлиги маълум.

**1. «Муҳкам оят».**

Оят — Қуръони Каримнинг маълум бўлаги. Қуръондаги бошланиши ва тугаши маълум бўлакнинг оят дейилиши ҳаммамизга маълум. Ҳадисда оят «муҳкам» деб васф қилинмоқда. Баъзи уламоларимиз буни очиқ-равшан ва насх бўлмаган оят, деб баён қилганлар. Менимча, бу тўлиқ тушунча бера олмайди.

Қуръони Каримда оятларнинг ҳаммаси очиқ-равшан эканлиги баён қилинган. Бироқ насх қилинган (ҳукми амалдан қолдирилган) оятларни ўрганмаса бўлаверади, деган гап ҳам йўқ. Балки, аксинча, Қуръонни яхши тушуниш учун аввало оятларнинг носих-мансухи яхшилаб ўрганилиши лозимлиги қайта-қайта таъкидланган. Демак, ҳадиси шарифдаги «муҳкам оят» иборасидан Қуръони Каримнинг оятларини тўлиқ ўрганиш маъносини тушуниб оламиз.

Шаръий илмнинг биринчи, асосий қисми Қуръони Каримни ўрганиш экан. Бу эса улуғ илм бўлиб, ўзида бир қанча шўъбаларни мужассам қилгандир. Келинг, қисқача бўлса ҳам шу ҳақда тўхталиб ўтайлик.

Аввало Қуръони Каримни тўғри тиловат қилишни ўрганиш керак. Бунинг учун эса устозлардан «Тажвид» илмини ўрганиш лозим. Ҳа, ўзича тажвид илмига бағишланган бирор китобни ўқиб олиш ёки уни тинглаб, тақлид қилишнинг ўзи билан киши бу илмни ўзлаштирган ҳисобланмайди.

Демак, ўша устоздан тажвид қоидаларига биноан ҳар бир калимани, ҳар бир оятни қандоқ қироат қилишни ўрганиш керак. Устоз ўқиб бергандек қилиб, у кишига қайтариб ўқиб бериш ва шу ҳолда ўқишга устознинг ижозатларини олиш керак. Ана шунда, Қуръон тиловат қилишни ўрганган бўлинади. Бу ҳам ҳар бир мусулмон учун фарз нарсадир.

Қуръон илмини тўлиқ билмоқчи бўлган киши араб тилини яхши билмоғи лозим. Чунки Қуръони Карим араб тилининг олий даражадаги балогат ва

фасоҳат намуналарини ўзида мужассам қилган илоҳий мўъжиз китобдир.

Араб тилини ўрганиш эса наҳв-сарф, балоғат ва фасоҳат илмларини ва бошқа зарур илмларни тўлиқ ўрганиш билан бўлади. Буни эса, баъзан ҳар қандай араб ҳам уддалай олмайди.

Қуръони Каримни билиш учун «Қуръон илмлари» деб номланган илмлар мажмуасини ўрганиш керак.

Бу мажмуага, жумладан, Қуръони Каримнинг тарихи, оятларнинг маккий ёки маданийлиги, муҳкам-муташобеҳлиги, ом-хослиги, носих-мансухлиги, нозил бўлиш сабаби, қайси оят аввал, қайсиниси кейин нозил бўлгани, Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам уларни қандай тафсир қилганлари каби бир қанча илмлар киради. Ким ушбу илмларни яхши ўзлаштириб, ояти карималарнинг маъноси, улардан кўзланган мақсадни баён қилиш малакасига эга бўлса, ана шундай чуқур илмлар соҳиби бўлган киши муфассир, яъни тафсирчи бўлади.

Албатта, бу фарзи кифоят бўлиб, буни ҳар бир мусулмон билиши шарт эмас. Бироқ Қуръон илмларини ўрганишга ҳар бир мусулмон имкони борича уриниши лозим. Ҳар бир жамиятда ўша жамият эҳтиёжларига яраша муфассирлар бўлиши шарт. Бўлмаса, ўша жамият аъзоларининг ҳаммаси гуноҳкор бўладилар.

Мазкур илмларни ўзлаштирган одам ушбу ҳадиснинг таъбири бўйича исломий илмларнинг учдан бирини ўзлаштирган бўлади. Икки-учта қисқа сурани чала ёдлаб олган одам «қори ака» бўлиб қолмайди.

Қуръони Карим маънолари таржимасини ўқиган одам ёки араб тилини билиб, арабча тафсир ўқиган одам муфассир бўлиб қолмайди.

## **2. «Қоим суннат».**

Шаръий илмларнинг иккинчи асоси — «қоим суннат», яъни Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидир.

Суннатнинг моҳияти, унинг таърифи, шарият-тимиздаги аҳамияти ва бошқа масалалар китобларимизда кўп марталаб келтирилган.

Бу илм ҳам юқорида зикр қилинган Қуръон илмларига ўхшаб ўзига хос бир қанча илмлардан иборат. Ўша илмларни устозлардан ўрганиб, уларнинг ижозат олган кишилар суннат илми, ҳадис илми мутахассислари ҳисобланадилар.

Ҳадиси шарифлар маъносининг таржимасини ўқиган ёки баъзи бир ҳадисларнинг маъносини арабчадан таржима қила оладиган кишилар муҳаддис дейилавермайди.

Ҳар бир мусулмон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидан хабардор бўлишга қўлидан келганча уриниши лозим. Лекин ҳар бир жамиятда, ҳар бир диёрда суннат илмида ўша жамият, ўша диёрнинг эҳтиёжини қондирадиган даражада суннат илмини билувчи олимлар бўлиши фарзи кифоядир. Шу нарса бўлмаса, ўша жамият, ўша диёр мусулмонларининг ҳаммаси тарки фарз қилган бўлиб, гуноҳга қоладилар.

### **3. «Одил фаризат».**

Шаръий исломий илмларнинг учинчи асоси «одил фаризат»дир. Ушбу ҳадиси шарифда зикр қилинган «одил фаризат»дан мурод нима эканлиги ҳақида уламоларимиз икки хил фикр айтганлар.

Биринчиси, «одил фаризат»дан мурод меросни адолат билан тақсим қилиш илми.

Буни «Фароиз» илми ҳам дейилади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу илмга алоҳида эътибор берганларининг сабаби шуки, у зот бу илм энг биринчи орадан кўтариладиган илмдир, деб айтганлар.

Иккинчиси, «одил фаризат»дан мурод, мусулмонларга фарз бўлган нарсаларни билдирадиган илм, дегани. Яъни, Китоб ва Суннатдан кейинги, шариятимизнинг учинчи ва тўртинчи масдарлари бўлган ижмоъ ва қиёсларни билиш деганидир.

Менимча, бу икки фикрнинг қўшилгани мақсадга мувофиқ.

Ҳадиси шарифда Ислом шариатига оид нарсаларни ўрганиш учун асосий ҳисобланадиган илмлар учталиги баён қилинмоқда. Бу — Қуръон, Суннат ва мерос илмидир. Қолган илмлар ушбулар учун восита ёки улардан келиб чиққан ҳосила илмлар бўлади.

Мерос илмининг Қуръон ва Суннат илмларидан кейинги учинчи илм бўлиши унинг нақадар аҳамиятли эканини кўрсатади.

Мусулмон инсон Қуръон ва Суннатни ўрганиш, уларга амал қилиш билан биргаликда мерос илмини ҳам ўрганиши, унга амал қилиши зарур нарса эканлигини шундан билиб оламиз. Шунинг учун ҳам бу илмга катта эътибор бериш керак бўлади. *Валлоҳу аълам.*

## МУНДАРИЖА

Иккинчи нашр муқаддимаси.....	3
Биринчи нашр муқаддимаси .....	6
Фатво .....	7
Фатво — жавобгарлик.....	8
Илмсиз фатво бериш оқибати.....	10
Фатво кимдан сўралади?.....	11
Фатво сўраш одоблари .....	13
Диёримиздаги аҳвол .....	13
Янги режа .....	14

## АҚОИД КИТОБИ

<b>1-боб. Ислом, иймон, ғайб олами (Метафизика) ҳамда қазо-қадар .....</b>	<b>17</b>
«Доббатул арз» ҳақида .....	17
Шайтон ҳақида.....	20
Ҳорут ва морут ҳақида.....	21
Қиёмат ҳаққлигига ақлий далил .....	22
Дўзаҳда абадий қолиш масаласи.....	25
Ўзга сайёраликлар .....	26
«Ал-мийсоқ» ҳақида .....	27
Жисмоний камчилик бўлса.....	30
<b>2-боб. Бошқа ақийдавий масалалар .....</b>	<b>32</b>
Инсонни яратишдан мақсад.....	32
Даъват етмаган кишилар ҳақида.....	38
<b>3-боб. Қуръон ва тафсир хусусида .....</b>	<b>91</b>
Қуръон ўргатишга пул олиш мумкинми? .....	91
Қуръон ёдлаш .....	91
Қуръони Карим оятлари сони ҳақидаги ихтилофлар.....	97
<b>4-боб. Зикр ва тасбеҳ .....</b>	<b>115</b>
Истиффорнинг фойдалари.....	115
Тасбеҳ ҳақида.....	117
<b>5-боб. Фирқалар ва миллатлар .....</b>	<b>120</b>
Аҳли китоблар ҳақида .....	120
<b>6-боб. Кофирлик ва муртадлик .....</b>	<b>122</b>
Ибн сино ва Ғаззолий.....	122
<b>7-боб. Туморлар ва сеҳр .....</b>	<b>124</b>
Тумор ҳақида .....	124

## ИБОДАТ КИТОБИ

<b>8-Боб. Тоҳарат ва поклик</b> .....	125
Тишга пломба қўйиш.....	125
Ҳаром ва нажас.....	130
Таяммум ҳақида.....	133
Кўзи ожизнинг таяммуми.....	139
Масҳ тортиш ҳақида.....	140
Этикка масҳ тортиш.....	142
<b>9-боб. Азон ва иқомат</b> .....	143
<b>10-боб. Намоз боби</b> .....	145
Фарз ва суннат намозлари ораси қандай бў- лади?.....	147
Қибла ҳақида.....	150
Саждадаги дуо.....	155
Намозхон олдидан ўтиш.....	156
Қазо бўлган ибодатлар ҳақида.....	157
Қазо намозларни ўқиш ҳақида.....	159
Эгила олмайдиган кишининг намози.....	164
Намозхон спиртли атирни селиши ҳақида.....	166
Витр намозининг вақти.....	167
<b>11-боб. Жамоат намози</b> .....	169
Имомнинг тоҳарати кетса.....	169
Имомлик ҳақида.....	169
Турли хоналарда иқтидо қилиш.....	170
<b>12-боб. Намозни қаср қилиб ўқиш</b> .....	172
Ватани аслий.....	185
<b>13-боб. Жумъа намози</b> .....	186
<b>14-боб. Нафл намози</b> .....	193
Асрнинг суннати ҳақида.....	193
Ишроқ намози ҳақида.....	194
Таҳийятул масжид.....	196
Нафл намоз вақтлари.....	196
<b>15-боб. Масжидлар боби</b> .....	200
<b>16-боб. Жаноза ва майит боби</b> .....	202
Вафот этган одамга гувоҳлик.....	204
Садақанинг савоби етишига далил.....	211
Жаноза намозида бошини кўтариш.....	212
Арвоҳга шам ёқиш.....	212
<b>17-боб. Қабристон ва мақбаралар</b> .....	214
Қабр устида тиловат ҳақида.....	214

Қабрлар зиёрати ҳақида .....	220
<b>18-боб. Закот боби</b> .....	226
Закотни яқин қариндошга бериш ҳақида.....	226
Отнинг закоти ҳақида .....	227
<b>19-боб. Садақа хусусида</b> .....	235
Бошқа дийндаги одамга эҳсон.....	235
<b>20-боб. Қасам ва назрлар</b> .....	236
<b>21-боб. Рўза</b> .....	243
Жумъа куни рўза тутиш.....	244
<b>22-боб. Ҳаж – умра</b> .....	246
<b>23-боб. Дуо ва дам хусусида</b> .....	247
Мушкул кушод .....	249

### МУОМАЛА КИТОБИ

<b>24-боб. Олди-сотди</b> .....	251
Музораба ҳақида .....	251
<b>25-боб. Банк ва рибовий моллар</b> .....	255
<b>26-боб. Иш ва ишчилар</b> .....	257
<b>27-боб. Қарз олди-бердиси</b> .....	261
Қарзни нотўғри ишлатиш.....	261
Эгаси ғойиб ҳақ тўғрисида.....	262
Қарз беришда пул қадри тушишини ҳисобга олиш.....	263
<b>28-боб. Ҳадя ва ҳиба</b> .....	266
<b>29-боб. Мулк ва эгалик</b> .....	267
Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида.....	267

### ОИЛА ВА ТУРМУШ

<b>30-боб. Никоҳ боби</b> .....	272
Қариндошлар орасида никоҳ мумкинми? .....	272
Никоҳсиз турмуш ҳақида .....	286
<b>31-боб. Эмизиш</b> .....	288
Бошқа болани эмизиш.....	288
<b>32-боб. Талоқ</b> .....	289
Узоқ айрилиқ ила талоқ тушадими? .....	289
<b>33-боб. Ҳулуъ ҳақида</b> .....	291
Аёлнинг ҳам ажраш ҳаққи бор.....	291
<b>34-боб. Идда ҳақида</b> .....	294
<b>35-боб. Насаб ва фарзанд боқиб олиш</b> .....	294
Зинодан туғилган бола ва сунъий урчитиш .....	294
<b>36-боб. Васиятлар боби</b> .....	295

## ТАЪҚИҚ ВА РУҲСАТЛАР КИТОБИ

<b>37-боб. Таомлар</b> .....	296
«Е» моддаси ҳақида .....	296
«Ғизо ва даводаги ҳаром қилинган ва нажас бўлган моддалар ҳақидаги қарор» .....	300
<b>38-боб. Сўйишлар боби</b> .....	308
<b>39-боб. Либослар</b> .....	309
Нега ипак эркакка ҳаром .....	309
<b>40-боб. Маъсият</b> .....	311
Гуноҳни бўйнига олиш .....	313
<b>41-боб. Исм қўйиш</b> .....	315
Исм ва лақаб ҳақида .....	315
Исм ўзгартириш ҳақида .....	316
<b>42-боб. Ҳайвонга меҳр боби</b> .....	319
Зараркунанда жонзотларни ўлдирса бўладими? .....	319
<b>43-боб. Аёлларга оид ҳукмлар</b> .....	322
Аёлнинг овози авратми? .....	322
Маҳрам ҳақида .....	324
<b>44-боб. Ўйинлар ва қимор</b> .....	327
Ит уриштириш .....	327
<b>45-боб. Расм ва тасвир</b> .....	328
Расулуллоҳнинг суратлари борми? .....	328
<b>46-боб. Ёзувчилик ва адабиёт</b> .....	329
Умар Хайём рубоийлари .....	329
Китоблар ҳақида .....	335
<b>47-боб. Ижтимоий алоқалар</b> .....	340
Учрашувга кеч қолиш ҳақида .....	340
Салом бериш ҳақида .....	341
<b>48-боб. Туш таъбири ҳақида</b> .....	343

## ТИБ КИТОБИ

<b>49-боб. Даволаш</b> .....	345
Оғир бемордан тиббий жиҳозни узиш ҳақида .....	345
<b>50-боб. Ҳомила ва аборт</b> .....	349
Ҳомилани олдириш ҳақида .....	349
Ҳомиладорликнинг олдини олиш .....	350
Туғуруқхонадаги ишлар .....	351

## АХЛОҚ КИТОБИ

<b>51-боб. Салом бериш ҳақида</b> .....	352
Келин салом ҳақида .....	352
Севги ҳақида .....	353

52-боб. Тасаввуф ҳақида .....	354
Аллоҳга таваккал қилиш .....	356
53-боб. Яхшилик ва силаи раҳм.....	357
Ота-она ҳаққлари.....	357

#### ТУРАИ МАВЗУЪЛАРДАГИ САВОЛЛАР

Ҳидоят аллоҳнинг ихтиёридадир .....	373
Сулҳ ҳақида .....	374
Абдуллоҳ ибн Убай ҳақида.....	378
Дорул аҳд.....	378
Дўстлашиш ҳақида .....	379
Ёмоннинг касофати.....	380
Шайтон васвасаси.....	381
Шайтон инсоннинг хаёлидан кечган нарсаларни билади-ми? .....	382
Тепки ҳақида .....	383
Ҳашаротларни ўлдирса, бўладими?.....	384
Иймонни мустаҳкамлаш масаласи.....	388

ШАЙХ МУҲАММАД СОДИҚ  
МУҲАММАД ЮСУФ

**Зикр  
аҳлидан  
сўранг**

**I  
ҚИСМ**

*Муаллиф рухсатсиз нусха кўчиришнинг  
барча турлари, иқтибос олиш ва сотиш  
шаръан ҳаром, қонунан ман этилади*

«HILOL-NASHR» нашриёти  
Тошкент — 2013

Муҳаррир: *Шаҳобиддин Одилов*

Мусаввир: *Озоғ Мунаввар*

Техник муҳаррир: *Мансур Қаюмов*

Арабча матн мусахҳиҳи: *Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф*

Мусахҳиҳалар: *Барно Саидрахмон, Нодира Охунжонова*

**Нашр лицензияси АI № 204, 28.08.2011 йил.**

Босишга рухсат этилди 15.03.2013. Бичими 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>.  
Балтика гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 21,0.  
Нашриёт-ҳисоб табоғи 17,96. Адади 8000 нусха.  
Буюртма № 20. Баҳоси келишилган нарҳда.

**«Hilol-Nashr» нашриёт-матбааси**  
100011, Тошкент шаҳри, Сўғали ота, 5  
Тел. (99871) 2175999, факс (99871) 2175478  
e-mail: hilolnashr@islom.uz

الشيخ محمد الصادق محمد يوسف

# فا سألوا أهل الذكر



١



ISBN 978-9943-4095-7-6



9 789943 409576